ISSN 2181-8738

# ВОДИЙНОМА

ИЮЛ-СЕНТЯБРЬ
2016 ЙИЛ №1

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал



**«ВОДИЙНОМА»**
ижтимоий-тарихий,
илмий ва оммабоп журнал.

**Муассис:** «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди.

**Бош муҳаррир:**
Рустамбек Шамсутдинов
**Таҳрир ҳайъати:**
Мирсодиқ Исҳоқов
Муҳаммаджон Исомиддинов
Ташманбет Кененсариев
Бахтиёр Расулов
Маъмуржон Саидхонов
Поён Равшанов
Турсунбой Файзуллаев
Юсуфжон Аҳмадалиев
**Масъул котиб:**
Музробжон Абдуллаев
**Муҳаррир:**
Ҳалимжон Каримов
**Теҳник муҳаррир:**
Аҳрорбек Отахонов

**Жамоатчилик кенгаши:**
Дилмурод Қуронов
Боқижон Матбобоев
Маҳмуд Хасанов
Сойибжон Хошимов
Ўктам Убайдуллаев
Эргаш Юсупов
Мансур Хўжаев
Абдуҳалим Эргашев

Андижон вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2016 йил 18 майда № 04-049 рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал бир йилда 4 марта чоп этилади.

**Нашр учун масъул:**
Р.Т.Шамсутдинов

Босишга рухсат этилди: 15.07.2016
Қоғоз бичими 60x84 1/8
Босма табоғи: 13,5
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 500 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №: 70

Муқова дизайни ва оригинал макет «Akademnashr NNM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Print Line Group» ХК матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси 44-уй.

# МУНДАРИЖА

**ТАРИХ МЕТОДОЛОГИЯСИ**
**Мирсодиқ Исҳоқов**
Тарих тадқиқотлари методи ва методологияси ҳақида айрим мулоҳазалар......10

**ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК**
**Зуҳриддин Алимов**
Абу Саъад Абдул Карим Ибн Муҳаммад Ас-Самъонийнинг «Ал-мунтахаб мин муъжам аш-шуйух» асари Фарғона водийси тарихи ва тарихий географияси манбаси сифатида......16
**Маъмуржон Саидхонов, Абдуҳалим Эргашев**
Жой номлари – тарихимизнинг бир парчаси......19

**ҚАДИМГИ ДАВР**
**Муҳаммаджон Исомиддинов, Саодат Мирсоатова**
«Фарғона одами» ва антропогенез жараёни......23
**Бахтиёр Абдуллаев**
Қўштепа тадқиқотларининг асосий натижалари......27
**Аблат Хўжаев**
Уйғур этнонимининг этимологияси масаласига доир......31
**Абдулҳамид Анорбоев**
Қадимги Фарғона давлати ва унинг пойтахти тарихидан лавҳалар......36

**ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ**
**Сирожиддин ўғли Шамсуддин Камолиддин**
Сомонийларнинг Фарғона водийсидаги аждодлари ......42
**Бахром Хайназаров**
Фарғона водийсига уйғурларнинг кўчиб келиши тарихидан......45

**РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ**
**Рустамбек Шамсутдинов, Элёрбек Холмирзаев**
Фарғона округидан қулоққа тортилиб, қатағон қилинган деҳқонлар......49

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ**
**Бахтиёр Расулов**
Мустақиллик йилларида илм-фан ривожи (Андижон вилояти мисолида)......55

**ТАРИХИЙ ШАХСЛАР**
**Ташманбет Кененсариев**
Қурмонжон додхоҳ феномени......58
**Наим Каримов**
Фарғона жадидларининг сарвари......63

**БУЮК МУАРРИХЛАР**
**Акмал Саидов**
Биокимё соҳасидан – темуршунослик сари......66

**ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР**
Туркистон миллий арбобларининг қисмати......75
Хамза Ҳакимзоданинг фожиасига оид ҳужжатлар гувоҳлиги......78
Мусулмон мадрасалари совет куч ишлатиш органлари нигоҳида......88

**ЭСДАЛИКЛАР, РИВОЯТЛАР ВА ЁЗИШМАЛАР**
Отрывки из воспоминании Гафура Хайдарова......90
**Кимёхон Ашурова**
Мудҳиш хотиралардан бир лавҳа......92
**Андрей Владимирович Трубецкой**
Андижондан хотиралар......94

**ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ**
**Музробжон Абдуллаев, Соибжон Хошимов**
Алимқули ҳақидаги янги китоб тўғрисида мулоҳазалар......106

# Тарихий меросимизнинг яна бир кўзгуси



**АКМАЛ САИДОВ**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани жуда муҳимдир. Зеро, демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, юртдошларимизнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда ана шу институтларнинг ўрни ва аҳамияти чиндан ҳам беқиёс ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 430 тадан ортиқни ташкил этмоқда.[1] Ушбу оммавий ахборот воситалари орасида 300 тадан зиёди журналлардир.[2]

Маълумки, ахборотни танлаш, таҳлил этиш ва баҳолашнинг асосий воситаларидан бири бўлмиш журналлар дастлаб Францияда нашр этила бошланган. «Журнал» («journal») сўзининг француз тилидаги луғавий маъноси «кундалик дафтар» деган тушунчани англатади. Инглиз тилидаги «Magazine», французча «Revue», немисча «Zeischrift», испанча «Relista» сўзлари ҳам журнал маъносида қўлланилади.

Босма даврий нашрларнинг ушбу тури газеталар каби жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилиши билан бир қаторда, омма ижтимоий онгига муайян ғоя ва қадриятларни сингдиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бунда журналларнинг даврийлиги билан боғлиқ ўзига хослик катта роль ўйнайди. Яъни, одатда ҳафтада, ўн кунда, икки ҳафтада, ойда, икки ойда, ҳар уч ойда, ярим йилда бир марта нашр қилинадиган журналларда турмуш воқеаларини нисбатан батафсил ва чуқур таҳлил қилиш имкони мавжуд.

Собиқ шўролар замонида юртимизда чоп этилган газета ва журналлар фаолияти ўша давр тузуми кўзлаган сиёсий ва мафкуравий мақсадларга бўйсундирилгани сир эмас. Истиқлол йилларида бошқа оммавий ахборот воситалари қатори журналларнинг ҳам Конституциямиз ва қонунларимиз асосида эркин фаолият юри-

[1] **Каримов И.А.** Эришилган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислоҳотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. Т.23. – Т.: «Ўзбекистон», 2015. – 395-бет.
[2] Қаранг: На медиа-рынке Узбекистана действует свыше 1430 СМИ /13.01.2016 15:22:46 • «UzReport».

тиши таъминланди. Зеро, Асосий Қонунимизнинг 67-моддасида белгиланганидек, «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди».

Агар 1975 йилда Ўзбекистонда жами 134 номда журналлар чоп этилган бўлса , бугунги кунда уларнинг сони, юқорида қайд этганимиздек, қарийб 2,5 баробар кўпайди. Қолаверса, ўтган даврда журналлар шакл-қиёфаси ва мазмун-мундарижаси ҳам давр талаблари асосида тубдан ўзгарди.

Бу борадаги ижобий натижаларга 1991 йили мамлакатимизда давлат мустақиллиги эълон қилингач, кенг оммага мўлжалланган «Шарқ юлдузи», «Саодат», «Ёшлик», «Муштум» каби журналлар фаолиятининг қайта ташкил этилиши ва «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти», «Маънавий ҳаёт» сингари янги журналлар чиқа бошлагани каби омиллар ҳисобига эришилди, албатта.

Истиқлол йилларида жамиятимизда янги ижтимоий муносабатларни шакллантиришда, миллий онгни ўстиришда, ҳеч шубҳасиз, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва адабий-бадиий журналлар етакчилик қилмоқда. Айни вақтда юртимизда муайян соҳаларга ихтисослашган, хусусан, бозор иқтисодиёти муносабатларининг маълум бир қирраларини акс эттирувчи махсус журналлар мунтазам чиқиб турибди. Айниқса, юртимизда илмий журналларнинг кенг тармоғи мавжуд экани таҳсинга лойиқдир.

Кейинги йилларда бу борада яна бир ибратли анъана баралла бўй кўрсатмоқда. Яъни, дизайни чиройли ва замонавий, мазмуни эса қизиқарли бўлган журналлар эндиликда нафақат пойтахтимизда, балки вилоятлар марказларида ҳам чоп этилаётгани ғоятда қувонарлидир. Бу ҳақда сўз борганда, хусусан, Амир Темур халқаро жамғармаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлимлари ташаббуси билан 2010 йилда Қарши шаҳрида таниқли шоир, марҳум Исмоил Тўхтамишев бош муҳаррирлигида «Соҳибқирон юлдузи» адабий-бадиий ва ижтимоий-маърифий журнали таъсис этилганини таъкидлаш лозим.

«Соҳибқирон юлдузи» журнали ўтган қисқа даврда нафақат Қашқа воҳасида, балки бутун мамлакатимизда довруғ қозониб улгурди. Улуғ аждодимиз номи билан аталувчи бу даврий нашр айни пайтда халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзи бўлган Амир Темур бобомиз ҳаёти ва жасоратини янада чуқуррроқ англашда, фарзандларимизни мустақиллик ғоялари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кези келганда, ушбу қутлуғ номдаги журнал нафақат Ўзбекистонда, балки дунёда ягона эканини қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Айни чоғда, Андижон шаҳрида тарихий меросимизни холис ёритиш ҳамда кенг тарғиб ва ташвиқ этишга хизмат қиладиган яна бир даврий нашр – «Водийнома» ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнали чоп этила бошлангани маънавий ҳаётимизда ниҳоятда муҳим воқеа эканини қайд этиш бизга чексиз мамнуният бағишлайди.

Янги даврий нашр бош муҳаррири – тарих фанлари доктори, профессор Рустам Шамсутдинов, шунингдек, таҳририят ҳайъати аъзоларидан – Мирсодиқ Исҳоқов, Турсунбой Файзуллаев, Поён Равшанов сингари таниқли олимлар билан узоқ йиллардан буён ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик қилиб келамиз. Ана шу амалий ҳамкорлигимиз самараларига таянган ҳолда, «Мерос» илмий-амалий халқаро экспедиция жамоат фонди муассислигида ташкил этилган янги журнал жамиятимиз учун том маънода манфаатли нашр сифатида ном қозонишига ишонаман.

Ва, албатта, журнал қисқа вақт ичида ўзининг кўп сонли мухлисларини топа олишига аминман. Ҳамкасбларимга зиёкорликнинг бу эзгу йўлида толмас куч-қувват ва шижоат, илм ва ижод завқи, омад ҳамда мустаҳкам сиҳат-саломатлик ҳамиша ёр бўлишини тилаб қоламан.

Умидим шуки, эл-юртимизга азалий хос бўлган одамийлик, инсонни қадрлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олийжаноб қадриятлар, холислик, халқпарварлик ва ватанпарварлик каби юксак тамойиллар «Водийнома» журнали қаламкашлари учун ҳеч қачон аҳамияти ҳамда қадрини йўқотмайдиган бош мавзулар бўлиб қолади. Чунки, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **«маънавиятни асраш – аввало инсонийликни, инсоннинг ўзини асраш демакдир».**[5]

[3] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2014. – 22-бет.
[4] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси: Ж ҳарфи. – Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси». – 221-бет // www.ziyouz.com kutubxonasi.
[5] Каримов И.А. Эришилган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислоҳотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. Т.23. – Т.: «Ўзбекистон», 2015. – 400-бет.



### НАИМ КАРИМОВ

ЎзФА «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи, «Шаҳидлар хотираси жамоат фонди» катта илмий ходими, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, ф.и.н, профессор

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишга шундай катта эътибор берилди ва берилмоқдаки, ҳозир қайси илмий ва илмий-оммабоп нашрни варақласангиз, нигоҳингиз ўзбек халқи ва маданияти тарихининг шу вақтгача ўрганилмаган ва номаълум бўлиб келган саҳифаларига тушади. Агар маданий меросни ўрганиш ишлари мамлакатимизда давлат сиёсатнинг муҳим ва таркибий қисмига айланмаганида миллий тарихимизга бўлган қизиқиш ва эътибор шунчалик қувонарли самараларни бермаган бўларди.

Камина Фарғона водийсида мамлакатимиз ва халқимиз тарихининг номаълум саҳифалари ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Водийнома» илмий-тарихий журналининг нашр этила бошлашини чин қалбдан табриклайман. Шу хайрли ишнинг ташаббускори бўлган, тиниб-тинчимас тарихчи олим Рустамбек Шамсутдинов ва унинг маслакдош дўстларига катта муваффақиятлар тилайман

Оқ йўл сенга, «Водийнома»! Журналлар денгизи бўйлаб бошлаётган сафаринг хайрли бўлсин!



### НУРИДДИН ХОЛИҚНАЗАРОВ

Ўзбекистон Республикаси Мусулмонлар Идораси Андижон вилояти вакили, вилоят бош имом-хатиби

«Тарих» сўзи асли арабча бўлиб, «ўтмишдаги воқеалар ҳақида аниқ ҳикоя қилиш» маъносида ишлатилади. Тарих фани – аниқ тарихий давр, макон, замон ва географик чегаралар, маълум бир халқ, миллат, диний қарашлар, мамлакат тарихи билан боғлиқ бўлиб, шулар доирасидаги воқеа ва ҳодисаларни яхлитликда ўз ичига олади.



### ШУҲРАТ РИЗАЕВ

«Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, филология фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистоннинг тарихи қадимий – қўҳна эканлиги барчамизга яхши маълум. Заминимизда яшаган халқларнинг ниҳоятда мураккаб тақдир йўллари бор.

Тарих фани аниқ ёзма манбаларга асосланади. Ислом дини тарих фанининг асосчисидир. Чунки мўътабар саналган барча илоҳий китобларда, албатта, ўтмишдаги халқлар ва уларга юборилган пайғамбарлар ҳақида ривоятлар келган. Жумладан, муқаддас Қуръони карим китоби мазмун жиҳатидан уч қисмга бўлинади. Тавҳид, қисос (қиссалар, ривоятлар) ва аҳком (ҳукмлар). Энг қадимий манбага – маълумотларга эга ҳисобланган китоб бу Қуръондир. Чунки тарих инсоният ўтмишини ўрганар экан, Қуръон инсоннинг оламга келишидан тортиб, ер юзида яшаб ўтган бир қанча қавмлар ва халқлар ҳақида баён қилган. Жумладан, Қуръони каримда бир қанча халқлар ва қавмларни баён қилиш билан бирга инсоният яратилганидан буён ер юзига юборилган, биздан бир неча минг йиллар илгари яшаб ўтган 25 нафар пайғамбарлар ҳақида баён қилингандир. Демак, Ислом дини, Қуръони карим инсонларни ибрат олишлари учун тарихни ўрганишни тарғиб қилади.

Ислом дини таълимотига кўра, мозийда бўлган нарсаларни ўрганиш ва улардан ибрат олиш керак. Мисол учун ислом олимларнинг фикрига кўра, ҳар бир мусулмон қуйидаги тўрт нарсанинг тарихини билмоғи лозимдир: 1.Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом тарихлари. 2. Қуръони карим тарихи. 3. Ислом дини тарихи. 4. Каъбатуллоҳ тарихи.

Бундан шу хулосага келинадики, Ислом динини ўрганиш учун, албатта, тарих илмига мурожаат қилиниши лозимдир.

Шунингдек, Ислом динининг асосий манбаларидан бўлган Ҳадис илми ҳам бевосита тарих билан боғлиқдир. Зеро, Ҳадис илмида «Иснод» деб аталган атама ишлатилиб, у бирор бир Ҳадисни Пайғамбаримизга қадар ривоят қилгувчиларнинг силсиласини англатади. Ҳадиснинг қувватини айнан тарих билан боғлиқ бўлган ҳадиснинг исноди белгилаб беради.

Демак, инсоният тарих илмисиз муваффақиятга эриша олмайди. Чунки тарих ўтмишда инсоният қўлга киритган ютуқлар ва йўл қўйган камчиликларни баён қилиб, уни ўрганган инсон учун ибрат манбаи ҳисобланади. Зеро, муҳтарам юртбошимиз «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деганлар.

«Водийнома» илмий, тарихий, маърифий журналини ташкиллашдек бошланаётган хайрли иш бизни инсоният тарихини ўрганиш билан бирга Ватанимиз ва унда яшаб ўтган алломалар, файласуфлар, арбоблар ва саркардалар каби юрт равнақига хизмат қилган тарихий шахсларнинг ҳаётлари ва илмий меросларини ўрганиш бахтига муяссар этади ва бу билан биз тарихни ўрганишдаги фарзандлик бурчимизни ҳам адо этган бўламиз. Зеро, Ватанини, ўз аждодларини ва халқининг тарихини билиш ўзини шу юрт фарзандиман, деб билган ҳар бир юртдошимизнинг фарзандлик бурчидир.

Гоҳо шонли, гоҳи фожеий кечмишлар бу юртнинг кўҳна тарихини шунчалар бой, мураккаб, ниҳоятда кенг қамров ва мазмунли соҳа эканини кўрсатади. Мазкур тарихни билмай туриб, ҳеч қачон маънавиятли инсон бўла олмаслигимиз ҳам барчага аён ҳақиқат.

Истиқлолимизнинг илк кунларидан Юртбошимиз ўзимизни топиш, ўзлигимизни англаш учун тарихни билиш бош омил эканлигини таъкидлаб келадилар. Кейинчалик тарихчи олимлар билан учрашиб, қилинган тарихий суҳбат – «Тарихий хотирасиз – келажак йўқ» номли концептуал маъруза учун асос бўлганлигини яхши биламиз.

Ўтган чорак аср давомида муаррихларимиз саъй-ҳаракат кўрсатиб, юртимиз тарихининг барча қатламларига кириб ўргандилар. Юзлаб қимматли манбалар нашр қилинди, фундаментал тадқиқотлар амалга оширилди. Ана шу ишларда водий тарихчиларининг ҳам жуда катта ҳиссаси бор. Айниқса, водий тарихчиларининг сарвари профессор Рустамбек Шамсутдинов тўлақонли бир тадқиқот институти амалга ошириши мумкин бўлган юмушни ўз елкасига олиб, шогирдлари билан ХХ аср қатағон даврининг ниҳоятда залворли манзарасини яратди. Эндиликда тўпланган ва илмий идрок этилган тарихни янада мукаммал ҳолда ўқувчига етказиш мақсадида атоқли олимимиз бош бўлиб, «Мерос» илмий амалий халқаро экпедиция жамоат фонди муассислигидаги «Водийнома» номли ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал чоп этишга ташаббус кўрсатибдилар. Журнал «Водийнома» деб номлангани билан бу фақат Фарғона водийси тарихининг ҳудудлари билан чекланмайди. Журнал таҳрир ҳайъатида Тошкенту Қирғизистон, Қашқадарёю Самарқанд олимларининг ва бошқа вилоятларда фаолият юритаётган олимларнинг борлигининг ўзиёқ нашр қамров доирасининг кўламини намойиш этади. Зеро, жаҳон маданий тарихида илк одам – «Фергантроп» номи билан шуҳрат топган миллион йиллик замон ўлчамидаги тарихнинг ўзиёқ неча-неча журналлар ташкил қилишга изн беради. Гарчи шундай бўлса ҳам «Водийнома» ҳайъати ўнлаб бир-биридан қизиқарли рукнлар таклиф этиб, аввало, бутун Ўзбекистон, қолаверса, бутун жаҳон тарихини ўрганиш ва оммалаштиришни кўзлаб турибди. Бу айтишгагина осон иш. Амалда эса ўзига хос жасорат. Не ажабки, ёнимизда қаторларимизда шундай жасоратли инсонлар бизга замондош. Шоён қутлуғ ташаббус барчамизга муборак бўлсин.

# ОҚ ЙЎЛ ВА ПАРВОЗ СЕНГА «ВОДИЙНОМА»



**СУЛАЙМОН ИНОЯТОВ**
Навоий давлат педагогика институти профессори, тарих фанлари доктори

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида Республикамизнинг қадимий ва ҳамиша навқирон гўшаларидан бири Фарғона водийсининг зиёлилари ташаббуси билан ташкил этилган «Водийнома» журнали катта тарихий аҳамиятга молик ҳодисадир. Чунки Фарғона водийси Инсоният цивилизациясига асрлар давомида ўз ҳиссасини қўшган ва тарихда из қолдирган олиму уламолар, фан фидойиларининг беназир Ватанидир. Аҳмад ал–Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Чўлпон кабилар шу муқаддас тупроқ фарзандларидир.

Ана шундай минглаб алломаларга бешик бўлган замин тарихининг ўқилмаган ва бугун кўпчилик орзиқиб кутаётган тарихий жараёнларини кенг халқ оммасига, айниқса, бугун ўсиб келаётган авлодга етказишда «Водийнома» алоҳида хизмат кўрсатишига ишончимиз комил.

«Водийнома» журнали нафақат Фарғона водийси, балки бутун Республикамизнинг водий билан асрлар давомида ҳамкорлик тарихининг турли қирраларини янги-янги илмий тадқиқотлар асосида очиб беришига ишонамиз.

Ўзбекистон энг янги тарихи илмий семинарининг раҳбари, «Мерос» илмий-амалий халқаро экспедицияси хайрия жамғармаси раиси, Андижоннинг қадимги давридан ҳозирги кунгача тарихини яратиш ва тарғиб этиш маркази раҳбари, Республикамизда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Темирович Шамсутдинов ва қатор водийлик зиёлилар томонидан ташкил этилган бу журнал Мустақил Ўзбекистонимиз фани, маданияти ва маънавиятини янада юксакликларга кўтаришда алоҳида хизмат қилади деган ниятдамиз.

Ватан тарихини, аждодлар меросини, бугунги ҳаётимизни, истиқболли нурли келажагимизнинг илмий-маърифий эзгу уфқларини ўрганишга Сенга оқ йўл ва парвоз тилайман, «Водийнома»!

# МУҚАДДИМА

**Қадимги греклар қайғу, дард-алам енгилганларникидир, мағлуб бўлганлар ғам-ғуссада қолишининг ўзи кифоя қилмайди, улар қирғин қилинади, ёки қулга айлантирилади, ғолиблар эса зафарли урушлар тарихини битадилар, ўтмишни, хотирани ҳам эгаллаб оладилар, деб айтганлари тарихдан маълум.**

Ўрта асрнинг буюк испан ёзувчиси Мигель Де Сервантес ҳам ўз замонаси тарихчиларидан фарёд чекиб «каллоб тарихчиларни сохта пул ясовчилардек қатл этиш керак» деб ёзган. Худди шундай аҳволни Ўзбекистоннинг қарийб 130-140 йиллик даври — подшо Россияси, совет империяси мустамлакачилиги давридаги тарихида яққол кўрамиз. Мустабид замондаги тарихимиз бошдан оёқ бузилган, сохталаштирилган, маломат ва бўҳтонлар қуршовида қолган эди. Ватан тарихининг тақдири, жилови ана шу ҳукмдорлар салтанати қўлида эди. Улар тарихимизни ўз манфаатлари доирасида талқин этардилар. Халқнинг ўзи мазлум бўлгани каби унинг тарихи ҳам мазлум эди. Чин тарихни битиш тақиқланганди. Тарихимизда адолатни ўрнатиш учун қилинган ҳар қандай саъй-ҳаракатлар таъқиб остида бўлган, муаллифларга нисбатан жабр-зулм ўтказилган. Буюк қирғиз адиби Чингиз Айтматов ҳам «Кўп нарса тақиқланганди, кўп нарса бир ёқлама талқин қилинарди»[1] деб ёзган.

Ўзбекистон Республикасига биринчи раҳбар бўлиб келган куннинг эртасигаёқ Ислом Каримовни «Фарғона водийси областларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалалари»га бағишланган Кенгашда сўзлаган нутқи «Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди» деган ном билан аталиши бежиз эмас эди [2]. Шу вақтдан жамиятда, ҳаётда ҳақиқатни, адолатни ўрнатиш учун тарихимизда ҳақиқат, адолат ўрнатиш сари катта қадамлар ташланди. Бузилган, ёлғон тарихимизни қайтадан битиш, ҳимоялаш, ўз жойига қўйиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ислом Каримов XX асрнинг 1917 йилидан бошлаб ёзилган тарих китоблари ёлғон ғоялар асосида яратилганини таъкидлаб, бу сохта тарих бамисоли оғу каби инсонни заҳарлаётгани, унинг онгу дунёқарашини чалғитаётганини кўрсатиб, куюнчаклик билан: «...халқимиз кечаги тарихимизда қандай оғир кунларни кўрганини ёшларимизга ким тушунтириб беради? Агар бу ҳақиқатни болаларимизга биз етказмасак ким етказади?»[3] деб тарихчиларга мурожаат қилди. Президентимиз ҳар доим мустабид совет тузуми, ўша замонда халқимиз бошидан кечирган кунлар ҳақида кўпроқ ёзинглар, деб тарихчи ва ёзувчиларимиздан илтимос қилгани барча-барчамизга маълум. Мустабид замонни ёшларимиз билиши учун бизга кўпроқ китоблар, дарсликлар зарурлигини кўрсатиб, Ислом Каримов тарихни ёзишда ҳеч қачон ўнг томонга ҳам, чап томонга ҳам оғмасдан, фақат ҳақиқат ва адо-

**Андижон тупроғида неча асрлик маданият ва тараққиёт намуналарини ўз бағрида асраб келаётган Далварзинтепа ва Эйлатон, Мингтепа ва Шўрабашод каби тарихий жойлар, кўҳна ёдгорликларнинг борлиги бу заминнинг юртимиздаги цивилизация бешикларидан бири бўлганини эслатади.**

лат нуқтаи назаридан йўл тутилиши кераклигини уқтириб келмоқда. Тарихимиз сабоқларининг шу бугунги вазифаларимизни бажариш ишида ҳам асқотмоқда. Бу соҳада давлатимиз ва ҳукуматимизнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Юртбошининг илгари сурган методологик, концептуал ғоялари, кўрсатмалари, вазифалари асосида ватан тарихини қайтадан яратиш ва тарихчиларнинг янги авлодини тарбиялаб, вояга етказишда катта ютуқларга эришилди.

Ўрта Осиёнинг инжуси ҳисобланган Фарғона водийси қадимдан инсоният цивилизацияси бешикларидан биридир. Бунинг ёрқин исботи ҳозирда жаҳон илми эътироф этган қадимий ва афсонавий Фарғона водийсининг Сўх ҳудуди юқори қисмидаги Селунгур ғоридан топилган илк одамларнинг аждоди «Хомо Эрекус» одамининг маҳаллий Осиёга хос тури топилганлиги ва бу топилма фанда «Ферганթроп» («Фарғона одами») номи билан аталишидир. Бу одамнинг бундан 1-1,2 млн. йил илгари яшаган-

---

[1] **Чингиз Айтматов.** Қиссалар. Юзма-юз, Жамила, Сарвқомат дилбарим, Биринчи муаллим, Сомон йўли, Бўтакўз, Алвидо, Гулсара, Кема, Эрта қайтган турналар, Соҳил бўйлаб чопаётган олапар. «Sharq» нашриёти. 2016. 22 бет.

[2] **Каримов Ислом.** Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Ўзбекистон. Тошкент. 2011. 32-45-бетлар

[3] **Каримов Ислом.** Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги кўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Ўзбекистон. Тошкент. 2015. 111-112 бетлар Шарқ





Андижондаги Собиқ Николай, Ленин,
ҳозирда Истиқлол кўчаси

лиги олимлар томонидан аниқланган. Президентимиз Ислом Каримов водий шаҳарларидан Андижоннинг ўтмишини шундай ифодалади: «Андижон тупроғида неча асрлик маданият ва тараққиёт намуналарини ўз бағрида асраб келаётган Далварзинтепа ва Эйлатон, Мингтепа ва Шўрабашод каби тарихий жойлар, кўҳна ёдгорликларнинг борлиги бу заминнинг юртимиздаги цивилизация бешикларидан бири бўлганини эслатади». Яқинда Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Қорасув массивидаги Қўштепа ёдгорлигидан палеолит даврига оид чақмоқтош (кремний) бўлаги топилгани натижасида олимлар бундан 40 минг йил аввал ҳам бу ҳудудда илк замонавий типдаги одамлар яшаганлигини исботламоқдалар.

**...она-юртимиз, барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётганини, шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантираётгани...**

Водий қадим замонлардан Шарқ ва Ғарбнинг турли минтақаларини боғлаб турувчи кўприги бўлган ажойиб, мафтункор диёрдир. Бу замин ҳудудидан ўтган Буюк Ипак йўли турли халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги халқаро алоқаларда муҳим ўрин тутган. Таниқли рус тарихчиси, Ўрта Осиёнинг босиб олиниши тарихининг муаллифи генерал М.А.Терентьев бу водийни Европадан Хитой ва Ҳиндистонга ўтадиган бирдан-бир йўл, чорраҳа, деб айтгани ҳам бежиз эмас. Ҳозирда ҳам Марказий Осиёда аҳоли энг зич жойлашган бу минтақанинг халқаро ҳаётдаги ўрни ва роли каттадир. Маъмурий жиҳатдан Фарғона водийси ҳудудининг 60 фоизи Ўзбекистонга, 25 фоизи Тожикистонга ва 15 фоизи Қирғизистонга қарашли. Андижон вилоятида 2,3 млн. Фарғона вилоятида 2,8 млн. Наманган вилоятида 2,2 млн. Боткент областида 0,4 млн. Ўш областида 1,2 млн. Жалолобод областида 0,9 млн. ва Сўғд вилоятида 1,8 млн киши яшамоқда. Бу заминдан жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган кўплаб дунёвий, диний олимлар, давлат, фан ва маданият арбоблари етишиб чиққан. Узоқ тарихини ўзи билан етаклаб келаётган, ҳали ҳанузгача дунё аҳлини мафтун этаётган Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлардаги дунёвий, тарихий, миллий меъморчилик обидалар, иншоотлар Фарғона водийси шаҳарларида ҳам XV-XIX асрларда бунёд этилган. Аммо уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири табиий ва антропоген таъсирлар, хусусан, даҳшатли зилзилалар бўлган. Биринчи зилзила 1620-1621 йиллар, иккинчи зилзила 1823 йилда ва учинчиси 1902 йил 3 декабрда бўлган. Андижондаги 1902 йилги зилзилада уч мингдан ортиқ уй бинолар таг-туги билан қулаб тушган, 5 мингга яқин одамлар ўлган, ўн минглаб одамлар қиш ўртасида кўчада қолган. 1924 йил 6 ва 12 июлда водийнинг Ўзган шахри атрофидаги кучли зилзила Ўзган, Ясси ва Андижон шаҳарлари ва атрофдаги қишлоқларга катта талофат етказди, 2000 га яқин бинолар яксон бўлган, 950 тасига катта шикаст етган. Мана энди қутлуғ мустақиллигимизнинг 25 йиллик даври мобайнида бутун Ўзбекистон каби водийнинг қадимий ва ҳамиша навқирон Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари шаҳар ва туманларида халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати, ҳиммати ва шижоати билан яратилган

иншоотлар барча-барчани, ҳатто хорижликларни ҳам ҳайратга солмоқда. «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида алоҳида таъкидланганидек ўтган чорак аср даврда халқимизнинг буюк бунёдкорлик фаолияти туфайли «она-юртимиз, барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётганини, шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантираётгани»ни[4] ҳар бир юрт фарзанди қалбан ҳис этиб, руҳан, маънан фахрланмоқда.

Мустақиллик йилларида совет мустамлакачилиги тарихининг оғриқли саҳифалари — коллективлаштириш, қулоққа тортиш, деҳқонларни сургун қилиш, 1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағон ва унинг оқибатларини акс эттирувчи ҳужжат ва материаллар эълон қилинди. Шунингдек, «ўзбеклар иши», «пахта иши» номи остида советларнинг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари ҳақида ҳам тадқиқотлар юзага келди. Олий ўқув юртлари учун, лицей ва коллежлар учун Ўзбекистон тарихидан қўлланмалар яратилди. Лекин мазкур мавзуларда ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар бор. Улардан бири Ўзбекистоннинг минтақалари, шаҳар ва қишлоқлари тарихини яратишнинг оғир кечаётганлигидадир. Жумладан, Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларининг қадимги даврдан шу кунимизгача бўлган тарихи тизимли тарзда яратилганича йўқ. Ваҳоланки, Ватанимиз тарихи Республикамиздаги шаҳарлар, қишлоқлардаги тарихий жараённи ҳам ўзида мужассамлаштиради, минтақалардаги ўзига хос хусусиятлар ҳам эътиборга олинади. Шунинг учун бўлса керак, Сурхон, Қашқадарё, Хоразм, Зарафшон воҳалари, Фарғона водийсидаги тарихий жараёнларни тадқиқ этиш учун тарихчиларнинг вақти-вақти билан илмий анжуманлари ўтказилмоқда, анжуманлар материаллари нашр этилмоқда. Ҳар қачонгидан ҳам ҳозирги кунда маҳаллий тарихга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бунинг ёрқин мисоли фақат 2012-2015 йилларда Андижонда, Наманганда, Фарғонада бир неча республика илмий анжуманларининг ўтказилиши ва анжуман материалларининг китоб ҳолида нашр этилишидир. Улардан 2012 йили Наманганда «Фарғона водийси тарихи муаммолари», 2014 йил 30 майдаги Фарғона шаҳрида III республика илмий анжумани «Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзуида, худди шу мавзуда 2015 йил Андижонда Республика илмий анжуманлари ўтказилди. Бу анжуманларда водий тарихига оид кўплаб илмий мақолалар эълон қилинди. Уларда тарих фанида эришилган айрим ютуқлар билан бир қаторда баъзи камчиликлар, нуқсонлар, ҳали тадқиқ этилиши лозим бўлган долзарб масалалар, амалга оширилишини талаб этаётган илмий-ташкилий муаммолар ҳам кўтарилди. Улардан бири водий тарихчиларининг илмий кенгашини ташкил этиш ва унинг фаолиятининг асосий вазифаси қилиб Фарғона водийси тарихини, унинг таркибидаги вилоятлар, шаҳарлар, қишлоқлар тарихини яратишдан иборатлиги кўрсатилди. Ҳаётнинг ўзи водий тарихини ўзида акс эттирувчи илмий-маърифий, оммабоп журнал бўлишлигини тақозо этаётган эди.

Маълумки, Андижон шаҳрида 2001 йил 21 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги рўйхатидан ўтган «Мерос» халқаро илмий-амалий жамоат фонди фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг зиммасига «чор Россияси ва совет мустамлакачилиги даври қурбонлари, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида қатағон қилинган, шаҳид кетган ватандошларимизнинг номини аниқлаш, чет эллардаги турли манбаларни излаб топиш ва ўрганиш учун илмий-амалий экспедициялар уюштириш, унинг материалларини китоблар, монографик тадқиқотлар, архив ҳужжатлари, эсдаликлар тўпламларини яратиш» вазифалари юклатилган эди. У самарали фаолият кўрсатиб, Республика ва хорижда ижобий баҳоланмоқда. «Мерос» халқаро илмий-амалий жамоат фонди муассислигида Андижонда «Водийнома» (Тарихий мерос) номли илмий-маърифий журнал ташкил этилди ва унинг 1-сони Сиз муҳтарам ўқувчиларга тақдим этилмоқда.

**...чор Россияси ва совет мустамлакачилиги даври қурбонлари, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида қатағон қилинган, шаҳид кетган ватандошларимизнинг номини аниқлаш, чет эллардаги турли манбаларни излаб топиш ва ўрганиш учун илмий-амалий экспедициялар уюштириш, унинг материалларини китоблар, монографик тадқиқотлар, архив ҳужжатлари, эсдаликлар тўпламларини яратиш...**

[4] «Ҳалқ сўзи». 2016 йил 3 июнь

# ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**МИРСОДИҚ ИСҲОҚОВ –**
Тошкент давлат шарқшунослик институти
МОХТ кафедраси профессори,
тарих фанлари доктори

XX аср охири – XXI аср бошида жаҳон миқёсида рўй берган ҳодисалар инсоният тарихига, қолаверса, СССР таркибидаги халқлар, жумладан, Ўрта Осиёдаги собиқ совет республикалари халқлари ўзларининг мустақил давлатчилигини тиклаган шароитда ҳар бир халқнинг ўз тарихига муносабати ҳам кескин ўзгарди. Шу жумладан, ўзбек халқининг совет давридаги носоғлом, бирёқлама мафкураси, «буюк миллатчилик» руҳи тазйиқи остида камситиб келинган ҳаққоний тарихини қайта тиклаш муаммоси ҳам долзарб масалага айланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг бевосита раҳнамолигида ишлаб чиқилган методологик тамойиллар асосида тарихимизни холисона ёритиш, таълим тизимининг барча бўғинларида ўқитиш, бир сўз билан айтганда, халқимизни ўз тарихи тўғрисидаги билим билан қуроллантириш ишининг давлатимиз назоратида экани муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарихни ўрганиш иши холис назарий асосларга эга бўлмаса, мураккаб ва чигал воқеа-ҳодисалар мажмуининг ички боғлиқлик қонуниятини англаш қийин бўлади. Чунки тарих – мисоли карвон. Унинг олдида, ўртасида ва охирида кечаётган воқеаларни карвон ортида бораётган йўловчидек тарихчи бир йўла англаб олиши қийин. Бас шундай экан, тарихчига ўзи бевосита гувоҳи бўлмаган, унга етиб келган маълумотларнинг эса ишончли эканига кафолат йўқ ҳолатда методологик тўғри йўлни белгилаш ўта масъул вазифага айланади. Ўз навбатида тарих тадқиқотлари методологияси назарий қарашлар таҳлилини, улар асосида оптимал ечимлар топишни талаб қилади. Зеро, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов айтганларидек, «Кечаги тарих биз учун ҳаёт мактаби, бамисоли тиниқ бир кўзгу, унга қараб сабоқ оламиз, хулоса чиқарамиз, келажак йўлини белгилаймиз». Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйида биз тарих фанининг ўзига хос назарий муаммолари ҳақида баъзи фикр-мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Тарихнинг фан сифатидаги асл мақсади ўтмишни билиш орқали бугунни идрок этиш ва келажакни ўтмиш ибратлари орқали яратиш йўлида билимларни татбиқ этишдир. Ўтмишга инсоният босиб ўтган йўлнинг тажрибалари, турли босқичларда эришилган ютуқлар ва йўқотишлар, яратувчиликнинг ижобий ва вайронкорликнинг салбий оқибатлари орқали баҳо бериш муҳимдир. Бир сўз билан айтганда, ўтмиш воқеа-ҳодисаларининг ўзаро муносабатлари, уларнинг ички ва ташқи боғлиқлик қонуниятлари, ривожланишнинг ҳар қандай бўҳронлардан қатъий назар доимий олға интилувчи хусусияти кабиларни очиб бериш тарихнинг мақомини алоҳида мавқега қўяди. Қолаверса, ижтимоий-иқтисодий бўҳронлар, сиёсий зиддиятлар, ҳатто, табиат инжиқликлари ва офатлари, уларнинг тарихий жараёнларга таъсири каби омилларни ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Булар бир томондан тарихнинг ижтимоий моҳиятидан келиб чиқса, иккинчи томондан, инсон яшаб турган муҳит билан ҳам боғлиқлиги демакдир.

Тарихни ўрганишда бир йўла барча воқеа-ҳодисаларни қамраб олиш қийин. Бироқ жаҳон миқёсида кечган кишилик тарихининг ранг-баранглиги бир қарашда тарихлар хилма-хиллиги бўлиб кўринади. Бироқ тараққиётнинг умумий ўлчовларида уларнинг қонуният асослари бир экани кўзга ташланади. Бунинг маъноси шуки, инсоният ибтидодан тараққиётнинг ҳозирги глобал цивилизацион босқичига томон ягона тадрижий йўлни босиб ўтмоқда. Аммо бунда ҳар бир халқ тарихи умумий карвоннинг бамисоли алоҳида туяларига ўхшайдики, унинг устларига ортилган юклари эса ҳар хил.

Ўтмиш воқеаларини сабаб, жараён ва оқибат тизимида қараш муҳимдир. Сабаб муайян шарт-шароит туфайли юзага келади ва ўзида бир қанча масалаларни бирлаштириши мумкин. Унинг моҳиятида воқеликнинг ички зиддиятлари, пишиб етилган ва ҳал қилиниши талаб этилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий заруратлар ётади. Бошқача айтганда, жамият тараққиётининг барча соҳаларида доимий жараёнларнинг миқдорий ўзгаришлари ўз қобиғига сиғмас даражага етгач, уларнинг юқори нуқтаси янги сифат ўзгаришларига олиб келади. Жамиятнинг янги сифат босқичига ўтиши эса текис ва бирданига ҳал бўладиган ҳодиса эмас. Ўтиш жараёни ўз навбатида, аксарият ҳолларда мавжуд сиёсий-маъмурий тузум, консерватив қарашлар ва бошқа омилларнинг қаршилигига дуч келади. Жуда бўлмаса,

аввалги ижтимоий-сиёсий, маъмурий, мафкуравий анъаналарнинг турли кўринишлари қолдиқларидан тараққиётнинг янги эпкинини ҳимоя қилиш зарурияти пайдо бўлади. Чунки янги туғилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, мафкуравий муносабатларнинг сифат ва мазмун янгиланиши бунга қадар амал қилиб келган манфаатлар тизими билан зиддиятли ҳолатга келади. Айни шундай вазиятда жамият ҳаётидаги миқдорий янгиланишларнинг туб сифат янгиланишига ўтиши учун пассионар вазият талаб қилинади. Бундай вазиятда кейинги тараққиёт учун зарур шарт-шароитларни белгилаб берувчи бош омил – жамиятнинг оптимал ривожланиш йўлини таъминловчи оқилиона бошқарув функцияси ишга тушмоғи зарур бўлади. Бу эса ўз навбатида ўтмишнинг илмий таҳлили, кишилик жамиятининг илғор тажрибаларини умумлаштириш, миллий андозалар орқали керагини ажртишни талаб қилади. Муҳими шуки, эртаги кунни кеча ва бугун орқали тўғри режалаштириш, жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини умуммиллий кўламда оқилона ҳисобга олиш, ижтимоий муросани таъминлаш тараққиётнинг асосий омили сифатида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Зеро, жамият ҳаётининг узлуксизлигини, ҳар бир босқичдаги рационал омилларнинг навбатдаги ўсиш босқичлари учун замин бўлиш хусусиятини, воқеа-ҳодисаларнинг ички боғлиқлик тизимини ҳисобга олиш, тўғри баҳолаш тарих фанининг асосий вазифаларидандир. Бу масала назарий жиҳатдан ҳар қандай тарихий тадқиқот учун зарур ва эьтиборда тутилиши лозим. Чунки ўтмишнинг бирор бўғини узилса, ўз тарихий баҳосини олмаса, тарихий жараённинг яхлитлиги бузилади, ўрганилаётган муаммонинг сабаб, жараён ва оқибат тизимига путур етади, холис ва тўғри хулосалар чиқариш имкони бўлмайди.

Тарихнинг амалда ишлатиладиган таърифлари қаторида энг аввал кўзга ташланадигани воқеот, яъни бўлиб ўтган ишлардан ҳикоя қилиб бериш, десак масалани соддалаштиргандек бўламиз. Лекин ўтмиш ҳақида айтилган ҳар бир гап бирор ҳодиса тафсилотидир. Хоҳ бу тафсилот воқеани аниқ ифодаласин, хоҳ бузиб кўрсатсин, бу икки қутб ўртасини муросага келтириш, ҳақиқатни аниқлаш тарих фанининг ижтимоий моҳиятини ва зарурлигини белгилайди.

Тарихнинг ўтмиш ҳақидаги гувоҳлик функцияси воқеа-ҳодисаларнинг мураккаб тугуни, тугунигина эмас, балки чигал калаваси ҳақида етарли тасаввур бермайди. Тарихни ўрганиш ана шу, бир қарашда ечиб бўлмас чигалликдан керакли воқеа-ҳодиса ипининг учини топиш ва ажрата билишдир. Бундан ташқари, шу воқеа ёки ҳодисанинг юзага келиш шарт-шароитлари, омиллари, унинг бўлиб ўтиши билан боғлиқ жараён икир-чикирларини ўз ўрнига қўйиш, ички боғлиқликни тизимли ҳолда тиклаш ва яхлит ҳолда талқин қилиш оқибатлари тараққиётнинг кейинги босқичларига кўрсатган таъсири каби кўламларда зарур билимлар мажмуига эришмоқ тарих учун асосий мақсаддир.

Тарихни билишда билиш субъекти тарихчининг воқеъликка муайян мақсадли маъно бериши (яъни концептуаллаштириш) юзасидан мулоҳазалари ва баҳолаш актларини истисно қилиш мумкин эмас. Чунки тарихчи ўзи ўрганаётган воқеа-ҳодисанинг бевосита гувоҳи эмас. Тарихий факт ҳақидаги манба, у ҳужжат ё бирор муаллифнинг асарими, ашёвий далилми ёки оғзаки хабарми – барчаси тарихчи учун аниқ маълумот кафолати эмас. Бас шундай экан, тарихчи мавжуд факт юзасидан ғарибона даражадаги кам маълумотлар заҳирасидан имкон қадар кенг ва тўғри хулосалар чиқаришга масъулдир. Тарихни билишдаги гносеологик ўлчамнинг муҳим қирраси тарихчининг воқеълик моҳиятига қанчалик тўғри кириб боришига боғлиқдир.

Тарих фактлари билиш объекти сифатида аксари ҳолларда узуқ-юлуқ ҳолда етиб келади. Уларни ички боғлиқлиги асосида «йиғиш», тартиб бериш, тарихий билиш мақсадига мувофиқ шаклга келтириш, ниҳоят фактлар тизими асосида концептуал талабга мос хулоса чиқариш тадқиқотни мақсадли актга айлантиради. Тарих эса, ўзининг соф объектив ўтмиш эканлиги туфайли чиқарилган ҳар қандай хулосадаги субъектив омилларни инкор этаверади. Хулосаларнинг тўғрилик даражаси қанчалик ишончли бўлса, бу айни чоқда тарихчининг мақсадга шунчалик яқинлигидир. Бироқ бу каби билиш ўлчамининг асосли эканини ким баҳолайди? Масала шунда. Чунки тарихий воқеълик концепт объект қилиб олингач, унга турли нуқтаи назардаги тарихчилар турлича хулосаларга келиши мумкин. Ҳақиқатни билиш учун масала ечимининг турли вариантларини қиёс қилиш босқичи ишга тушади, яъни тарихшунослик тадқиқотлари тарих сувратларини маҳражга келтиришга хизмат қилади. Аммо муаммонинг энг муҳим жиҳати ҳам шу ерда намоён бўлади. Гап шундаки, тарихчи ҳам, тарихшунос ҳам ўрганилаётган тарихий фактга нисбатан сиртдаги шахслар сифатида, биринчиси воқеъликнинг ўзи устида, иккинчиси биринчисининг фикрлаш тарзи, мақсади ва илмий натижалари устида фикр юритади, уларни баҳолайди, қиёслайди ва энг мақбул ечимни таклиф этади. Бироқ, бунда ҳар икки босқич тадқиқот учун ҳам тарихнинг реал фигуранти ва реал актанти, бошқача айтганда, воқеъликнинг ўзи ва унинг ижрочиси – мавҳумлик. Шунинг учун ҳам тарихчи учун фактологик материалнинг ишончлилиги, воқеълик унсурларининг ички боғлиқлиги сабаб кечим ва оқибат тизимининг динамик бутунлигига эришмоқ муҳимдир.

Тарихий факт ва унинг харакатлантирувчилари тарихчи учун мавҳум материал бўлгани ҳолда, воқеъликнинг шарт-шароитларини, унинг юзага келиш омилларини аниқлаш (балки тиклаш) тарихчи олдидаги доимий муаммодир. Бу мураккаб изланиш жараёни факт ва унинг

таркибини мантиқий бутунликка келтиришни, ўтмиш воқелигини (ёки айрим ҳодисани) муайян факт сифатида ички тизими билан бирга у билан боғлиқ бўлган жараёнга уйғун ҳолда талқин этиш тарихчининг касбий вазифасидир.

Тарих ўтмиш ҳақида ҳикоя дер эканмиз, бунинг илмий ва назарий моҳиятини белгиловчи бир қатор жиҳатларини фарқлашда ҳар бир жиҳатнинг мавжуд хусусиятларини, гарчи уларга эътибор лозим эмасдек кўринса ҳам, ҳисобга олмай иш юритиб бўлмайди. Бинобарин, тарих, биринчи галда ўтмиш, ўтган воқеа-ҳодисанинг айнан ўзи эмас, балки у ҳақдаги хабар, ҳикоя, ҳатто баъзан ривоятдир.

Ҳали ўз ўтмишини умумлаштириб, яхлит тасаввур қилишга қодир бўлмаган пайтларда Одамзот тарихни афсоналаштирган. Ўз насл-насаби, аждодлари ҳақидаги авлоддан авлодга хиралашиб боришга мойил хотираларни асотирлаштирган. Чунки воқелик инсон учун муайян жараённинг ривожида бир бўғин экани ҳали маълум эмас эди. Яъни у бўлиб ўтаётган воқеликда тараққиёт жараёни, қонуният борлигини англамас эди. Хусусан, воқелик инсон ва унинг ўзи мансуб бўлган жамият ижтимоий ҳаракатининг меваси экани тушунарли эмас эди. Демак, тарих шунчаки ҳикоя эмас, воқелик (воқеалар тизими), уларнинг ривожланиш жараёни, жараённинг юзага келиш шарт-шароитлари, сабаб, кечим, оқибат, ниҳоят, давомий ҳодисалар учун заминга айланиш хоссаларини ўз ичига олади. Бу эса, ўз навбатида диалектик қонуният демакдир. Тарихга шундай назар ташланса, умумтараққиёт кўламида инсоният тарихининг ялпи ижтимоий ҳаракат маъноси очилади. Инсоният тарихининг асосида айни ижтимоий ҳаракат ва унинг жаҳон миқёсида турли-туман маҳаллий ва хусусий кўринишлари ётади. Уларни тараққиёт қонунларининг умумийлиги бирлаштиради. Тарихчи учун хусусийликда умумийликни ва аксинча, умумийликда хусусийликни кўра билигш муҳимдир.

Воқеалар тизимининг ички динамикасини тўғри тушуниш айрим тарихий ҳодисани яхлит жараённинг бир бўлаги сифатида англаш имконини беради. Бу эса, жамият тараққиётининг умумий хусусиятларини билиш сари йўл очади. Бинобарин, жаҳоннинг турли минтақаларида ривожланишнинг турли босқичларида бўлишидан қатъий назар инсоният босиб ўтган ва ўтаётган мураккаб, бир қарашда бир-бирига ўхшамаган йўл моҳият эътибори билан ибтидодан умумбашарий цивилизация томон давомий хусусиятга эгалиги кундай равшан. Аммо бу ҳақиқатни тарихчилик кўзи билан назарий ва фалсафий умумлаштириш асрлар давомида хилма-хил, баъзан қарама-қаршидир.

Тарихни ўрганишда уни тушунишга қаратилган ҳаракатлар турлича бўлган. Бироқ буларнинг барчасини уч хусусият орқали изоҳлаш мумкин: 1. Тарих – бўлиб ўтган ҳодисанинг ўзи, соф объективлик эканини англашдан бошланмоғи лозим; 2. Тарих – ўтмиш ҳақидаги билимларнинг тасаввур орқали умумлашуви; 3. Ўтмишни муайян мақсад билан фикрий ўзлаштириш. Айни шу сўнгги позиция тарихнинг субъектив талқинига бош сабабчидир (бу ҳақда қуйироқда тўхтаймиз).

Саналган хусусиятларнинг биринчиси тарихий жараён (айрим олинган воқелиги билан бирга) уни ўрганувчи хоҳишидан холис, объективлик эканидир. Чунки ўтмиш биздан ҳоли. Уни ўрганиш учун қилинган барча ҳаракат ўтмишнинг мутлақ объективлиги олдида нисбий субъективликдир. Бу демак, тарихий факт билан тарихчи талқин қилган факт ўртасида узилиш борлигини ҳисобга олмоқ, имкон қадар бу узилишнинг орасини қисқартиришга ҳаракат қилмоқ лозим демакдир. Тарихни ўрганишда бош муаммо инсон билимининг нисбий чекланганлигига бориб тақалади. Ҳолбуки, тарих фанининг олий мақсади максимал даражада холислик ва ҳаққонийликдир.

Тарихга қарашлар турлича бўлиб келган ва уларнинг поғоналашган кетма-кетлигини қуйидагича кўрсатиш мумкин: тарих – ҳикоя (1), тарих – воқеъликнинг ўзи (2), тарих – жараён, воқеъликнинг вақтга ва маконга боғлиқ кўриниши (3), тарих – мавҳум тасаввурга доир ўтмиш (4), тарих – ижтимоий ҳаётнинг босқичлари (5), тарих – ўтмишни ўрганиш (6). Шу каби тизим асосида масалага ёндошилса, бу олти позициянинг моҳиятини икки нуқтаи назарда бирлаштириш мумкин:

1. 2-5 позициялар ўтмишни воқеа-ҳодисаларнинг жамланган кўринишида ассоциатив қабул қилиш демакдир. Бунинг маъноси, фактологик тарих ўтмишни объектив билиш учун замин эканидир. Бироқ ушбу фактологик объективликнинг талқини билан боғлиқ тақдири тарихчининг ўтмишни ўрганишдан мақсадига, унинг билими, иқтидори ва малакасигагина эмас, балки тарихнинг объективлигини ҳимоя қилишда унинг хулосасига таъсир этувчи социологик, сиёсий, мафкуравий талабларга қанчалик қарши тура билишига боғлиқ;

2. 1- ва 6- позициялар ўтмишни фикрий ўзлаштириш демакдир. Ўз навбатида бундай ёндашув тарихни ўрганишда субъективликка йўл очади. Натижада, тарих реалликдан узилган тасаввурий даражада талқин этилган бўлади.

1- ва 2- позициялар тарихий факт тарихчи қўлига тушганда асл моҳияти билан бир бўлишини, реал факт тарихчи хоҳишига кўра талқин қилинадиган фактга айланмаслигини таъминлашни тақозо этади. Бироқ, бу талаб орқали тарихий фактга ёндашув амалда фактларга субъектив ёндашувдан чўчишга, натижада, қуруқ фактлар билан ишлашга, фактографияга айланади. Ҳолбуки, ҳар бир тарихий факт ўз даври ҳақида муайян хулоса учун хизмат қилиши лозим. Шу сабабли тарихни фактларни кузатиш, уларни санаб кўрсатиш дражасида талқин этиш

тўғри эмас. Зеро, тарих фактлар устида холисона фикр юритиш туфайли мустақил фанга айланади.

Тарих фанида фактографик ёндашув бир жиҳати билан керак. Бу тадқиқот учун замин яратишда қўл келади. Манбаларнинг нашрлари каби йиғма фактлар, агар уларни тушуниш, зарур йўналишда улардан фойдаланиш юзасидан кўрсатмалар берилмаган бўлса, ўзига хос фактологик материалдир. Бироқ, ҳатто, оддий хрестоматия материалларининг ўзида ҳам уларга жалб этилган маълумотларнинг муаллифларига тегишли позицион қарашлар мавжудлигини ва бу билан ҳисоблашмаслик мумкин эмаслигини унутмаслик лозим. Бу ёзма маълумотлар ҳақида. Худди шу каби, археологик фактларни олиб кўрайлик. Уларнинг аксарияти мутахассисларнинг бирламчи талқинлари (ёки тахминлари) орқали фан доирасига киритилишига гувоҳ бўламиз. Бундай талқин ва тахминларда субъектив қарашларнинг чегарасини аниқлаш ўта мураккаб вазифадир. Борди-ю, археологик фактга айни шу факт доирасида тажрибада кузатилган ривожланиш ва таназзул тенденцияларини тизимли кузатиш орқали ёндошилса, муайян тарихий қонуниятнинг изига тушиш мумкин. Масалан, ибтидоий одам тошдан меҳнат қуроллари ясар экан, дунёнинг турли чеккаларида ишлов бериш технологияси умумий қонуниятларга бўйсуниши ҳайратланарли эмасми? Археологлар айни шу умумий қонуниятлар асосида тош қуролларининг типологик таснифини очишган. Муҳими шуки, археологик ёдгорликка уни ўрганишдан олдин тадқиқотчи истагидан келиб чиқувчи концепция юкини қўйиб бўлмайди. Худди шу каби ёзма ёдгорлик устида ишлаш ҳам ёдгорлик мазмунига исталган мақсадни сунъий юклашни кўтара олмайди. Бундай ҳолда тарихнинг объективлигига путур етади. Ўрганилаётган тадқиқот олдига қўйилган концепция тадқиқотчи истаган натижадан келиб чиқса, холисликка эришмоқдан умид йўқ. Тарих фактларининг «тили» бўлмаса-да, улар «қайсар» ва қонуният асосида таклқин этишни талаб қилаверади.

Тарихий фактларни ўрганишда объективлик талабининг биринчи муҳим шарти ўтмишга бугунги кўз билан қарашдан воз кечишдир. Иккинчи шарт тарихга турли методларни қўллашда инсоният ўтмишининг ижтимоий хоссасини эътиборга олиш зарурлигидир. Учинчи шарт фактларни саралаш ва умумлаштириш орқали тасниф қилинган фактларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш. Туртинчи шарт – тарихий объектга тадқиқотчи хоҳиши орқали киришдан тийилиш. Бешинчи шарт – тарихчининг мустақиллиги тамойили. Бу тамойилга кўра тарихчининг ўзи ўрганаётган фактни юзага келтирган вазиятга нисбатан бетараф гувоҳ бўлиб қолиши мумкин эмас, демакдир.

Аммо тарих фанининг амалий тажрибалари шуни кўрсатадики, тадқиқотчи ва тарихий факт муносабатлари турлича тушунилган ва бир қанча таърифлари бор. Жумладан, тарихчининг тўғридан тўғри вазифаси ўтмишнинг аниқ фактларини тиклаш, уларнинг моҳиятини очиш, фактларни шунчаки бетараф кузатиш(окуляризм) эмас, балки уларни тафаккур орқали борича ўзлаштириш ҳамда холисона хулосалар чиқаришдир.

Тарих тадқиқотларини мураккаблаштирувчи омиллардан яна бири ўтмишни ўрганиш олдига қўйилган концепт асос қанчалик тўғри белгиланишига боғлиқ. Анатоль Франснинг хавотирланиб ёзган «Тарих ёзиш фавқулодда мураккаб вазифаки, ҳеч қачон бўлиб ўтган воқеани аслидагидек билолмайсан. Ҳужжатлар қанчалик кўп бўлса, тарихчи учун янада қийинроқ. Зеро, ҳужжатлардан мақсад турлича, улар бир-бирига зид бўлади» каби сўзларида ҳам маълум мантиқ бор [1].

Тарихчи яшаб турган вақтнинг ўзида рўй бериб турган воқеа-ҳодисани бирдан тарих қилиб ёзиш қийин. Агар ёзилса, воқеанавислик сифатидаги баён ҳосил бўлади. Бу воқелик ички ва ташқи омилларидан келиб чиқувчи ҳамда муайян жараёндаги ўрни орқали тараққиёт ёки таназзулга сабаблиги жиҳатдан баҳолансагина маълум маънода тарихга айланади. Бунда воқеликка тарихчининг баҳоси муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бунда тарихчининг субъектив позицияси қанчалик ҳақиқатга яқинлиги муҳимдир.

Лукиан тарих ҳақида фикр юритиб, «Тарихчининг бирдан-бир иши воқеа қандай бўлса, шундай, ўзгартирмай сўзлаб бериш. Агар у (бундай қилиш учун) Артаксерксдан, унинг душмани бўлгани учун, қўрқса, ёки мовий тўн мукофоти умидида уни мақтаса, демак у (тарихчи – И.М.) ўз ишини бажаришга қодир эмас» [2], -деб ёзган эди. Тарихчининг вазифасига яна бир аниқлик киритилса, бу ўз навбатида воқеа-ҳодисага умумий тараққиёт мезонидан туриб баҳо бериш, деган маъқулдир. Чунки тарих бирор воқеанинг шунчаки баёни эмас, балки, ўша воқеанинг нима учун баён этилишига қараб муайян манфаатдор доира учун қиймат ҳосил қилишдир. Манфаатларга тарихнинг холисона табиатини қурбон қилиш эса, тарих фанини боши берк йўлга солади. У ёки бу халқ тарихи ёзилар экан, бундан мурод шу халқнинг ўзлигини англатиш, босиб ўтган йўлларининг шарафли саҳифалари руҳидан баҳраманд этиш, буюк аждодларнинг инсоният тарихидаги ўрнини кўрсатиш, юксалиш паллаларидан фахрланиш ва таназзул босқичларидан сабоқ топиш, келажакка тўғри йўл танлаш каби вазифаларни бажаришини кўзда тутади.

Тарихни ўрганишнинг бир неча ўлчамлари бор. Бу масала кўп жиҳатдан тарихни билиш билан боғлиқ. Ҳолбуки билишнинг параметрлари фалсафанинг билиш назарияси билан методологик боғлиқдир. Билиш кате-

[1] **Франс А.** Сочинения. М., 1959. Т. 6. –С. 7

[2] **Лукиан.** Избранное. М., 1962. – С. 418.

гориясини тарихга татбиқ этишнинг ўзига хос мураккабликлари бор. Биринчидан, тарихни билишда, юқорида таъкидланганидек, тарихчи шунчаки кузатувчи ролида бўла олмайди. Кузатув учун объект тарихчи кўзи ўнгида бўлиши лозим. Тарих эса бевосита кузатув объекти эмас, балки ўтмишнинг мавҳум образлари тизимидир. Иккинчидан, тарих ўтмиш экан, унга нисбатан тарихчи ўз мақсадлари, қарашлари орқали кириб боради. Яъни тарихни ўзидан ҳоли тадқиқ қила олмайди. Фюстел де Куланж айтганидек, тарихчи «Ўзи ўзидан ҳоли бўлолмайди». Ўз навбатида бу ўрганилаётган масала бўйича тарихий фактларга танлаб қараш, уларни тадқиқот мақсадига бўйсундириш каби ҳолатларни юзага келтиради. Масалага оид фактларни «керакли», «кераксиз» га ажратиш рўй беради. Натижада, билиш имкониятига ҳам путур етади. Зеро, тарихий фактни борича мукаммал билиш унга тегишли барча маълумотларни истисносиз равишда ҳисобга олиш, уларнинг воқеъликдаги ўрнини тўғри белгилашни талаб қилади.

Тарихни билишда тарихий маълумотларнинг аслияти қанчалик ҳаққонийлиги ёки сохталиги масаласи диққат марказида турмоғи лозим. Кўп ҳолларда муайян вазият тақозоси билан воқеанинг тафсилотлари атайлаб сохталаштирилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда манбалар, агар уларнинг вариантлари бўлса, қиёсий ўрганилиши зарур бўлади. Вариантлар йўқ ҳолларда эса воқеа билан боғлиқ маълумот давр ва муҳитда кечган параллел воқеа-ҳодисалар билан мантиқий боғлиқликда ҳамда манбаларнинг қиёси орқали қаралиши лозим бўлади. Тарихий манба фактининг воқеликни қандай акс эттириши биринчи галдаги масала. Лекин фактнинг далили ҳақиқий ёки сохталиги аниқ бўлмаган ҳолда шошилинч хулоса чиқариш тарихни нотўғри йўлга солади. Шунинг учун фактнинг ўзини факт ёки фактлар орқали текшириш холис фикрга келишга ёрдам беради.

Машҳур назариётчи Ясперс тарихий тараққиётнинг қонуниятли эканини тан олмайди. Унинг фикрича, тарихнинг умумий қонуниятларини очиш тарихий воқеликнинг бетакрорлигини инкор этиш демакдир. Бироқ бетакрорлик тарихий фактнинг хусусийлиги ва хилма-хиллиги демакдир. Тарихнинг хилма-хиллиги тараққиётнинг умумий қонуниятлрига бўйсунишини инкор этиб бўлмайди. Ксенополь ҳам Ясперснинг фикрига яқин туради. Жумладан, унинг бир фикрига кўра тарих фактлари индивидуал бўлсагина тарих ҳисобланади. Такрорланувчи фактлар эса универсал ва улар тарихий эмас эмиш. Бизнингча, бу фикр асосли эмас. Чунки тарихнинг бетакрорлиги тан олинадиган бўлса, айни шу феноменлар тизимини умумлаштириш албатта қонуният сари етаклайди. Тарихни қонуниятдан маҳрум қилиш, ўхшаш ҳодисалар қаторида ички алоқадорликни йўққа чиқариш, ривожланиш тадрижини инкор этишдир. Бу эса фақат азалий моделлар бор ва уларни билишнинг ўзи кифоя, деган маънони билдиради. Оқибатда, бундай қараш тарихни фан сифатида инкор этишга олиб келади [3].

Гегель тарихни билишга бўлган муносабат ҳақида фикр юритиб, тарихчининг у ёки бу фактни билишга интилиши заминида муайян мақсад ётишини алоҳида таъкидлайди. Бу ҳодисани олим тарихга «партикуляр» қараш деб номлайди. Шунга нисбатан Гегель бир мисол келтиради. Яъни, судья ҳукм чиқаришда бетараф бўла олмайди. У қонун ҳимоясида туриб, вазиятни баҳолайди. Демак, судьянинг фаолияти қонун устуворлиги нуқтаи назаридан паритикулярдир. Худди шу каби тарихчи ҳам ўз тадқиқоти олдига муайян вазифа қўяр экан, у тарих фактига тўлиқ холис қарай олмайди. Ҳолбуки, тарихчидан айни шу масалада холислик талаб қилинади. Яъни, тарихчи агар ўзи ўрганаётган фактга нисбатан лоқайд бўлса, уни тадқиқ қилишда аниқ мақсад қўймаса, ўз қарашларига тарихий фактдан жавоб топишга интилмаса, фактнинг зарур қирраларини ажратишга интилмаса, воқеликни у билан боғлиқ ҳодисалар билан боғлашга интилмаса, объект ҳақида худди бир тасодиф ҳақида ўзи тушунган даражада сўзлаб бераётган бўлса, бир сўз билан айтганда, тарихга маъно юкламаса, бундай тарихчиликдан илмий натижа кутиш қийин. Бироқ тарихга партикуляр ёндашув ўз навбатида субъективлик жиҳатининг ортиб кетишига сабаб бўлишини назардан қочирмаслик лозим [4].

Ғарб тарих фалсафаси вакилларидан бири Ш.Сеньебос ўз даврида тарихий воқеъликда тарихийлик хусусияти йўқ, аксинча, тарихни ўрганиш усулларигина мавжуд ва биз шу усуллар туфайлигина тарихни англаймиз, демак тарих фан эмас, ўтмишни англашнинг алоҳида жараёни, деган эди. Лекин тарих унга юкланиши лозим бўлган маъноларсиз билиш объектига айлана олмайди. Демак, Ш.Сеньебоснинг тарихга унинг ички мазмунидан маҳрум қилиш даражасидаги қараши ўзини оқламайди. Ҳолбуки, Ш.Сеньебос тарихни шунчаки билиш жараёни холос дея баҳолар экан, ўз-ўзидан аниқ фактларсиз қандай билиш жараёни ҳақида гапириш мумкин?

Тарихий билишнинг онтологик ўлчами тушунчаси атрофида турли фикрлар ўртага қўйилган. Масалан, К. Ясперс «Тарихнинг сарчашмаси ва унинг мақсади» номли асарида «Агар биз тарихнинг умумий қонуниятлари моҳиятига кира олганимизда эди, бу ҳолда тарихнинг ўзи бизнинг билиш имкониятимиздан ташқарида қолган бўлар эди, зеро, тарих ҳамма вақт бетакрордир», - деб ёзган эди. Бундай қарашнинг иллати шундаки, тарихларнинг хилма-хиллиги инсоният тарихининг тараққиёт чизиғида воқеалар хилма-хиллиги умумий

---

[3] **Ясперс К.** Истоки истории и ее цель. М., 1978. Вып. 2. – С. 146

[4] **Гегель Г.В.**Ф. Сочинения. М.: 1956. Т. III. – С. 330-331.

қонуниятларга бўйсунишини тан олмасликдир. Ксенополнинг фикрича, «Фақат индивидуал фактларгина тарихийдир. Такрорланувчи тарихий фактлар муштарак ва улар тарихий эмас». Бироқ тарихда аниқ такрорланувчи воқеалар бўлмайди. Ўхшаш воқеалар бўлиши мумкин, лекин уларнинг шарт-шароитлари, актантлари бошқа. Уларнинг барчасини инкор этиладиган бўлса, тарихийлик саноқлиликдан нари ўтмайди. К. Поппернинг қарашлари ҳам шунга яқин. Унинг айтишича, «Тарих, аввало, қонун ва умумлашмаларга эмас, айрим олинган воқеаларга қизиқиши билан ўзига хосдир». Агар тарих умумий қонуниятлар ичида хусусийликнинг моҳиятини изламаса, бутун борлиқ ичида ўзининг ўрнини топмаган уникумлар (ягона ҳодисалар) нинг бетартиб йиғиндиси билан иш кўришга мажбур бўлар эди. Масалан, ибтидоий одам қўлида тошдан ясалган меҳнат қуроли дунё миқёсида типологик бир хил шаклларни вужудга келтиргани қонуният эмасми? Ибтидоий термачилик ва овчиликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиш, ўтроқ ҳаёт, деҳқончилик, ҳунармандчилик каби хўжалик йўналишларининг пайдо бўлиши, булар жаҳоннинг турли қисмларида турлича кўринишларда давом этгани билан аслида умумий тараққиёт йўллари эмасмиди? Илк давлатлар, уларнинг типологик турличалигидан қатъий назар, тарихий ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий бошқарув заруриятидан эмасмиди? Мураккаб этник жараёнлар, ҳудудий этно-маданий муштарак минтақаларнинг вужудга келиши ва ҳоказо мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси индивидуаллик ва умумий қонуниятларнинг диалектик бирлиги натижасидир.

Тарихга муносабатнинг, уни фалсафий билишнинг муҳим ўлчамларидан бири антропологизм дейилади. Бунинг маъноси тарихий жараёнга инсон омилининг социал психологик таъсири орқали қарашдир. Яъни тарихчи учун у ёки бу тарихий фактни баҳолашда унинг иштирокчилари (актантлари) нинг позицияси, қарашлари, тутумлари (принциплари) ва турумлари(позициялари) таҳлилидан келиб чиқиб фикр юритишдир [5]. Бироқ масаланинг бу муҳим жиҳатини инкор этувчи қарашлар ҳам бор. Масалан, якка шахснинг ички кечинмалари, айрим олинган ҳаёти тарих учун сирлилигича қолмоғи керак. Чунки индивиднинг ички дунёси, унинг ҳаёти унинг абадий ажралмас мулки эмишки, унга тарихчининг киришга ҳаққи йўқдек. Бундай қараш ўзини оқламайди. Чунки индивид - тарихнинг иштирокчиси. Унинг актив ёки пассив туруми масаласи бошқа гап. Актив фигурант омманинг фикрига, ҳаракатига таъсир кўрсатади, оммани эргаштирувчи индивид фаолияттини инкор этиш тарихга қарашни чеклаб қўяди. Масалан, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг индивидуал тарихий баҳосини унинг ички дунёси, деб мўғул истилоси тарихидан ажратиб олсак, тарихий вазиятнинг ҳақиқий баҳосини чиқара оламизми? Ёки Абулфайзхоннинг шахсий хусусиятларини тарихга дахли йўқ «сирли олам» десак, Бухоро хонлигидаги XVIII аср ўрталаридаги тарихий воқеаларни тушуна оламизми?

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тарихчилик ўтмишнинг бор моҳиятини аслидагидак очиб беришга қаратилган касбий малака демакдир. Аммо тадқиқотчилик тажрибалари турлича. Масалан, тарихий фактларни йиғиш, уларни шунчаки кузатиш ва муайян тартибдаги тизимга айлантириш, яъни фактография билан тарихчи олимларнинг таҳлилчилик ва кузатувчилик тамойиллари ўртасида зиддият давом этиб келган. Зеро, тарихчи ўтмишга нисбатан бефарқ кузатувчи бўлиб қола олмайди. Бундан ташқари, ўтмишга бугунги кун кўзи билан қараш ҳам унинг тарихийлик моҳиятини сунъийлаштиради. Ҳар бир тарихий фактни ўз даврига нисбатан «ҳаракатдаги» ва кейинги тараққиётга таъсири юзасидан баҳолаш талаб қилинади. Зеро, тарих доимий ва тўхтовсиз ижтимоий ҳаракатдир. Иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, бадиий-эстетик, руҳоний қадриятлар бу ҳаракатнинг таркибини ташкил қилади. Масала шундаки, тарих тадқиқотларининг методологик асосини тараққиётнинг умумий қонуниятлари доирасидаги цивилизацион тадрижийликда, деб тушунмоқ лозимдир. Чунки тарихларнинг «хилма-хиллиги» инсоният тарихининг ягона жараён эканини инкор этмайди. Кичик фактда каттани, аксинча, катта фактда кичикни кўра билиш тарихни тушунишда муҳимдир.

Тарихни умумбашарий жараён сифатида тушуниш, унинг доирасида айрим халқ, элат тарихининг ранг-баранг воқеа-ҳодисадари цивилизацион моҳиятини умумлаштира олиш бугунги кундаги глобаллашувнинг илдизларини тарих кўзи билан кўриш имконини беради. Бироқ тарихнинг объектив моҳиятини турли тор миллий мафкуравий меъёрларга бўйсундириш, фактларни бузиб талқин қилиш, «ўта қадимийлик», «этник софлик» каби бузғунчи ғоялар, ўзга халқлар тарихига менсимай қарашлар қурбонига айлантириш ҳеч қачон ўзини оқламайди. Олимнинг субъектив қараши бўлиши табиий. Лекин буни миллий тарихлар даражасида «миллий субъективлик» ка айлантириш тарихчининг ўз касбига нисбатан виждонига ҳавола. Айниқса, Марказий Осиё минтақаси халқларининг тарихий-маданий ўтмиши масаласини тушунишдаги айирмачиликлар ўрнига муштарак объектив методологик ёндашув тамойилларини жорий этиш азалий оға-иничилик, биродарона қўшничилик анъаналаримизни тиклашга, қолаверса, бугунги кундаги глобаллашув жараёни талабларига жавоб берган бўлур эди.

[6] **Ильин И.И.** Философия истории. Изд-во МГУ. Москва. 2003. – С. 8-9.

# АБУ САЪАД АБДУЛ КАРИМ ИБН МУҲАММАД АС-САМЪОНИЙНИНГ «АЛ-МУНТАХАБ МИН МУЪЖАМ АШ-ШУЙУХ» АСАРИ ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТАРИХИ ВА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ МАНБАСИ СИФАТИДА

**ЗУХРИДДИН АЛИМОВ –**
Тошкент давлат шарқшунослик институти
катта илмий ходим-изланувчи

Ўрта асрларда Ўрта Осиё мусулмон дунёси ва маданиятининг муҳим марказларидан бири саналган ва илм оламига турли фан соҳалари бўйича қатор етук олим ва мутафаккирларни етиштириб берган. Уларнинг қаторига Абу Саъад Абдул Карим Ибн Муҳаммад Ас-Самъоний ҳам киради. Ас-Самъоний Шарқнинг йирик савдо ва ҳунармандчилик маркази, Европа ва Хитой ўртасидаги савдо йўлидаги муҳим шаҳар Марвда туғилди ва улғайди.

Салжуқийлар ҳукмронлиги даври савдо-сотиқ муносабатлари, ҳунармандчилик ва шаҳарсозлик ҳамда илм-фан ва маданиятнинг сезиларли юксалиши билан ажралиб турган. Давлат сиёсатида мадрасалар барпо этилишига алоҳида аҳамият берилган. Турли манбаларда XII асрда Марв шаҳрида ҳам шу каби мадрасаларнинг бир нечтаси борлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Шундай мадрасалардан бири ас-Самъоний оиласига тегишли бўлган. Шаҳарда ўша даврда 10 та машҳур кутубхона бўлиб, уларнинг иккитаси ас-Самъоний оиласига тегишли ҳисобланган. Бу кутубхоналарга бутун мусулмон дунёсидан олимлар келиб, илм билан шуғулланганлар.

Абу Саъад Абдул Карим Ибн Муҳаммад Ас-Самъоний (506 – 562/1113 – 1167) бир неча авлодлар оша илм-фан билан шуғулланган, бутун мусулмон оламида таниқли бўлган марвлик қадимий сулола аъзоси бўлган. Ас-Самъоний оиласи Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг турли вилоятларидан Марв шаҳрига келган ўша давр олимларига билим берган тарихий-анъанавий мактабига эга бўлган. Абу Саъад Ас-Самъонийнинг ўзи ҳақидаги маълумотларни кўплаб тарихий биографик луғат ва манбаларда учратиш мумкин. Жумладан, Ибн Ҳалликон, аз-Захабий, ас-Субкий, Ибн ал-Жавзий, ас-Сафадий ҳамда Хожи Ҳалифа асарларида у ҳақида маълумотлар мавжуд.

Абу Саъад Ас-Самъоний ўз даврининг кўплаб етук олимлари ва мутафаккирлари билан таниш бўлган ва улар билан алоқа қилиб турган. Ўз асарларида Абу Саъад Ас-Самъоний 150 дан ортиқ Мовароуннаҳрлик олимларни тилга олган. Унинг қаламига мансуб фиқҳ илмига, ҳадисшунослик, филология, араб тили граматикаси ва лексикаси, тарих ва география соҳасига оид 50 дан ортиқ асарлар бизга маълум. Афсуски, Абу Саъад Ас-Самъоний асарларнинг катта қисми бизгача етиб келмаган ва фақатгина ундан кейин ўрта асрларда ижод этган муаллифларнинг асарларидаги ҳаволалар орқали бизга маълум.

Абу Саъад Ас-Самъонийнинг бизгача етиб келган асарларидан дунёнинг турли фондларида 6 та нусхаси сақланаётган «Китоб ал-ансоб» асарини, ягона қўлёзмаси Дамашқ кутубхонасида сақланаётган «Тахбир фи-л-муъжам ал-кабир» асари, 2 нусхада сақланган, Лайденда 1952 йили нашр этилган «Адаб ал-имлаъ ва-л-истимлаъ», «Фазаъил аш-Шом», «Адаб ал-қоди», «ал-Исфар ан ҳукм ал-асфар», «Зайд тарихи Бағдод» асарларини қайд этиш мумкин.

Мазкур мақолада Абу Саъад Ас-Самъонийнинг «Ал-мунтахаб мин муъжам аш-шуйух» (المنتخب من معجم الشيوخ) («Алломалар жамоасидан саралари») асаридаги Марказий Осиё, хусусан Фарғона водийси халқлари тарихи, тарихий географиси, маданияти ҳамда бу ҳудудда яшаган ўрта аср тарихчилари, мутафаккирлари, фиқҳшунослари, адиблари ва ҳадисшунослари ҳақидаги маълумотларни ёритиш назарда тутилган. Эътиборга молик ери шундаки, шу кунга қадар бу асарнинг Мовароуннахр, хусусан Фарғона водийси тарихига оид қисмлари ўрганилмаган.

Абу Саъад Ас-Самъонийнинг «Ал-мунтахаб мин муъжам аш-шуйух» асарининг н оёб нусхаси Истанбулдаги Султон Аҳмад III кутубхонасида 2953-рақам остида сақланади. Асарнинг бу нусхаси энг қимматли нусҳалардан бири бўлиб, 647/1249-50 йилда ҳаттот Ибодуллоҳ Абу Бакр бин Абдулкофий бин Усмон ал-Ҳорисий томонидан насх хатида кўчирилган. Ушбу нусха 299 саҳифадан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифа 21 қатор ёзувдан ташкил топган.

Мақоладаги маълумотлар 1996 йилда машҳур манбашунос олим Муваффақ бин Абдуллоҳ бин Абдулқодир бошчилигидаги бир гуруҳ араб олимлари томонидан ар-Риёдда чоп этилган «Ал-мунтахаб мин муъжам аш-шуйух» асарининг 4 томдан иборат танқидий нашриға асосланган.

Асарда ўрта асрлар шарқ оламига мансуб 1446 нафар алломалар ҳақида маълумот келтирилган бўлиб, уларнинг 600 дан ортиғи Ўрта Осиёга, 10 дан ортиғи Фарғона водийсига мансуб.

Ас-Самъоний маълумотига кўра Фарғона Жайхун ва Сайхун дарёлари ортида жойлашган шарқнинг йирик вилоятларидан бири бўлган. У Фарғонанинг 17 жой номини тилга олган, улардан 9 таси шаҳар, 7 таси қишлоқ ва бир шаҳар даҳаси ҳисобланади.

Ас-Самоний қайд этишича, вилоятнинг пойтахти «Ахсикас» (اخسيكث) шаҳри бўлиб, у Фарғонанинг энг гўзал ва озода шаҳарларидан бўлган. Бу шаҳар тоғлар орасида жойлашган бўлиб, аш-Шош дарёси (Сирдарё) дан 1 фарсах узоқликда жойлашган. Шаҳар қаср ва рабодга эга бўлган ва улар 4 дарвозадан иборат девор билан ўралган. Рабод ичида кўплаб канал ва ариқлар бўлган. Ал-Муқаддасийнинг маълумотига кўра, шаҳар ичида жомеъ масжид, қаср, бозор ва кўплаб бинолар мавжуд бўлган. Ҳудуди бўйича шаҳар Фаластиндаги Рамл шаҳридан 1,5 баравар катта бўлган.

Фарғонанинг яна бир шаҳри бўлмиш «Косон» (كاسان) ҳақида сўз юритилиб, ас-Самъоний бу шаҳарни аш-Шош ортида жойлашган ва баланд қасрлари бор деб таъкидлайди. Шаҳар турклар ҳукмронлиги остидаги ерлар билан чегарадош бўлиб, унинг дарвозалари олдидан Ахсикас дарёси (Косонсой) оқиб ўтиши қайд этилган. Бу шаҳарни ал-Яқубий Фарғонанинг бош шаҳри деб тилга олган.

Фарғонадаги шаҳарлардан ас-Самъоний яна «Қуба»ни (قبا) ҳам қайд этиб ўтади. Бу шаҳар катталиги бўйича Фарғона шаҳарлари ичида Ахсикасдан кейинги ўринда турган. Шаҳар марказида майдон бўлиб, жомеъ масжиди бозор ўртасида жойлашган. Ал-Муқаддасийнинг фикрича Қуба Ахсикасдан ҳам катта, чиройли ва тозароқ шаҳар бўлган ҳамда вилоятнинг пойтахти саналган.

Ас-Самъонийнинг келтиришича, «Марғинон» (مرغينان) Фарғонанинг энг машҳур шаҳри ҳисобланган. Шунингдек, шаҳарнинг Ғандоб деб номланган даҳасини ҳам эслаб ўтади. Бошқа манбаларда бу даҳа ҳақида маълумотлар учрамайди. Ал-Муқаддасийнинг маълумотига кўра Марғинон унча катта бўлмаган шаҳар бўлиб, жомеъ масжиди ва ўз бозорига эга бўлган.

Ас-Самъоний Фарғона шаҳарлари қаторида «Ўш» (اوش) шаҳрини ҳам санаб ўтган. Бу шаҳар ҳақидаги маълумотга кўра, у Қубага яқин жойда жойлашган бўлиб, 4 дарвозадан иборат девор билан ўралган. Шаҳар қасри тоғ ён бағрида жойлашган бўлган. Ал-Истахри ва ал-Муқаддасийларнинг маълумотига кўра шаҳар жомеъ масжиди тоғларга яқин ердаги бозор ўртасида жойлашган. Шунингдек, шаҳар рабодга ҳам эга бўлган.

Фарғонанинг яна бир шаҳри «Узканд» (اوزكند) ҳақида маълумотлар бериб, ас-Самъоний бу шаҳарни Фарғонанинг чекка ҳудудида, турклар билан чегарадош ерда жойлашганлигини қайд этади. Бир неча дарвозаларга эга девор билан ўралган шаҳар ичкарисида бозор мавжуд бўлиб, у ерга турклар савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиш учун келиб турганлиги таъкидлаб ўтилган. Асарда бу шаҳар яна «Йузканд» (يوزكند) кўринишида ҳам учрайди. Ал-Муқаддасий, ал-Истахрий ва Яқутларнинг маълумотига кўра, шаҳар рабоди 4 та дарвозадан иборат деворлар билан ўраб олинган. Ички шаҳарда бозор, масжид ва қаср мавжуд бўлган.

Шунингдек, ас-Самъоний Фарғона шаҳарлари қаторида яна «Хайлам» (خيلام) шаҳрини ҳам эслаб ўтади. Шаҳар «Миён-Рузон» ҳудудида жойлашган бўлиб, унда ҳашаматли жомеъ масжид ва бозор бўлган. Ас-Самъоний қайд этишича «Миён-Рузон» Самоний Наср ибн Аҳмаднинг ватани ҳисобланган. Шаҳар Қорадарё ва Норин дарёлари оралиғида жойлашган бўлган. Бу шаҳарнинг номи «Ҳудуд ал-олам» асарида «Хатлам» кўринишида, ал-Муқаддасий маълумотида «Хайралам» кўринишида қайд этилган.

Фарғона шаҳарларидан яна бири «Хуқанд»ни (خواقند) тилга олиб, ас-Самъоний уни Ахсикасдан бир фарсах узоқликда жойлашганлини қайд этади. Яқут ва ал-Истахрий ҳам бу маълумотни қайтарган.

Ас-Самъоний маълумотига кўра, Фарғона шаҳарларидан яна бири бўлмиш «Хужанд» (خجند) ёки «Хужанда» (خجندة) аш-Шош дарёси бўйида жойлашган бўлиб, 103/721-22 йилда халифа Язид бин Абдулмалик бин Марвон даврида фатх этилган. Шаҳар тоғ ён бағрида жойлашган бўлиб, унинг ўртасидан дарё оқиб ўтган. Бу маълумотни Яқут ҳам қайтарган. Ал-Истахрий маълумотига кўра шаҳар ичра оқиб ўтган дарёдан савдо кемалари ҳам сузган.

Ас-Самъоний Фарғона вилоятига қарашли бўлган 7 та қишлоқ номларини ҳам қайд этиб ўтган. Жумладан, асарда «Андукон» (اندكان), «Ломиш» (لامش), «Ғазақ» (غزق), «Зарқон» (زرقان), «Ядухкат» (يدخكت), «Карвон» (كروان), «Нуқода» (نقادة) қишлоқлари қайд этилган.

Шундай қилиб, ас-Самъоний Фарғона вилояти ҳақида берган маълумотларидан энг эътиборга молик жой номларидан бу «Ғандоб» даҳаси, «Ломиш» ва «Ядухкат» қишлоқларидир. Чунки бошқа ҳеч бир манбада бу жой номлари тилга олинмаган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Абу Саъад Ас-Самъонийнинг «Ал-мунтахаб мин муъжам аш-шуйух» асарида қадимий Фарғона вилояти шаҳар ва қишлоқларидан бўлган 10 га яқин аломмалар тилга олинган. Алломалар ва уларнинг илмий фаолия-

ти ҳақидаги маълумотлар билан бирга улар яшаган шаҳар ёки қишлоқнинг жойлашган ўрни, ушбу ҳудуд маданияти ва тарихи борасида ҳам қимматли фикр ва мулоҳазалар қайд этилган. Қуйида асарда келтирилган Фарғона водийси аломмалари ҳақидаги маълумотларни айримларини кўриб чиқамиз:

– Абу Али Ҳайдар бин ал-Ҳусайн бин ал-Ҳасан ал-Ўший фиқҳ илми уламоси бўлиб, ўша даврнинг фозил шахсларидан бири бўлган, деб таъкидланган. Абу Али Ҳайдар аслида Ўш шаҳрилик бўлиб, Самарқанд шаҳрида таълим олган, кейинчалик шу ерда яшаган ва фаолият олиб борган. Унинг яшаган вақтлари ҳақида маълумот келтирилмаган.

– Абу Макорим Ризкуллоҳ бин Абулҳасан бин Умар ал-Қубавий, адабиёт ва шеърият билан шуғулланган. Кейинчалик Бухоро шаҳрига бориб, шаҳар мадрасаларидан бирида адабиёт илмидан сабоқ берган. У шунингдек, ҳадисшунослик илми билан ҳам шуғулланган. Умрининг охирида Самарқанд шаҳрида яшаган. Асарда унинг қаламига мансуб шеърлардан ҳам намуналар келтирилган. Унинг яшаган вақтлари ҳақида маълумот келтирилмаган.

– Абу Ҳафс Умар бин Муҳаммад бин Тоҳир ал-Фарғоний, ас-Суфий, ал-Муқрий, ал-Андуконий, ўз даврида шаҳар қориларидан бири бўлган. Диний билим олиб, шу соҳада фуқаро хизматида бўлган. Кейинчалик Фошон қишлоғида яшаган. Ҳижрий 545 йилда Фошон қишлоғида вафот этган.

– Абу Али ал-Ҳусайн бин Али бин Абулқосим ал-Ломиший, ҳижрий 441 йили Фарғона вилоятининг Ломиш қишлоғида туғилган. Ломиш қишлоғидаги масжид имоми бўлган. Диний илмда ниҳоятда кучли, фозил шахслардан бўлган. Бир неча вақт давомида Марв шаҳрида яшаб, шаҳар амири ҳузурида фаолият олиб борган. Ҳижрий 522 йили Самарқанд шаҳрида вафот этган ва шу ерда дафн қилинган.

– Абу Муҳаммад Умар бин Аҳмад бин Абулҳасан ал-Марғиноний, ҳижрий 485 йили Марғинон шаҳрида туғилган. Марғинон шаҳридаги масжидлардан бирининг имоми бўлган. Фиқҳ илмидан таълимни Балх шаҳрида олган. Ҳижрий 556 йили Самарқанд шаҳрида вафот этган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Абу Саъад Ас-Самъонийнинг «Ал-мунтахаб мин муъжам аш-шуйух» асари Ўрта Осиё, хусусан Фарғона водийсининг мўғиллар босқинига қадар бўлган тарихи, маданияти, тарихий географиси, топонимикаси ва шаҳарлар жойлашувига оид қимматли маълумотларни беради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муаллиф бошқа асарларда учрамайдиган кўплаб жой номларини келтиради. Ас-Самъоний қадимий Фарғона вилояти шаҳарлари ва улар атрофидаги қишлоқлар тарихий географиясига оид аниқ маълумотларни келтиради. Бу шундан далолат берадики, муаллиф нафақат Фарғона шаҳарлари, балки улар атрофидаги қишлоқлар ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, «Ал-мунтахаб мин муъжам аш-шуйух» асари аслида биографик асар ҳисобланиб, тарихий шахслар, алломалар ва турли соҳа арбобларининг таржимаи-ҳолларини ёритишга қаратилган. Асосий эътиборни ислом диний илмлари билан шуғулланган алломалар фаолиятини ёритишга қаратиш билан бирга, муаллиф Ўрта Осиёлик тарихчилар, адиблар ва турли соҳа олимлари ҳақида ҳам қимматли маълумотларни берган.

Шундай қилиб, Абу Саъад Ас-Самъонийнинг «Ал-мунтахаб мин муъжам аш-шуйух» асари Ўрта Осиё, хусусан Фарғона водийси тарихи, маданияти тарихи ва тарихий географиясига оид қимматли манба ҳисобланади. Ноёб маълумотларни ўзида мужассам этган асар, ўрта асрларнинг кейинги даврларида ижод этган кўплаб муаллифларнинг асарларига тарихий манба сифатида хизмат қилган. Юқорида ҳам қайд этиб ўтганимиздек, шу кунга қадар бу асарнинг Мовароуннаҳр, хусусан Фарғона водийси тарихига оид қисмлари ўрганилмаган. Мазкур асарнинг Ўрта Осиё тарихини ўрганишдаги аҳамиятли жиҳати ҳам шундадир. Жой номларининг ёзилиши ва уларнинг жойлашишидаги айрим ўзига хосликларни ҳисобга олганда, бу асар Фарғона водийси тарихий географияси бўйича маълум даражада муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки унда берилган номларнинг айримлари ёзма манбаларда қайд этилмаган.

**Адабиётлар:**


المنتخب من معجم شيوخ الامام الحافظ ابى سعد عبد الكريم بن محمد بن منصور السمعاني. الرياض. 7141هـ-6991م.

1. Ibn Khallikan’s biographical dictionary / translated from arabic by Bn Mac Guckin de Slane. Paris.: Printed for the Oriental Translation Fund of Great Britain and Ireland, 1843.

2. Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансаб» Абу Саъда Абд ал-Карима ибн Муҳаммада ас-Самъани как источник по истории и истории културы Средней Азии. Ташкент: Фан, 1993.

3. Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. Избранные сочинения в 6 тт. Том 4. М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1957.

4. Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (Историко-археологический очерк Чача и Илака). Ташкент: Фан, 1975.

5. ابو نصر على بن هبة الله بن جعفر بن ماكولا. الإكمال في رفع الارتياب عن المؤتلف والمختلف في الأسماء والكنى والأنساب. بيروت-لبنان. 1141هـ-0991م.

6. أبو على الحائرى. منتهى المقال فى احوال الرجال. بيروت-لبنان. 6141هـ-
5991م.

-5991م.

# ЖОЙ НОМЛАРИ — ТАРИХИМИЗНИНГ БИР ПАРЧАСИ

**МАЪМУРЖОН САИДХОНОВ,**
**АБДУҲАЛИМ ЭРГАШЕВ –**
Андижон давлат университети доцентлари,
филология фанлари номзодлари

Топонимика, гарчи тилшуносликнинг ономастика бўлими тармоғи бўлса-да, у география, тарих ва этнография каби фанлар билан чамбарчас боғлиқдир. Тарихчилар айрим жой номларининг тарихига эътиборни қаратсалар, жой номини тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этсалар, географлар мавжуд топонимларнинг жойлашишига эътиборни қаратадилар, тилшунослар эса барча топонимларни тил бирлиги сифатида ўрганадилар: атоқли от сифатида тил тизимидаги ўрнини, лексеманинг келиб чиқишини, унинг бошқа бирликлар билан ёинки бошқа жой номлари билан муносабати ва фарқини тадқиқ этадилар, топонимларнинг тузилишини, тил қонуниятлари асосидаги ўзгаришларини ўрганиб чиқадилар. Юртбошимиз И.Каримов Тошкент шаҳар сайловчилари билан учрашувда: «Жой номларининг ҳар бири тарихимизнинг бир парчаси бўлиб, уларни ота-боболаримиз бизга қолдирган мерос сифатида қабул қиламиз», - деб айтган эди.

Ўрта Осиё ва унинг географик атамалари ҳақида гапирганда, тадқиқотимиз энг қадимги манбаларга бориб тақалади. Милоддан аввал яшаб ўтган (V-IV асрларда) юнон олими Геродот асарларида Аракс (Амударё), Яксарт (Сирдарё), Мароқанд (Самарқанд) каби жой номларини учратиш мумкин. Шунинг ўзиёқ муайян жой атамаси (лингвистика), жойлашиш ҳудуди (география) ва ўша жой тарихи (тарих) билан алоқадор эканидан далолат беради.

Фарғона водийси топонимикаси ҳақида гапирганда, табиийки, водийнинг географик жойлашуви, водий тарихи ҳақида маълумотга эга бўлмасак, жой номи хусусидаги тадқиқотимиз илмийлик тамойилига тўла жавоб бермайди.

Фарғона водийси атрофи тоғлар билан ўралган гўзал масканлардан бири саналиб, унинг ҳудуди шимолий ғарбдан Қурама ва Чотқол, Отўйноқ тоғ тизмалари, шимолий-шарқдан эса Фарғона, Жанубий Олой ва қисман Туркистон тоғ тизмалари билан ўралган. Водийнинг ғарбий чегаралари тарихий-географик жиҳатдан Хўжабақиргансой ҳавзаси бўлиб, ундан кейинги ҳудуд Суғдиёна-Уструшона тарихий-маданий ўлкаси ҳисобланган.

Фарғона водийсининг умумий майдони тоғларни қўшиб ҳисоблаганда 22.2 минг км$^2$ни ташкил қилади. Ҳозирда Фарғона водийси ҳудудида Ўзбекистоннинг учта (Андижон, Фарғона ва Наманган), Қирғизистоннинг учта (Ўш, Жалолобод ва Баткент) ва Тожикистоннинг битта (Сўғд) маъмурий вилоятлари жойлашган.

Фарғона водийси ҳудудини текислик, тоғолди ва тоғ зоналарига ажратиш мумкин. Водийнинг бундай ўзига хос ўрни, унинг табиий шароитларининг қулайлиги қадимдан ушбу ҳудудда инсонларнинг истиқомат қилиши, деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлиб, уни ривожлантириш имконини берган ҳамда ушбу асослар жой номларининг ифодаланишида ҳам акс этган.

Адабиётларда «Ўрта Осиё жавоҳири» деб ном олган Фарғона водийси сув манбаларига бой, иқлими мўътадил, тупроғи унумдор бўлиб, бу заминда инсонни яшаб меҳнат қилиши учун жуда қулай табиий шарт-шароитлар мавжуд бўлган. У инсоният тарихининг ибтидосидаёқ энг қадимги одамзот аждодларининг маконларидан бири бўлган. Бу ҳолат унинг топонимик тизимизида ҳам акс этган бўлиб, Фарғона водийси топонимлари ўзига хослиги ва Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари топонимларидан тубдан фарқ қилиши билан фарқланади. Жумладан, водий топонимларига эътибор қаратадиган бўлсак, барча тур доирасида ўзига хос топонимик тизим шаклланганлигини кўрамиз.

Ҳудудий жиҳатдан водий топонимикаси таҳлили шундан далолат берадики, ушбу маскан географик атамаларида ҳудуднинг физик жуғрофияси, ландшафти, жойлашиш ўрни, ҳажми, шакли ва миқдор хусусиятлари, ҳайвонот ва ўсимликлар олами билан боғлиқ жиҳатлар, касб-ҳунар, диний ва исломий тушунчалар, ижтимоий, сиёсий ва замонавий муносабатларни ифодалайдиган, шунингдек, бошқа жиҳатларни кузатиш мумкин.

Фарғона водийси топонимик тизимида этноойконимлар етакчи ўринни эгаллайди. Чунки ўтмишда водий аҳолисининг этник таркиби хилма-хил бўлган. Бу ҳудудда асрлар давомида турли уруғ, қабила, қавм, халқларга мансуб кишилар истиқомат қилганлар. Уларнинг кўпчилиги вақт ўтиши билан ўтроқлашиб этник номларини унутиб юборганлар. Лекин этник гуруҳларнинг номи улар яшаган жойларда топоним сифатида сақланиб қолган.

Фарғона водийсида ўзбеклар билан ёнма-ён ва ҳатто аралашиб яшаб келаётган қирғиз халқининг этномаданий алоқалар тарихи қадим даврларга бориб тақалади.

Тарихий манбалардан аён бўладики, қадимги туркий этнослардан бири ҳисобланган қирғизларнинг аждодлари азалдан Тянь-шаннинг шимолий ҳудудларидан тортиб, то Енисей (Энасой) дарёсигача бўлган кенг саҳро ва даштларда кўчманчилик билан кун кечирганлар. XVI асрда уларнинг айрим этник гуруҳлари Фарғона водийси ҳудудларига ҳам келиб жойлаша бошлаганлар. XVII-XIX асрларда кўпгина қирғиз уруғлари Фарғона водийсининг тоғ, тоғолди ҳамда адир ёнбағирларидан ўз чорвалари учун яйлов сифатида фойдаланганлар. Бу ерга асосан Тянь-Шань, Чотқол, Олой, Қоратегин ва Қашғарда яшаган қирғизлар келиб жойлашганлар [1.6-7; 5.359; 10.505].

Ўтмишда қирғизлар учун ҳам барча кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар каби уруғ-қабилавий тузилиш характерли бўлган. Қирғиз уруғлари ҳам худди ўзбек уруғлари сингари жой номларига уруғ-қабилалар номларини сингдирганлар. Чунки жой номлари унутилмас бебаҳо тарих оинасидир. Бу номларнинг ҳар бири остида ўша давр кишиларининг ўзига хос ҳаёт тарзи ётади. Қуйида биз Қирғиз уруғларидан бири бўлган ва Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ҳудудларида учрайдиган «бағиш» компонентли этнотопонимларнинг лисоний-этимологик хусусиятини очиб бермоқчимиз.

1. Мавжуд илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, қирғизлар учта йирик гуруҳларга бирлашганлар: «ўнг» қанот қирғизлари, «сўл» қанот қирғизлари ҳамда «ичкилик» қирғизлари. Ҳудди шу уруғчилик тамойиллари асосида қирғизлар маълум бир ҳудудларда, хусусан, Фарғона водийсида ҳаёт кечиришган. Водийнинг шимолий қисмида қирғизларнинг «ўнг» қанот гуруҳига кирувчи *саёқ, жедигар, бағиш, сарибағиш, монголдар* ҳамда «сўл» қанот гуруҳига мансуб *сари, басиз, қушчи, чонбағиш, қиёт, мундуз* каби уруғ-қабилалари жойлашган бўлиб, жанубий қисмида асосан «ичкилик» гуруҳига кирувчи *қипчоқ, найман, тейт, кесак, жоокесак, қонди, бўстон, найгут, авот, туялас* каби уруғ-қабилалар, шарқий ҳудудларида эса «ичкилик» гуруҳига кирувчи *бўстон, қипчоқ, тайит, найман, мунгуш, кесак* ҳамда «ўнг» ва «сўл» гуруҳига мансуб *бағиш, монгол, мундуз, бассиз* уруғлари истиқомат қилишган.

Мақола объекти ҳисобланган «Бағиш» этнонимининг шажаравий этимологик жиҳатига эътибор берадиган бўлсак, у қирғизларнинг ичкилик бўлимига қарашли ўнг қанот уруғларидан бирининг номидир [13.160].

Қирғиз халқининг генетик келиб чиқишини ўрганган тадқиқотчилар бағишларни қадимги 40 та катта уруғлар қаторига қўшадилар. С.М.Абрамзон ҳам Бағиш уруғини қирғизларнинг келиб чиқиш илдизи бирикмасига кирган қадимги уруғлар қаторига қўшган [9.42]. Бундан ташқари, Қирғиз уруғлари ичида Чўнгбағиш, Сарибағиш, Қорабағиш, Учбағиш, Кўкбағиш уруғлари таркибан бағиш уруғи асосида юзага келган бўлиб, номланиш таркибидаги компоненти ҳам бунга мос келади.

Бағиш уруғи ҳақидаги тарихий маълумотларга қараганда [3; 13;.31,88], уруғ вакиллари қадимда Сибирь ва Олтой ўлкаларида (кейинчалик, Шимолий Қирғизистон ва Талас водийсида) истиқомат қилган бўлиб, чорвачилик, йилқичилик, овчилик билан шуғулланганлар.

Бағиш сўзининг этимологияси Бағиш (багыш) Лось [13.58] нинг (Буғу ёки унинг бир тури) ўша даврда туркий халқлар томонидан айтилишига тўғри келади ҳамда овчилик ва чорвачилик (буғучилик) билан шуғулланган уруғ тотеми сифатида ифодаланади.

Маълумки, номшуносликда илк уруғчилик даврида юзага келган номланиш асосида тотемистик тасаввурлар ётган бўлиб, унга кўра маълум уруғ ва қабила аъзолари бирор ҳайвон, ўсимлик ёки предмет билан қандайдир алоқадор ҳисобланган ва бу алоқа қариндошлик деб тушунилган. Шу асосда ўша ҳайвон, ўсимлик ёки нарса муқаддаслаштирилган ва унга сиғинишган. Уруғ- қабилаларни номлашда тотемик қарашларга суяниш туркий ва мўғул халқлари орасида юзага келган қадимий анъана ҳисобланган. Г.Н.Патанин томонидан берилган маълумотга кўра Сибирь лексемаси ҳам мўғулча ***субр – «тоғ бўриси»*** маъносини англатади [8. 126] ёки Абдулғози Баҳодирхон ўзининг «Шажарайи тарокима» асарида Ўғузхоннинг невaралари, авлоди учун тотем ҳисобланган Бургут, Укки, Қарға, Шунқор, Лочин, Хумой каби қуш номларини келтиради [2.22].

Андижон вилояти этнотопонимлари таркибида *туячи, балиқчи, такалар (такали), туялас, бўрилик, қарға, ҳакка, баҳрин, мундуз, бағиш* каби этнонимлар мавжуд бўлиб, улар ҳам тотем сифатида муқаддаслаштирилган жониворлар номини англатувчи сўз асосида юзага келган.

Бағиш – (Лось// Буғу [14, 217; 16, 86] - буғулар оиласига мансуб бутоқ шохли ҳайвон) ҳайвонларнинг катта гуруҳи бўлиб, унга Шимол буғуси, Узоқ Шарқ изюбри, Сибирь марали, Бухоро буғуси (Хон буғи), Шимолий Америкадаги Виргиния буғулари ҳамда лось ва лань киради. Булар ичида энг чиройлиси шимол буғуларидир. Шимол халқлари қадим замонлардан хонаки буғуларни кўпайтириб келган, чунки улар қўй, сигир, от каби барча уй ҳайвонларининг ўрнини босгани ҳолда, бу ҳайвон жуда ҳам қадрли ва муқаддас ҳисобланган.

2. Қадимий афсоналарга кўра, қадимий қирғиз уруғларида Буғу муқаддас ҳайвон саналган (ҳатто Буғубой авлодлари буғуга дуч келган жойда отдан тушиб, унга йўл беришарди. Ошиқлар суйган қизларини сулувликда гўзал оқ буғуга қиёс қилишарди.) ҳамда тотемистик тасаввурлар асосида муқаддаслаштирилган.

Багиш сўзининг талаффузига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу этнонимнинг аффиксация усулида юзага келганини кўриш мумкин. Маълумки, аффиксация усулида аффикслар воситасида турли сўз туркумларига мансуб луғавий асослардан содда ясама этноним (этнотопоним) ҳосил қилинади.

Ном асоси ҳисобланган *баги* тил тараққиёти давомида буғу шаклига келиб қолган. Туркий тилларда унли фонемалар *о – у* (лабланган унлилар), *и – у* ва ундош фонемаларнинг *г – ғ* мослиги, яъни *о* унлисининг *у* га, и унлисининг *у* га, *г* ундошининг *ғ* га ўтиши ёки бунинг акси кўп кузатилади. *г, ғ* – жарангли портловчи, иккинчиси сирғалувчи, бири саёз тил орқа, яна бири чуқур тил орқа ундошлар. Соф туркий сўзларда анлаутда келмайди. г товушининг сўз охирида келиши ҳам чегараланган. *ғ* ундоши сўз ўртаси ва охирида кенг қўлланган.

Маълумки, ***-ш (иш)*** қўшимчаси қадимий қўшимча бўлиб, туркий тилларда отлашган феъл шакллари ва феълдан феъл ҳосил қилишда ишлатилган. Бу морфема тарихий қўлёзмаларда ***-у(-ш)//-уш, -и(-ш) // иш, уш//иш*** шаклларда учрайди. Уруғ ва қабилалар номлари орасида ***– ш (-иш)*** билан тугаган *бағиш, бегиш, баташ // батош, болташ, таввош, украш, часгаш* этнонимлари учрайди.

***-ш (иш)*** қўшимчаси баъзи ишларда жамланган, кўплик («собирательной множественность») маъносини ифодалайди деб талқин қилинган ва қадимий туркий ***йыш (тоғ ўрмони), йығаш // ағач (дарахт). огуш (уруғ қабила)*** сўзларида мана шу маъно мавжуд деб ҳисобланади [15.13-14].

***бағи // буғи*** сўзи от сўз туркумига мансуб бўлгани ҳолда, ***-ш (иш)*** қўшимчаси жамланган, кўплик маъноларини ифода этади: ***бағи // буғи, бағи+ ш // буғи***+лар сингари. Маълумки, ***-лар*** қўшимчаси ўзи қўшилган сўз англатган тушунчага кўплик, миқдоран ортиқлик маъноларидан ташқари жамоавийлик, уруғга мансублик маъносини ҳам беради. Масалан: қипчоқлар – қипчоқ уруғига мансуб кишилар, қирғизлар – қирғиз миллатига мансуб бўлганлар тарзида тушуниш мумкин.

3. Ном кўчишининг ономастик хусусиятига кўра бағиш ва бағиш компонентли этнотопонимларнинг ўша ҳудудда яшовчи аҳоли томонидан ёзиб олинган этимологиясига қарайдиган бўлсак, ҳозирда қуйидаги ҳолат юзага келган.

Маълумки, этнотопонимлар ўзбек тилидаги номлар тизимининг энг қадимий қатламларидан бири ҳисобланади. В.А.Никонов этнотопонимларнинг пайдо бўлиши хусусида шундай фикр юритган эди: «Асосида этноним ётувчи топонимлар, агар улар ўша ҳудудда яшамайдиган кишилар томонидан берилмаса, этник келиб чиқишида умумийлик бўлган бир халқ яшовчи жойларда юзага келиши мумкин эмас. Одатда, этнонимлар аҳолининг этник мансублигини фарқ этувчи белги вазифасини бажарадиган жойларда этнотопонимга айланади [12.13].

Бундан англаш мумкинки, фақат бир уруғга мансуб кишилар яшайдиган жойда ҳеч қачон этнотопоним вужудга келмайди. Кўпинча, қабилалар ёнма-ён яшайдиган чегара ҳудудларда аҳоли таркибининг энг кўп ёки энг кам қисмини ташкил этган уруғлар номи кўп ҳолда топонимга айланади. Буни Фарғона водийси ҳудудидаги этнототопонимлар юзасидан тўпланган айрим жой номларининг этимологиясида ҳам кўришимиз мумкин.

Масалан: 1.Хонобод шаҳри, Марҳамат, Асака, Избоскан, Чортоқ (Наманган вил.) туманларидаги Бағиш, Чўнгбағиш, Қорабағиш маҳаллаларида бошқа жойдан кўчиб келган, қирғиз миллатига мансуб аҳоли Чўнгбағиш номи остида этник жамоа сифатида бирлашган, яъни Чўнгбағиш сўзи орқали аввал этник ном кейинчалик, жой номи тушунилган.

2. Андижон, Пахтаобод, Олтинкўл, Шаҳрихон, Данғара, Бувайда (Фарғона вил.), Норин (Наманган вил.) туманларидаги Чўнгбағиш маҳалласи этимологияси эса, аксинча, биргина оиланинг бағиш ёки боғиш компонентли уруғ таркибидан кўчиб келиб, ўрнашиб қолганлигидан Чўнгбағиш деб номланган. Ном орқали кўришимиз мумкинки, этнос вакили (шахс ёки оила) миллат, уруғ, қабилага нисбатан бўлак вазифасини ўтайди. Бу эса синекдохага хос хусусиятни юзага келтиради.

Вақт ўтиши билан жой номлари турли ўзгаришларга учраши ва янги-янги топонимлар вужудга келиши мумкин. Бизнинг фикримизча, жойга ном бўлган сўз ўша жойнинг энг муҳим хусусиятларини англатмаслиги ҳам мумкин ёки барча жойлар учун умумий бўлган хусусият жой номи бўла олмаслиги мумкин, аксинча, ўша жойда яшовчи биргина уруғ вакили орқали этнос номи жой номига ўтиши мумкин. Масалан, Андижон, Пахтаобод, Олтинкўл, Шаҳрихон, Марҳамат (Қорабағиш) Данғара, Бувайда, Норин туманларидаги Чўнгбоғиш маҳаллалари этимологиясида ҳозирда шу ҳолат кузатилади. Бундан ташқари, бу жойларда ном билан боғлиқ этимологияларда тадқиқ қилинаётган номларни этнотопоним эмас, бошқа асоссиз нарсалар билан боғланган вариантлилик асосидаги халқона (ёлғон) этимологиялар юзага келган.

Ҳар қандай этнонимнинг ўз маъноси, келиб чиқиши ҳақидаги этимологияси бор. Баъзи бир этнонимлар қадимий сўз бўлганидан маъносини тушуниш қийин. Одатда, қабилалар, йирик уруғларнинг номлари қадимий бўлади. Қирғиз уруғлари ичида Бағиш компоненти асосида юзага келган Чўнгбағиш, Сарибағиш, Қорабағиш, Учбағиш, Кўкбағиш уруғ номлари ҳам мавжуд.

Чўнгбағиш – этнотопоними ҳозирда Андижон вилоятининг Марҳамат, Избоскан, Андижон, Олтинкўл, Пахтаобод, Асака, Шаҳрихон туманларида ҳамда Наманган вилоятиниг Чортоқ ва Норин туманлари, Фарғона вилоятининг Бувайда туманларидаги аҳоли яшаш пунктларининг номи сифатида қайд қилинган.

Чўнгбағиш – этноним сифатида қирғизларнинг чап (сўл) қанот қабилалари таркибига кирувчи уруғлардан бирининг номи бўлиб, В.П.Наливкин чўнгбағиш уруғини бағиш уруғининг бир тармоғи [11.13] деб кўрсатиб ўтади. А.Н.Аристов қирғизларнинг бу икки уруғини ўзаро яқин деб ҳисоблайди [3.5; 4.351-440].

Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз ясашда, жумладан, этнотопонимларни ясашда кенг ва фаол қўлланиладиган усуллардан бири композиция усулидир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, қўшма сўзлар тарихан сўз бирикмаларидан ўсиб чиққан. Тил тараққиёти жараёнида сўз бирикмаси қисмларининг маъно ва грамматик жиҳатдан яхлитлик касб этиб, қисмлар орасидаги синтактик муносабатнинг йўқолиши натижасида синтактик бирликдан луғавий бирликка айланади – қўшма сўз юзага келади [18.76].

Тадқиқ қилинаётган Чўнгбағиш лексемаси Чўнг ва бағиш компонентлари асосида юзага келган бўлиб, чўнг // катта, бағиш // буғу маъноларини англатган ҳолда бағиш уруғининг катта бўлаги ёки чўнг (эна, катта она маъносида) бағиш // она буғу маъноларини англатади.

Бундан ташқари, Маҳмуд Кошгарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳам «бағиш» сўзи ишлатилган ва у «бармоқ ва бошқа аъзолар бўғини», «қамиш ва шунга ўхшаш нарсаларнинг бўғини» деган маънони ифодалаши айтилган. Асарнинг кейинги саҳифаларида «бўғим// бўғин» сўзларига нисбатан ҳам шундай таърифлар берилган. Шундан келиб чиқсак, бағиш компонентли Чўнгбағиш, Сарибағиш, Қорабағиш, Учбағиш, Кўкбағиш этнонимларидаги чўнг (катта-маъносида), сари(қ), қора, кўк (қуйида этнонимларни ранглар асосида юзага келишига алоҳида тўхталинади) компонентлари уруғларнинг маълум бир бўғинлари, бўлимлари маъносида қўлланган бўлиши мумкин. Масалан: Чўнгбағиш // Катта бўғим, уруғнинг катта қисми маъноларини ифодалайди.

Сарибағиш, Қорабағиш, Кўкбағиш этнотопонимлари таркибида ранг маъносини ифодаловчи компонентлар тасодифан юзага келмаганини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

Маълумки, турли ранглар ва улар ҳақидаги тотемик, мифологик, диний, бадиий, фалсафий тушунчалар ўтмишда туркий халқлар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу ҳақда К.Шониёзов шундай ёзади: «Қадимги даврларда Олтой ва Жанубий Сибирда яшаган туркий қабилалар шимол, жануб, шарқ, ғарбни ранглар номи билан атаганлар. Қора ранг шимолни, қизил ранг жанубни, кўк ранг шарқни, оқ ранг ғарбни, сариқ ранг марказни билдирган. Маълум бир қабила иттифоқида бўлган кишиларнинг томонларга қараб жойлашиши одат тусига кириб, вақт ўтиши билан томонларнинг номлари (ранг номлари) этноним бўлиб қолган»[17.145-146]. Демак, юқоридаги этнонимлар таркибида ранг билдирувчи сўзлар ўтмишда уруғнинг жойлашиш ўрни ёки дунё томонларини аниқлаш мақсадида қўлланилган. Сарибағиш, Қорабағиш, Кўкбағиш этнотопонимлари ранг билан боғлиқ маънони англатган ҳолда, Сарибағиш «марказда, ўртада яшаган бағишлар», бошқа уруғлар эса марказга нисбатан олинган тарзда қуйидагича ифодаланган. Қорабағиш «шимолда яшаган бағишлар», Кўкбағиш «шарқда яшаган бағишлар» маъноларини ифода этади.

Айни пайтда, мазкур компонентларни фақат ранг-тусни билдирувчи сўзлар дея олмаймиз, чунки уларнинг айримлари хусусият билдирувчи сўзлардир [6.83]. Масалан, сариқ сўзи – оқсуяк, аслзода, бойлик, мол-мулк, дабдаба маъноларини ифодалаган ҳолда бағиш уруғига тегишли асилзодаликни ёки бой бадавлатликни билдиради.

Қора сўзи эса улкан, катта деган маъноларни билдириб, бу асосида юзага келган қорабоғиш, қоратейит, қорабўйин этнонимлари бағиш, тейит, бўйин уруғларининг улкан, катта бўлаклари деганидир. З.Дўсимовнинг таъкидлашича, қора сўзи Хоразм шеваларида этноним ва топоним таркибида кўплик маъносини англатади [7.33].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бағиш лексемаси буғулар ёки буғуларга мансуб маъноларини ифодалагани ҳолда «тотем» сифатида уруғ ва жой номига кўчган бўлиб, чўнгбағиш бағиш уруғининг катта бир бўлагини, сари(қ)бағиш бағиш уруғига тегишли асилзодаликни ёки бой бадавлатликни, қорабағиш ва кўкбағиш этнонимлари маъно жиҳатидан уруғларнинг жойлашиш ўрнини ифода этади.

**Адабиётлар:**

1. **Абдуллаев У.** Ўзбек-қирғиз этномаданий алоқалари //Жамият ва бошқарув.- 2004.- № 2
2. **Абулғози Баҳодирхон.** Шажараи тарокима. – Т., 1995.
3. **Абрамзон С.М.** Труды Киргизиской археолого-этнографической экспедиции Известия АН СССР. IV том. - М., 1960,
4. **Аристов Н.А.** Заметки об этническом составе тюркских племен народностей и сведения об их численности // Живая страна. Вып.III-IV. - СПБ.,1896.
5. **Валихонов Ч.Ч.** Қирғизлар ҳақида. Қирғизлар. – Бишкек, 1999.
6. **Дониёров Х.** Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. –Т., 1968.
7. **Дўсимов З.** Шимолий Хоразм топонимлари: филол.фанлари номзоди... дис. – Т., 1970.
8. **Дўсимов З., Эгамов Ҳ.** Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1977.
9. **Караев Ў.** Киргиз элининг тузилиши // Материалы международной конференции посвященной 1000 летию эпоса «Манас».- Бишкек,1996 .
10. **Мўлдабоев И.** Қирғизларнинг этник маданиятининг пайдо бўлиши. // Қирғизлар.- Бишкек, 1999.
11. **Наливкин В.П.** Краткая история кокандского ханства. – Казань, 1886.
12. **Нафасов Т.** Ўзбек уруғ ва қабилаларининг номланишида тамғанинг роли. // Ўзбек тили ва адабиёти.- 2006.- № 2
13. **Отаккуров С.** Киргиз санжираси.- Бишкек,1992.
14. Русско-Узбекский словарь. – Т.: Ўқитувчи, 1972.
15. **Серебренников Б.А., Гаджиева Н.З.** Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков.- М.: Наука, 1986 .
16. Узбекско-Русский словарь. – Т., 1988.
17. **Шониёзов К.** Қанғ давлати ва қанғликлар. –Т.: Фан, 1990.
18. **Ҳожиев А.** Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. – Т.: Ўқитувчи, 2007.

# «ФАРҒОНА ОДАМИ» ВА АНТРОПОГЕНЕЗ ЖАРАЁНИ

**МУҲАММАДЖОН ИСОМИДДИНОВ** — ФарДУ профессори, тарих фанлари доктори,
**САОДАТ МИРСОАТОВА** — тарих кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди

Ибтидоий давр тарихида гоминидларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши мавзусида иккита йирик ғоя – моноцентризм ва полицентризм назариялари ўртасида қизғин илмий мунозаралари мавжуд. Одамнинг пайдо бўлишида Африка қитъаси катта роль ўйнаганми? ёки Евроосиё қитъасими? деган саволга қандай жавоб беришларига қараб олимлар иккита катта гуруҳга бўлинишади. Полицентризм назарияси тарафдорлари инсониятнинг пайдо бўлган ҳудуди Африка материги билан параллел равишда Евроосиё ҳам бўлган, дейишса, моноцентризм тарафдорлари инсониятнинг илк бешиги Африка қитъаси бўлиб, ундан бутун Ер юзи бўйлаб тарқалган, дейишади. Моноцентризм назарияси асосчилари Африка қитъасида кейинги яқин ярим аср мобайнида жуда кўплаб топилмалар топилаётганлигига асосланишади ва шунинг учун ҳам дастлабки одам аждодлари Африка қитъасида пайдо бўлган ва кейинчалик дунёнинг бошқа ҳудудларига ҳам тарқалган, деган фикрни илгари сурадилар. Бу назария тарафдорлари Африка қитъасидан кўплаб энг қадимги приматлар суяклари билан бирга бир қанча қадимги одамлар суякларининг топилиши ва кўҳна қитъадан топилган ва топилаётган гоминидларнинг энг қадимги типлари (австролопитеклар, хомо хабилислар) бошқа ҳудудларда учрамаслигига асосланмоқдалар. Жаҳон археология фанида ҳозирда моноцентризм назарияси ҳукмрон ғоя ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудуди жуда қадимги даврлардаёқ шаклланган цивилизацияларга эришган юрт эканлигини тасдиқловчи материаллар кўплаб топилган. Шу билан бирга, кейинги 40-50 йиллар мобайнида бу ҳудуд илк замонавий типдаги одам пайдо бўлган маконлар қаторига кириши тўғрисидаги маълумотлар пайдо бўлди. Шунинг учун Ўзбекистон ҳудудини Ер шари миқёсида инсониятнинг дастлабки аждодлари шаклланган минтақалар жумласига киритиш мумкин.

Юртимизнинг инсоният пайдо бўлган юрт эканлигини кўрсатадиган белгилардан энг асосийси ҳудудда жуда кўплаб қуйи ва ўрта палеолит даврига оид ёдгорликларнинг борлиги ва бундай ёдгорликларнинг бутун мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб кенг тарқалганлигидадир.

Евроосиё ҳудудларида бўлгани сингари юртимиз тарихи ҳам палеолит давридан бошланади. Мамлакатимизда шу даврга оид қатор маконлар қайд этилган ва ўрганилган. Улар қаторига Фарғона водийсидаги Селунгур, Чашма, Тошкент вилоятининг Оҳангарон водийсидаги Кўлбулоқ ва Қизилолма ёдгорликларининг қуйи қатламлари, Жарсой топилмалари ҳамда Қизилқум ҳудудларидаги Бўкантоғ каби ёдгорликларни киритиш мумкин. Мамлакатимиз ҳудудида шулардан энг аҳамиятлиси Селунгур ғори ҳисобланади.

Селунгур ғори Сўх дарёси водийсида, Қирғизистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош бўлган Ҳайдаркон қишлоғи чеккасида, денгиз сатҳидан 2000 м баландликда жойлашган. Ғорнинг кириш қисми Сўх водийсининг туб қисмидан 50 м юқорида, Қатрантов тизмасининг қуйи қисмида жойлашган ғор макон ҳисобланади. Ғорнинг эни кириш қисмида 34 м, баландлиги 25 м ва чуқурлиги 120 м га етади. Ёдгорлик дастлаб 1955 йилда А.П.Окладников ва П.Т.Коноплялар томонидан топилган ва шу йилнинг ўзида ушбу ёдгорликда унчалик катта бўлмаган қазишма ишлари амалга оширилган [1]. Селунгур ғорида биринчилардан бўлиб қазишма ишларини ўтказган ва водийдаги яна бир қанча ўрта палеолит даврига оид маконларни топган ва тадқиқ қилган олимлардан яна бири М.Р.Қосимов бўлиб, у 1964 йили Селунгурда қазишмалар олиб борган, шурфнинг деворларини тозалаш натижасида 110 см чуқурликдан жигарранг кремнийлашган жинсдан ишланган тош буюмларини топган. А.П.Окладников билан М.Р.Қосимовлар ишларининг оралиғида ғорни А.Пошко ҳам тадқиқ этган. Унинг изланиши натижасида 1,5 м чуқурликдан гулхан, бир нечта кварцит буюмлар, суяк тешгич ва бигиз қолдиқлари топилган.

Ўтган асрнинг 50-йилларида А.Пошко Фарғона водийсидаги тош даври ёдгорликларини топишда ва уларни тадқиқ этишда жонбозлик кўрсатган. Бу олим-

[1] **Пошка А.** Пещере Сел-Ун-Хур. ВА. вып.2. 1960. С.38.

нинг характерли томонларидан яна бири ибтидоий одамнинг яшаши учун керакли табиий шароитни яхши аниқлаган, яъни палеоэкологияни яхши тушунган. Шунинг учун бўлса керак, Селунгур ғори ҳақида«кенг, қуруқ ва етарлича ёруғ ғор, қулай кириш қисмига эга бўлиб, унда ёзда ҳам ва қишда ҳам қулай ҳарорат ҳукм сурганлиги энг қадимги давр одамларининг диққатини тортмаслиги мумкин эмас эди» деб аниқ ва лўнда фикрни айтишга муваффақ бўлган. 1980 йилларда Ўз.ФА Археология институтининг Ў.И.Исломов бошчилигида бошланган стационар қазиш ишлари жуда катта натижаларни берди [2].

Ғорнинг кириш қисмида олиб борилган қазиш ишлари натижасида палеолит даврига оид бешта маданий қатлам аниқланган. Ҳар бир маданий қатламнинг қалинлиги 20 см. дан 40 см. гача бўлиб, уларнинг орасида 0,3 м. «тоза тупроқлар» билан ажралиб туради. Ғорнинг ётқизиқлари туфлар, алевритлар, тош синиқларини ўз ичига олган қумоқ тупроқдан иборат бўлиб, 8,5 м. чуқурликкача қазилган. Палеолит даври материаллари эса 2,5 м. дан 6,5 м.гача бўлган чуқурликлардан топилган. Уларнинг энг кўп тўпланган жойи қазилган жойнинг жанубий қисми бўлиб, шимол томонга қараб маданий қатламлар нураб боради. Бироқ қазишмалар плани ҳанузгача чоп этилмаган. Маълум бўлишича, 1981 йилда 64 кв. м. жой очиб ўрганилган. Ғорнинг кесмалари асосида геологик тадқиқот олиб борган М.Х.Годин уни иккита ритмоқалинликка ажратади: уларнинг қуйиси 5 ва 4 маданий қатламларни ўз ичига олиб, асосан, лойли алевритли қатламлардан иборат; юқоридагиси эса ғор томидан қулаб тушган шағалли валунли материаллар орасида оҳак лойли ва туфли майда қатламлардан таркиб топган. Юқори ритмоқалинлик 4 марта ювилган, унга 3, 2 ва 1 маданий қатламлар киради. Ушбу қатламларнинг ҳеч қайсиси бузилмаган, улар геологик жиҳатдан анча сокин даврда пайдо бўлган [3].

Селунгур макони тадқиқоти жараёнида 5000 га яқин тош буюмлар қўлга киритилди. Ёдгорликда тош буюмларни ясашда сариқ, жигарранг яшма, кулранг яшил гилли сланец ҳамда тўқ кулранг вулқон жинсларидан фойдаланилган. Хомашё ёдгорликнинг пастидаги дарё ўзанидан галка шаклида олиб келинган ва бу табиийки, Селунгур индустриясининг умумий кўринишига ўз таъсирини ўтказган. Ёдгорлик тош буюмлари тўпламидаги учириндилари орасида йирик ва қўпол, зарб майдончалари кенг ва зарб бурчаги катта бўлганлари кўпчиликни ташкил қилади. Одатда, улар калта ўлчамли бўлиб, қатламда пластиналар деярли учрамайди. Леваллуа типидаги учириндилар ҳам жуда камёб. Аниқланиши қийин бўлган тош бўлаклари ва чиқиндилар кўп учрайди. Тўпламда нуклеуслар ҳам кўп эмас, улар, асосан, ташландиқ кўринишларга эга.

Иккиламчи ишлов берилган тош буюмлар фоизи ёдгорликдаги умумий тошларнинг ўндан бирини ташкил қилади. Тош қуроллар орасида чопперлар, тўғри ёки бўртиб чиққан қиррали қирғичлар, тишсимон қуроллар, композит қуроллар, ўйиб-кертиб ишланган қуроллар, ретушланган тош бўлаклар ва учириндилар мавжуд. Бундан ташқари, тўпламда кливерлар, қўл чўқморлари, тош рандалар, пайконлар ва лимаслар учрайди.

Селунгур ғори материаллари маданий жиҳатдан Осиёча ашел маданиятига киритилган. Маълумки, ашел илк палеолитнинг Европага хос маданиятларидан бири бўлиб, улар асосан бифаслар, яъни қўл чўқморлари ишлаб чиқарилиши билан характерланади. Осиёча ашел эса ундан бироз фарқ қилиб, бифаслар билан бирга кливерларнинг ҳам учраши билан ажралиб туради. Ёдгорлик материаллари Олд Осиёдаги илк палеолит даврига оид Убайдия макони материаллари билан ўхшаш эканлиги аниқланган.

Селунгур ғоридан топилган антропологик материаллар у қадар кўп эмас: одам тишлари, бош суяги парчаси ва елка суяги бўлагидан иборат.

Селунгур ғоридан топилган тишлар анча яхши сақланган, бинобарин, уларнинг турли кимсаларга мансублигини аниқлаш мумкин. Ўта даражада сийқаллаган қопламали ва узун илдизли иккита йирик юқори курак тиш, эҳтимол, 35-40 ёшлардаги эркак кишиники бўлса керак. Қисқа илдизли кичикроқ юқори курак тиш чамаси 40 ёшлардаги аёлга тегишли эканлиги маълум бўлди.

Селунгурда топилган намуналар 1,1 миллион йил илгари вужудга келганлиги ЎзР ФА Ядро физикаси институтида калий-аргон усулида таҳлил қилиниб, бу

[2] **Касымов М.Р.** Новые исследования по палеолиту Ферганской долины в 1964 г. ИМКУ. Вып.7. 1960. С.38;

[3] Исламов У.И. Первая нижнепалеолитическая пещерная стоянка в Ферганской долине. ОНУ. №8. Ташкент.:1984. -С. 4.; Исламов У.И. Итоги и перспекивы изучения пещерной стоянки Сель-Унгур. Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент.: 1988. -С. 12.; Исламов У.И., Оманжулов Т. Пещерная стоянка Сель-Унгур. ИМКУ. Вып. 19. Ташкент.:1984. -С. 5.; Исламов У.И., Зубов А.А., Харитонов В.М. Палеолитическая стоянка Сель-Унгур в Ферганской долине. ВА. Вып. 80. 1988. -С. 66.; Батыров Б.Х., Батиров А.Р. Ископаемые мелкопитающие пещеры Сел-Унгур. Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988. -С. 7.; Величко А.А., Кременецкий К.В., Маркова А. К., Ударцев В.П. Палеоэкология ашельской стоянки Сель-Унгур (предварительное сообщение). Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988. -С. 24.; Величко А.А., Арсланов Х.А., Герасимова -С.А., Исламов У.И., Кременецкий К.В., Маркова А. К., Ударцев В.П., Чиколини Н.И. (Советская Средня Азия) Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной и Восточной Азии и Америки. Новосибирск.; 1990. -С. 76-79.; Исламов У.И., Крахмаль К.А. Некоторые проблемы палеоэкологической реконструкции ашельской стоянки Сель-Унгур. ОНУ. № 12. Ташкент.:1990. -С. 7.; Исламов У.И., Крахмаль К.А. Комплексные исследования древнепалеолитическиой пещерной стоянки Сель-Унгур. Раннепалеолитические комплексы Евразии. Новосибирск.: 1992. -С. 50-51.

маданий топилмаларга қарийб 1,5 млн. йил бўлганлиги аниқланди. Бу одам суякларини антропологик ўрганиш буларнинг барчаси архантропларга тегишли эканини кўрсатди.

Селунгур ғоридан топилган тош қуролларининг техник-типологик, палеонтологик, кимёвий (уран-ион услуби асосида саналаш), палинологик, геологик, палеоантрапологик ва бошқа услублар билан анчайин яхши ўрганилишига қарамасдан, ёдгорлик материалларининг таҳлили атрофида бир қатор мунозаралар мавжуд бўлиб, дастлабки ва асосийси Селунгур санаси масаласидаги мунозарали фикрлардир.

Ёдгорликни бевосита ўрганган тадқиқотчилар манзилгоҳнинг санасини 1,5 миллион йиллар билан белгилашган [4]. Бироқ, қатор чет эл адабиётларида унинг анчайин ёшартирилган хронологик даврларга хослиги тўғрисида фикрлар мавжуд [5]. Тилга олинган хорижий муаллифлар Селунгур қатламларининг санасини 300-250 минг йиллар билан даврлаганлар. Ёдгорликдан топилган антропологик материалларнинг ўрганилиши ҳам мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Негаки, бу топилмалар архантропларга хос деб талқин қилинган. Бироқ, архантроп термини ўтган асрнинг 50 -йилларида қабул қилинган бўлиб, улар қаторига гиббонлар ҳам киритилган. Кейинги ярим асрдан зиёдроқ вақт мобайнида қилинган кашфиётлар гоминидларнинг нисбатан аниқроқ физик типларини белгилаш имконини берди ва архантроп термини илмий муомаладан чиқариб ташланди. Бу нарса палеантроп ва неантроп терминларига ҳам таллуқлидир. Ушбу илмий янгиликларга кўра, ҳозирда архантроп термини одам аждодларининг физик типини белгиламайди. Селунгур тадқиқотчилари ёдгорликнинг барча маданий қатламларини ашел даврига оид, деб ҳисоблайдилар [6]. Бироқ, Селунгурни бундай саналаш айрим мутахассислар томонидан шубҳа остига олинган [7]. Селунгур индустриясини ашел, деб талқин қилиш жиддий шубҳа уйғотади: тўпламда ҳақиқий қўл чўқморлари бўлмаган ҳолатда ашел тўғрисида гапириш мумкинми? Бошқа бир томондан, хом-ашёнинг характери қайроқтош (дарё галкаси), чопперларнинг мавжудлиги, типологик жиҳатдан аниқ нуклеусларнинг йўқлиги, калта ва йирик йўнилғиларнинг кўплиги ҳамда пластиналар ёки уларга яқин йўнилғиларнинг учрамаслиги Селунгурни Ўрта Осиёнинг, хусусан, Қоратов ва Лахути ёдгорликлари материаллари билан яқинлигини кўрсатади. Бу фикрлар Селунгурнинг барча 5 та қатламлари материалларини қатламма-қатлам синчиклаб ўрганилгунига қадар ягона тўғри фикр бўлиб қолади. Бу ҳолда Жанубий Тожикистон материаллари билан таққосланганда, Селунгурда айрим мустега хос тош буюмларининг шакллари мавжуд ва ҳатто Селунгур бироз архаик кўринишга ҳам эга. Афтидан, Селунгурни илк палеолитга хос ёдгорлик, деб ҳисоблаш билан бирга, уни ашелга эмас, қайроқтошли маданиятлар доирасига киритиш тўғри бўлур эди. Аммо, бундай хулосага келган юқоридаги мутахассислар Селунгурда қўл чўқморларининг айрим сериялари мавжудлигидан беҳабар кўринади.

Селунгур қатламларининг геологик қадимийлиги ҳам ҳозирда ўзининг тўлиқ исботини топган эмас. Ў.И.Исломов ва унинг ходимларининг мақолаларида ёдгорлик қатламларининг илк плейстоценга оидлиги ишонч билан таъкидланади. Бироқ, буни исботловчи далиллар ҳали етарли эмас [8]. Палинологик ва фаунистик материалларнинг гувоҳлик беришича, ёдгорлик материаллари ўрта плейстоцен даврига хосдир [9]. Тош буюмларининг техник-типологик таҳлили эса ёдгорликнинг абсолют санаси ҳақида етарли маълумотларни бермайди [10]. Шундай бўлсада, Селунгур Ўрта Осиёда ҳозирда маълум бўлган ёдгорликлар ичида энг қадимгиларидан биридир. Бу ҳақда антропологик, палеонтологик ва археологик материалларнинг биргаликда топилиши

---

[4] **Исламов У.И.** Итоги и перспекивы изучения пещерной стоянки Сель-Унгур. Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988. -С. 12.; Исламов У.И., Оманжулов Т. Пещерная стоянка Сель-Унгур. ИМКУ. Вып. 19. Ташкент.:1984. -С. 24.; Исламов У.И., Зубов А.А., Харитонов В.М. Палеолитическая стоянка Сель-Унгур в Ферганской долине. ВА. Вып. 80. М.:1988. -С. 66.; Величко А.А., Кременецкий К.В., Маркова А. К., Ударцев В.П. Палеоэкология ашельской стоянки Сель-Унгур (предварительное сообщение). Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент.: 1988. -С. 72.; Величко А.А., Арсланов Х.А., Герасимова С.А., Исламов У.И., Кременецкий К.В., Маркова А. К., Ударцев В.П., Чиколини Н.И. (Советская Средня Азия). Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной и Восточной Азии и Америки. Новосибирск.: 1990. -С. 166.; Исламов У.И., Крахмаль К.А. Некоторые проблемы палеоэкологической реконструкции ашельской стоянки Сель-Унгур. ОНУ. № 12. 1990. -С. 11.; Исламов У.И., Крахмаль К.А. Комплексные исследования древнепалеолитическиой пещерной стоянки Сель-Унгур. Раннепалеолитические комплексы Евразии. Новосибирск.: 1992. -С. 32.

[5] **Исламов У.И.** Первая нижнепалеолитическая пещерная стоянка в Ферганской долине. ОНУ. №8. 1984. -С. 8.; Исламов У.И. Итоги и перспекивы изучения пещерной стоянки Сель-Унгур. Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент.: 1988. -С. 67.; Исламов У.И., Оманжулов Т. Пещерная стоянка Сель-Унгур. ИМКУ. Вып. 19. 1984. -С. 47.

[6]**Исламов У.И., Крахмаль К.А.** Комплексные исследования древнепалеолитическиой пещерной стоянки Сель-Унгур. Раннепалеолитические комплексы Евразии. Новосибирск.: 1992. -С. 32.

[7] **Ranov V. A.** Dictionnaire de la Préhistoire. Universitaires de France, Paris.: 1988. -P. 1001.; Ranov V. A. Decouverte des civilizations d`Asie Centrale. Les dossiers d`Archéologie №185 ⁄Septembre Paris.: 1993.- P. 6. Вишняцкий Л.Б. Палеолит Средней Азии и Казахстана. Санкт-Петербург.: 1996. -С. 107.; Исламов У.И., Зубов А.А., Харитонов В.М. Палеолитическая стоянка Сель-Унгур в Ферганской долине. ВА. Вып. 80. 1988. -С. 122.

[8] **Вишняцкий Л.Б.** Изучение палеолита Средней Азии (материалы, методы, концепции). СА. № 1. М.: 1989а. -С. 15.

[9] **Ранов В.А.** О восточной границе мустьерской культуры. Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной и Восточной Азии и Америки. Новосибирск.: 1990. -С. 264:

[10] **Ranov V. A.,** 1993. Decouverte des civilizations d`Asie Centrale. Les dossiers d`Archeologie. №185 Septembre. Paris.: 1993.-P. 6.

ҳамда юқори маданий қатлам устидан олинган травертин бўлаги бўйича амалга оширилган уран-ион услуби билан саналаш натижалари: [11] 126 +-5 минг йил (ЛУ-936) шундан гувоҳлик беради [12].

Марказий Осиё ҳудудида Тешиктош ғоридан сўнг узоқ йиллар мобайнида ундан кўра қадимийроқ археологик ёдгорлик топилмаганлиги туфайли ўлкамизда инсоният тарихи 80-100 минг йилдан нарига ўтмас эди. Аммо Тешиктош ғори топилгандан 50 йил ўтгач, Селунгур ғорининг топилиши ва унинг мукаммал ўрганилиши нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё халқлари учун жаҳоншумул тарихий аҳамиятга молик бўлган маълумотларни берди. Бу минтақада инсон тарихи 1,5 миллион йилгача узайтирилди.

Кейинги йилларда антропологик материаллардан ҳам генетик белгиларни ўрганиш бўйича амалга оширилган йирик тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ Селунгур одами ва ундан кейинги неандерталларнинг «тақдири», ҳозирги замон одами пайдо бўлиши масаласида ҳам катта ишлар қилинди.

Антрополог М.М.Герасимов Тешиктош топилмаси бош суягининг 150 дан ортиқ парчаларини елимлаб бутун қиёфасини тиклади. 9 ёшли бола бўлганлигидан унинг мия ҳажми 1490 куб сантиметр, у вояга етганида бу ҳажм 1600 куб сантиметр бўлиши керак эди. Г.Ф.Дебец Тешиктош одамининг жинси эркак эканини аниқлаб, уни Европа неандерталларининг наъмунавий турига (биринчи навбатда Шапел-о-Сен ва Ферраси топилмаларига) яқинлаштирди. Кейинги тадқиқотчилар ҳам Тешиктош одамининг «намунавий» неандерталлардан фарқланишини таъкидлаб, тадрижий ривожланиш йўлига кўра у ҳозирги замон одамига бориб тақалади, деб ҳисоблашади. Мутахассислардан бири А.Тома Тешиктош одамини ҳозирги замон монголоид одами томон олиб борувчи тадрижий ривожланиш тармоғига киритган.

Россиялик йирик антропологлардан бири В.П.Алексеев ҳозирги замон одамидаги ўзгаришлар шкаласи асосида Тешиктош одамининг «балоғат» ўлчамлари бошқа неандерталларга нисбатан жуда кичиклигини ҳисобга олиб, бу ердан топилган скелет аслида ўғил бола эмас, балким қиз болага тегишли бўлиши керак, деган хулосага келади.

Сўнгги йилларда ДНК орқали олинган маълумотлар Тешиктош боласи сапиенс турига эмас, балки неандертал турига тегишли эканини кўрсатди. Шу билан бирга, Тернес Ритцманнинг 2003-2004 йилларда олиб борган тадқиқотларига кўра, Тешиктош одами қайтадан илк Homo sapiens одами деб белгиланди. Антропологик тадқиқотлар давом этар экан, бундан кейин ҳам яна янги ғоя ва янги қарашларнинг бўлиши табиий ҳолдир.

Дастлабки неандертал одамлари топилганига бир юз эллик йилдан ошиқ бўлган бўлса, бу вақт ичида йигирмадан ортиқ неандертал одамларининг қолдиқлари топилди. Уларнинг маконлари ва қабрлари ўрганилди. Бу одам турлари ўзлари жуда ҳам архаик одам турларига кирса ҳам, нафақат жуда такомилига етказилган қуролларни ясашган, балким улар ҳаётда ўзларини тутишда катта муваффақиятларга эришишган. Ҳатто айрим соҳаларда Homo sapiens ларга тенглашишган.

XXI асрнинг бошларигача жуда кўплаб антропологлар неандерталларни ҳозирги замон одамининг илгариги аждоди, деб тахмин қилишлари билан бирга, неандерталларни инсоният шажарасидаги бир бўғин деган ғоя ҳам чиққан эди. Эндиликда антропологик ва генетик тадқиқотларнинг кўрсатишича, неандерталлар Африкадан чиққан ҳозирги замон одами томонидан сиқиб чиқарилган, ҳамда улар томонидан ўзлаштирилган. Аммо кейинчалик ўтказилган антропологик ва генетик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, неандерталлар билан ҳозирги замон одамининг ораларидаги муносабатлар оддий бўлмаган. Генетик тадқиқотлар ҳозирги замон одамининг қон таркибида фақат 4% неандертал одамининг қони бор эканлигини кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда шу нарса маълум бўлдики, ўша даврдаги инсоният популяцияларини асосий чегараларида нафақат маданий диффузия, балким гибридлашиш, ассимиляциялашиш жараёнлари кетганлигини кўриш мумкин.

Ҳозирги илмий хулосаларга кўра неандертал одамининг замонавий турдаги одамларнинг илк авлоди эканлиги тўғрисидаги мақом яна қайта тикланди. Айниқса, Обираҳмат ғоридан топилган одамнинг бош қисми ва тишларининг бўлаклари оламшумул аҳамиятга молик натижаларни берди. Обираҳмат ғоридан неандертал билан замонавий турдаги одамнинг омухта қолдиқлари топилди. Бундай топилмалар ер юзининг бошқа жойларда ҳозиргача учрамаганлиги туфайли ҳам илмий аҳамиятга эга.

Юртимиз ҳудудидан Селунгур, Тешиктош ва Обираҳмат одамларининг топилиши, дунё фанида Ўрта Осиё минтақасини, жумладан, Фарғона водийсини илк одамлар шаклланган ва узлуксиз тадрижий тараққий этган жаҳонда камдан-кам учрайдиган ойкуменалар ёки цивилизация ўчоқларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.

[12] **Ранов В.А., Додонов А.Е.** О периодизации и стратиграфии нижнепалеолитических стоянок Средней Азии. Проблемы взаимосвязи природы в каменом веке Средней Азии. Ташкент.: 1988. -С. 71-72.

# ҚЎШТЕПА ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ **АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ**

**БАХТИЁР АБДУЛЛАЕВ**
ЎзР ФА Археология институти
катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди

Ёдгорлик Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Қорасув даҳасида жойлашган. Унинг очилиши 1970 йиллар бошида Б. Абдулғозиеванинг шу туман археологик ёдгорликларни қайд қилишга доир дала-тадқиқот ишлари билан боғлиқ. Олима кўтарма материаллар асосида ёдгорликни илк ўрта асрлар билан саналаган (Абдулгазиева, 1988. С. 47).

Қўштепа 0,42 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, Ўрта Осиё учун типик «майдонлик тепа» туридаги ёдгорликлар сарасига киради. Унинг ғарбий қисми кўшк (баландлиги 9,5 м) ва шарқий қисми ҳунармандлар даҳаси (баландлиги 5,2 м) бўлган (расм. 1, 1). Ёдгорлик атрофидаги уйлардан антик ва ўрта асрларга оид бутун сопол идишлар (расм. 1, 2) коллекциясининг топилиши, уни майдони бир неча гектардан иборат қадимги аҳоли манзилгоҳининг маркази бўлганлигини тасдиқламоқда.

Қўштепа ёдгорлигида Фарғонанинг Эйлатон ва Шўрабошот маданиятларининг синтези (қоришуви) давридан бошлаб, ўн икки асрдан кўпроқ узлуксиз ҳаёт ҳукм сурган. Бизнингча, юқорида тилга олинган икки антик давр маданиятлари синтези мил.авв. IV-III асрларда рўй берган. Қазув ишлари давомида олтита қурилиш горизонтлари аниқланди. Шулардан қуйидаги учтаси антик даврини тўла қамраган (2-қазишма), 4-5 горизонтлар илк ўрта асрларга оид (1 ва 3 қазишма), ҳамда 6-горизонт Қорахонийлар даври билан боғлиқ (1-қазишма). Қўштепада олиб борилган қазув ишлари натижаларининг таҳлили қуйидаги хулосаларни беради:



**Расм. 1.** 1 – Қўштепа-2. 2014-2015 йиллари олиб борилган қазишмаларнинг инструментал плани; 2 – ёдгорлик атрофидаги уйлардан топилган тасодифий сопол идишлар; 3 – кремнийлашган охактош – тош қуролларни ясашда хосил бўлган теҳник йўнилғи

1. Қадимги тош индустриясига оид айрим артефактларнинг (расм. 1, 3) топилиши Андижон вилоятида палеолит – қадимги тош даври бўйича дастлабки янгилик ҳисобланади. Шу билан бирга, қатламларда чуст маданиятига оид сопол парчаларининг топилиши, ёдгорликка яқин жойда палеолит ва сўнги бронза даврига оид манзилгоҳлар бўлганлигидан далолат беради.

2. Ёдгорлик кўп қатламли бўлиб, унинг ҳудудида илк антик даврдан (мил.авв. IV-I асрлар) ўрта асрларгача турли маданият соҳибларининг ҳаёти, тараққиёти ва инқирози даврларини босиб ўтганлиги аниқланди. Мил.авв. IV-III асрлар Эйлатон ва Шўрабошот маданиятларининг синтези натижасида Довон давлати шаклланган.

3. Қўштепада яшаган Шўрабашот маданияти соҳиблари асосан ертўла ва ярим ертўла уйларда истиқомат қилганлиги аниқланди (расм. 2, 1). Бу давр меъморий қолдиқлари II қурилиш горизонти билан қопланган бўлиб, унда топилган сопол парчаларининг (расм. 2, 2) таҳлилига кўра Эйлатон даврига оид пахсали плат-

форма, пол юзаси ва у билан боғлиқ хўжалик ўраси аниқланди. Бу каби манзилгоҳлар Фарғона водийсида кенг кўламли бўз ерлар ўзлаштирилиши билан боғлиқ кўплаб сув иншоотларининг бунёд этилиши вақтига тўғри келди. Мил. Авв. I минг йиллик ўрталаридан бошлаб водийнинг шарқий қисмида ўнлаб канал ва катта ариқлар қурилди. Шаҳрихонсой, Андижонсой, Савайариқ, Ўзганариқ, Қорасув ва бошқалар шулар жумласидандир (Береналиев, 1975. С. 155; Малтаев, Матбабаев, 2005. С. 68-69), уларнинг бўйларида бир неча ўнлаб манзилгоҳ ва қўрғонлар барпо этилган. Албатта, бундай кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари маълум марказ раҳнамолигида олиб борилган. Демак, Довон давлатининг шаклланиш даврини ҳам мил. Авв. IV-III асрлар билан белгилаш ўринли ёки у ҳали фанга номаълум давлат асосида шаклланган.

Тадқиқотларимиздаги ўзига хос янгиликлардан бири шундаки, II қурилиш даврига оид Эйлатон маданияти соҳибларининг манзилгоҳи катта ёнғинда қолган ва култепага айланган, ушбу кул қатламдан (60 см гача) Шўрабошот маданиятига оид қўлда ясалган нақшли ҳамда қизил ангобли чархда тайёрланган сопол парчалари (расм. 2, 3) топилди. Маълумки, қизил ангоб Эйлатон маданиятига оид сопол идишларини тайёрлашда ишлатилмаган ва фақат Шўрабошот ёдгорликларида топилган сополларда аниқланган (Заднепровский, 1960а. С. 42; Горбунова, 1977. С. 53). Айнан шу сабабли бу маданиятлар кетма-кет ҳаёт кечирганлар, деб таъкидланган. Бироқ айрим мутахассислар ўз тадқиқотлари асосида Эйлатон ва Шўрабошот маданиятлари маълум вақт ўзаро алоқада бўлган, деб хулоса қилганлар (Гаврющенко, 1970. С. 19). Фақат XX аср охирига келиб, бу маданиятлар бир вақтда параллел ҳаёт кечиришганлиги эълон қилинган (Иванов, 1999. С. 19). Бироқ, сўнгги вақтларгача бу муаммо нашрларда кўтарилмади. Эҳтимол, бунга Қўштепага ўхшаш ёдгорликларда режали тадқиқотлар олиб борилмаганлиги сабабдир. Бизнинг Қўштепадаги тадқиқотларимиз ҳам бу маданиятларнинг маълум вақт параллел ҳаёт кечирганликларини кўрсатмоқда. Албатта, бу маданиятларга оид қатламлар Қўштепада унча катта бўлмаган майдонда очилганлиги сабабли уларнинг ўзаро муносабатлари қандай бўлганлигини айтиш мушкул. Бироқ уларнинг маданий қатламлари бир-бирини қоплаганлиги улар орасида маълум муносатбатлар бўлганлигидан далолат беради.

6. Мил.авв. I аср охирларида дастлабки манзилгоҳлар ўрнида маҳобатли кўшк бунёд этилади. У 30х30 м майдонда пахса ва хом ғиштдан қурилган 5 м дан баландроқ монолит стилобат – тагкурси асосида қад кўтарилади. Кўшк антик даври иншоотларини қуриш



**Расм. 2.** 1 – қўлда ясалган нақшли шўрабошот сопол парчаси; 2 – Эйлатон маданиятига оид қўлда ясалган сополлар; 3 – иккинчи қурилиш горизонти меъморий қолдиқлари устидаги кул қатлами ичидан олинган сополлар комплекси; 4 – уч қиррали темир камон ўқи.

мезонлари доирасида бўлиб, унинг тагкурсиси сирти суйри, устидаги хоналар деворлари эса тик қилиб қурилган. Кўшкнинг шимолий-ғарбий хонасининг бир қисми очилган ва унинг энг сўнги истиқомат даврига оид полидан олинган қизил ангобли сопол парчалари II-IV асрларга оиддир. Демак, орада очилиши лозим бўлган яна икки-учта истиқомат даврларига оид қатламлар мавжуд. Милодий I минг йиллик ўрталарида Ўрта Осиё ҳудудида кўчманчи қабилалар миграцияси билан боғлиқ урушлар бўлиб ўтиши оқибатида кўплаб қўрғон ва манзилгоҳлар таназзулга учраган (Брикина, 1982. С. 17). Бу фожиадан Қўштепа ҳам четда қолмади ва ушбу ҳодиса хона поли устидан топилган уч қиррали камон ўқига кўра (расм. 2, 4) IV-V аср бошларида юз берган дейиш мумкин. Сабаби бу каби топилмалар водийнинг жанубий-ғарбида III-IV асрлар билан саналанган Қорабулоқ қабр-мозоридан ҳам аниқланган (Баруздин, 1963; Горбунова, 1983. С. 39, рис. 4, 16). Бу каби камон ўқлари зирхли аскарларга қарши ишлатилган ва Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларидан топилган. Бироқ топилмаларнинг асосий қисми водийдаги ёдгорликларда учраганлиги сабабли тадқиқотчилар уларни келиб чиқишини маҳаллий, деб таъкидлашади (Брикина, Горбунова, 1985. С. 35; Горбунова, 2000. С. 48). Бу қуролларнинг Ўрта Осиёда дастлаб пайдо бўлиши III-V асрлар билан белгиланади (Брикина, Горбунова, 1985.

С. 36; Горбунова, 2000. С. 48). Бундай ўқ-ёйлар VI-VII асрларда оммалашади, лекин VIII асрларда ҳам ишлатилади (Литвинский, 1964. С. 88; Брикина, Горбунова, 1985. С. 35).

7. Илк ўрта асрларнинг биринчи босқичида (V-VI асрлар) узоқ муддат қаровсизликдан сўнг кўшк қайта тикланади. Унинг барча нураган қисмлари қирқилиб, атрофи қалин пахсали тиргак деворлар билан ўраб чиқилади. Юқоридаги хоналар ҳам дастлаб тупроқ, устидан эса қуйма пахса билан тўлдирилиб, тиргак деворларга боғланади. Шу йўсинда янги бинонинг мустаҳкам тагкурсиси қад кўтарилиб, устига хоналар комплекси қурилади. Унинг асосини оташпарастларнинг устунли ибодатхона айвони эгаллаган бўлиб, кўшкнинг шарқий девори яқинида тош ёткизилган йўлак юқорисида «мангу олов» сақланадиган меҳроб (алтар) аниқланган. Бу давр иншооти ҳам оловда вайрон бўлган.



**Расм. 3.** 1-6 – қий қатламидан олинган сополлар комплекси; 7-8 – қий қатламидан олинган жез буюмлар; 9 – металл шлаклари.

8. V-VI асрлар таназзулга юз тутган кўшкнинг меъморий қолдиқлари узоқ муддат кўчманчи чорвадорлар томонидан мол-қўйлари учун оғил сифатида фойдаланилган ва уларнинг излари 35-45 см қалинликдаги қий қатлами билан изоҳланади. Ушбу қатламдан ангобли ва ангобсиз чархда тайёрланган сопол идиш парчалари топилган (расм. 3, 1-6). Шу билан биргаликда бу қатламдан иккита жез буюм – уч бурчак шаклдаги «тумор» ва тўрт бурчак тўқа (расм. 3, 7-8) қўлга киритилди. Бу каби тўқалар Панжикентда ҳам топилган бўлиб, VIII аср билан саналанган (Беленицкий и др., 1973. С. 86, рис. 54; Распопова, 1980. С. 89-90, рис. 63, 3), бироқ Фарғона водийсида бундай топилмалар мил. I аср ўрталарига оид ёдгорликларда топилган (Горбунова, 1987. С. 83-84, рис. 9, 9). Маълумки, кўчманчи маданият соҳиблари моҳир металлсоз бўлишган ва бунинг далили сифатида қатламдан топилган металл шлакларини келтиришимиз мумкин (расм. 3, 9).

9. VII-VIII асрларда кўшк қайта таъмирланади ва унинг даври шарқий девор қатламидан топилган жез тангаси (расм. 4, 1) ва металл идишларга тақлид қилиб қўлда ясалган сопол парчалари (расм. 4, 2) билан саналанади. П.Б. Лурьенинг таҳлилига кўра, бу топилма «турк-суғдий тангаси, унинг бир томонида суғдча «MR'Y» ёзуви бўлиб, ҳукмдор маъносини англатади, иккинчи томонида эса ишончли манбаларга кўра ҳоқон сўзи битилган» [1]. Суғд танга-



**Расм. 4.** 1 – турк-суғдий жез тангаси; 2 – металл идишларга тақлид қилиб қўлда ясалган сопол кўзача; 3 – елкасида тамғаси бор дастали сув кўзаси; 4 – жездан ясалган ўсмадон.

ларига бағишланган асарда бу каби артефакт «Номсиз ҳоқонлар» бўлимида келтирилган (Смирнова, 1978. С. 338, 526, № 1435), бироқ у ердаги тангаларнинг фақат бир томонида ёзув бўлган. Ваҳоланки, уларнинг диаметрлари – 2,9 см ва оғирлиги – 4,36 г – бир-бирига мос келади. Фарғона водийси

[1] Имкониятдан фойдаланиб, россиялик ҳамкасбимизга ўз миннатдор-чилигимизни билдирамиз.

учун бундай тангалар фақат VII асрнинг охирларидан маълум. Бу эса «Қўштепа кўшки VII асрда таъмирланган» деган хулосани беради. Бироқ бу даврдан атиги пол юзаси ва кўшкнинг атрофини ўраб турган тиргак деворлар сақланган холос. Бу давр ҳаёт излари ҳунармандлар даҳасига туширилган қазишмада аниқланди. Қазишмада кулоллар устахонасининг бир қисми очилган бўлиб, у ерда топилган сув кўзасининг (расм. 4, 3) елкасида тамға борлиги аниқланди. Танга ва кўзаларда туркий ҳоқонликка оид белгиларнинг аниқланиши, уларнинг бевосита бўйсундирилган халқларнинг ички ишларига аралашувидан ва ўз йўриғида сиёсат олиб борганликларидан далолат беради.Ҳунармандлар даҳаси араблар келгандан сўнг таназзулга учраган.

10. Кейинги асрларда ёдгорликдаги ҳаёт бир неча юз йиллар мобайнида вайрона ҳолатига келади ва қисман кўшкда Қорахонийлар даврида ҳаёт қайта жонланади, бундан шу ердан топилган жез ўсмадон (расм. 4, 4) гувоҳлик беради. Ёдгорликда Қорахонийлардан сўнгги даврларга оид топилмалар йўқлигини ҳисобга олиб, бу сулоланинг тугатилиши билан Қўштепада ҳам ҳаёт тўхтаган, деб хулоса қилинмоқда.

Шундай қилиб, археологик тадқиқотлар натижасида алоҳида олинган ёдгорликдаги Фарғона водийсининг узлуксиз тарихини акс эттирувчи топилмаларнинг қиёсий таҳлили қуйидаги хулосаларни беради: Қўштепа-2 ёдгорлиги қадимги Андижонсой бўйида бир-биридан 4-5 км узоқликда жойлашган кўшк ва қалъалар тизимининг халқаси бўлиб, деҳқончилик воҳасининг ўзига хос мудофаа, ҳамда сув тақсимлаш тизимларининг ажралмас қисми ҳисобланган. Бу тизимларнинг мукаммаллашиши натижасида дастлаб водийнинг шарқий қисмида, кейинчалик, илк ўрта асрларда унинг ғарбий ҳудудларида урбанизацион жараёнлар кучайиб борган. Бунга ўхшаш мудофаа тизими Бухоро деҳқончилик воҳаси бўлмиш Кампиракда кузатилади. Унинг характерли хусусияти шундаки, унда ҳам воҳа атрофи бир-биридан шунча масофа узоқлигида жойлашган қалъалар (қисман Зарафшон бўйида) ҳимоясида бўлган, бироқ Андижонсой-Шаҳрихонсой воҳасидан фарқли ўлароқ, Бухоро мудофаа тизими атиги IV-V асрларда барпо этилган. Албатта, Фарғона водийсида кўплаб сунъий суғорма тизимларининг бунёд этилиши марказий ҳокимият – давлатчиликнинг кучайиши билан боғлиқ бўлган. Бу ҳолат эса Довон давлатининг шаклланиши ва бошланғич тарихий босқичларини янги тадқиқотлар орқали синчиклаб ўрганишни тақозо этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. **Абдулгазиева Б.** Восточная Фергана в древности и раннем средневековье // Автореф. Дисс. ... канд. Ист. Наук. Самарканд, 1988.
2. **Баруздин Ю.Д.** Карабулакский могильник // Изв. АН Кирг ССР. СОН. 1963. Т. 3. Вып. 3.
3. **Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г.** Средневековый город Средней Азии. Л. 1973.
4. **Береналиев О.Б.** Древний канал Карасу в Ош-Карасуйском оазисе // Археологические открытия 1973. М., 1974.
5. **Богомолов Г.И., Гендельман П.И.** Бытовые металлические предметы с городища Канки // ИМКУ. № 25. Ташкент. 1991.
6. **Брыкина Г.А.** Юго-западная Фергана в первой половине I тыс. н.э. М., 1982.
7. **Брыкина Г.А., Горбунова Н.Г.** Железные наконечники стрел из Ферганы // Древности Евроазии в скифо-сарматское время. М. 1984.
8. **Гаврющенко П.П.** Кулунчакское укрепленное поселение // АКД. Ташкент, 1970.Горбунова Н.Г. К вопросу о датировке комплексов с шурабашатской керамикой в Восточной Фергане // АСГЭ. № 17. Л., 1977.
9. **Горбунова Н.Г.** Итоги исследования археологических памятников Ферганской области // СА. № 3. 1979.
10. **Горбунова Н.Г.** Кугай-карабулакская культура Ферганы // СА. 1983. № 3.
11. **Горбунова Н.Г.** Памятники Керкидонской группы в Южной Фергане // АСГЭ. № 28. Л., 1987.
12. **Заднепровский Ю.А.** Городище Эйлатан: К вопросу о датировке памятника // СА. 1960. № 3.
13. **Заднепровский Ю.А.** Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. № 118. Москва, 1962.
14. **Иванов Г.П.** Археологические культуры Ферганы (периодизация и синхронизация) // Автореф. ... канд. Ист. Наук. Самарканд, 1999.
15. **Литвинский Б.А.** Орудия труда и утварь из могильников Западной Ферганы. М. 1978.
16. **Малтаев К.Ж., Матбабаев Б.Х.** новые данные о памятниках античного времени в Восточной Фергане // Материалы по античной культуре Узбекистана. Самарканд, 2005.
17. **Матбабаев Б.Х., Грицина А.А.** Крылатые усмадоны Кубы // Санъат. № 3. С. 8-9. Ташкент, 2001.
18. **Распопова В.И.** Металлические изделия раннесредневекового Согда. Л. 1980.
19. **Смирнова О.И.** Сводный каталог согдийских монет. М. 1981.
20. **Ширинов Т.Ш., Матбобоев Б.Х., Иванов Г.П.** Аҳмад ал-Фарғоний даврида Қубо шаҳри. Тошкент. 1998.

# УЙҒУР ЭТНОНИМИНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР

**АБЛАТ ХЎЖАЕВ —**
**Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори, тарих фанлари доктори**

Уйғурлар туркий халқлар ичидаги энг қади-мий-ларидан бири эканлигини ва уларнинг дунё ци-вилизацияси, Марказий Осиё, хусусан, Буюк ипак йўли тарихида муҳим ўрин тутганлиги дунё олимлари томонидан эътироф этилган. Шу сабаб уйғурлар тарихи кўп олимлар диққат марказида бўлган ва бўлиб келмоқда. Уларнинг мазкур масала юзасидан баён этилган фикр-мулоҳазалари 1991 йилда Алмати шаҳридаги собиқ Қозоғистон Фанлар академияси таркибидаги уйғуршунослик институти тарихчилари томонидан 1991 йилда нашр этилган «Краткая история уйгуров» («Уйғурларнинг қисқача тарихи») номли асарда батафсил таҳлил қилинган [1]. Бундан кейинги давр давомида уйғурлар тарихига оид дунё олимларининг тадқиқотлари ҳам талайгина. Улар орасида 2001 йилда турк тилида чоп этилган 21 жилдли «Турклар» («Turkler») [2] ва инглиз тилида нашр этилган 6 жилдли «The Turks» [3] ҳамда «Xinjiang China's muslim borderland» («Шинжян Хитойдаги мусулмонлар яшайдиган чегара замини») [4] номли асарлар муҳим илмий аҳамият касб этади. Сўнги 30 йил ичида Хитой Халқ Республикаси (ХХР) да ҳам уйғурларнинг тарихини, хусусан, этник тарихини ўрганиш ишлари жонланди. Натижада, қатор йирик асарлар чоп этилди. Хронологик тартибда биргина уйғур тилида нашрдан чиққан фундаментал асарларларни мисол қиладиган бўлсак, улар орасида, энг аввало, «Уйғур тарихи» [5], «Уйғурлар» [6], «Шинжянгдики миллатларнинг тарихи» [7], «Қадимги уйғурлар тарихи» [8], «Уйғур этнографияси» [9], «Уйғурлар Шарқда ва Ғарбда» [10], «Қадимқи уйғурлар ва қорахонийлар» [11], «Уйғурларнинг қисқича тарихи» [12] , «Урхун уйғур ханлиқининг қисқича тарихи» [13], «Ғарбий юрт тарихи ҳақида тадқиқот» [14] «VIII-X асрлардаги Ғарбий юрт тарихи ҳақида тадқиқот» каби асарларни тилга олиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, юқорида тилга олинган «Краткая история уйгуров» номли китобнинг уйғурча таржимаси «Уйғурлар ва Ғарбий юртдаги бошқа туркий халқларнинг қисқича тарихи» [15] номи билан Урумчида нашр этилган.

ХХРда уйғурлар тарихига оид хитой тилида чоп этилган китоблар ҳам кам эмас. 1952 йилда нашр этилган «Вэйвуэр шилюэ» («Уйғурланинг қисқича тарихи») [16] ва икки марта нашр этилган «Вэйвуэр зу шиляо жянбян» («Уйғур тарихига оид маълумотларнинг қисқача тўплами») [17] шулар жумласидан.

[1] Краткая история уйгуров. Алма-Ата, 1991. С.4-15.

[2] Turkler. 21 kitab. Ankara, 2001.

[3] The Turks. In 6 books, Ankara, 2002.

[4] Xinjiang China's muslim borderland (Шинжян Хитойдаги мусулмонлар яшайдиган чегара замини). Нью-Йорк – Лондон. 2004.

[5] *Лю Чжисяо*. Уйғур тарихи. 2 жилдлик, Пекин, 1987.

[6] *Турғун Олмос*. Уйғурлар. Урумчи, 1989. 1994 йилда Алматы шаҳрида нашр этилган ушбу асарни Ҳамид Ҳамраев рус тилига таржима қилган. Унинг ҳажми 340 бет (2 жилд)дан иборат.

[7] *Анвар Бойтур, Хайринисо Сидиқ*. Шинжянгдики миллатларнинг тарихи. Пекин, 1991.

[8] *Лин Ган, Гао Зиху*. Қадимки *уйғурлар* тарихи, Урумчи, 2000.

[9] *Абдураҳим Хабибулла*. Уйғур этнографияси. Урумчи, 2000.

[10] *Ғайратжон Усмон*. Уйғурлар Шарқда ва Ғарбда. Урумчи, 2002.

[11] *Ҳожи Нурҳожи*. Қадимги уйғурлар ва қорахонийлар. Урумчи, 2001.

[12] Уйғурларнинг кискича тарихи. Урумчи, 2006.

[13] *Аҳмад Сулоймон Кутлуқ*. Урхун уйғур ханлиқининг қисқича тарихи. Урумчи, 2006.

[14] *Хуа Тао*. Ғарбий юрт тарихи ҳақида тадқиқот. Хитойчадан Аблат Нурдун, Қурбан Турон, Ахмат Зиё, Турғун Умар таржима қилган. Урумчи, 2002.

[15] *Хуа Тао*. VIII-X асрлардаги Ғарбий юрт тарихи ҳақида тадқиқот. Хитойчадан Умаржон Нури таржима қилган. Қашқар, 2003.

[16] *Гуо Йингдэ*. Вэйвуэр шилюэ (Уйғурланинг қисқича тарихи). Шангхай, 1952.

[17] *Фэнг Жяшэнг, Чэнг Суло, Му Гуангвэн*. Вэйвуэр зу шиляо жянбян (Уйғур тарихига оид маълумотларнинг қисқача тўплами). 2 жилдан иборат. 2-нашр,

Умумий характерга эга бўлган қатор йирик асарларда ҳам уйғурларнинг этник тарихига эътибор берилган. Ванг Чжунгхан раҳбарлигида тузилган «Чжунггуо минзуши» («ХХР халқларининг тарихи») [18], катта бир гуруҳ олимлар битган «Чжунггуо Шинжянг гудай шэхуэй шэнгхуо ши» («ХХР Шинжянгнинг қадимги жамияти ва ҳаёти тарихи») [19], Хэ Жихунг. «Шиюй лунгао» («Ғарбий мамлакатларга оид мунозаралар баёни») [20] каби китоблар шундай асарлар қаторидан жой олган.

Хитой тилида уйғурларга бағишлаб ёзилган асарлар орасида тайванлик олим Лю Йитангнинг қаламига мансуб бўлган «Вэйвуэр янжю» («Уйғурларга оид тадқиқот») номли китобни алоҳида тилга олиш мумкин [21]. Зеро унда муаллиф ўзигача ёзилган тадқиқотларда келтирилган фикрларни умумлаштириш билан бирга қатор масалалар юзасидан ўзининг янги қарашларини ва мулоҳазаларини баён этган.

Уйғурлар тарихига тегишли хитой манбалари ва тарихий адабиётларидиги уйғурларга тегишли маълумотлар билан танишиб чиққанимизда маълум бўлдики, уларда ушбу халқнинг номи 23дан зиёд шаклда ифодаланган. Улар қуйидагилардан иборат:

Юангэ (yuan-ge袁纥), вэйгэ (wei-ge韋纥), уху (wu-hu烏護), угэ (wu-ge烏纥), хуэйгэ (hui-ge回纥), хуэйгэ (hui-ge廻纥), хуэйгу (hui-gu廻鶻), хуэйгу (hui-gu回鶻), угэ (wu-ge烏鹄), вэйъу (wei-wu畏吾), вэйъу (wei-wu畏兀), вэйъу (wei-wu委吾), гуйгу (gui-gu瑰古), вэйъу (wei-wu瑋兀), вайъу (wai-wu外五), вэйъуер (wei-wu-er畏吾兒), хуэй (hui回), чанхуэй (chan-hui緾回), уже (wu-jie烏揭), хуже (hu-jie呼揭), ухун (wu-hun烏渾), угуан (wu-guan烏灌), уху (wuhu烏護) каби номлар экан.

Бироқ уйғур этнонимининг этимологияси масаласи ҳанузгача мунозарали бўлиб келмоқда. Шу боис ушбу мақоламизда бу масала ҳақида тўхтаб ўтишни лозим топдик

Уйғур атамасининг луғавий маъноси ҳақида дунё олимлари ўртасида ҳар хил фикрлар мавжуд. Буларнинг бирига кўра, уйғур этнонимии бирикиш маъносига эга бўлган «уй» сўзига қадимий туркий тилда сўз тузишда ишлатиладиган «ғур» қўшимчасини қўшиш натижасида келиб чиққан. Бунинг исботи сифатида уйғур тилидаги «тинғур», «қурғур», «бўлғур», «ўйғонмағур» каби сўзлар келтирилади [22].

Бу ҳақда 1644-1664 йилларда Хоразмнинг ҳукмдори бўлган ва тарихда йирик олим сифатида ном қолдирган Абулғозихон ўзининг «Шажарайи турк» номли асарида «Уйғурнинг маъноси ёпишқур темак (муаллиф шевасидаги демак – А.Х.) бўлур. Айтурлар сут уюди. Сут эрканинда (уютилишдан аввал – А.Х.) бир-биридан айрилур. Уйиғондин сўнг айрилмас», деб ёзган [23]. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғат-ит турк» асарида ҳам уйғур этнонимининг шунга яқин луғавий маъноси келтирилган.

Фэн Цзяшэн, Чэнг Суло, Му Гуангвэн каби уйғуршунос хитой олимлари ҳам уйғур этнонимининг маъноси уюшиш, бирлашишдан иборатлигини эътироф этганлар. Шунинг билан бирга, улар ушбу этнонимнинг «итоаткорлар» ва «бирликка суянувчилар» (гуййичжэ 归依者) маъноси бўлганлиги таъкидлаб ўтишган [24].

Иккинчи фикрга кўра, уйғур этноними ўғуз атамасидан келиб чиққан. Мазкур илмий нуқтаи назарнинг муаллифларидан бири европалик олим В.Томсон (V.Thomsen)[25] бўлади . Тайванлик олим Лю Йитанг ҳам бу тахминни асосли деб ҳисоблайди. У турк тилида ёзилган уйғур хоқонларига оид битикларда «ўғуз менинг халқимдир», деган ибора кўп учрашини инобатга олиб, В.Томсоннинг «ушбу фикри шубҳасиз», деб таъкидлайди [26].

Учинчи фикр тарафдорлари уйғур этноними хўр этнонимининг олдига бирикиш маъносини англатувчи «уй» сўзини қўшиш асосида шаклланган, деб ҳисоблайдилар. Улар қадимий Хитойнинг шимолий ва ғарбий томонида яшаган барча халқларни хитойлар умумий ҳолда ху деб атаганини ва Тибет манбаларида уйғур атамаси «ўйхўр» деб номланишини асос сифатида қўллайдилар.

Тўртинчи нуқтаи назарга кўра, уйғур этноними «хузхўр» (خۇزخور / khuz-khur) сўзидан, яъни «ўз кучи билан ўзини боқа оладиганлар» маъносига эга бўлган сўздан келиб чиққан. Бу фикр асосчилари иккита маълумотга асосланадилар.

Пекин 1981. Ушбу асар биринчи марта Пекинда 1956 йилда нашр этилган.

[18] *Ванг Чжунгхан*. Чжунггуо минзуши (ХХР ҳалқларининг тарихи). Пекин, 1994.

[19] Чжунггуо Шинжянг гудай шэхуэй шэнгхуо ши (ХХР Шинжянгнинг қадимги жамияти ва ҳаёти тарихи). Урумчи, 1997.

[20] *Хэ Жихунг*. Шиюй лунгао (Ғарбий мамлакатларга оид мунозаралар баёни). Урумчи, 1996.

[21] *Лю Йитанг*. Вэйвуэр янжю (Уйғурларга оид тадқиқот). Нашр жойи ва йили кўрсатилмаган. 10-19-б.

[22] *Лю Йитанг*. Вэйвуэр янжю. 15-б.

[23] *Абулғозий*. Шажарайи турк. Нашрга Қ.Муниров ва Қ.Маҳмудовлар тайёрлаган. Тошкент, 1992. 32-б.

[24] *Фэнг Жяшэнг, Чэнг Суло, Му Гуангвэн*. Вэйвуэр зу шиляо жянбян. 1-ж. 4-б.

[25] *Лю Йитанг*. Вэйвуэр янжю. 94-б.

[26] Ўша жойда.

Буларнинг бирига кўра, Александр Македонский турклар заминига борганида, унга бош кийимига патлар таққан ва камонни нафақат олдинга қараб, балки орқа томондаги нишонга ҳам бир хил мерганлик билан ота оладиган 4 минг нафар отлиқ дуч келган. Уларни кўриб, буюк лашкарбоши «inan khuz khurand», яъни «ўз кучи билан ўзини боқа оладиганлар», деган. Ўша даврда бундай хислат мустақилликни, ўзини ўзи ҳимоя қила олиш қобилиятига эгаликни англатган.

Иккинчи маълумотга кўра, қадимги уйғурлар khuz сўзини aui, ui деб, khur (رۇخ)ни эса ғур деб талаффуз этган. Шу боис «хузхўр» (روخزۇخ / khuz-khur) уйғур (uy-ĝur)га айланган [27].

Бешинчи фикр тарафдорлари уйғур атамаси «Ханшу»да учрайдиган «Иву» (伊吾) топонимидан келиб чиққан, деб ҳисоблайдилар [28]. Лю Йитанг бу фикрни асоссиз, деган хулосага келган. Бизнинг қарашимизча, ушбу олимнинг бу фикри тўғри. Чунки «Иву» маҳаллий халқ тилида Иверғул (ҳозирги Қумул) деб номланган топонимнинг хитойча транскрипциясидир.

Мазкур фикрларнинг қайси бири асосли эканлигини билиш мақсадида бирламчи хитой манбаларига мурожаат қилиб, уйғур этнонимига доир маълумотларни ўрганиб кўрдик. Бунинг натижасида биз В.Томсон ва Лю Йитангларнинг қарашлари, яъни уйғур этноними икки сўздан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми «бирлашмоқ», «уюшмоқ», «уютиш» каби маъноларни англатувчи уй сўзидан, иккинчи қисми эса ўғуз атамасининг қисқартирилган шакли бўлмиш ғуз этнонимидан келиб чиққан деган фикрни асосли деб топдик. Хулосамизнинг исботи сифатида қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин.

Биринчи маълумот. 1044-1060 йилларда Оу Янгшю 欧阳修, Сунг Чи 宋祁ва бошқа сарой тарихчилари томонидан ёзилган «Шин Тангшу» (新唐书 – «Танг [сулоласи]нинг янги тарихи»)да «уху [атамаси] ухэ деб номланган» (Уху зэ ухэйе烏護則烏纥也) [29], деб аниқ ёзилган.

Ушбу маълумот 853-961 йиллар давомида ёзилган ва Ванг Пу (王溥) исмли тарихчи қаламига мансуб «Танг хуэйяо» (唐会要 – «Танг [сулоласи]нинг қисқача тарихи») номли асарда ҳам келтирилади [30].

Иккинчи маълумот. «Шин Тангшу»нинг уйғурлар тарихига бағишланган бобида қуйидагилар ёзилган:

«Юангэ [атамаси аслида] уху, угэ деб номланган, Суй [сулоласи даврида (581-618)] вейгэ деб аталди» (袁纥者亦曰烏護烏纥至随曰韋纥) [31].

Ушбу маълумотлардаги юангэ (юанхэ деб ҳам ўқилади) этноними қадим замонда ғиван-ғэт (γiwan-γət) ўқилган бўлиб, у милодий IV-V асрларда шимолда, яъни Монголия ҳудудида яшаган уйғурларга нисбатан ишлатилган. Улардаги уху этноними юангэ атамасидан анча қадимий бўлиб, у ўғуз атамасининг қадимги транскрипцияси сифатида ишлатилган. Буни оғуз атамасини ифода қилган икки иероглифнинг қадимги ўқилишидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Чунончи, ўз замонасида бу иероглифлар уғу (uγu) деб талаффуз этилган. Хитой тилининг хусусиятига кўра, ажнабий тиллардаги атамаларнинг охири ундош товуш билан тугалланган бўлса, қадимий хитойлар уларни иероглифлар билан транскрипция қилганида албатта ундош товуш тушириб қолдирилган. Уғу (uγu) атамасида айнан шу аньанани кўришимиз мумкин. Агар ўғуз этнонимидаги з товушини ифодалаш учун қадимги хитойлар зи ёки зы ўқиладиган учинчи иероглифни ишлатиш керак бўлар эди. Бу эса қатор фонетик ва технологик мураккабликни юзага келтирар эди. Энг муҳими, тарих ёзишда ишлатиладиган иероглифлар сонини кўпайтирар эди.

Учинчи маълумот. Катта бир гуруҳ хитой тарихчилари тузиб чиққан «Шиюй диминг каолу» («Ғарбий мамлакатлар топонимикасига оид тадқиқотлардан лавҳалар») номли изоҳли луғат характерига эга бўлган асарда Хэ Жянминг (何建明) исмли тарихчининг «Шюнгну минзу као» («Ҳун этносига оид татқиқот») номли асарида баён этилган хулосаси келтирилади. Унда «Ханшунинг ҳунлар тазкирасида ёзилган уже, Танг сулоласи даврида қўлланилган хуэйхэ (回纥), уху (乌护), юанхэ (袁纥) ва буларнинг бошқа синонимлари турkларнинг тош битикларидаги биргина Oghuz этнониминиng транскрипциясидир», дейилган [32].

---

[27] *Лю Йитанг*. Вэйвуэр янжю. 11-б.

[28] «Ханшу»даги Иву топоними Иверғул (ҳозирги Қумул, хитойча Ҳами)нинг Хан давридаги транскрипцяси эди.

[29] *Оу Янгшю, Сунг Чи*. Шин Тангшу (Танг [сулоласи]нинг янги тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 13-жилд. 16934(1520)-б.

[30] Ян Шао, Ван Пу. Танг хуэйяо (Танг сулоласининг қисқача тарихи). 1785-б.

[32] Шиюй диминг каолу (Ғарбий мамлакатлар топонимикасига оид тадқиқотлардан лавҳалар). Пекин, 2008. . 408-б.

Тўртинчи маълумот. Хитой манбаларида «жюшинг угуси» [33] («тўққиз ўғуз») ва «жюшинг хуэйхэ / хуэйгэ» («тўққиз уйғур») атамалари учрайди. Биз ўз тадқиқотларимизда ушбу атамалар доирасига кирган қабилаларни ўрганиб, таҳлил қилиб кўрдик. Натижада, маълум бўлдики, бу атамалар уйғурларнинг 9 қабиладан иборат бўлган бир қисмига нисбатан ишлатилган. Баъзан бу 9 қабила «жюшинг тиетлэк / телэ» («тўққиз турк») деб ҳам аталади [34].

Бешинчи маълумот. Сўнги ярим аср давомида ҳозирги Шинжянг-Уйғур мухтор ўлкаси (тарихий Шарқий Туркистон)нинг Турфан вилоятида хитой тилида битилган ҳужжатлар топилган. Буларда уйғур номи уху (烏護), уже (烏揭) ва хуже (呼揭) шаклида ёзилган [35]. Мазкур этник атамалар ўгуз этнонимининг хитойча транскрипцияси ҳисобланади [36].

Олтинчи маълумот. «Чжунгуо сичоу чжилу цидян» («Хитойча ипак йўли луғати») номли изоҳли луғатда зикр этилишича, уху (ўғузлар) 9 қабиладан (жюшин九姓) иборат эди. Шу боис, улар цзюсин-уху (九姓乌护 – тўққиз ўғуз), цзюсин-угусы (九姓乌古斯 – тўққиз ўғуз) [37] деб номланган ва Селенга дарёси атрофида яшаган. Улар туркларнинг ёзма ёдгорликларида тилга олинадиган тўққиз ўғуз (托古兹乌古斯)ларнинг джал ўзидир. Ўғузларнинг яна бир қисми бўлиб, улар угуань (乌 灌, ухуань деб ҳам ўқилади) и угу (乌鹘, 乌骨уғу деб ҳам ўқилади) деб аталган. Булар Тангритаг (Тян-шан)нинг Турфан (Гаочан 高昌)га яқин қимида яшаган [38].

«Шинжянг лиши цидян» («Шинжянг тарихи луғати») номли иккинчи бир изоҳли луғатда қуйидагилар ёзилган: «Уху (乌护 – ўғуз) жюшинг телэ (九姓铁勒 – 9 турк) [39] қабилаларининг биридир. У угу (乌鶻), угу (乌骨), ухэ /угэ (乌紇) шаклларида ҳам учрайди. Шарқий Жин (Дунгшжин 东晋 – 265-316) ва Ғарбий Жин (Шижин西晋 317-420) хонликлари даврида уху қабиласининг шарқий қисми Суолинг (Suoling 娑陵 – ҳозирги Монголиядаги Селинга дарёси) қирғоқларига бориб яшаган. Ушбу қабиланинг Ғарбий бўлаги Тангритоғ (Тян-шан)нинг Гаочанг (ҳозирги Турфан) шимолидаги қисмида истиқомат қилиб қолган. Турк қабиласи кучайганида, бу икки бўлак уху (ўғуз)лар бирин-кетин унинг фуқаролигига ўтган. Танг сулоласи ҳокимиятининг дастлабки йилларида Ғарбий уху (ўғуз) Балхаш кўли атрофи ва Сирдарёнинг қуйи оқими қирғоқларига кўчиб борган» [40].

Мазкур луғатнинг уже (烏揭) этнонимига ёзилган шарҳда «уже [атамаси] хуже (呼揭), худэ (呼得) деб ҳам айтилади. ... У Илк бор Хан императори Вэнди (文帝) даврида пайдо бўлган», деб ёзилган [41]. Ушбу маълумотдаги Вэнди милоддан аввалги 179-162 йилларда тахтда ўтирган.

Япония олими Мацуда Ҳисао ҳам уже (烏揭), худэ (呼得 ), хужи (呼偈) ва хуже (呼揭) этнонимлари бир этнос номининг турли хитойча транскрипцияси эканлигини айтиб ўтган. Шу билан бирга, мазкур этнонимлар билан номланганлар қадимий Хитойнинг ғарбий томонидаги Тангритоғ (Тян-шан) ва унинг атрофидаги ерларда яшаганлигини аниқлаган [42].

Бирламчи манбалардан келтирилган маълумотлар-даги уху, Турфон ҳужжатларида учрайдиган уже, уже ва хуже атамалари ўғуз этнонимининг хитойча транскрипцияси эканлиги қатор хитой олимлари томонидан таъкидлаб ўтилган. Чунончи, тайванлик олим Лю Йитанг Турфанда топилган хитойча ҳужжатларда учрайдиган [43] уху (烏護, қисқартирилган шакли乌护) [44], уже (烏揭) ва хуже (呼揭) ўғуз этнонимининг хитойча транскрипцисидир, деб таъкидлаб ўтган [45]. Ушбу хулоса Шюе Зунгчжэнг қаламига мансуб «Туцзюэ

[33] Франция олими M. Reinaud уйғурлар «*цзюсин-угусы*» ва «*токуз огуз*» этнонимини Tagazgaz деб ёзган [*Фэнь Цзяшэнь, Чэнь Суло, Му Гуанвэнь*. Вэйвуэрцзу шиляо цзяньбянь Т. 1. С. 57].

[34] Бу ҳақда асарнинг кейинги бобларида батафсил маълумотлар келтирилган.

[35] *Лю Йитанг*. Вэйвуэр янжю. 91-б.; Шиюй диминг каолу. 979-б.

[36] *Лю Йитанг*. Вэйвуэр янжю. 91-б.

[37] В трудах французского ученого M. Reinaud уйгуры называются «*цзюсин-угусы*» или «*токуз огуз*», Tagazgaz [*Фэнь Цзяшэнь, Чэнь Суло, Му Гуанвэнь*. Вэйвуэрцзу шиляо цзяньбянь Т. 1. С. 57].

[38] Чжунгуо сичоу чжилу цидян. (Хитойча ипак йўли луғати). Шангхай, 1994. 287-б

[39] Ушбу атамадаги *телэ* қадим замонда *тиетлэк* деб ўқилган бўлиб, у турк этнонимининг III-V асрлардаги транскрипцияси эди [*Ходжаев А*. Из истории древних тюрков. Алматинское изд. С. 61-72].

[40] Шинжянг лиши цидян (Шинжянг тарихи луғати). Урумчи, 1994). 76-б.

[41] Ўша асар. 77-б.

[42] *Мацуда Хисао*. Гудай Тяншан лиши дили шюэ янжю (Қадимий Тангритоғнинг тарихий жуғрофиясига оид тадқиқот). Пекин, 1989. 37-б.

[43] Шиюй диминг каолу. 979-б.

[44] Шинхуа цидян (Янги Хитой луғати). Пекин, 1996. 184-б.

[45] *Лю Йитанг*. Вэйвуэр янжю. 91-б.

ши» («Турклар тарихи») номли йирик асарда [46] [269.С.226] ва Лю Сиган томонидан ёзилган ҳамда араб графикасига асосланган уйғур тилига таржима қилиниб, нашр этилган «Уйғур Қоғонлиқи тарихи» [47] номли китобда қайд этилган [251.С.76; 374.С.55].

Албатта келтирилган маълумотлар билан танишганда хитой тили ва унинг хусусиятларидан беҳабар бўлган тадқиқотчилар ҳамда китобхонларда ўғуз атамасининг хитойча ёзилиши унинг туркий талаффузидан узоқлашиб кетган деган фикрга келиши мумкин. Ўйлашимизча, бунинг иккита сабаби бўлиш мумкин. Биринчиси, хитойлар тилида ғ товуши бўлмаганлиги сабабли улар атамадаги ғу қисмини гу, гэ, хэ, же, хуан иероглифлари билан ёзишга мажбур бўлишган. Иккинчи сабаб, узоқ ўтмушда туркийлар хитойлар билан муносабатга киришганда уларга мактуб ёзгач, ўзларининг этник номларини иероглифлар билан ёзиб беришган ва бунинг учун ишлатган хитой ёзувларини ўғуз деб талаффуз этишган. Лекин турли шеваларда сўзлашадиган хитойлар улани бошқача ўқишган.

Уйғур этноними хитой манбаларида учрайдиган ху (胡) атамасидан килиб чиққан, деган фикр ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас. Чунки ушбу иероглиф қадимда ku, γu, hu деб талаффуз этилган бўлиб, у ғуз этнонимининг хитойча ўқилиши эди. Унинг пайдо бўлган вақти хуэйхэ этнонимининг юзага келишидан анча олдинги даврга бориб қадалади. Айни замонда ХХРда уйғур тилида нашр этилган тарихий адабиётларда ху (胡) атамаси ғуз деб тўғри таржима қилинмоқда. Бинобарин, дастлабда ушбу атама қадимий Хитойнинг шимолий ва ғарбий томонида яшаган ҳамда тиек (ди) [48] деб номланган туркларга, кейинроқ рузие (юэчжи - ўғуз) [49] ва ҳунларга нисбатан ишлатилган. Рузиелар Амударё бўйига кўчганидан сўнг уларнинг Сирдарё жанубида яшаганлари ҳам ху деб номланган.

Рузие (юэчжи) этнонимининг келиб чиқиши ҳам ғуз ёки ўғуз атамасига бориб тақалади. У аслида «ўғуз-ер», «ғуз-ер», яъни «ўғузлар замини», «ўғузлар мамлакати» сўзидан келиб чиққан. Ушбу сўздаги ўғуз ёки ғуз эса этник ном бўлиб, у қадимги туркий тиллардаги ӧгур (ӧgur), ӧгуз (ӧguz), ҳозирги замон ўзбек ва уйғур тилларида «ҳўкиз», «ўкуз» сўзларидан келиб чиққан. Бу ҳайвон ўз замонасида куч-қувват рамзи бўлиб, айрим қадимий қавмларнинг тотеми бўлган [50]. Шуларни инобатга олганимизда, уйғур этноними аслида «уй-ғуз» деб талаффуз этилган, кейин «з» товушининг «р»га айланиши натижасида у ҳозирги шаклига келган, деган хулоса келиб чиқади.

Лю Йитанг исмли йирик хитой тарихчисининг хулосаларига кўра, уйғур атамаси аслида бир авлоддан ташкил топган қабиланинг номи бўлган. Кейин у йириклашиб ва кучайиб, қабилалар иттифоқига айланган. Охирида бу қабилалар бир миллатни ташкил этган [51]. Шунинг билан бирга мазкур олим В.Томсон (V.Thomsen) нинг уйғур атамаси аслида хонлик номи бўлган, кейинчалик у ўз фуқароларининг номига айланган, деган фикрининг асоссиз эканлигига амин бўлган [52].

Уйғур, яъни уй-ғуз (уюшган ўғузлар) этнонимининг пайдо бўлган вақти масаласи ҳам олимлар эътиборини жалб этиб келган масалардан биридир. Бу ҳақда кейинги мақоламизда тўхтаб ўтамиз, деган умиддамиз.

Юқорида баён этилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, уйғур этноними аслида «уйғуз» деб талаффуз этилган, з товушининг р га айланиши туфайли у ҳозирги шаклига келган, ғуз этноними эса ўғуз атамасининг қисқартирилган шаклидир, шунинг учун уйғур этноними уюшган ёки бирлашган оғузлар маъносини англатади деган хулоса тарихий асосга эга, деб айтиш мумкин.

---

[46] Шюе Зунгчжэнг. *Тужюэ ши (Турклар тарихи). Пекин, 1992.* **226-б**

[47] **Лю Сиган. Уйғур Қоғонлиқи тарихи.** Урумчи, 2002. 55-б.; Шинжянг лиши цидян. 76-б.

[48] Қадимги хитой манбаларида учрайдиган *тиек* (*ди*狄) иероглифи турк этнонимининг илк транскипцияси эди [*Ходжаев А.* Из истории древних тюрков... Алматинское изд. С. 25-31.].

[49] Милоддан аввалги биринчи минг йиллик давомида ўғузлар мамлакати доирасига Шарқий Туркистоннинг асосий қисми ва Хэши йўлаги (Хуангхэ /Қорамурон дарёсининг ғарбий қирғоқларидан Шарқий Туркистон ҳудудигача бўлган Монголия ва Кўккўл /Цингхай оралиғидаги ерлар) кирган [Ходжаев А. Сведения китайских источников о «юэчжи» // Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги республика илмий-назарий семинар материаллари. Тошкент, 2004. 13-16-б.; *Шу муаллиф—* Из истории древних тюрков. Алматинское изд. С. 138-141].

[50] *Ходжаев А.* Из истории древних тюрков... Алматинское изд. С. 115-172.

[51] *Лю Йитанг.* Вэйвуэр янжю. 11-б.; 94-б.

[52] Ўша жойда. 10-б.

# ҚАДИМГИ ФАРҒОНА ДАВЛАТИ ВА УНИНГ ПОЙТАҲТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

**АБДУЛҲАМИД АНОРБОЕВ**

Ўз ФА Археология институти Тошкент бўлими мудири, тарих фанлари номзоди

Фарғона водийсида Марказий Фарғонанинг қум барханларидан тортиб то  Помир ва Тян-шань (Тангри тоғ) тоғларидаги Альп ўтлоқларигача кўплаб ирмоқлар, сой ва дарёларни учратиш мумкин. Норин ва Қорадарёнинг қўшилишидан вужудга келган Сирдарё шарқдан ғарбга Хўжанд  «дарвозаси» томон йўналиб, водийни иккига ажратгандек бўлади. Жанубда Туркистон-Олой тоғларидан, шимолда Чотқол-қурама ва Фарғона тоғларидан бир неча ўнлаб катта-кичик сойлар баъзилари Сирдарёга қўшилиб кетган бўлса, бошқалари сувининг озлигидан унга етолмай адирлар орасида қолиб кетган (расм 1).  Бу ўз навбатида ҳар бир сойнинг ҳавзасида




**Расм 1.**

ўзига хос табиий географик  шароитга эга бўлган воҳалар ва микровоҳаларни вужудга келтирган.  Ҳозирги кунларда ушбу сойларнинг суви, асосан, суғориш учун ишлатилади. Ёзнинг иссиқ кунларида бу ерларда эсган тоғ водий шабодалар ширин-шакар меваларни етиштиришда жуда қўл келади. Меваларнинг касалланмай пишиб, тайёр бўлишида майин шабоданинг роли катта. Бундай воҳалардан бири Ғовасой бўлса, иккинчиси Косонсой ҳисобланган. Янги технологиялардан фойдаланган холда олиб борилган тадқиқотлар туфайли шу нарса маълум бўлдики, милоддан аввалги уч мингинчи йилларнинг  иккинчи ярмида Ғовасой воҳасининг адир орти қисмида, яъни ҳозирги  Чуст шаҳрининг шимолида, илк бор суғорма деҳқончиликка асос солинган экан. Буни Чуст маданияти номи билан фанга киритилган Буванамозор ёдгорлигининг қуйи қатламларидан олинган материаллар тасдиқлайди.

Кейинчалик, милоддан аввалги  икки  мингинчи йилликнинг ўрталарига келиб, водийнинг қолган сой ва дарёлари ҳавзаларининг  адир орти микровоҳаларида ҳам суғорма деҳқончилик йўлга қўйилади. Бунга 80 дан зиёд қуйи бронза даврига оид ёдгорликлар гувоҳлик беради ( Заднепровский, 1997; Анарбаев, 2014).  Демак, Фарғона водийсида Ўрта Осиёнинг бошқа худудларидан фарқ қилган холда, дарё дельталари  эмас, балки  адир орти воҳалар ўзлаштирилганлиги маълум бўлди.    Археолого-палеогеографик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича,  Фарғонада дарё ва сойларнинг дельта қисми бронза даврининг охири ва илк темир давридан бошлаб ўзлаштирилган экан. Хусусан, Косонсой ва Ғовасой ҳавзасининг қуйи қисмида жойлашган юзлаб гектар ерлар милоддан аввалги X-IX асрларда дастлабки каналларнинг пайдо бўлиши билан  ўзлаштирила бошланади (Анарбаев, 2013. С. 113).  Милоддан аввалги  X-IX асрларда, Косонсойнинг ҳозирги Тўрақўрғон шаҳридаги туман касалхонаси олдидан ўнг томонга яъни жанубий-ғарбга қараб йўналган эски ирмоқи ўрнида, канал қурилади. Канал жанубий-ғарб томон йўналиб, ҳозирги Хўжанд  ва  Ахси қишлоқларининг шимол томонидан ўтиб Сирдарёгача етиб борган. Худди шу даврда Шарқий Фарғонада ҳам, Оқбурасойнинг эски ирмоқларидан бири Андижонсой, Аравонсойнинг ирмоқларидан бири Шаҳрихонсой  ўрнида каналлар қурилади, яъни сойларнинг эски ирмоқлари каналга айлантирилади. Косонсойнинг эски ирмоқларидан бирининг ўрнида каналнинг қурилиши, ҳозирги Шоханд, Бураматут, Хўжанд, Ахси қишлоқлари ва уларнинг атрофида бир неча юз гектар ерларни ўзлаштириш учун имконият туғилади. Бу ҳақида Эски Ахси (Фарғона-Ахсикет) ёдгорлиги тагидан ва унинг атрофидаги ерлардан топилган  агроирригацион қатламлар гувоҳлик беради ( Анарбаев, 2013. С. 113). Эски Ахси ёдгорлиги  тагидан ( 9 объект) то-

пилган сопол идиш наъмуналари ва тош қуролларининг гувоҳлик беришича, бу ерда милоддан аввалги X-IX асрларда деҳқончилик қароргоҳи пайдо бўлган. Унинг аҳолиси юзлаб гектар ерларда суғорма деҳқончилик билан шуғулланганлар.

## Қадимги Фарғона давлати ва унинг пойтаҳти Фарғона-Ахсикет шаҳри

Милоддан аввалги III асрда Эски Ахси ёдгорлиги ўрнида 40 гектардан зиёд майдонда қадимги Фарғона давлатининг пойтаҳти Фарғона (Ахсикет) шаҳрига асос солинади. У топографик нуқтаи назардан 3 қисмдан иборат бўлиб, дастлаб икки шаҳристон (Ахси IA, Ахси IБ) ва аркдан ташкил топган. Милоддан аввалги II асрга келиб, шаҳристон ташқарисида 10 гектарга яқин майдонда ҳунармандлар қароргоҳи (Ахси II) - рабод пайдо бўлади ( расм 2; расм 3).




**Расм 2.**




**Расм 3.**

Фарғона ҳақидаги ишонарли ва аниқ илк маълумотлар милоддан аввалги 128-127 йилларда Фарғонада бўлган талантли Хитой дипломати Чжан Цяннинг 126 йилда Хитой императори У-дуга йўлланган ҳисоботида учрайди. Чжан Цян ва ундан кейинги элчиларнинг қолдирган ҳабарномалари асосида Сима Цяннинг «Шицзи» ва Бан Гунинг «Ханьшу» каби тарихий асарлари ёзилади. Ушбу йилномалардаги Фарғонанинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида берилган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги илмий хулосага келиш мумкин. Милоддан аввалги II-I асрларда Фарғона сиёсий ҳаёти конфедратив асосига қурилган бўлиб, бир неча кичик-кичик давлатлар уюшмасидан иборат бўлган ( Анарбаев, 2013. С. 487, 505-509). Давлат тепасида ҳукмдор турган, унинг 2 та ёрдамчиси бўлиб, улар давлат бошқарувида ҳукмдорга ёрдам берган (Бичурин, 1950. Том 2. С. 147-168).

Фарғонанинг сиёсий ҳаётида «Оқсоқоллар кенгаши»нинг роли катта бўлиб, унда давлатнинг ички ва ташқи сиёсати назорат қилинган. Агар ҳукмдор ички ва ташқи сиёсатда хато қилса ёки ўрнатилган тартиб қоидаларни бузса, унда Оқсоқоллар кенгашининг қарори билан у ҳокимиятдан четлатилган, баъзи вақтларда ўлдирилган. Масалан, милодий эрадан аввалги 104-99 йиллардаги Хитой ва Фарғона орасидаги 4 йиллик урушда Оқсоқоллар кенгаши подшо Мугуани айбдор – деб, топиб, уни ўлдиришга буюради (Бичурин, 1950. Том 2, С. 165-167). Қишлоқ хўжалигида фарғоналиклар шоли, буғдой ва пахта экканлар, боғдорчиликда узум етиштириш алоҳида аҳамият касб этган. Ундан вино тайёрлаб, қўшни ўлкаларга экспорт қилишган. Бой-бадавлат оилалар бир неча тонна вино сақлаш имкониятига эга бўлишган.

Шицзининг муаллифи Сима Цян Фарғонани 70 та шаҳри бор мамлакат, деб ёзади. Лекин фақат 2 та шаҳарнинг номини аниқ тилга олади: Юань, Ючен. Шу билан бирга, манбада Эрши сўзи ҳам учраб, уни шаҳар, худуд, баъзида эса Фарғона юришида бошчилик қилган Хитой саркардаси Ли Гуан лига нисбатан ҳам қўлланилган. Шунинг учун Эрши топонимини локализация қилишда хатоликларга йўл қўйилган. А. Хўжаевнинг кейинги йиллардаги таржимаси ва тадқиқотлари бунга аниқлик киритди, яъни Фарғонанинг бош пойтаҳти «Юань», Фарғона давлати эса «Дайюань» деб, тилга олинади. Топоним «Дайюань» 2 та иероглифдан («дай» ва «юань») иборат бўлиб, «дай» катта - деган маънони билдирса, «юань» аторофи тоғ ёки девор билан ўралган жой - деган маънони билдиради (Ходжаев, 2009. С. 135-136; Хўжаев, 2010). Шуни такидлаш жоизки, қадимда Хитой тарихчилари хорижий жойлар номини Хитой тилига таржима қилиб, манбага киритган. Шунинг учун Хитой тарихчиси Фарғона давлати ҳақида ёзганда, уни пойтахтдан фарқлаш учун 2 та иероглиф ишлатган. Демак, Хитой манбаларида «Юань» иероглифи учраса Фарғона шаҳри, «Дай» ва «Юань» каби икки иероглиф учраса, унда Фарғона давлати ҳақида сўз кетган бўлади.

Археологик материалларни Хитой ёзма манбааларига қиёслаб ўрганиш туфайли Фарғона конфедратив давлатининг пойтахти Фарғона шаҳри (Юань) қаерда жойлашганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, Хитой элчиси Чжан Цянь милоддан аввалги 128-127 йилларда кўрган Фарғонанинг пойтахти Фарғона шаҳри (Юань) Эски Ахси (Ахсикет) ёдгорлиги ҳудудида жойлашган экан (Анарбаев, 2001; Анарбаев, 2005; Анарбаев, 2010). Буни ёдгорликда топилган мудофаа истехкомлар тўлиқ тасдиқлайди. Жумладан, милоддан аввалги II асрнинг охири - I асрнинг биринчи ярмида шаҳарнинг мудофаа деворлари маҳобатли кўринишга эга бўлган, яъни жуда қисқа вақт ичида мустаҳкам ва тенги йўқ мудофаа истехкомлари барпо этилган. Масалан, иккинчи шаҳристонда 2 қатор қалин ва тенги йўқ девор, икки қатор хандак ва ўзига хос бурчлар қурилади. Натижада, шаҳар мудофаа деворининг қалинлиги 20 метрга етади ( Анарбаев, 2013. С. 190, рис. 113). Бурчлар эса ўзига хос услубда қурилган бўлиб, мудофаа деворининг ташқи томонига чиқмай, унинг ўрнига деворнинг тепа сатҳидан (парапетдан) яна камида 5-6 метр баланд бўлган. Шунинг ҳисобига мудофаа деворининг баландлиги ҳам 20 метрга етган. (Анарбаев, 2013. С. 506). Ҳозирги кунларда ҳам ушбу бурчларнинг қолдиғи мудофаа деворининг сақланган қисми сатҳидан 3-4 метр баланд (расм 4). Бу даврга оид бундай маҳобатли девор қолдиқлари водийнинг бошқа жойида топилмаган. Ушбу



**Расм 4.**

мудофаа деворлари юқорида тилга олинган 4 йиллик урушдан сўнг қурилган бўлиб, Марказий Осиё шаҳар қурилиш маданиятида муҳим аҳамият касб этади.

Милодий эрадан аввалги III асрнинг охирлари - II асрда Юечжи ва бошқа бир неча кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг Шарқий Туркистон ва Осиё чўлларидан Фарғона ва Сўғд орқали жануб ва жануби-шарққа силжишлари (миграцияси) юз беради. Ушбу қабилаларнинг маълум бир қисми Фарғонада қолиб, маҳаллий халқ билан аста-секин қоришиб кетади. Археологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, Пуллибланк тахмин қилган Фарғонанинг сиёсий ҳаётидаги юечжи қабилалари билан боғлиқ ўзгаришлар (Pulleyblank, 1966. P. 26) милоддан аввалги 1 асрнинг иккинчи ярмида юз берган кўринади. Бунда Юечжи қабилалари уюшмасига кирувчи Гуйшуань қабиласи давлат тепасига келиб, ўзларига янги пойтахт қуришган. Янги пойтахт улар номи билан боғлиқ бўлиб, манбааларда «Гуйшуань»-деб тилга олинган. Шунинг учун ҳам навбатдаги Хитой йилномаси Ханьшуда Фарғона давлати кўчманчи қабилалар бошқарган Юечжи ва Қанғ давлатлари қаторида тилга олинади. Бизга маълумки, улар тепасида кўманчи қабила вакиллари турган.

Шундай қилиб, кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар XX асрнинг 60-йилларидаги Пуллибланк тахминларини тасдиқлабгина қолмай, балки унга аниқлик киритди. Унинг локализацияси ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Уларнинг ичида ҳақиқатга яқини А. Н. Бернштам олға сурган ғоядир ( Анарбаев, 2013. С. 20-23). У Гуйшуань шаҳрини ҳозирги Косонсой шаҳри яқинидаги Муғтепа ёдгорлиги ўрнида деб, локализация қилади (Бернштам, 1952. С. 247). Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар А. Бернштам фикрини тўлиқ тасдиқлаш билан бирга, унга ҳам аниқлик киритди. Жумладан, Гуйшуань Фарғонанинг сиёсий пойтахти бўлса, унинг иқтисодий ва маданий маркази Фарғона шаҳри бўлиб қолаверади. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, Фарғона шаҳри ўзининг сиёсий ҳолатини ўзгартирганлиги учун, уни Хитой йилномаларида узоқ вақт тилга олмай қўядилар.

Милодий эранинг VII асри Хитой йилномаси «Таншу»да Фарғона давлати «Нинъюань» – деб тилга олиниб, унда 6 та йирик ва 100 га яқин кичик шаҳарлар борлиги қайд қилинади (Бичурин, 1950, т. 2. С. 319). Ушбу йилномада Нинъюаннинг (Фарғона) пойтахти «Сигянь» дейилган. Йилномада берилган географик жойланишига қараб, Сигянь шаҳрини А. Н. Бернштам Эски Ахси ёдгорлиги ўрнида локализация қилган (Бернштам, 1952. С. 247). Қолган 5 та йирик шаҳарлар конфедерацияга бирлашган давлатларнинг пойтахтлари бўлиб, ундан фақат иккитасининг номи маълум, холос: Гесай (Мугтепа-Мугқалъа), Хуминь (Қува).

Араблар босқинининг дастлабки йиллари VIII асрнинг бошларида илк араб тарихчиси Табори Фарғона водийсининг 5 та шаҳрини тилга олади: Хўжанд, Косон, Баб, Қуба ва Фарғона ( Табари, 1987). Кейинчалик, IX асрнинг биринчи ярмида Ибн Хордадбех Буюк ипак йўлининг Фарғона орқали ўтган тармоғига изоҳ бериб, Баб, Фарғона ва Қува шаҳарларининг жойланиши ҳақида аниқ маълумотлар беради (Хордадбех, 1986. С. 65). Буни ҳозирги ўлчов бирлигига қиёслаб таҳлил қилсак, Фарғона шаҳрининг жойланиши Эски Ахси ёдгорлиги ўрнига тўғри келади (Анарбаев, 2000). IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Фарғона шаҳри

араб манбааларида Ахсикет-деб, атала бошланди. Лекин, нумизматик материалларнинг гувоҳлик беришича, XI асрнинг ўрталаригача Фарғонанинг бош пойтахти икки ном билан Фарғона-Ахсикет деб, аталган (Анарбаев, 2013. С. 512--13). Шуни такидлаш жоизки, X асрнинг охири – XI асрни бошларида Ўрта Осиёда сиёсий ҳокимият Сомонийлардан Қорахонийларга ўтади. Бу даврда Фарғонанинг сиёсий пойтахти Ўзганда жойлашган. Лекин, водийнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида Ахсикет шаҳри ўз мавқеини йўқотмайди. Ривожланган ўрта асрларда (10-12) Фарғона-Ахсикет шаҳри гуллаб-яшнайди. Унинг худуди 400 гектардан, аҳолиси эса 200 мингдан ошиб кетади. Шаҳарнинг арки, икки қисмдан иборат шаҳристони ва рабоди бўлган. Шаҳарнинг икки шаҳристони ва ғарбий рабоднинг асосий қисми IX асрнинг иккинчи ярми XIII асрнинг бошларида ҳунармандлар билан банд бўлган. Ахсикетда безакли сирли сопол идишлар ишлаб чиқаришда ўзига хос мактаб яратилган (расм 5). Биринчи шаҳристон (Ахси IA) худудида узоқ йиллар давомида қидириб келинган шаҳарнинг жоме масжиди топиб ўрганилди. Масжид Сомонийлар даврининг дастлабки вақтларида қурилган бўлиб, ҳовлиси дастлаб тоза ва сараланган диаметри 1,5-2 см дарё тоши билан қопланган. Ҳовлининг ўртасида ховуз бор. Кейинчалик, X асрнинг охири -XI асрда у кайтадан қурилади. Мачит ёнғин сабабли вайрон бўлган. Лекин, шунга қарамай, унинг ички кўринишини қуйидагича тассавур қилиш мумкин. Ҳовлининг атрофи ёғоч устунли айвон билан ўралган, поли эса пишиқ ғишт билан қопланган. Меҳроб ва унинг атрофи ганч билан безалган. Иккинчи шаҳристоннинг (Ахси IБ) жанубий - шарқида 14 та турар жой қолдиқлари қазиб, ўрганилди. Турар жойлар ўрта хол ҳунармандларга тегишли бўлиб, 4 - 6 хонадан иборат бўлган. Ҳаммаси бўлиб 14 та турар жой қазиб, очилган (Анарбаев, 2013. С. 141). Ҳар бир турар жой катта патриарҳал оилага тегишли бўлиб, унинг ичидаги ҳар бир кичик оила учун 1 та хона ажратилган . Ошхона, омборхона, ғусулхона ва ҳовли катта оила учун умумий ҳисобланган.



Расм 5.

Иккинчи шаҳристоннинг шимолий-ғарбий ва шарқий қисмида ҳунармандлар маҳалласи қолдиқлари ўрганилди. Устахоналар камида 2 ёки 3 хонадан иборат бўлган. Агар устахона 3 хонали бўлса, унда биринчи хона ишлайдиган хона бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариш билан боғлиқ асосий ишлар амалга оширилган. Иккинчи хона омборхонада хомашё ва тайёр маҳсулотлар сақланган. Учинчи хонада дам олинган, овқатланилган ва зарур бўлганда буюртмалар олинган.

Ҳунармандларнинг кўпчилиги темир, пўлат ишлаб чиқариш ва улардан ҳилма хил буюмлар ва қуроллар тайёрлаш билан банд бўлган. Археологик тадқиқотлар Фарғона-Ахсикет шаҳрининг иқтисодий салоҳияти ва унинг Марказий Осиёда тутган ўрнини аниқлаш имконини берди. Маълум бўлишича, Ахсикетнинг устаси фаранг ҳунармандлари бойитилган темирдан соф пўлат («булат») олишни билишган. Бунинг учун махсус каолин лойидан тайёрланган цилиндр шаклидаги идишга («тигель») бойитилган темир хомашёсини солиб, унга ёғоч кўмир ва бошқа бизга номаълум бўлган қўшимчаларни қўшиб, сўнг махсус печга қўйилган. Печнинг ичи ҳам каолин лойи билан сувалган. Каолин лойидан тайёрланган махсус идиш (тигель) ва печь 1650-1700 градус иссиқликка чидаган. Пўлат ишлаб чиқариш технологияси сир тутилган. Тайёр бўлган пўлатни идишда совутиб, сўнг уни идишни синдириш йўли билан олинган. Бундай пўлатдан тайёрланган қиличларнинг баҳоси жуда юқори турган. Шунинг учун бундай қуроллар кўпинча бой-бадавлат одамлар ёки савдогарлар буюртмаси асосида тайёрланган.

Ахсикетда тайёрланган қуроллар «Дамашқ» қиличлари номи билан бутун дунёга машҳур эди. Буни биз манбалардаги маълумотлардан ҳам билиб олсак бўлади. Масалан, араб тарихчи-географлари Муқаддаси ва Ибн Хавқал ёзиб қолдирган манбаларда, Уструшона темири Фарғона (Ахсикет) усталари қўлига тушгач, у инсон ақли етмайдиган нарсаларга (қуролларга) айланган, дейилган ( Ибн Хаукаль, Муқаддаси). Ушбу қуроллар икки хил бўлиб, бири хинд пўлатига ўхшаб қаттиқ пўлатдан, иккинчиси юмшоқ пўлатдан тайёрланган. Масалан, юмшоқ пўлатдан тайёрланган қиличлар тўғрисида маҳаллий халқ орасида ҳар хил ривоятлар юради.

Айтишларича, қадим замонларда шаҳарни узоқ вақт душманлар қамал қилиб, одамларнинг тинкаси қуригач, шаҳар ҳукмдорига мурожаат қилиб, уни ўзаро келишувга чақирибдилар. Учрашув алоҳида, иккала томонга ҳам тегишли бўлмаган жойда ташкил қилинган. Шаҳар ҳукмдори машҳур қиличбоз бўлганини билган душман вакиллари, унинг қуролини олиб, сўнг ўз бошлиғи

олдига киритадилар. Қиличбоз хонага кириб салом бергач, атрофга қарайди ва хонада армия бошлиғидан ташқари, яна бир неча қуролланган одамлар борлигини кўриб, нима учун ёв қўриқчилари уни учрашувга қуролсиз киришини талаб қилганликларини тушунади. Хонада ёв аскарлари қиличбозга ҳамла қилмоқчи бўлиб, тайёрлана бошлайдилар. Буни сезган қиличбоз либоси ичидан белига ўраб, бойлаб олган қиличини олиб, душманга ташланади ва бир зумда улар устидан ғалаба қилади. Ушбу ривоят эгилса ҳам синмайдиган, тошга урса, уни кесадиган, юмшоқ пўлатдан тайёрланган Ахсикет қиличлари ҳақидадир. X асрнинг иккинчи ярмида шаҳарга Косонсойдан, ҳозирги Турақўрғон шаҳри олдидан 15-16 км масофада ерости водопроводи орқали сув олиб келинган. Водопровод пишиқ ғиштдан, тунель кўринишда қурилган бўлиб, унинг ичида бемолол тик юрса бўлади. Унинг қолдиқлари ҳозирги пахта даласи ичидан топиб ўрганилган. Шаҳар ичига киргач, водопровод ҳозирги метро услубида қурилган бўлиб, шаҳар девори, турар жойлар, устахоналар ва бошқа қурилмалар тагидан ўтган. У ҳам тунель кўринишда пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, сув унинг ичидаги сопол қувурларда оққан. Водопровод фаолияти доимо кузатув остида бўлиб, унга ер устидаги махсус хонадан пиллапоялар орқали пишиқ ғиштдан қурилган ер ости кузатув хонасига тушилган (расм 6). Агарда водопровод фаолиятида бирон-бир салбий ўзгариш юз берса, унинг дарҳол олди олинган. Шунинг учун ҳам водопрвод камида икки юз йил хизмат қилган.



**Расм 6.**



**Расм 7.**

Шаҳарда бир неча ўнлаб ҳаммомлар фаолият кўрсатган. Улардан биттаси қазиб, ўрганилган (Анарбаев, Ахраров, 1991. С. 173 - 183). Ўрта асрларда ёзилган асарлар ичида бирон бир асар йўқки, унда ҳеч бўлмаса бир маротаба ҳаммом тилга олинмаган бўлсин. Ҳаммом бу даврда фақат ювиниш учун эмас, балки дам олиб, хордиқ чиқарадиган ва тижорат ишларини режалаштирадиган ва ҳал қиладиган жой ҳам бўлган. Шу билан бирга, ҳаммом фойда келтирадиган жой ҳам ҳисобланган. Ҳаттоки, ҳукмдорларнинг шахсий мулки ичида ҳаммомлар ҳам бўлган. Масалан, Ғарбий Қорахонийлар давлатининг асосчиси Иброҳим Тамғачхон ўз шахсий мулки ҳисобидан Самарқандда қурдирган мадрасанинг фаолият кўрсатиши учун вақф қилган жойлари ичида ҳаммом ҳам бор (Большаков, 1970. С. 170-178). Шаҳарнинг ободончилиги ва тозалиги устидан махсус мансабдор шахс муҳтасиб жавобгар ҳисобланган. Турар жойлар, устахоналар ва бозордаги аҳлат учун шу жойнинг ўзида чуқурлиги 10-15 м махсус ўралар қурилган. Ишлаб чиқариш чиқиндилари учун шаҳардан ташқарида шаҳар аҳлатхонаси бўлиб, унга олиб борилган аҳлат маълум тартибда текисланиб, уни устидан тоза тупроқ ёткизилган. Ювинди сувлар учун ҳар бир турар жой ёки устахона учун канализация қурилмалари - ташнавлар бўлган. Ҳаммомнинг ювунди суви учун эса махсус катта ташнавлар қурилган. Умуман олганда, манбааларнинг гувоҳлик беришича шаҳарлар тоза тутилган. Ҳаттоки, қиш ойларида бино томи устидан йўлга туширилган қор кун давомида олиниши шарт бўлган ( Анарбаев, 1981. С. 70). Агар бу иш ўз вақтида бажарилмаса, уй эгасига жарима солинган. Шаҳардаги тартиб интизом ва унинг тозалиги устидан муҳтасиб доимо назорат қилиб турган. Эски Ахси (Ахсикет) ёдгорлигида олиб борган археологик тадқиқотларимиз юқоридаги гапларни тўлиқ тасдиқлади. Қазишмалар вақтида шаҳар кўчалари, турар жойлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг тозалигига гувоҳ бўлдик. Шаҳардаги ортиқча сувлар пишиқ ғиштдан тунель кўринишида қурилган, ер ости тазарлари орқали шаҳар ташқарисига чиқариб юборилган ( расм 7). Кўриниб турибдики, баҳор ва куз ойларидаги сув тошқинлари шаҳарга ҳеч қандай хавф туғдирмаган.

Юқорида тилга олинган Эрши топоними ва у билан боғлиқ милоддан аввалги II асрнинг охири - биринчи асрда юз берган воқеъликлар ва улар билан боғлиқ

муаммолар тадқиқотчилар диққатини ўзига доимо жалб қилиб келган. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар бунга сезиларли аниқлик киритди. Маълум бўлишича, Эрши топоними билан боғлиқ худуд ва шаҳар бўлиб, улар водийнинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳозирги Ўш, Аравон ва Марҳамат худудлари Эрши регионал давлатини ташкил қилиб, Фарғона конфедератив давлати составига кирган. Унинг пойтаҳти ҳам Эрши номи билан аталган кўринади. Шуни ҳисобга олиб Эрши шаҳрини ҳозирги Мингтепа ( Марҳамат) ёдгорлиги ўрнида бўлган - деб, локализация қилиш мумкин ( Анарбаев, 2013. С. 508).

## Хулоса

Фарғона водийсида суғорма деҳқончилик милоддан аввалги уч мингинчи йилларнинг иккинчи ярмида Ғовасойнинг адир орти воҳасида шаклланиб, милоддан аввалги икки мингинчи йилларнинг ўрталарига келиб водийнинг қолган дарё ва сойларининг адир орти воҳаларига кенг тарқалади. Худди шу даврда илк шаҳарлар пайдо бўлади. Милоддан аввалги X-IX асрларда Косонсой, Оқбура ва Аравонсойнинг қуйи ҳавзаларида, уларнинг эски ирмоқлари ўрнида дастлабки каналлар пайдо бўлади. Бу ўз навбатида водийнинг текислик қисмидаги бир неча юзлаб гектар ерларни ўзлаштириш учун янги имкониятлар яратади.

Милоддан аввалги III асрда Эски Ахси ёдгорлиги ўрнида Хитой йилномаларида тилга олинган Фарғонанинг («Дай Юань») пойтаҳти Фарғона («Юань») шаҳри қурилади. Дастлаб унинг майдони 40 гектардан зиёд, милоддан аввалги II асрда 50 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган бўлиб, 3 қисмдан иборат бўлган: арк, шаҳристон, (пригород) рабод. Фарғона давлати конфедератив асосда ташкил топган бўлиб, унинг тепасида подшо турган. Давлатни бошқаришда унга икки ўринбосари ёрдам берган. Ҳукмдорнинг давлат бошқаруви «Оқсоқоллар кенгаши» томонидан назорат қилинган.

Фарғона ўзининг самовий тулпорлари, пахтаси, ширин-шакар узумлари ва ундан тайёрланган винолари билан машҳур бўлган. Қишлоқ хўжалигида яна шоли, буғдой ва арпа кенг кўламда экилган. Милодий эранинг IX асрининг иккинчи ярмидан Фарғона шаҳри араб манбаларида Ахсикет деб тилга олина бошланади. Лекин, нумизматик материалларнинг гувоҳлик беришича, то XI асрнинг ўрталаригача шаҳар икки ном билан, яъни Фарғона-Ахсикет деб, номланиб келинган. Бу даврда шаҳар майдони 400 га, аҳолиси 200 мингдан ошиб кетади ва ўз даврининг «мегаполиси»га айланади. Шаҳарда ўз даврининг улкан гидротехник қурилмаси ҳисобланган ер ости водопроводи қурилади. Фарғона-Ахсикет усталари эгилса ҳам синмайдиган, тошга урса уни кесадиган «Дамашқ» қиличлари номи билан дунёга машҳур қуроллар ясашган. Эрши топоними ҳозирги Ўш, Аравон ва Марҳамат худудларини ўз ичига олган регионал давлат ҳисобланиб, Фарғона конфедратив давлати таркибига кирган. Унинг пойтаҳти Эрши шаҳрини ҳозирги Мингтепа (Марҳамат) ёдгорлиги ўрнида локализация қилса бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. **Анарбаев,** 1981. **Анарбаев А.А.** Благоустройство средневекового города Средней Азии. Ташкент, 1981.

2. **Анарбаев,** 2000. **Анарбаев А.А.** Средневековые города Ферганы по письменным источникам // История, культура и экономика юга Киргизстана. Материалы Международной научной конференции. Т.I. С. 110-113. Ош, 2000.

3. **Анарбаев,** 2001. **Анарбаев А.А.** Ўзбек давлатчилик тарихида қадимги Фарғона ва Ахсикент // Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона. Б. 5-22. Самарқанд, 2001.

4. **Анарбаев,** 2005. **Анарбаев А.А.** Столичные города Ферганы и их локализация (античность, раннее средневековье) // Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. С. 46-56. Самарканд-Бишкек, 2005.

5. **Анарбаев,** 2010. **Анарбаев А.А.** Ещё раз о локализации столичных городов Ферганы (Давань-Даюань) и некоторые спорные вопросы, связанные с ними // Археология Узбекистана, №1. С. 65-72. Ташкент, 2010.

6. **Анарбаев, Ахраров,** 1991. **Анарбаев А.А., Ахраров И.** Баня средневекового Ахсикета // ИМКУ. Вып.25. С. 173-183. Ташкент, 1991.

7. **Ибн Хаукаль** 1057. Извлечение из книги «Пути и страны» Абул Касыма Ибн Хаукаля // Труды Среднеазиатского Государственного университета. Археология Средней Азии. Вып.IV. С. 13-39 ( Перевод с арабского Е.К. Бетгера). Ташкент, 1957.

8. **Бернштам,** 1952. **Бернштам А.Н.** Историко-археологические очерки центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алтая // МИА. №26. М.-Л., 1952.

9. **Большаков,** 1970. **Большаков О.Г.** Два вакфа Ибрахима Тамгач-хана в Самарканде // Страны и народы Востока. Вып.X. С. 170-178. М., 1957.

10. **Большаков,** 1973. **Большаков О.Г.** Город в конце VIII – начале XIII вв. // Средневековый город Средней Азии. С. 132-352. Л., 1973.

11. **Табари,** 1987. **Табари.** История ат-Табари // Избранные отрывки. Пер. с арабского В.И. Беляева. Ташкент, 1987.

12. **Хордадбех,** 1986. **Ибн Хордадбех.** Книга путей и стран. Пер. с арабского, комментарии, исследования, указатели и карты Наима Велихановой. Баку, 1986.

13. **Ходжаев,** 2009. **Ходжаев А.** К этимологии топонима Дай-юань (Давань) в китайских источниках // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Фарғога, 2009.

14. **Хўжаев,** 2010. **Хўжаев А.** Эрши шаҳрини қадимги Фарғона давлатининг пойтахи деб ҳисоблаш мумкинми? // O'zbekiston tarixi. №2. Б. 63-73. Тошкент, 2010.

15. **Khadr,** 1968. **Khadr M.** Deux actes de wagf d'un Qarahanide d'Asie Centrale. Avec une introduction par Claude Cahen. 1968. JA, t. CCLV

16. **Pulleyblank,** 1966. **Pulleyblank E. G.** Chinese and Indo-Europeans. In: Journal of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland 1-2. London, 1966. P. 9-39

# СОМОНИЙЛАРНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ АЖДОДЛАРИ

**СИРОЖИДДИН ЎҒЛИ ШАМСУДДИН КАМОЛИДДИН**

Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори,
тарих фанлари доктори

Ўрта Осиё тарихида Сомонийлар сулоласининг ҳукмронлик қилган даври (IX – X асрлар) алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки бу даврда Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар ислом дунёсининг энг йирик маданий ва илмий марказларига айланди, маҳаллий халқларнинг ислом давридаги давлатчилиги асослари яратилди. Ёзма манбаларда Сомонийлар сулоласининг турли вакиллари, улар ҳукм сурган даврдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳвол ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд. Лекин Сомонийлар сулоласининг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлар жуда ҳам кам ва бир бирига зиддир. Сомонийларнинг асл келиб чиқиши ҳали номаълум бўлса ҳам, кўпчилик тадқиқотчилар орасида уларнинг келиб чиқиши форс ва Сосонийлар сулоласи билан боғлиқ деган хато фикр ҳукм суриб келмоқда. Шунинг учун Сомонийлар сулоласининг асл келиб чиқишини аниқлаш ҳозирги кунда тарих фани олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Уни ҳал этиш учун эса олдингидан ҳам кенгроқ доирадаги манбаларни жалб этган ҳолда қўшимча тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Сомонийлар сулоласининг бобокалони Сомон–худот сиёсий майдонда VIII асрнинг биринчи чорагида пайдо бўлиб, Балх шаҳридан Марвга Хуросон амири Асад ибн Абдуллоҳ ал–Қасрий (ёки ал-Қушайрий) [1] олдига келди ва ундан ўзининг Балхдаги душманларига қарши курашда ёрдам беришни сўрайди. Унинг ёрдами билан душманларини енгиб, ўзининг мавқеини тиклаб олгач, Сомон-худот Асаднинг ёрдамида ислом динини қабул қилади ва унинг шарафига ўз ўғлининг исмини Асад деб қўяди. Кейинроқ у ўғли Асад билан бирга Хуросондаги Абу Муслим қўзғолонида иштирок этади. Кейинчалик унинг ўғли Асад халифа ал-Маъмуннинг Марвдаги саройида [2] хизмат қилади. Сомон-худотнинг набиралари, Асаднинг ўғиллари Нуҳ, Аҳмад, Яҳё ва Илёс Ўрта Осиёда Рофиъ ибн ал-Лайс бошчилигида кўтарилган қўзғолон (190 – 195/806 – 810 йй.) ни бостиришда фаол қатнашиб, қўзғолончилар билан музокара олиб бордилар ва таслим бўлишга кўндирдилар. Бу хизматлари учун ал-Маъмун Марвдан Бағдодга кетишидан олдин уларни ҳоким этиб тайинлашга буйруқ берди ва 204/819 йилда Нуҳ Самарқанд ҳокими, Аҳмад Фарғона ҳокими, Яҳё Шош ва Уструшана ҳокими, Илёс эса Ҳирот ҳокими этиб тайинланди.

Манбаларда Сомон-худотнинг келиб чиқиши ҳақида турли маълумотлар келтирилган. Кўпчилик манбаларда унинг шажараси Сосоний шаҳаншоҳи Хурмазд IV (579 – 590 йилларда ҳукм сурган) нинг ҳарбий қўмондони Баҳром Чубин (VI аср) га бориб тақалади [Hudud al-Alam: 102; Ibn Haukal: 468; Наршахий: 133]. Баҳром Чубин аввал Арманистон ва Озарбайжон, кейин эса Рей ва Хуросон марзбони этиб тайинланган. Айрим маълумотларга кўра, Баҳром Чубиннинг келиб чиқиши Сосонийлар хизматидаги ўғуз туркларидан бўлган [Гумилев 1967: 162]. Маълумки, Сосонийлар ўз ҳарбий кучларига қўшни туркий халқ вакилларини кўплаб жалб этганлар. Чегара ерларнинг ҳокимлари лавозимига асосан эроний бўлмаган халқлар вакиллари (хионитлар, эфталитлар, хазарлар, турклар, дайламийлар, арманлар, грузинлар ва бошқалар) тайинланган. Улар «чегара посбони» маъносини англатувчи юксак марзбон унвонига эга бўлиб, Сосонийлар саройида олий ҳарбий табақа қаторига киритилган [Колесников 1981: 49, 54, 55].

Баҳром Чубин 588 йилда эфталитлар ва турклар устидан ғалаба қозонгандан кейин шоҳаншоҳ Хурмазд IV Туркзода унга Балх ва бутун Хуросон ерларини инъом этди. Чўл-хоқон [3] нинг ўлимидан кейин унинг

[1] **Абу Мунзир Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қасри** – 98/716-17 йилда Журжон ҳокими, 106 – 109/724 – 728 ва 117/735 йилларда эса Хуросон амири; 120/737-38 йилда вафот этган.

[2] **ал-Маъмун** – 182 – 198/798 – 812 йилларда Хуросон амири, 198 – 218/813 – 833 йилларда эса Бағдод халифаси.

[3] Бу хоқон Тарду (Қора Чурин) нинг ўғли ва Истами-хоқоннинг набираси Эл Арслон билан бир шахс бўлган. Наршахий уни Шер-и Кишвар

ўғли Эл-тегин [4] Байканд қалъасига беркиниб олади. Баҳром Чубин уни қамал қилиб, таслим бўлишга мажбур қилади ва катта ўлжа қўлга киритади. Лекин унинг ҳаммасини Хурмаздга юбормасдан, асосий қисмини ўзига олиб қолади. Шоҳаншоҳ бундан ғазабланиб, уни лавозимидан озод қилади. Баҳром Чубин турклар билан битим тузиб, қўшинларига кўплаб турк аскарларини қабул қилади ва улар билан бирга Сосонийлар пойтахти Ктесифонга юриш қилади. Хусрав II Парвиз ўз пойтахтидан қочиб, Византия императори Маврикий олдига боради. Сосонийлардан ҳокимиятни тортиб олиб, Баҳром Чубин бир йил тахтда ўтиради ва ҳатто ўзининг сурати туширилган тангалар чиқаришга ҳам улгуради. 591 йилда арман, грузин ва византияликларнинг Хусравга содиқ қолган форс қўшинлари билан бирлашган ҳарбий кучлари Арманистондаги Баларат дарёси ёнида Баҳром Чубин аскарларини мағлубиятга учратадилар. Шундан кейин Баҳром Чубин шарққа қочиб, Фарғона турклари ҳузурида паноҳ топади. У Бармуда исмли турк ҳоқонининг дўсти ва маслаҳатчисига айланади ва унинг қизига уйланади. Лекин маълум вақт ўтгандан кейин у Хусрав II Парвиз томонидан юборилган айғоқчи жосус томонидан заҳарлаб ўлдирилади [Гумилев 1960: 229 – 230].

Сомон-худот айнан шу никоҳ натижасида вужудга келган оиланинг вакили бўлган. Унинг шажарасидаги айрим исмлар, хусусан, Тамғоч (Тамғос, Тамғосп, Тағмос, Тамгорс, Тамғот, Самтағон) нинг туркий эканлигига олимлар аллақачон эътибор берганлар. Шажарада келтирилган бошқа исмларни, масалан, Шовул, Тағон ва Жаббо, ҳамда қадимги турклар орасида кенг тарқалган Сул (Саул), Тўғон ва Жабғу исмлари ва унвонлари билан таққослаш мумкин. Қолаверса, қадимги турклар ҳозиргидек эроний исмлардан ҳам кенг фойдаланганлиги маълум.

Термиз саййидларининг тарихига бағишланган «Саъдийа» асарида (XVII аср) ёзилишича, Аббосийлар Хуросонда ғалабага эришганда, Фарғонадан Термизга Баҳром Чубин авлодларидан бўлган Арқуқ ёки Арқақ исмли бир одам келган. Термиздан у Балхга келиб, у ерда у имом ал-Ҳусайн ибн Али [5] нинг авлоди бўлган саййид Ҳасан ал-Амир ёрдамида ислом динини қабул қилган. Шундан кейин у Бағдодга ҳалифа олдига бориб, Ҳасан ал-Амирнинг тавсияси билан Балх ҳокими этиб тайинланади. Ҳасан ал-Амир Термизни обод қилиш мақсадида у ерга кўчиб ўтишга қарор қилганда, Арқуқ (Арқақ) ҳам у билан бирга кетиб, ўзида бор маблағларни унга тақдим этади ва ўзи ҳам шаҳарни тиклашда иштирок этади. У Термиз яқинида бир қишлоққа асос солиб, у ерда боғлар барпо қилади ва ўзи ҳам унда яшай бошлайди. Шунинг учун уни Сомон қишлоғи деб атаганлар. Бу ерда у ўғил кўриб, унга Асад деб исм беради. У отасидан кейин унга тегишли бўлган барча вилоятларда ҳокимлик қилади. Асаднинг уч ўғли бўлади – Нуҳ, Наср ва Исмоил. Улар вояга етганда, Асад Насрни Самарқанд ҳокими этиб тайинлайди, ўзи эса Фарғонага кетиб, ўша ерда вафот қилади [Семенов 1914: 3 – 20; 1955: 3 – 4]. XIX асрда Термизнинг бир теварагидаги Шаҳр-и Сомон деб аталган, Эски Термиздан 3 км шарқда жойлашган Қирқ-қиз қалъаси эса Сомонийларнинг саройи бўлганлиги ҳикоя қилинган [Хакимов 1983: 149 – 153].

Сомон-худотнинг Фарғонадаги қариндошлик алоқалари шубҳасиздир, чунки унинг бобокалони Баҳром Чубин турк хоқони Эл-тегин (Пармуда) нинг қизига уйланиб, умрининг охирида айнан шу ерда яшаган. Агар Эл-тегиннинг буддавий динига эътиқод қилганини ҳисобга олсак, Баҳром Чубиннинг унинг қизидан бўлган авлодлари Қубо шаҳрида яшаган деб тахмин қилиш мумкин, чунки у ерда VII – VIII асрларда турклар асос солган катта буддавий ибодатхонаси фаолият кўрсатган [Булатова-Левина 1961: 241 – 250].

Бу ривоятда яна шуниси диққатга сазоворки, унда Сомон-худотнинг ҳақиқий исми Арқуқ (Arquq) ёки Арқақ (Arqaq) бўлганлиги уқтирилган. Arquq (Arqaq) исми Qunaq, Tuqaq, Tutaq, Seljuq каби қадимги туркий исмларга ўхшаш соф туркча исм бўлиб, -aq (-qaq, -γaq) ёки –uq (-quq, -γuq) қўшимчаси ёрдамида ясалган [ДТС: 653, 654]. Қадимги туркчада arquq сўзи «ўжар» маъносини, arquq kiši бирикмаси эса «ўжар одам» маъносини билдиради [Кошғарий I: 109; ДТС: 54].

Худди шу ривоятнинг XVIII асрда ўзбек тилида битилган бошқа бир нусхасига кўра, Сомон-худотни маҳаллий халқ «Кокулдор» деб ҳам атаганлар. Бу исм форсчада «кокули бор одам» маъносини билдиради. Кокул сўзи сочнинг бир ўрамга тўпланиб, орқага осилиб турган ҳолатига нисбатан ишлатилган. Қадимда бундай соч ўриш услуби хунларга, илк ўрта асрларда эса асосан фақат туркларга хос бўлиб, бу ҳақда хитой манбаларидаги маълумотлар, тасвирий санъат асарлари ва эпиграфик ёдгорликлар далолат беради [Вайнштейн, Крюков 1966: 177 – 187].

Термиз яқинидаги Намуна қишлоғида жойлашган Султон-Саодат мажмуаси ёнида XVI в. асрда бунёд

---

деб атаган; араб тилидаги манбаларда у Шаба ёки Шийоба, форс тилидаги манбаларда Сова-шоҳ, хитой манбаларида эса Асилань-дагань (Арслан-тархан) деб аталган.

[4] Матнда унинг исми Йил-тегин (يل تكين) шаклида келтирилган. Хитой манбаларида у Нили-хон, форс тилидаги манбаларда эса Пармуда деб аталган.

[5] Термиз *саййид*ларининг шажараси Зайн ал-Обидин Али ибн ал-Ҳусайннинг набираси Убайдуллоҳ ал-Аъраж (Чўлоқ) га бориб тақалади [Мирзаев 2004: 14].

этилган Кокулдор хонақоҳи мавжуд бўлиб, унинг ичи мақбараларга тўла. Бу мавзолейнинг келиб чиқиш тарихи ва унинг кимга бағишлаб қурилганлиги номаълум. Тахмин қилиб айтиш мумкинки, бу ерда Сомон-худот авлодларининг дастлабки оилавий мақбараси бўлган. Унинг ўзи эса, ривоятга кўра, умрининг охирида Фарғонага кетган ва ўша ерда вафот этган.

Мавжуд маълумотлар асосида шундай хулоса чиқариш мумкинки, Баҳром Чубин қадимги кушан ёки массагет Аршакийлари конфедерацияси таркибига кирган қадимги туркий қабила ёки уруғга мансуб бўлиши мумкин. Эроний бўлмаган бошқа қўшни халқларнинг вакиллари сингари у ҳам Сосонийларнинг ҳарбий хизматида бўлган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 590 йилда Баҳром Чубин турклар билан битим тузиб, Балхда Сосонийларга қарши қўзғолон кўтарган ва пойтахт шаҳар Ктесифонни эгаллаган. У ҳокимиятни бир йил ушлаб турган, кейин эса Византия қўшинларидан мағлубиятга учраб, турклар олдига қочишга мажбур бўлган. У Тўхористоннинг биринчи турк ябғуси, кейин эса Кўк турк хоқони Эл-тегин (Пармуда) нинг дўсти ва маслаҳатчисига айланиб, унинг қизига уйланган. Унинг охирги яшаган жойи Фарғонадаги Қубо шаҳри бўлиб, унинг турк маликасидан бўлган авлодлари, яъни Сомонийларнинг аждодлари ҳам ўша ерда яшаганлар.

Демак, мавжуд маълумотларга асосланиб, айтиш мумкинки, Сомон-худот ўз бобокалони Баҳром Чубин сингари ўғуз туркларидан келиб чиққан. Баҳром Чубин Хуросоннинг эронийлашган қадимги ўғуз турклари ичидан етишиб чиққан бўлса, Сомон-худот унинг турк хоқонлари оиласининг маликаси билан тузган никоҳидан туғилган авлоди бўлган. Унинг она тарафидаги қариндошлари Фарғонадаги Қубо шаҳрида истиқомат қилганлар.

Сомон-худот Марвга Фарғонадан келиб, Тоҳир ибн ал-Ҳусайн ёрдамида ислом динини қабул қилади. Ислом динини қабул қилгунга қадар у отаси Жаббохон ва Бармакийлар сингари буддавий динига эътиқод қилган. Унинг туркча исми Арқуқ, буддавий исми эса Сомон бўлган. Туркларнинг одатига кўра, у сочини кокил қилиб ўраб юрган, шунинг учун Хуросонликлар унга Кокулдор деб лақаб қўйганлар.

Сомон-худот ўзининг аждодлари сингари Ўрта Осиёнинг шаҳар туркларига мансуб бўлган. Ўрта Осиёнинг қадимги ўтроқ ва шаҳар туркларининг авлодлари XX аср бошларида «сарт» деб аталган. Ўзларининг маданиятига кўра, улар кўчманчи туркий халқлардан ҳам, ўтроқ эроний халқлардан ҳам кескин фарқ қилганлар. 1924 йилда қизил рус (большевик) лар томонидан амалга оширилган маъмурий бўлинишдан кейин улар ҳозирги ўзбек халқининг этно-маданий асосини ташкил этдилар. Демак, Сомонийлар сулоласининг Ўрта Осиёда ҳукм сурган даври ўзбек халқи давлатчилиги тарихининг ажралмас қисми сифатида баҳоланиши лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар


Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. 3 томлик. Тошкент: Фан, 1960 – 1963.

Наршахий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Форс тилидан А.Расулов таржимаси, муҳаррир А.Ўринбоев. Тошкент: Шарқ баёзи, 1993.

Hudud al-Alam, the regions of the world, a persian geography, translated and explained by V. Minorsky. London, 1970.

Ibn Haukal, Abu-l-Kasim an-Nasibi, Opus geographicum, ed. E.J.Kramers, BGA, pars 2, Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1967.


### Илмий адабиётлар


1. Булатова-Левина В.А. Буддийский храм в Куве // СА, 1961, 3. С. 241 – 250.

2. Вайнштейн С.И., Крюков М.В. Об облике древних тюрков // Тюркологический сборник. К 60-летию А.Н.Кононова. М., 1966. С. 177 – 187.

3. Гумилев Л.Н. Бахрам Чубин (опыт критики источников) // ПВ, 1960, № 3. С. 228 – 241.

4. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. Л.: Наука ЛО, 1967.

5. Древнетюркский словарь. Л.: Наука ЛО, 1969.

6. Колесников А.И. О термине «марзбан» в Сасанидском Иране // Палестинский сборник, вып. 27 (90 ()алестинский сборник, вып.). М.; Л., 1981 С. 49 – 56.

7. Мирзаев Дж. Роль термезских саййидов в истории Центральной Азии // Ozbekiston tarihi, 2004, 3-son.. С. 13 – 23.

8. Семенов А.А. К вопросу о происхождении Саманидов // Труды ИИАЭ АН ТаджССР. Т. 27. Сборник статей, посвященных истории и культуре периода формирования таджикского народа и его государственности (IX – X вв. н.э.). Сталинабад, 1955. С. 3 – 11.

9. Семенов А.А. Происхождение Термезских сейидов и их древняя усыпальница «Султан-Саодат» // ПТКЛА (11 декабря 1913 г. – 1 апреля 1914 г.). Год 18 (19). Ташкент, 1914. С. 3 – 20.

Хакимов З.А. Памятники архитектуры в Южном Узбекистане // Художественная культура Средней Азии IX – XIII вв. Ташкент, 1983.

# ФАРҒОНА ВОДИЙСИГА УЙҒУРЛАРНИНГ **КЎЧИБ КЕЛИШИ ТАРИХИДАН**

**БАХРОМ ХАЙНАЗАРОВ**
ЎзМУ «Жаҳон тарихи»
кафедраси ўқитувчиси

Фарғона водийси қадимдан фаол миграцион жараёнлар содир бўлиб турган ҳудуди ҳисобланади. Бу ерга Шарқий Туркистон халқлари ҳам турли сабабларга кўра келиб жойлашган ва бу ердаги этник жараёнларда доимо таъсир қилиб келган.

Турк хоқонлиги, Қорахонийлар даврида ўзбек ва уйғур халқлари яшаган ҳудудлар ягона давлат таркибида бўлиб, Буюк Ипак йўлининг ривожланиши бу муносабатларни яна ҳам фаоллаштирди.

Умумий тил, ягона дин ва умумий маданият вакиллари бўлган икки қардош халқ ўртасидаги этник аралашув жараёнлари қадимдан ривожланиб борган. Фарғона водийсида уйғурларнинг қадимдан яшаб келганлигини биринчи сабаби, Буюк Ипак йўли тармоғидаги савдо-сотиқ муносабатлари бўлса, иккинчиси уйғурлар туркий қабилаларнинг бирикмаси ҳисобланиб, улар шарқда Мўғулистон, ғарбда Балхаш кўлигача, жанубда Химолай тоғларигача бўлган улкан ҳудудларда яшанлар. Шу туфайли сиёсий ва иқтисодий сабабларга кўра улар орасида мигарцион жараёнлар тўхтовсиз давом этган [1].

Чингизхон ва унинг авлодлари даврида уйғурларнинг Фарғона водийси ҳудудларига тарқалиши кучайди. Бунинг сабаби Чингизхоннинг тўртинчи хотини Қорахонийлардан бўлиб, давлатдаги ҳужжат ёзиш ишларига асосан уйғурлар жалб қилинган [2]. Сабаби Мўғуллар даврида кўплаб уйғур зиёлилари Фарғона водийсининг қатор шахар ва қишлоқларида жойлашиб қолганлар. Бу ҳақида Абулғозихон шундай ёзади: «Уйғур халқинда туркий тили бирлан ўқуғон кишилар кўп булур эрди. Чингизхоннинг набиралари замонида Мивароуннаҳр, Хуросон ва Ироқда девонлар ва дафтардорларнинг барчаси уйғур эрди» [3].

З.М.Бобур «Бобурнома» асарида XV-XVI асрларда Фарғона водийси, Тошкент, Шоҳруҳия, Ўратепа, Самарқанд ва Ҳисорда яшаган ўзбек уруғлари ичида уйғурларнинг номини ҳам келтиради.

Юқорида тилга олиб ўтилган уйғурлар асосан ўзбек уруғларининг бир қисми сифатида тилга олиниб, алоҳида бир элат сифатида қаралмаган. Уларда ўзига яраша ажралиб турган тарафлари бўлга бўлса керак. Лекин, кейинчалик улар ҳам бошқа ўзбек қабилалари сингари ассимиляцияга учраб бошқа қабила ва уруғлар билан қўшилиб кетди. Айрим ҳудудлардагина уруғ номи уйғур сифатида сақланиб қолган бўлсада, масалан, қорақалпоқлар орасидаги яшайдиганлар қорақалпоқлар, хоразмда яшовчилар хоразмликлар каби атаб ўзларини маҳаллий халқ деб ҳисоблайдилар. Шу сабаб, ушбу уйғурларни ўзбек халқи шаклланишида қатнашган компонентлардан бири сифатида қараш тўғри бўлади.

Уйғурларнинг Фарғона водийсига алоҳида бир гуруҳлар сифатида кўчишлари XVII асрдан бошланади. Чунки, бу кўчишлар оммавий тусдаги кўчишлар бўлиб, Шарқий Туркистон ҳудудларида элат сифатида ўзига хослик шаклланган кишиларнинг бир ҳududдан бошқа бир ҳудудларга кўчишлари эди. Айни шу даврдан кейинги кўчишларда диаспорани шакллантирдиган миграцияларга хос бўлган белгилар кўплаб кўзга ташланади.

XVII асрнинг ўрталарида уйғурларнинг Фарғона водийсига кўчиб келиши кузатилди. Шарқий Туркистонда мавжуд бўлган икки тасаввуфий йўналиш «оқ тоғлар» ва «қора тоғлар» ўртасида диний зиддиятлар авж олади [4]. Манбаларда «Оқ тоғликлар» маркази Қашқар, »Қоратоғликлар» базаси эса, Ёркент эканлиги таъкидланади. Диний низо охир оқибат сиёсий курашларга

[1] **Абдурасул ўғли Абдуҳамид** Қадимда Марказий Осиё халқларининг кўчиши ҳақида // Шарқшунослик № 9. -Т, 1999. - Б.155.

[2] Ўзбек дипломатияси. Тарихий очерклар ва лавҳалар. - Т, 2003. - Б. 44.

[3] **Абулғози Баходирхон.** Ўша асар. – Б. 34.

[4] «Қоратоғлик» ва «оқ тоғлик» атамалари XVI аср бошларида бухоролик саййидлардан бири Махмуд Аъзам Косоний (1463-1542)нинг ўғиллари номи билан бевосита боғлиқ. Хожа Маҳдуми Аъзамнинг ўғиллари Имом Калон ва Исхоқ Вали, отаси вафотидан сўнг ўз тасаввуфий йўналишларини яратиб, алохида-алохида муридлар тўплай бошлайдилар. Унинг бир ўғли Имом Калон «ишқия» ғояси билан «оқ тоғлик» номини олган, иккинчи ўғли Исхоқ Вали «исхоқия» ғояси билан «қоратоғлик» номини олган. Машҳур олим Ч Валихонов ўз хотираларида қайд этганидек, амалда бу икки гуруҳ таълимотларида ҳеч қандай фарқ бўлмаган. (Қўлдошев Ш. Фарғона водийси ва Шарқий Туркистондаги анъанавий этнодемографик жараёнларнинг айрим жихатлари хусусида // «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидаги Ўзбек этнологиясининг долзарб муаммолари мавзусидаги IV-Республика илмий назарий конференция материаллари. - Тошкент-Наманган, 2007. - Б. 174.)

айланади. «Оқ тоғликлар» раҳбари Офоқ Хўжа (1625-1694) томонидан Ғолдан Бушукти (1617-1697) бошчилигидаги қалмоқ қўшинларининг Қашқарга бошлаб келиниши оқибатида, Ёркент улар томонидан эгалланди. Юзага келган сиёсий бошбошдоқлик ва иқтисодий танглик туфайли аҳолининг Фарғона водийсига оммавий кўчиши бошланди. Улар аввалги яшаш манзилларини бўйича ўзларинин номлаганликлари боис, Қўқон хонлиги аҳолиси уларни аввалги яшаш жой номи билан «қашқарлик», «ёркентлик», «турфонлик» ёки «тоғлик», «оғача», «повон» деб атаганлар.

Шарқий Туркистон аҳолисининг Фарғона водийсига оммавий кўчишининг яна бир тўлқини Манжур-Хитой империяси қўшинларининг 1750-1759 йилларда Шарқий Туркистонга бостириб кириши билан бошланган. Манжур-Хитой империяси бу ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун турли амаллар жорий қилиб, ўз амалдорларини тайинлаган. XVII аср 50-йилларида жорий этилган турли солиқлар ва мажбуриятлар, қашшоқликдан безиган аҳоли ҳукуматга қарши қўзғолон кўтарган. Бироқ хожалар бошчилик қилган бу қўзғолон мағлубиятга учрайди. Қўзғолонда қатнашган аҳоли жазодан қутулиш учун қўшни ҳудудларга, хусусан Қўқон хонлигига қочиб ўтган. Маълумотларга кўра 1751-1752 йилларда Ёркент ҳокими Хожа Бачи ўз оиласи Билан Қўқон хони Эрдона ҳузурига қочиб келган. Санг Муҳаммад Бадахшонийнинг «Тарихи Бадахшоний» асарида Фарғона водийсига 1759 йилнинг охирида 9 минг оила кўчиб келганлиги таъкидланади. Шунингдек 1760 йил Қашқар қўзғолони ва 1767 йилда учтурфонлик Хакимбек Рахматилла бошчилигида қўзғолон мағлубиятидан сўнг, уйғурларнинг бир неча минг оиласи Фарғона водийсига кўчиб келган [5].

Уйғурларларнинг кейинги кўчишлари «Оқ тоғликлар»гуруҳига мансуб Жахонгирхўжа қўзғолони (1822-1826) ва 1830 йил Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг Шарқий Туркистонга 1826 ва 1830 йилги йилларидаги юришларидан сўнг юз берди. Муҳаммад Алихоннинг 1826 йили катта қўшин билан Жахонгирхўжага ёрдам бериш учун Шарқий Туркистонга бостириб кирган. Лекин Манжур-Хитой империяси томонидан кўп сонли қўшин жўнатилиши ва Бухоро амири қўшинларининг Қўқонга бостириб кирганлигини эшитган Муҳаммад Алихон ортга қайтиб кетишга мажбур бўлган. У қайтишда ўзи 70 минг уйғурни олиб келади. Қашқардан келган 70 минг уйғур Қўқон, Шаҳрихон ва Фарғона водийсининг бошқа шахарларига ўрнашганлар [6]. 1830 йилда Манжур-Хитой империясига қарши Шарқий Туркистонда Юсуфхўжа бошчилигида навбатдаги қўзғолон бўлиб ўтади. Унда «андижонлик» деб ном олган 20 минг қўқонлик, 15 минг тошкентликлар ҳам қатнашганлар. Аммо қўзғолон бостирилгач 12 минг аҳоли Фарғона водийсига кўчириб келинган [7].

Уйғурларларнинг яна бир оммавий кўчиши 1848-1860 йилларга тўғри келади. Шарқий Туркистондаги Каттахонтўра бошчилигидаги «етти хожалар» исёни худди шу даврдаги оммавий кўчишиларга сабаб бўлган. 1848 йилда Манжур-Хитой империяси 30 минг кишилик қўшини Қашқарга бостириб кирган. Хитой қўшинидан қочиб 20 минг аҳоли Фарғона водийсига келган. 1858 йилги Валихонтўра бошчилигидаги қўзғолондан сўнг яна минг уйғурлар Фарғона водийсига кўчиб келган [8].

Водийга яна бир оммавий кўчиш жараёни 1848-1860 йилларга тўғри келади. Шарқий Туркистон тарихидаги Каттахонтўра бошчилигидаги «Етти хожалар исёни»худди шу даврда оммавий кўчишларга сабаб бўлади. 1848 йилда Манжур-хитой империясининг 30 минг кишилик қўшини Қашқарга бостириб кирган. М.Қутлиқовнинг ёзишича Хитой қўшинидан қочиб, 20 минг аҳоли Фарғона водийсига келган [9]. 1858 йилда Валихонтўра бошчилигидаги қўзғолондан сўнг 15 минг Шарқий Туркистонлик яна водийга кўчиб келган [10].

Уйғурларнинг Фарғона водийсига кўчиб келиши гувоҳи бўлган Пошша хожи Искандарованинг ёзма эсдаликлари сақланиб қолган: «Биз Қашқардан бу ерга-Ўзбекистонга кўчиб келганимизда мен 5-6 ёшларда эдим. Ўшанда ота-боболаримиз 5 дан 16 тагача оилада гуруҳ-гуруҳ бўлиб эшакларда кўчиб келишганди ва Тўқайзор деган жойда тўхтаб жойлашишган эди. Қашқардан кўчиб келишга мажбур бўлган эдик, чунки Етти хўжа ва Жаҳонгирхоннинг Манжур-Хитой империясига қарши қўзғолони туфайли оғир замонлар келиб қолган эди» [11].

XIX асрнинг учинчи чорагидан Фарғона водийси ва Шарқий Туркистонда этнодемографик жараёнлар-

[5] **Қўлдошев Ш.** Фарғона водийси ва Шарқий Туркистондаги анъанавий этнодемографик жараёнларнинг айрим жихатлари хусусида // «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидаги Ўзбек этнологиясининг долзарб муаммолари» мавзусидаги IV-Республика илмий назарий конференция материаллари. -Тошкент-Наманган, 2007. - Б. 174.

[6] **Валиханов.Ч.Ч.** Собрание сочинения в пяти томах. Т.3. - Алма-Ата, 1985. - С.12.

[7] **Қўлдошев Ш.** Фарғона водийси ва Шарқий Туркистондаги анъанавий этнодемографик жараёнларнинг айрим жихатлари хусусида // «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидаги Ўзбек этнологиясининг долзарб муаммолари» мавзусидаги IV-Республика илмий назарий конференция материаллари. -Тошкент-Наманган, 2007. - Б. 175.

[8] **Ш. Қўлдошев.** Ўша жойда. - Б. 175.

[9] **Кутликов М.** Взаимоотношения Цинского Китая с Кокандским ханством // Китай и соседи. – М, 1982. – С. 212.

[10] **Наливкин В.** Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. – С.185.

[11] Этнический атлас Узбекистана. – Т, 2002. - С 217.

нинг кейинги босқичи бошланади. 1864 йил Шарқий Туркистоннинг Кучар шахрида Манжур-Хитой империяси ҳукмронлигига қарши янги миллий озодлик харакати бошланиб, унга Рашиддинхожа бошчилик қилган. У шу йили Манжур-Хитой империяси қўшинларини енгиб, Шарқий Туркистон бир бутун давлатга айлантириш ниятида Хўтан ва Қашқарга ҳужум қилган. Бунга жавобан Қашқар ҳокими қипчоқ Содиқбек Қўқон хони Саид Султон Муродбекка мурожаат қилиб «Оқ тоғликлар» вакили Жахонгирхўжанинг ўғли Бузрукхўжани Қашқар тахтига ўтқазишни таклиф қилади. Хон Ушбу таклифни қабул қилиб Бузрукхўжага қўшиб Қўқон лашкарбошиси Муҳаммад Ёқуббекни ҳам қўшиб жўнатган. Қашқарнинг бош қўмондони қилиб тайинланган Ёқуббек бутун Шарқий Туркистонни бирлаштириб «Еттишахар давлати» (1864-1877) ни тузади. Ёқуббекни 1877 йил ўз амалдори Ниёзбек томонидан захарлаб ўлдирилиши Еттишаҳар давлатини қулашига олиб келди. Натижада Шарқий Туркистондан Фарғона водийсига яна оммавий кўчишлар бошланади. Ч Валихоновнинг ёзишича 1862-1877 йиллар оралиғида Қўқон хонлиги ҳудудига кўчиб келган қашқарликлар сони 85-162 минг кишини ташкил қилган.

Фарғона водийсига кўчирилган уйғурларнинг салмоқли қисмини Или ҳудудидан кўчирилганлари ташкил қилади. 1867 йилда «Или султонлиги» ташкил топади. Лекин 1871 йилда давлатини Россия империяси қўшинлари истило қиладилар. Бу ерда улар 1881 йилгача ўз ҳокимиятларини сақлаб турдилар. 1881 йила мартда Рус-Хитой Петергбург шартномаси имзоланиб, Или Хитойга қайтариб бериладиган бўлди. Шунингдек, ушбу шартномага кўра Россия империяси Шарқий Туркистондан кўчиб келувчиларни Туркистон генерал губернаторлиги ҳудудига қабул қилиш ва жойлаштириш учун 9 миллион рубл олтин миқдорида пул олади [12]. Илида яшовчи аҳоли Хитой таркибида қолишдан кўра Россияга кўчиб чиқишни афзал кўрадилар. Петербург шартномасига кўра халққа эркинлик берилган эди. 1881 йил 15 сентябрдан 1883 йил 15 мартга қадар бўлган жараёнда 11.385 нафар уйғур оиласи Фарғона водийси ва Қозоғистон ҳудудларига кўчиб ўтади [13]. Қозоғистон Марказий давлат архивидаги Ф-64, Л-21 инвентарь ҳужжатларида Россияга кўчирилган Или уйғурлари орасида 1489 та оила кўчиб ўтади [14]. Шарқий Туркистондаги ҳужжатлар бўйича эса XIX асрнинг 80-йилларида Еттисув ва Фарғона вилоятларига деярли 100 минг «Хитой мусулмонлари» деб ном олган кишилар кўчиб кетишга мажбур бўлганлар [15]. Уларнинг аксарият қисми уйғурлар бўлган.

Умуман олганда, Чўқон Валихоновнинг маълумотларига кўра 1878 йилгача бўлиб ўтган бир неча қўзғолонлар натижасида Туркистонга кўчиб борган уйғурлар сони 500 мингдан ошиб кетган [16].

Мухожирлар асосан Толдиқ, Шошт ва Терак довони орқали 12-22 кунда водийга кириб келганлар. Шарқий Туркистон аҳолиси нафақат уруш балки тинчлик, осойишталик пайтлари ҳам Қўқон хонлиги ҳудудларига кириб келганлар. Жумладан эрта баҳордан водийга тушиб мардикорликка ёлланиб кеч кузда ўз ватанига қайтиб кетган кишилар ҳам бор эди.

Уйғурларнинг XVII асрнинг иккинчи ярмидан кўчиб келганларнинг бир қисми Қўқон хонлигининг Шаҳрихон, Ёзёвон, Андижон ва Тошкент атрофига бориб ўрнашганлар [17]. Улар бориб ўрнашган жойларда уйғур қишлоқлари ва маҳаллалари ташкил топган.

Андижон вилояти этнотопонимларини тадқиқ қилган филолог олим А Эргашев Андижон вилояти ҳудудида Қашқарқишлоқ, Уйғурқишлоқ, Жанжал, Тоғлиқ, Пайоноб, Дўлон, Қовул, Тўқё, Пушмон, Пайдо, Гўзо, Шавруқ, Тахтакўприк, Тўққизоқ, Ортиш, Озоҳ, Овот, Олақанот, Қўрғонолди, Қўрғонтепа, Эшакчи, Товорчи, Чангот, Кирмачи, Қоракий, Кепакчи каби ўнлаб уйғур қишлоқларини санаб ўтади [18].

Ушбу номлар билан аталувчи айрим қишлоқларнинг аҳолиси ҳозирги кунда ўзларини ўзбек санасада, уларнинг аждодлари асли қашқарлик ёки Шарқий Туркистонлик эканликларини таъкидлайдилар. Масалан, Шаҳрихон туманида Дўлон, Сарой, Чўжа қишлоқлари, Қашқар, Қашқармаҳалла, Ахмадбек қишлоғидаги Жанжал, Тўрамтўпи, Тўпсариқ, Ортиш, Охунтўпи каби маҳаллалар аҳолиси асосан уйғурлардан иборат бўлган. Уларнинг номи жойлашуви характеридан, улардаги одамларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Масалан Жанжал ва Тўпсариқ уруғ номларидан келиб чиққан бўлса, Ортиш Шарқий Туркистондаги Отуш номидан келиб чиққан. Тўрамтўпи тўралар тўпланган жой маъносида бўлиб, Шарқий Туркистондаги нуфузли табақа - тўраларнинг бир қисми ҳисобланади. Улар ҳозирги кунгача ўзларининг софлигини сақлаб қолишга уриниб келади. Тўрамтўпи маҳалласида яшовчи ана шундай тўраларнинг вакилларидан бири

[12] **Исхаков Ф.** Цетрнальная Азия и Россия в XVIII – начале XX вв. – Т.: Ўздавматбуотлити, 2009. – С.16.

[13] **Осим Боғи ўғли.** Уйғурлар.- Т.,1991. -Б.11.

[14] **Осим Боғи ўғли.** Уйғурлар. .- Т.,1991. -Б.12.

[15] **Исхаков Ф.** Центрнальная Азия и Россия в XVIII – начале XX вв. – Т.: Ўздавматбуотлити, 2009. – С.16.

[16] **Валиханов.Ч.Ч.** Собрание сочинения в пяти томах. Т.3. -Алма-Ата, 1985. -С.15.

[17] **Валиханов.Ч.Ч.** Собрание сочинения в пяти томах. Т.3. -Алма-Ата., 1985. -С.16.

[18] **Эргашев А. А.** Андижон вилояти этнотопонимларининг ареал-ономастик тадқиқи.Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2012. – Б.10

биология фанлари номзоди Баҳодиров Авазхоннинг таъкидлашича ўзининг шажараси 1840 йилда Шарқий Туркистонда туғилган Ҳакимхонтўрага бориб тақалади [19]. Ҳакимхонтўранин оиласи ва ундан кейинги авлод турли сабабларга кўра Шарқий Туркистонни ташлаб, 1898 йилда Андижон вилояти Шаҳрихон туманининг Аҳмадбек, Хонқўриқ ва бошқа жойларига келиб ўрнашган эканлар. Охунтўпи ҳам «охунлар тўпланган жой» маъносида бўлиб, Охунлар уйғурларнинг зиёли қатламидан бўлган экан [20]. Аҳмадбек қишлоғидаги ушбу уйғурча номлар билан аталувчи маҳаллаларга XIX асрнинг иккинчи ярмида Шаҳрихонсой каналининг қурилиши ва атрофдаги ерларни ўзлаштирилиш даврида кўчиб келганлар. Маҳаллада яшовчи 97 ёшга кирган А. Ортиқовнинг айтишича уйғурлар айниқса Шаҳрихонсойдан сув оладиган Хўжа ариқ номли ариқнинг қазилиб, атрофларга сув чиқарилишида жонбозлик кўрсатган эканлар. Яна Шаҳрихондаги Чўжа қишлоғиҳам бўлиб, у уйғурча «Чўнг жой», яъни «катта жой» деган сўздан келиб чиққан экан [21]. Чунки ҳозирги Қозоғистоннинг Челак туманида кўплаб уйғур қишлоқлари бўлиб, уларнинг бири «Чўнгжа» деб номланади.

Фарғона вдоийсида айниқса «Қашқармаҳалла» деб ном олган маҳаллалар сони кўп бўлиб, уларнинг аксарияти шу даврда шаклланган экан. Уларда яшаб келаётган одамларнинг кўп қисми ҳозиргача ўзларининг аждодларини қашқарликлар деб билишади ва маълум бир удумларни асраб-авайлаб келишади.

XIX асрнинг биринчи ярмида Муҳаммад Алихон билан кўчиб келган 70 минг уйғурлар Фарғона водийсининг шарқий туманларига жойлашган. Андижон вилоятининг Асака туманида Ахтачи, Олақанот ва Оқбўйра каби асосан уйғурлар яшаган қишлоқлари айни шу кўчишлар натижасида ташкил топган. Андижон шаҳрининг ўзида ҳам уйғурларнинг «Эскилик» мавзеси пайдо бўлган. Бу ерда Қизмаси, Оғушлиқ, Қўрғонтаги, Хаканд каби кичик маҳаллалар номлари ҳозиргача сақланиб қолган. Шунингдек Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятидаги Бозорқўрғон, Ўш вилоятидаги Қашқар уйғур қишлоқлари ҳисобланади. Уйғурлар водийнинг бошқа жойларида ҳам ўзлари илгари яшаган ҳудудлари номи билан янги қишлоқ ва маҳалларини ташкил қилганлар. Қашқартўпи (Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида), Қашқарийлар маҳалласи (Наманган вилояти Поп тумани Ғурумсарой қишлоғи), Қашқармаҳалла (Наманган вилояти Уйчи тумани Қизилравот қишлоғи), Уйғур, Повон ва бошқа шу каби маҳаллалар бунга мисол бўла олади.

1906 йили Шарқий Туркистондан Ўзбекистонга мавсумий ишлаш учун 14689 киши, 1907 йили 24.107 киши, 1908 йили 2800 киши келган [22]. Улар асосан деҳқончилик, қурилиш ишлари, нноввойчилик ва ошпазлик билан шуғулланишган. Кўплаб уйғур ошхоналар ҳам очишган. Буларнинг кўпчилиги шу ерларда бутунлай яшаш учун қолиб, кейинчалик оилаларини ҳам олиб келганлар.

1907 йилги маълумотларга кўра Фарғона вилоятида 56742 уйғур бўлиб, улардан Андижон уездида 26182, Марғилон уездида 27209, Ўш уездида 2446, Қўқон уездида 770 киши яшаган [23]. 1912-1923 йилларда Қашқардан Фарғонага мавсумий ишлашга келганлардан 13175 таси доимий қолиб кетдилар. Улар кўп ҳолларда бўш ёки ўзлаштирилмаган ерларга кўчиб келишиб, бу ерларда ўзларининг Қовул, Тукё, Пушмон, Озох, Тўхтакўприк, Олақанот, Овот Кепакчи, Қашқар каби қишлоқларни ташкил қилганлар.

Биринчи жахон уруши йилларида Туркистонга, шу жумладан Ўзбекистонга Хитойдан бир неча ўн минглаб уйғур ишчилари ишлаш учун келдилар. Уларнинг асосий қисми ватанларига қайтиб кетди. Озроқ қисми бу ерда домий яшаш учун қолдилар.Ўша пайтдаги Фарғона водийсининг аҳоли миллий таркибидаги туб-жой миллий озчиликлар ичида тўртинчи ўринни эгаллар эди [24].

Фарғона водийсига кўчиб келган уйғурларга нисбатан маҳаллий аҳоли яхши муносабатда бўладилар. Уйғурларнинг кўчиб келган дастлабки даврлари моддий ва маиший жиҳатдан бирмунча оғир кечади. Уйғурларга иш ва ваъда қилинган ерлар ҳам етишмас эди. Маҳаллий аҳоли уларга жуда катта моддий ва маънавий ёрдам беради. Ўзбек ва уйғур халқи орасидаги ўзаро бирдамлик, меҳр-оқибат улар ўртасидаги этногенетик ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Фарғона водийсига кўчиб келган уйғурлар деҳқончилик, боғдорчилик ва бошқа хўжалик турлари билан шуғулланганлар. Маҳаллий аҳоли суғориш иншоотлари қурилишида катта ёрдам берганлар ва Фарғона водийси ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

[19] Баҳодиров Авазхон билан суҳбатдан ёзиб олинган. Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, Аҳмадбек қишлоғи. 2012 йил август.

[20] **Оҳунжонов Э.** билан суҳбатдан ёзиб олинган. Андижон вилояти Шаҳрихон тумани Аҳмадбек қишлоғи 2011 йил июнь.

[21] Султонов Йўлдош билан суҳбатдан ёзиб олинган. Андижон вилояти Шаҳрихон тумани Найман қишлоғи. 2013-йил август.

[22] **Губаева С.С.** Население Ферганской долине в конце XIX- начале XX века. - Т, 1991. - С.84.

[23] **Губаева С.С.** Население Ферганской долине в конце XIX- начале XX века. - Т, 1991. - С.84.

[24] Этнический атлас Узбекистана. - Т, 2002. - С.218.

# ФАРҒОНА ОКРУГИДАН ҚУЛОҚҚА ТОРТИЛИБ, ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ДЕҲҚОНЛАР

**РУСТАМБЕК ШАМСУТДИНОВ –**
Андижон давлат университети профессори,
тарих фанлари доктори,

**ЭЛЁРБЕК ХОЛМИРЗАЕВ –**
Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

*...30-йилларда қулоқлаштириш сиёсати олиб борилиб, минг-минглаб одамларнинг молу мулки, уй-жойлари тортиб олинган, ўзлари эса узоқ ва совуқ ўлкаларга сургун қилинган, бу тузумдан норози бўлган одамларнинг болаларига «халқ душманининг фарзанди» деган тамға босилган. Умуман, совет тузуми ва мафкураси миллион-лаб одамларни майиб қилган, уларнинг тақдирида аянчли из қолдирган. Уларнинг қанча-қанчаси адолатни, ёруғ кунларни кўрмасдан бу дунёдан ўтиб кетган.*[1]

**Ислом Каримов**

Президент Ислом Каримовнинг **«Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир»** номли янги китобида Ватанимиз тарихини таҳлил этиш ва бу тарих билан кенг халқ оммасини қуроллантириш, тарбиялашга оид қатор методологик йўлланмалар илгари сурилган. Асарнинг «Ким эдигу ким бўлдик? Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак» бобида шундай ёзилган: **«Мамлакатимиз эришган ютуқларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун бугунги ҳаётни кечаги ҳаёт билан солиштириб кўриш керак. Шундан кейин одам бугунги ҳаётнинг қадрига етади. Юртимиздаги мислсиз ўзгаришларни ўз ҳаёти, оиласи, қишлоғи мактаби, ишхонаси мисолида кўрган кишига ўтган кунлар билан бугунги куннинг фарқи ҳамда афзалликлари** тўғрисида ташвиқот юргизишга ҳожат қолмайди.»[2] Китобнинг «Тарих – бамисоли кўзгу» деган бобида эса тарихни билиш ҳаётий зарурат эканини кўрсатиб, биз қайси асрда яшаётганимизни англаш ҳаммамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлаб, бугун юртимизда кечаги кунни эсламайдиган, аждодларини, боболарини ёдга олмайдиган одамнинг ўзи йўқ, деган фикр айтилди.

Тарихимизнинг ана шундай оғриқли, ҳасратли, фожиали, бузилган саҳифаларидан бири советлар томонидан зўравонлик билан амалга оширилган якка деҳқон хўжаликларидан коллектив хўжаликлар, яъни колхозлар тузиш, уни хоҳламаган, унга киришни истамаган мулкдор, ўзига тўқ, ўртаҳол деҳқонларни ҳатто камбағал батракларни куч ишлатиш органлари орқали қулоққа тортиш, сиёсий жиҳатдан қатағон қилиш амалга оширилиши бўлди.

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори Ўзбекистонда ўтказилган коллективлаштириш, қулоқлаштириш, қулоққа тортилганларни сиёсий қатағон қилиб, уларни концентрацион лагерларда қамоқ жазосини ўташга, отувга, узоқ юртларга сургун қилишга ҳукм қилинганлар тақдири, қисматини холисона ўрганиш имкони яратилди. Бу мавзуда талайгина мақолалар, рисолалар, монографиялар, архив ҳужжатлар тўпламлари нашр этилди, номзодлик диссертациялари ёқланди, ҳозирда бир қанча тадқиқотчилар докторлик диссертациялари устида самарали фаолият олиб бормоқда.

Мазкур асарлар, тўпланган материаллар «Қатағон қурбонларини хотирлаш музейи»дан жой олган. Бироқ мазкур илмий йўналиш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина.

Бу мақолада ҳозирги Фарғона вилояти ҳудудида ўтказилган коллективлаштиришда қулоққа тортилган

[1] Каримов Ислом. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. «Ўзбекистон», 2015. 122-бет.
[2] Ўша асар 79-бет.



деҳқонларни такроран қатағон қилиниши ҳақида айрим маълумотлар келтирилади. Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда коллективлаштириш ва қулоққа тортиш сиёсати ва амалиётини ўтказишда Марказдан келган директив кўрсатма ва йўриқномалар асосида иш кўрган маҳаллий раҳбарлар кўпдан-кўп хато ва нуқсонларга ва бузилишларга йўл қўйганлар. Бунда Марказдан келган, ниқобланган десант ходимларнинг ҳам хизмати катта бўлган. Оқибатда жойларда партия, совет, молия органлари, ГПУчилар деҳқонларнинг ерини мусодара қилиш, қирқиб олиш, уларга атайин бажаришнинг ҳеч иложи бўлмаган миқдорда ғалла, пахта солиғи солиш, бунинг уддасидан чиқа олмаганларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш, қамоққа олиш, мулкини мусодара қилиш, ўзларини ўзга юртларга сургун этиш каби ноқонуний ишлар амалга оширилган. Деҳқонлар, диндорлар, руҳонийлар, ҳунармандлар қўрқув даҳшатига гирифтор бўлганлар, ерларини, мол-мулкини беркитишга уй ҳайвонларини сотишга, сўйишга, камбағалларга бепул бериб юборишга, ҳатто хорижга бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлганлар. Ҳали ёппасига коллективлаштириш ва унинг негизида қулоқ қилиш оммавий тус олган 1927-1929 йилларда-ёқ Ўзбекистон қишлоқларида ижтимоий зиддият ниҳоятда кескинлашиб кетган.

ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 24 апрелда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ёппасига коллективлаштиришни ўтказиш тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, тегишли қарор қабул қилади.

Ўзкомпартия МК пленуми Ўзбекистонда коллективлаштириш суръатлари тўғрисидаги қарори билан ўтказилган коллективлаштириш натижаларини таҳлил қилиб бу соҳада сиёсий хатоларга йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилади. Натижада, Ўзбекистон бўйича коллективлаштириш 47,2 фоиз, Андижон округида 57,3 фоиз, Тошкент округида 57,5 фоиз, Қўқон округида 49,6 фоиз, Сурхондарё округида 57,1 фоиз, Самарқанд округида 51 фоиз бажарилгани ВКП(б) Марказий Комитетининг 1930 йил 6 январдаги директив кўрсатмасига хилоф иш тутилгани кўрсатиб ўтилган. Марказ директивасида коллективлаштиришни аста-секинлик билан омманинг чинакам ҳаракати асосида ўтказилиши кўрсатилган. Аммо бу жараён сунъий равишда жадаллик билан тезлаштирилган тарзда ўтказилган. Оқибатда коллективлаштиришнинг анча юқори шак-

ли қишлоқ хўжалиги артелига ўтиш учун тайёргарлик, ерни, ишлаб чиқариш воситаларини, ишчи ва маҳсулот учун хайвонларни умумлаштириш жойларда коммуналарга ўтиш учун ҳаракатлар, зўравонлик билан кўпдан-кўп майда колхозлар юзага келтириш бўйича қинғайишлар, мутлақо кераксиз маъмурийлаштириш юз берган. Коллективлаштириш учун аввал бошдан қулоқлаштириш жорий этишдек мутлақо нотўғри сиёсат қўлланилган. Бундай хато ва қинғайишларнинг қатор сабаблари — Ўзбекистоннинг иттифоқнинг илғор районларига қараганда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қолоқлиги ҳисобга олинмаганлиги, унинг ички айрим районларидаги ҳар хил ижтимоий-иқтисодий шароитлар етарли даражада эътиборга олинмаганлиги, ўртаҳол оммани коллективлаштириш ғоясига тайёр эмаслигининг тўғри баҳоланмаганлиги, батрак-камбағал омманинг уюшқоқлик даражаси эътиборга олинмаганлиги, қишлоқдаги партия ва совет ташкилотларининг заифлиги, уларга раҳбарлик қилиш округ ташкилотлари томонидан яхши йўлга қўйилмаганлиги, бойларнинг ўртаҳол деҳқонларга, айниқса, камбағалларга таъсирининг кучлилиги ҳисобга олинмаганлиги, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришдаги ишлар баҳорги экиш кампанияси қишлоқ хўжалигида товар маҳсулотларини кўпайтириш вазифалари билан боғлаб олиб борилмаганлиги, жорий экиш кампаниясида индивидуал секторнинг аҳамиятига эътибор қаратилмаганлиги, қишлоқ хўжалиги банки томонидан якка хўжаликларга кредит бериш деярли тўлалигича тўхтатиб қўйилганлиги, якка хўжаликларга қишлоқ хўжалиги инвентарлари берилмай қўйилганлиги, колхозлаштиришнинг иҳтиёрийлик тамойиллари бузилган, зўрлаш, қўрқитиш, ҳибсга олиш усуллари қўлланилганлиги, қулоқларга қарши кураш бўйича партия директиваси бузилиши натижасида бойларни ўртаҳол ва камбағаллар оммасига таъсири кучайиб кетганлиги, қинғайишлар, бузилишлар, маъмурийлаштириш қишлоқ хўжалигида якка хўжалик секторининг аҳамиятини тўғри баҳоламасликка, бунинг натижасида ўртаҳол деҳқон билан иттифоқ тузиш ишига хавф солинганлиги, энг катта ва асосий хато коллективлаштириш асосида қулоқларни тугатиш сиёсати ўрнига қулоқлаштириш орқали колхозлаштириш сиёсати қўлланилганлиги бўлган.[3]

Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолисини коллективлаштиришга қарши кураш олиб боришга олиб келди.

Деҳқонлар оммасининг колхозлаштиришга қарши ғалаён ҳаракатлари кенг оммавий тус олди. Буни ОГПУнинг «**Республикаларда коллективлаштириш билан боғлиқ деҳқонларнинг оммавий чиқишлари масаласи бўйича маълумотнома**»сида яққол кўриш мумкин.

1929-1930 йилда Қўқон районидан 737, Бувайда районидан 967 хўжалик қулоқ хўжалиги сифатида рўйхатга олинган бўлса, 1930-1931 йилда Қўқон районидан 286, Бувайда районидан 387 хўжалик қулоққа тортилган.[4]

СССР ОГПУси 1930 йил 11 январда жойларда 771-сонли директива йўллаб ОГПУ органлари тизимидагиларга «**Қулоққа қарши зарба бериш**»ни вазифа қилиб қўйди. Ўз навбатида жойларда коллективлаштиришга қарши ҳаракатлар кенг қулоч ёзди. Бу ҳаракатларнинг характерли белгиларидан бири режа бўйича коллективлаштирилмайдиган Олтиариқ, Риштон, Бувайда районларида бундай чиқишлар кўп бўлган. Коллективлаштириш кўзда тутилмаган бу районлардаги ходимлар ким ўзди қабилида маъмуриятчиликка берилиб, объектив ҳолат билан омманинг коллективлаштиришга нисбатан муносабати ва бошқа ҳолатлар билан ҳисоблашмай иш тутган. Фарғонада коллективлаштиришга, қулоқлаштиришга қарши чиқишлар шу қадар бўлгани сабабидан бу ерга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Лепа, ЎзССР Халқ Комиссарлар совети раиси Файзулла Хўжаев, Республика ГПУси раиси Перконлар ҳарбий қисм билан етиб келганлар. Фарғона округида 1-25 феврал кунлари 15 та кучли чиқишлар бўлиб, уларда 10 мингдан зиёд аҳоли қатнашган.[5]

Бундай чиқишлар март ойида юқори даражага кўтарилган. 1-5 март кунлари 45 та ғалаён бўлиб, уларда 17365 киши қатнашди. Колхозга киритиш учун одамлар аниқланиб рўйҳатлар тузила бошланди. Хўжаликларнинг ҳайвонлари, инвентарлари, мол-мулки ва бошқаларнинг рўйхати олина бошланди.

Боғдод районидаги деҳқонларнинг ғалаёнлари ана шундай рўйхатлар тузилиш бошланганида кенг авж олиб кетди.

Чуварин қишлоқ советида йирик колхоз тузилганига қарши бойлар ҳақсизлардан иборат 150 киши колхоз тузувчи вакилга ташланган, 2 киши қаттиқ жароҳатланган, қишлоқ совети раиси қочиб кетган. Оломон тоғолди қишлоғига боргунча ўз сафида 600 кишини жипслаштирган. 5 та қишлоқдаги барча колхозлар аъзолари рўйхатлари ёқиб юборилди.[6]

100 фоиз коллективлаштирилган Хожан қишлоқ советида комиссия ҳайвонларни баҳолаётган пайтда 500 нафар деҳқон қатъийлик билан бизларга колхоз

---

[3] Российский государственный архив социально политической истории – РГАСПИ – Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архии – РИСТДА. (Бундан кейин РИСТДА) 62-фонд, 1-рўйҳат, 651-иш, 380-421-варақлар.

[4] РИСТДА, 68-фонд, 2-рўйҳат, 2138-иш, 60-65 варақлар.

[5] РИСТДА, 68-фонд, 2-рўйҳат, 2141-иш, 3-6 варақлар.

[6] РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйҳат, 811-иш, 2-варақ.

керак эмас, колхоз раҳбарларини тезлик билан бўшатилсин деб талаб қилиб чиққан.[7]

1930 йил 6 мартдан 15 мартгача бўлган даврда Фарғона округида жами 45 та деҳқонлар ғалаёни бўлиб, уларда 21481 киши қатнашган. Бу чиқишларда «Колхозлар тарқатиб юборилсин», «Бизга колхозчилар рўйхати берилсин», «Бизларга колхоз керак эмас», «Зўравонлик билан колхозга киришни талаб қилаётган комиссияга қарши жисмоний куч ишлатамиз», «Коллективлаштириш бекор қилинсин», «Ҳайвонлар, қишлоқ хўжалиги инвентарлари умумлаштирилмасин», «Колхозчилар рўйхатлари йиртиб, йўқ қилинсин» каби шиор ва талаблар илгари сурилган.

Қўқон районида партия аъзоси, даҳа раиси Худойназар Хўжаназаров бир неча коммунистлар билан бирга Катта Ашрабод, Имомбобо, Тегирмонбоши, Қирлиқ қишлоқларидаги масжидларни ёпиб эшикларини қулфлаб қўйганлар. Бордию қулфни бузиб масжидда намоз ўқилган тақдирда, уларнинг барчаси ҳибсга олинадилар, деб огоҳлантирган. Натижада, кўплаб қишлоқ аҳли шаҳарга қочиб кетадилар. Боғдод райони Чувалачи қишлоғида Мулла Мамажонов мажбурий зўрлик билан 5 та қишлоқ таркибида йирик колхоз тузишда «Ким колхозга кирса қўй ёғи ва гўштини ейди, колхозга кирмаса қизил қалампир чайнайди» деб айтганида оломон колхоз қуришга келган вакилларни дўппослайди. Бундай чиқишларга жавобан советларнинг куч ишлатиш органлари деҳқонларни қулоққа тортиш, уларни молу-мулкини тортиб олиш, ўзларини ҳибсга олиш, қамоқ жазоси бериш, оилалари билан Республиканинг ички ҳудудларига ва Ўрта Осиёдан ташқари ҳудудларга сургун қилиш сиёсатини амалга ошириш билан жавоб бердилар.

Республика Миллий Хавфсизлик хизмати архивидаги материаллар асосини қулоқ қилинганларни такроран қатағон қилишга оид маълумотларни келтирамиз. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учликнинг 1930 йил 17 декабрда йиғилиши 114-баённомасида ўз аксини топган.

Йиғилиш ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги раиси Л.Г.Миронов раислигида, аъзолари – М.Д. Берман ОГПУ Ҳарбий бўлим бошлиғи Бабкевич ЎзССР давлат прокурори ёрдамчиси котиб Ковачлар иштирокида 63 та иш кўриб чиқилиб, 94 маҳбус устидан ҳукм чиқарилган. Мана улар: **Абдуҳалил Муҳаммад Алиев** – Қўқон маҳбуслар уйида турган, 26 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР Жиноят Кодексининг (бундан сўнг ЖК) 168 моддаси билан 2 йил муддатга концлагерга ҳукм қилинган. Муддати 1930 йил 2 декабрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган; **Шермат Умарбеков** – Қўқон маҳбуслар уйида сақланган, қирғиз, 49 ёшда, бой, ЎзССР ЖК 63 ва 66 моддалари билан айбланиб 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддат 1930 йил 14 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган; **Қўқонбой Мажиулов** – Қўқон маҳбуслар уйида сақланган, ўзбек, 22 ёшда, бой, ЎзССР ЖК 168, 66 модда 1 банди билан айбланган, 3 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 18 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган; **Омонулла Аҳмадулла**, ўнинг ўзи **Омонуллаев Абдулла** – Қўқон маҳбуслар уйида сақланган, ўзбек, 36 ёшда, имом, ЎзССР ЖК 58-7 ва 58-10 моддалари билан айбланиб 3 йил концлагерга ҳукм қилинган, муддати 1930 йил 30 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган; **Хошим Ортиқов** – Фарғона шаҳридаги маҳбуслар уйида сақланган, 40 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 168 ва 66 моддалари билан айбланиб 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 26 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара этилган; **Абдулмусавир Абдулҳамидов** – Қўқон маҳбуслар уйида сақланган, 41 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 168 ва 66 моддалари билан айбланган, 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 26 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган; **Йўлдош Мавлонқулов** – Қўқон маҳбуслар уйида сақланган, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 58/10 моддаси билан айбланиб 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 24 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган; **Тайлама Қорёғдиев** – Қўқон маҳбуслар уйида сақланган, 34 ёшда, қирғиз, бой, ЎзССР ЖК 58/10 моддаси билан 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 14 ноябрдан ҳисобланган; **Хожимирол Мухиддинхўжаев** – Қўқон маҳбуслар уйида сақланган, 57 ёшда, тожик, бой, ЎзССР ЖК 58/10 моддаси билан айбланиб 3 йил муддатга Ўрта Осиёда яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилган; **Иминжон Муҳаммадалиев** – Фарғона шаҳар тузатув уйида сақланган, 42 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 168 моддаси билан айбланиб 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 2 декабрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган; **Ниёз Хасанбоев** – Фарғона шаҳар тузатув уйида сақланган, 38 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 168-моддаси билан айбланиб 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1930 йил 4 декабрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара қилинган; **Хомидбой Қозоқбоев** – Боғдод райони милициясида ҳибсда турган, 30 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 66 ва 168-моддалари билан айбланиб, 5 йил концлагерга ҳукм қилинган, муддати 1930 йил 17 ноябрдан ҳисобланган, мол-мулки мусодара этилган; **Маҳсудали Маҳкамбоев** – Боғдод райони милициясида ҳибсда турган, 48 ёшда, ўзбек, бой, ЎзССР ЖК 66 ва 168-моддалари билан айбланиб, қамоқдан озод қилинган ва яшаш жойидан чиқиб кетмасликка

[7] Ўша архив ўша жой

ҳукм этилган; **Абдулла Зокиров** – Фарғона тузатув уйида ҳибсда сақланган, 22 ёшда, тожик, бой ЎзССР ЖК 168-моддаси билан айбланган, ўз яшаш жойидан чиқиб кетмаслик ҳақида тилхат олиниб озод қилиниб, ишни судга беришга ҳукм этилган.

1933 йил 16 мартда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учликнинг аъзолари Райский, Амелин, Загвоздин, Вальтер, Арандлар иштирокидаги йиғилиш қарори билан 75 маҳбус устидан ҳукм чиқарилган. Шундан 4 маҳбус отувга ҳукм қилинган: Абдуқодир Махсум Оқэшон Мадумаров – 52 ёшда, қирғиз, Қирғизистон АССР Ўрозбекобод райони Учтепа қишлоғидан, эшон; Авлиёхонтўра Абдуллаев – 47 ёшда, ўзбек, Авлиёота шахридан, эшон. Хасанхўжа Исахонов – 45 ёшда, ўзбек, Марғилон районидан, эшон, ҳуқуқдан маҳрум этилган; Фозилжон Махсум Сулаймон Хўжаев – 64 ёшда, ўзбек, Марғилон шаҳридан, имом.

Учликнинг 1933 йил 4 апрелдаги йиғилишида қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарилган: **Охун Саматов** – Қўқон сиёсий маҳбуслар уйида сақланган, 1892 йили туғилган, қирғиз, эшон, ЎзССР ЖК 78 ва 66 моддаси 1 банди билан 10 йил концлагерига ҳукм этилган, муддати 1932 йил 5 сентябрдан ҳисобланган; **Ғофир Мирзақосимов** – 41 ёшда, ўзбек, бой ўғли, Ворошилов райони Кўк кичик қишлоғидан, ЎзССР ЖК 66 моддаси билан 5 йил концлагерига ҳукм этилган, муддати 1932 йил 22 декабрдан ҳисобланган; **Бўтабой Тошматов** – Фарғона тузатув уйида ҳибсда сақланган, 44 ёшда, ўзбек, кулоқ, Қўқон райони Қўшчи қишлоқ совети Қўшчи қишлоғидан, ЎзССР ЖК 66 ва 80 моддалари билан айбланиб 5 йил концлагерга ҳукм этилган, муддати 1933 йил 16 январдан ҳисобланган, иш архивга топширилган; **Абдумалик Абдулқосимов** – Фарғона шахар тузатув уйида ҳибсда сақланган, 37 ёшда, ўзбек, кулоқ, Юқори қишлоғидан, ЎзССР ЖК 66 ва 30 моддаси 3 қисми билан айбланиб 5 йил концлагерга ҳукм этилган, иш архивга топширилган.

1933 йил 25 майда Ўзбекистон ГПУ раиси ўринбосари Гильман раислигидаги учлик 36 жиноий иш кўриб чиқиб Қўқон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланаётган қуйидагилар устидан ҳукм ўқилган: **Мирзаали Саидалиев** – 35 ёшда, ўзбек, кулоқ, ҳақсиз, Боғдод райони Пахтаобод қишлоғидан, ЎзССР ЖК 13-78, 80, 226/1 моддалари билан айбланиб 5 йил муддатга тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 26 декабрдан ҳисобланган; **Содиқ Тошбоев** – 36 ёшда, ўзбек, кулоқ, ҳақсиз, Боғдод райони Қўрғонча қишлоғидан ЎзССР ЖК 13-78 моддаси 1 банди, 80 моддаси билан айбланиб, 3 йил тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 25 декабрдан ҳисобланган; **Қорабой Худойберганов** – 59 ёшда, кулоқ, ҳақсиз, Боғдод райони Пахта қишлоғидан, ЎзССР ЖК 13-78, 80 моддаси билан айбланиб, оиласи билан махсус посёлкага кўчириб юборишга ҳукм қилинган; **Эргашхўжа Рахимхўжаев** – 36 ёшда, ўзбек, руҳоният оиласидан, кулоқ, ҳақсиз, Ўш шаҳридан, ЎзССР ЖК 13-78, 80, 226-моддалари билан айбланиб, оиласи билан махсус посёлкага кўчириб юборишга ҳукм этилган; **Мулла Ғафур Ғойибназаров** – 39 ёшда, ўзбек, кулоқ, Боғдод райони Жалоир қишлоғидан, ЎзССР ЖК 13-78 моддаси билан айбланиб, 5 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 25 декабрдан ҳисобланган; **Маматқул Абдураҳмонов** – 36 ёшда, ўзбек, кулоқ, ҳақсиз, Боғдод райони Қоратепа қишлоғидан, ЎзССР ЖК 13-78 ва 66 моддаси 7 банди билан айбланиб 5 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1932 йил 25 декабрдан ҳисобланган; **Турдибой Рахимбоев** – Қўқон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, 34 ёшда, ўзбек, Чувалачи қишлоғидан. ЎзССР ЖК 77, 66 моддаси, 1-банди билан айбланиб 3 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1932 йил 25 декабрдан ҳисобланган; **Қўчқар Йўлдошев (Тўхтабоев)** – Қўқон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, ўзбек, собиқ имом, савдогар, Каганович райони Нурсук қишлоғидан, ЎзССР ЖК 66, 78, 226/2 моддалари билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 25 декабрдан ҳисобланган; **Абдураҳмон Арслонов** – Қўқон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, 43 ёшда, ўзбек, кулоқ, ЎзССР ЖК 80 моддаси «ж» банди ва 106 моддаси билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1933 йил 23 июндан ҳисобланган; **Ортиқбой Хайдарқулов** – Қўқон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, 19 ёшда, ўзбек, кулоқнинг укаси, Бешариқ райони Ропкон қишлоғидан, ЎзССР ЖК 106 моддаси ва 88 моддаси «в» банди билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1933 йил 20 апрелдан ҳисобланган; **Исоқбой Эшназаров** – Қўқон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, 39 ёшда, ўзбек, кулоқ, ЎзССР ЖК 106 ва 88 моддаси «в» банди билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган; **Сотиболди Холбоев** – Қўқон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, 35 ёшда, ўзбек, Бешариқ райони Валик қишлоқ совети Валик қишлоғидан, кулоқ, ЎзССР ЖК 106 ва 88 моддаси «в» банди билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган; **Ҳамидхўжа Махмудхўжаев** – Фарғона меҳнат тузатув бошқармасида 1933 йил 7 февралдан ҳибсда сақланган, 40 ёшда, тожик, кулоқ, Қоратепа қишлоғидан, ЎзССР ЖК 66, 166-3 моддалари билан айбланиб 5 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1933 йил 7 февралдан ҳисобланган; **Худойберган Ашурматов** - Фарғона меҳнат тузатув бо-

шқармасида ҳибсда сақланган, 22 ёшда, тожик, қулоқ, Қоратепа қишлоғидан, қулоқ, ЎзССР ЖК 66, 166-3 ва 63 моддалари билан айбланиб 5 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1933 йил 7 февралдан ҳисобланган; **Давлат Мадалимов** – Фарғона меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда сақланган, 45 ёшда, тожик, қулоқ, Қоратепа қишлоғидан, ЎзССР ЖК 66, 166 ва 63 моддалари билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 24 декабрдан ҳисобланган; **Мулла Жамолиддин Хаитматов** – Қўқон меҳнат тузатув бошқармасида 1933 йил 24 декабдан ҳибсда сақланган, 38 ёшда, ўзбек, ўртаҳол, Катта Янгин қишлоқ совети, Гри қишлоғидан, ЎзССР ЖК 66, 78, 226-2 моддалари билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 24 декабрдан ҳисобланган; **Ботирали Ғозиев** – 1931 йил 25 январдан меҳнат тузатув Бошқармасида ҳибсда турган, 1890 йили туғилган, Бешариқ райони Набитол қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР ЖК 78, 101 ва 67 моддалари билан айбланиб 3 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1933 йил 26 январдан ҳисобланган; **Ашурмат Холматов** – 1933 йил 6 апрелдан меҳнат тузатув Бошқармасида ҳибсда турган, 1877 йили туғилган, Бешариқ райони Набитол қишлоғидан, ўзбек, ўртаҳол, ЎзССР ЖК 78, 101 ва 67 моддалари билан айбланиб 3 йилга Қирғизистонга сургун қилишга ҳукм этилган, муддати 1933 йил 6 апрелдан ҳисобланган; **Йўлчибой Тўйчибоев** – 1933 йил 22 мартдан Қўқон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда турган, Молотов райони Бешкапа қишлоғидан 1905 йили туғилган, ўзбек, қулоқ, ЎзССР ЖК 80 ва 106 моддаси 2 банди билан айбланиб 3 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1933 йил 22 мартдан ҳисобланган; **Исмоил Хотамқулов** – 1933 йил 30 мартдан Қўқон меҳнат тузатув Бошқармасида ҳибсда турган, 50 ёшда, ўзбек, қулоқ, ЎзССР ЖК 106 моддаси билан айбланиб махсус посёлкага кўчириб юборишга ҳукм қилинган; **Хошим Собиров** – 1933 йил 23 мартда Қўқон меҳнат тузатув Бошқармасида ҳибсда турган, Бешариқ райони Қорабўйин қишлоғидан, ўзбек, қулоқ, ЎзССР ЖК 106 моддаси билан айбланиб 3 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1933 йил 22 мартдан ҳисобланган; **Исроил Мамадалиев** – Фарғона меҳнат тузатув бошқармасида 1933 йил 7 мартдан ҳибсда турган, 44 ёшда, ўзбек, қулоқ, Марғилон райони Ўтинчи қишлоғидан, ЎзССР ЖК 67 ва 175 моддалари билан айбланиб 5 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1933 йил 7 июлдан ҳисобланган; **Мадумар Қурбонов** – 1932 йил 27 декабрдан Боғдод район 2-Боғдод қишлоғидан, Боғдод район милициясида ҳибсда турган, ўзбек, қулоқ, ЎзССР ЖК 66 моддаси 2 банди билан айбланиб 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1932 йил 27 декабрдан ҳисобланган.

ОГПУнинг Қўқон оператив сектори 1934 йил 31 январда 223-сонли Ҳамдамхожи Қаландаровнинг ишини кўриб чиққан. Айблов хулосасида у шундай тавсифланган: «Ҳамдамхожи Қаландаров 38 ёшда, Бешариқ райони Андархон қишлоғида туғилган, бойнинг ўғли, Бешариқда яшаган, ўтмишда бой, 1923 йилдан 1931 йилгача хайвон ва дон савдоси билан шуғулланган, оилалик, 2 хотини, 4 нафар фарзанди бор, саводсиз, партиясиз, судланмаган, ҳарбий мажбуриятга эга эмас. ЎзССР фуқароси, 1918 йилдан «босмачилар» қўрбошчиси бўлган, 1919 йилдан 1922 йилгача «Миллий иттиходи тараққий» аъзоси бўлган, 1919 йилдан 1925 йилгача полк командири милиция бошлиғи бўлиб хизмат қилган, 2 марта «Қизил Байроқ» ордени билан тақдирланган, ҳибсга олиш олдидан 1 уйи бўлган. Унга қўйилган айб аксилинқилобий ташкилотни бошқариб бориб жиноий босқинчилик ва зараркунанда гуруҳларга раҳбарлик қилганликда, қурол ва қимматбаҳо буюмлар сақлаганликда, қўзғолон қилиш мақсадида 1919-1923 йилларда «босмачилик» ҳаракати оммавий тус олганда «босмачиликка» ёрдам бериб турганликда, қатор террорчилик акти содир этганликда, «Қуйбишев», «Охунбоев», «Болтабоев», «Янгиҳаёт» колхозларидаги зараркунанда гуруҳларда фаолиятни бошқарганликда, ўз одамлари билан «2-қурилтой» колхозини бузилишида қатнашганликда айбланган. 1932 йил 7 декабрда ЎзССР ЖК 67 моддаси билан қамоққа олинган. У ўз айбларига иқрор бўлмаган. 1933 йил 19 мартдан ОГПУ доимий вакиллиги сиёсий маҳбуслар уйида ҳибсда турган. Шу қамоқхонада ҳалок бўлган. Шу боис вафот этгани туфайли ишни тўхтатишга қарор қилинган.

1934 йил 29 апрелда ОГПУ доимий вакиллиги милиция давлат бошқармасида 1933 йил 25 апрелдан ҳибсда сақланаётган Шамсутдин Умаров 1912 йили Қўқон шаҳрида туғилган, ўзбек, синфий холатини йўқотган, судланган, ЎзССР ЖК 38 моддаси билан ижтимоий зарарли унсур сифатида 3 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1934 йил 25 апрелдан ҳисобланган.

Биз фақат айрим маълумотларнигина келтирдик. Ўша турли муддатларга концлагерларга ҳукм қилинганлар СССРнинг турли минтақаларидаги концлагерларга этап қилинганлар. Улар даставвал Тошкентдаги Ўрта Осиё концлагерига жойлаштирилган, шу жойдан бошқа лагерларга этап қилинган. Уларнинг маълум қисми ўша лагерларда ҳалок бўлган, «Катта қирғин» даврида ўша маҳбуслар «учлик»лар ҳукми билан отиб юборилганлар.

**Биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда «ўзбек модели» деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан. Тошкент шаҳри, 2016 йил 2 июнь.*

# МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИЛМ-ФАН РИВОЖИ

## (Андижон вилояти мисолида)

**БАХТИЁР РАСУЛОВ**
**Андижон давлат университети илмий ишлар бўйича проректори, тарих фанлари номзоди, доцент**

Ўзбекистонда истиқлолни қўлга киритиш арафаси ва истиқлол йилларида бутун халқимиз каби вилоятимизнинг илмий ва ижодий жамоатчилиги ҳаётида буюк бурилиш даври бошланиб, ривож топиб, янгидан-янги имкониятлар ва саҳифалар очилди. Соҳа давлатимизнинг бугуни ва келажагини белгилайдиган муҳим омиллардан бири бўлиб қолди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасидан бошлаб ҳозирги кунга қадар илм-фан тараққиётига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳада замон талабларига жавоб берадиган давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Бунда Президентимизнинг илм-фан тараққиётига оид фармон, қарорлари, нутқлари, асарлари, ҳукуматимизнинг қатор ҳуқуқий ҳужжатлари асосий методологик концептуал кўрсатма вазифасини бажаради.

Ўзбекистон замини азал-азалдан жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган, дунё илм-фани ва маданиятининг ривожланиши йўналишларини белгилаб берган улуғ алломаларни, буюк мутафаккирларни етиштирган. Ислом Каримов айтганидек: «Агарки қайсидир мамлакатда бир янги кашфиёт қилинибди, ноёб мутафаккир пайдо бўлибди, деб айтса, билиб қўйинглар, ўша ерда қадимий анъана, илмий мактаб бор. Илмнинг, ижоднинг замини бор жой, албатта, вақти келиб, улуғ олимларни етиштириб беради. Бу, ўз навбатида, одамда миллий ғурур ҳиссини уйғотади» [1]. Буюк Бобур ватани — Андижон ҳам дунё тамаддунига ҳисса қўшган, кўплаб илму-фан дарғаларини яратган ажойиб диёрдир. Ана шу анъана истиқлол йилларида бутун бўй-басти билан намоён бўлмоқда. Замонавий фанларнинг кўп йўналишлари бўйича кўпдан-кўп олиму-фузалолар яратган асарлар, кашфиётлар ватанимизда ва хорижда маълум ва машҳурдир. Андижонда азал-азалдан тарихнавислик ривож топган. Мустақиллик йилларида бу соҳада таҳсинга сазовор тадқиқот ишлари олиб борилди. Бунга биргина вилоятдаги тўнғич олий таълим муассасаси – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси эришган ютуқлар мисол бўла олади. Ўзбекистон тарихи кафедраси – мустақиллик меваси сифатида ташкил этилди ва ҳозирда янада ривожланмоқда. Истиқлол яратган имкониятлардан, Президент Ислом Каримов илгари сурган методологик, концептуал ғоя ва кўрсатмаларга

[1] **Каримов И.А.** Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. Т.: «Ўзбекистон», 2015. 118-б.

асосланган жамоа мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи фанидан ўқув қўлланмалар, монографиялар, архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламлари, кўплаб рисола ва илмий мақолалар эълон қилинди. Кафедра бугунги кунда Андижон вилояти олий таълим муассасалари Ўзбекистон тарихи кафедраларида халқимизнинг бой тарихий, маънавий-маданий мероси ёш авлодни юксак ватанпарварлик, миллий қадриятлар ва анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётган илмий-педагогик кадрларни тайёрлашда алоҳида ўринга эгадир. Университет ректоратининг жонбозлиги билан ташкил топган кафедрада аспирантура, докторантура самарали фаолият кўрсатди, ҳозирда эса магистратура, катта илмий ходим-изланувчи ҳамда мустақил изланувчи институтлари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон тарихини мустақиллик ва миллий ғоя руҳида яратиш ва бу тарих билан ёш авлодни қуроллантириш, тарбиялаш ишида кўп жилдлик ўқув қўлланма сифатида «Ватан тарихи»нинг яратилиши, унинг қайта нашр этилиши, Ўзбекистоннинг янги тарихи биринчи китобининг яратилиши, уларнинг ўқув жараёнига жорий қилиниши кафедра хизматларидан биридир.

1992 йил 8 июлда Ўзбекистон Президентининг «Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ва 1992 йил 21 июлда Вазирлар Маҳкамасининг «Илм-фанни ривожлантиришни ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши туфайли илм-фан ва инновация фаолияти соҳасидаги асосий йўналишлар ривожланиш йўлига тушди. Илм-фан ва олий таълимни республика бўйича бир маромда ривож топиши, бунда ўтмишнинг марказчилик ва маҳаллийчилик иллатларидан ҳоли бўлган таълим-тарбия жараёни бир хил тараққий этаётгани эътиборга лойиқдир. Олий таълим муассасалари учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда 1993 йилдан бошлаб Андижон шаҳридаги олий ўқув юртларида 3 та фан йўналиши (Ватан тарихи, иқтисодиёт, тиббиёт) бўйича диссертациялар ҳимоя қилинадиган ихтисослашган Илмий кенгашларнинг фаолият кўрсатиши ҳам истиқлол берган неъматлардан биридир.

Андижон давлат университети қошидаги Ватан тарихи бўйича ихтисослашган Илмий кенгашда 20 га яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, тарих фанлари номзоди илмий унвонига эга бўлган бу мутахассис кадрлар республиканинг турли вилоятлари олий ўқув юртларида фаолият кўрсатмоқда. 1998 йил апрелидан фаолиятда бўлган «Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси» ихтисослиги бўйича ихтисослашган кенгашда 10 дан ортиқ диссертациялар ҳимоя қилинди. Юқори малакали бу ходимлар олий таълим тизимида самарали меҳнат қилмоқда. Бу ўттизга яқин фан номзодлари республиканинг турли вилоятларида ва пойтахтимизда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидоийлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонлари [3] асосида мустабид совет даврида бегуноҳ қурбон бўлган ватандошларимизнинг ҳурмати ва хотирасини жойига қўйиш, фуқароларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтириш вазифаларидан келиб чиқиб, 2001 йилда Андижонда ташкил этилган «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фондининг саъй-ҳаракати билан совет даврида маҳфийлик тамғаси остида сақланган, илмий истеъмолга киритилмаган, тадқиқотчиларга берилмай келган собиқ иттифоқнинг Москва, Новосибирск, Киев, Херсон, Ставрополь, Караганда, Олмаота, Остона, Кокчетов, Шортандин ва Ўзбекистоннинг қатор республика вилоятлари архивларида тадқиқот ишлари олиб борилди, 25 та йирик монографик тадқиқот, 100 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилинди. Уларнинг айримлари хорижда эълон қилинди.

2002 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг «Андижон-Наманган» илмий маркази, Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Фан ва техника маркази (кейинчалик ҳудудий инновацион фаолият ва технологиялар трансфери Маркази) томонидан вилоятда фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари олимларининг тадқиқотларини мувофиқлаштирилиши натижасида фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг самарадорлиги ва натижавийлиги ортиб борди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизнинг илм-фан ва инновациялар соҳасидаги сиёсатини белгилаб берадиган асосий ҳужжатлардан бири бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон илм-фанини бошқариш ва молиялаштиришни давлат томонидан тартибга солиш, унинг саъй-ҳаракатларини мамлакатимиз

[3] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи. - 1999 йил 24 июль.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони //Халқ сўзи. – 2001 йил 2 май.

учун устувор бўлган соҳаларга йўналтириш амалга оширилди. Мазкур қарор асосида илмий тадқиқотларни давлат илмий-техник дастурлари ва инновацион лойиҳалар бўйича танлов йўли билан грант орқали молиялаштиришга ўтказилиши натижасида ўзбек тилшунослигини ривожлантиришга асос соладиган систем-тилшунослик йўналиши ва йирик илмий мактаб яратилди, кўп қатламли ва нокристалл тизимга эга бўлган кремний асосли структураларда заряд кўчиш механизмлари таклиф этилди, қуёш энергияси билан ишловчи сув кўтариш қурилмаси яратилди, фармацевтик маз «Фентриазалин» олиш усули ва технологияси ихтиро қилинди, кемирувчиларга қарши биологик кураш технологияси ўзлаштирилди ва шу каби қатор ихтиролар ва инновацион ишланмалар яратилди.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига татбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш кўзда тутилган. Боиси, бугунги кунда илм-фан, саноат, қишлоқ хўжалиги тез ривожланиб бормоқда. Ҳар бир кунимиз ўзига хос янгилик, улкан кашфиётларга бойдир. Янги ғоялар, ишлаб чиқариш йўналишларининг ривожига асос бўлувчи технологиялар, жамият учун манфаатли бўлган лойиҳаларни тарғиб қилиш, ҳаётга татбиқ этиш энг муҳим масалалардан биридир. Айнан шу мақсадни амалга ошириш учун республика миқёсида ўтказиб келинаётган «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IX Республика ярмаркаси»нинг ҳудудий тақдимоти Андижон вилояти ҳокимлиги, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, ҳудудий инновацион фаолият ва технологиялар трансфери Маркази ҳамкорлигида ўтказилган ярмарка вилоятда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, янги ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий этиш орқали кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, инновацион жараёнларга ёш олимлар, иқтидорли талабалар ҳамда тадбиркорларни жалб этиш, илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларида олиб бориладиган амалий ва инновацион тадқиқотларнинг устувор йўналишларини мувофиқлаштириш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

2016 йил 23 март куни «IX Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси»нинг ҳудудий тақдимотида Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларидан 740 та илмий марказ ва ОТМлар, 245 та турли ташкилотлар, 780 дан зиёд фермер ва тадбиркорлар, 1800 дан зиёд талабалар ва магистрлар, 600 га яқин эркин иштирокчилар қатнашди. Университетдан 51 та ишланма намойиш қилинди. Тақдимот якунига кўра университет манфааатдор корхоналар ўртасида умумий қиймати 274.074.000 сўмлик 16 та шартнома имзоланди.

Ярмарканинг ҳудудий тақдимотида «Феррацен асосидаги янги биостимуляторлар», «Амарант ўсимлигини етиштириш агротехникаси, сеялкада экиш, йиғиштирилган бошоқдан ажратишни механизациялаш», «Ўзбекистонда тарқалган бошоқдошлар оиласи туркуми ва турларининг аниқлагичи», «Кремний асосидаги фото электрик модуллар самарадорлигини ошириш усуллари», «Флороплан 3D дастури ёрдамида намунавий уй-жойларни лойиҳалаш» ишланмалари ҳудудий тақдимотда «Энг яхши илмий ишланмалар» деб топилди.

2016 йил 11-13 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган «IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси»да иштирок этган 9 та ишланма учун 201.150.000 сўмлик 19 та шартнома имзоланди.

Ярмарка натижасига кўра жами 475.224.000 (тўрт юз етмиш беш миллион икки юз йигирма тўрт минг) сўмлик 35 та шартнома тузилди.

М.Мўминов раҳбарлигидаги «Амарант ўсимлигини комплекс қайта ишлаш асосида озиқ-овқат ва фармацевтика саноатлари учун мой, ун ва кунжара, ҳамда чорвачилик учун ем-озуқа олиш технологиясини жорий этиш» бўйича тадқиқот натижалари инновацион ярмаркада юқори баҳоланиб, 3 миллион сўм пул мукофоти, 1 йиллик бепул интернет ва 1 даражали диплом билан тақдирланди. Ёш олимлар ва талабалар «Инновацион ғоя» республика танловида университетнинг катта илмий ходим-изланувчиси Суҳроб Алиевнинг «Кремний асосидаги иккиёқлама қуёш элементли қуёш генераторининг янги эффектив конструкцияси» 1-даражали диплом, Улуғбек номидаги давлат стипендияси совриндори, физика-математика факультети талабаси Омонбоев Фазлиддиннинг «Қуёш – сув кўтариш қурилмаси» 3-даражали диплом ва қиматбаҳо совға билан тақдирланди.

Хуллас, давлатимиз томонидан илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий асос яратилган бўлиб, уларда инновацион жараён тушунчаси ва уни ташкил этиш принципи тубдан ўзгарди. Шунга мувофиқ, олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион корпоратив ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, унинг натижалари бугун ўз самараларини бераётир.

# ҚУРМОНЖОН ДОДҲОҚ ФЕНОМЕНИ

**ТАШМАНБЕТ КЕНЕНСАРИЕВ**
Қирғизистонда хизмат кўрсатган маориф ходими, тарих фанлари доктори, профессор

**Қурмонжон додҳоқ нафақат йирик тарихий шахс, балки Марказий Осиё тарихидаги алоҳида ҳодисалардан биридир. У келиб чиқиши жиҳатидан қадимги саклар ва массагетларнинг маликалари Тўмарис ва Зарина ёки Қиз Сайқал ва Жанил Мирза сингари қирғиз қабилаларининг етакчилари каби зодагонлардан эмас эди. Қурмонжон тарих майдонига оддий халқ орасидан, оддий кўчманчи Маматбойнинг қизи сифатида кириб келди.**



Қурмонжон додҳоқ

У ислом одатларига қарама-қарши ўлароқ аёллардан чиққан биринчи додҳоқ бўлади. Тож–тахти бўлмаса-да, уни «малика», ҳарбий унвони бўлмаса-да, «генерал» деб ҳам аташар эди. Қурмонжон додҳоқ шахсининг мураккаблиги ва сирлилиги «тақдири азал» билан ҳам боғлиққа ўхшайди. Қурмонжон додҳоқнинг ватани «Ўрта Осиёнинг гавхари», деб аталадиган Фарғона водийсидир. Ҳар тарафи тоғлар билан ўралган Фарғона водийси Ўрта Осиё текисликларига фақат ғарб томондан чиқа олади. Бу жой Ўрта Осиёда «Темир қопқа» деб аталар эди. Ҳақиқатдан ҳам бу ер қадимдан бошлаб ва ўрта асрларда ҳам Шарқ ва Ғарб ўртасидаги «дарвоза» эди. Чунки Буюк ипак йўлининг энг гавжум тармоғи айнан шу ерда бўлиб, форс Доронинг, юнон Александр Македонскийнинг қўшинлари ҳам ундан ўтган эдилар.

Бу ерларда қадимги замонлардан бошлаб турк ва эрон тил гуруҳларига мансуб халқлар яшаганлар. Улар зароастризм, буддизм, кесториан христианлиги ва ислом динларига эътиқод қилган одамлар бўлиб, тинч ва аҳил истиқомат қилганлар. Чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчиликда бой тажрибага эга бўлган бу жойлар

аҳолиси ҳозирги ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар ва бошқа халқларнинг аждодлари бўлганлар. Тоғлар ҳамда водийлар хўжалиги ва суғорма деҳқончилиги юксак ривожланган Довон давлатининг тарихида муҳим роль ўйнаган. Мана шунинг учун бу ерларда шоли, буғдой, узум, пахта, сабзавот етиштиришнинг юксак маданиятига эришилган.

Тозазотли тулпорлар Довон давлатининг ташқариларида, Марказий Осиёда шуҳрат қозонган. Бир замонлар Фарғона водийсининг бутун аҳолиси от культига ҳам сиғинганлар. «Самовий отлар» ҳақидаги хотиралар бизнинг кунларгача етиб келган. «Қон терлаган дулдуллар» тасвирлари Аравон қишлоғи яқинидаги Дулдул Ота қояларида ҳамда Ўш шаҳри марказидаги Сулаймон тоғда топилган. Баъзи манбаларга кўра Довон давлатида 70 дан ортиқ катта ва кичик шаҳарлар бўлган. Улардан бири қадимги Ўш шаҳри бўлиб, Қурмонжон додҳоҳ ва авлодлари таржимаи ҳолининг кўп жиҳатлари у билан боғлиқдир. Бу ерга Буюк ипак йўли бўйлаб Хитой ва Ҳиндистондан савдогарлар ва олимлар келиб туришган. Қадимги Ўшда, муқаддас Сулаймон тоғда Абу Ибн Усмон, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Югнакий, Умар Ибн Муса, ал –Ўший, Мансур ал – Ўший, Абдуллоҳ  ал –Ўший кабилар ўз асарларини ёзганлар. Буюк Бобур каби улар ҳам ўз илмий рисолаларида, бадиий асарларида бу юртни куйлаганлар. Улар қаторида «Олой маликаси»- Қурмонжон додҳоҳ ҳам ўзининг фахрли ўрнини эгаллаган. Чунки у қадимги Ўш диёрининг чинакам қизи эди.

У мовий жилваланиб турувчи тоғ дарёлари ва ям – яшил яйловлар билан ўралган бу хайрли ерларда ўсди. Унинг шахсида ҳам, феъл–атворида ҳам Ўш диёрининг гўзаллиги ва донишмандлиги уфуриб турар эди. Тоғлар тоғликларнинг характерларига катта таъсир ўтказади, деб бежиз айтмайдилар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, табиатнинг ўзи бу ўзига хос аёлнинг руҳиятини ҳам белгилаб берар эди.

Қурмонжон додҳонинг тарихий шахс сифатидаги бетакрорлиги, бизнингча, унинг ҳаёти ўз халқи тарихидаги мураккаб давр билан тўғри келганлигида, фаолиятининг ана шу давр тараққиёти билан узвий алоқадорлиги билан боғлиқдир. Қурмонжон фаолиятининг аввалги даврида қирғиз халқи олдида иккита жуда муҳим муаммо кўндаланг бўлиб турарди.

Биринчи масала, тарқоқ қирғиз қабилаларини бирлаштриш ва мустақил давлатчиликни ташкил қилишдан иборат эди. Бу масала қирғизлар тарихининг кун тартибида «қирғиз буюк давлатчилиги (IX аср)» пайтларидан бери турган бўлиб, халқ тарихининг ҳар бир даврида яна ва яна кўндаланг бўлиб турган. Россия ва Англия каби буюк давлатларнинг Марказий Осиёдаги геосиёсий интилишлари, уларга эҳтиёткорлик билан бўлса ҳам Цинлар империясининг ҳам қўшилиши кузатилган XIX асрда қирғиз давлатчилиги масаласи янада актуаллашди.

Иккинчи муаммо биринчиси билан узвий боғлиқ. Ташқи мустамлакачилик экспансияси натижасида қирғизлар икки йўлдан бирини – асрнинг биринчи ярмидаги қаби қандай бўлса шундайлигича қолиш ёки мустақилликни сақлаб қолиш мақсадида ташқи хавфга қарши туриш йўлини танлашлари керак эди. Ўша пайтларда Қирғизистоннинг жануби Қўқон хонлигининг таркибий қисми бўлиб,шимоли Қўқонга расман бўйсунувчи бийлар томонидан бошқарилар эди. Ўз навбатида Қўқон хонлиги ўзбеклар, қирғизлар ва тожикларни бирлаштирувчи давлат эди.

Ана шундай паллада қирғизлар, айниқса, жанубдаги қабилалар иккинчи йўлни танладилар. Қўқон қўшинининг отлиқ зарбдор кучларини ташкил қилувчи қирғиз лашкарлари хонликдаги бошқа халқлар билан биргаликда амир лашкар Алимқул бошчилигида Россия мустамлакачилик экспансиясига қарши курашдилар. Пўлатхон ўғли Асан, Қурмонжон додҳонинг ўғли Абдилдабек кабилар 1860–1870 йиллар давомида Тошкент яқинидаги Қозоғистоннинг жанубий туманларида ва Фарғонада бўлган жангларда иштирок этдилар.

Шундай қилиб, Қурмонжон додҳонинг ҳаёти ва фаолияти қирғизларнинг юқорида кўрсатилган муаммолари билан чамбарчас боғлиқ бўлди. У мураккаб халқаро ва ички жамият муаммолари билан тўлиқ бўлган ўша даврнинг муҳим тарихий чақириқларига нисбатан ўз халқи учун тўғри бўлган йўлни танлай олди.

Қурмонжон додҳоҳ ҳаёти тарихи унинг замондошлари, қариндошлари ва фарзандлари томонидан оғзаки берилган маълумотлар асосида яхши ўрганилган. У ҳақдага афсона ва ривоятлар авлоддан–авлодга ўтиб келмоқда.

Олой раҳнамоси бўлган аёлнинг шахсияти жуда ўзига хос ва сирли бўлган эди. Қирғизистон жанубига қелган рус ва чет эл сайёҳлари, Россия бош штабининг ориенталистлари 1 ҳарбий намояндалари, мустамлака ҳукуматининг амалдорлари Қурмонжон додҳоҳ ҳузурига албатта келар эдилар. Эрксевар ва «безовта» жанубий қирғизларнинг обрўли раҳнамосининг фикрини билиш улар учун жуда муҳим эди. Европа цивилизациясининг вакилларига «Олой маликаси»нинг донолиги ва давлат арбобларига хос ўткир ақли шунчалик чуқур таассурот қолдирар эдики, ватандошларига унинг ҳақида ҳикоя қилиб беришни ўз бурчлари деб билар эдилар. Афсонавий Қурмонжон додҳоҳ ҳақидаги мақолалар Россия, Франция, Германия, Польша нашрларида эълон қилинган эди. Тошкентда чиқадиган «Туркестанские ведомости»,

Санкт Петербургда нашр қилинадиган «Исторический вестник», «Семиреченские областные ведомости» ва Тошкентдаги «Известия Туркестанского отделения императорского Русского географического общество» ва бошқа газета ҳамда журналларда ҳам у ҳақда ёзишган эди.

У ўз вақтида нафақат Фарғона, балки Марказий Осиёда, ҳатто Россияда ҳам танилган эди. (Қаранг: Алайская ханца// Переводчик.1895.№ 32. (Тагарская газета, изд.с. 1883г. Исмаилом Гаспиринским в Бахчасарае на русском языке). –С.665–666). Унда шундай ёзилган эди: «......моҳир чавондоз ва жангари бу қирғиз аёлининг шуҳрати Помир ва Қашқарда ҳам эшитилар эди....». Қурмонжон додҳонинг шахсиятига оид кўплаб тадқиқотлар шўролар ва ундан кейинги даврларда ҳам яратилган. Лекин қирғиз тарихшунослигида ҳанузгача Олой маликасининг фаолияти тизимли даврлаштирилмаган. Мазкур мақолада тарихий маълумотлар асосида ана шу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қиламиз.

Қурмонжон додҳоҳ 96 йил яшади. Ўша даврлар учун хийлагина узоқ бўлган умрининг 75 йилини у Фарғона водийси ижтимоий–сиёсий воқеаларининг марказида фаол, кўпинча ҳал қилувчи роль ўйнаган ҳолда ўтказди. Қурмонжон додҳоҳ Маматбой қизи таржимаи холидаги турли воқеалар ва фактлар хронологик таҳлили унинг фаолиятидаги учта асосий даврни ажратиб кўрсатиш имконини беради.

## ҚУРМОНЖОН ДОДҲОҲ ФАОЛИЯТИНИНГ БИРИНЧИ ДАВРИ (1832-1862)

### Қурмонжон додҳоҳ – жамоат арбоби (1832-1862)

Қурмонжон 1832 йили 21 ёшида Қўқон хонлигининг ўша даврдаги йирик амалдорларидан бири Олимбек додҳога турмушга чиққанидан бошлаб маҳаллий ҳокимиятнинг бошқарув ишларига беихтиёр аралаша бошлади. Олимбек Асанбий ўғли маълум ва машҳур Телак Ботирнинг чевараси ва XVIII асрнинг 60 – йилларида Қўқон хони Эрдонабий билан ҳам рақобат қилган Ажибийнинг невараси эди. У уйланишидан бир йил олдин – 1831 йилда Мадалихондан «додҳо» унвонини олган ва Қўқон хонлигининг давлат арбоби сифатида танилиб улгурган эди. «Додҳоҳ » форсча «адолатли» маъносини билдириб, авваллари вилоятнинг диний раҳбари, кейинчалик хонлик ҳукуматининг жойлардаги вакили, ҳокими ёки ҳарбий бошлиғи ҳисобланган. Додҳоҳ лавозими ёки унвони XVIII асрда Ўрта Осиё хонликларида, айниқса, Бухоро амирлигида пайдо бўлган. Одатда бу унвон Бухоро Шайхулисломининг (Марказий Осиёнинг олий ислом диний идораси) махсус фатвоси билан берилган.



Олимбек Додхо

Додҳолар ойлик маош сифатида хонлик ғазнасидан йилига 1000 тилло ва 200 ботмон буғдой олганлар. Дворян тарихчиси М.А.Терентьев додҳони генарал унвони билан тенглаштирган эди (қаранг: Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. –Т.1. –СПб, С.248. –Т.2. –С.412). Қўқон хонлиги тарихининг билимдони А.Кун додҳоҳ унвони маҳаллий аҳамиятдаги генерал–губернаторликда маъмурий лавозим, деб тушунтирган. (Кун.А.Л. Очерки Кокандского ханство.// Известия РГО. –Отд.2. –Т.12. –СПб.1896). Таниқли қозоқ маърифатпарвари Ч.Валихонов эса додҳоҳ лавозимидаги шахсни аҳамияти жиҳатидан, хонликдаги тўртинчи одам, деб ҳисоблаган. (Қаранг: Валихонов Ч.Ч. Собр.точ. –Т.3. – Алма–Ата, –1985. –С.379.) Анъанага кўра, Марказий Осиё хонликларида бир пайтнинг ўзида додҳоҳ унвонини олиб фаолият кўрсатадиганларнинг сони ўндан ортиқ бўлмаган. Қирғиз тадқиқотчиларининг ҳисобига кўра 1804–1876 йиллар мобайнида қирғизлардан «додҳо» унвонини олганлар куйидагилар бўлган: Таласдан Ажибек ёки Аскердин, Олойдан Алимбек, Аксидан Кедейбой (сари), Саримсоқ (боғиш), Шер (қутлуқ сайид), Жумагаладан Медет, Олойдан Ғаиб, Бадахшондан Бозой. Марғилон ва Хўжанд атрофларидаги ичкилик қабилаларидан Мулла Тўйчи, Шапақ, Сайитбек, Бўла, Қосим, Тилла, Қоракўл ва Чуй қирғизларидан бўлган Айдарбек.

Олимбек Асанбек ўғли 1799 йилда Олой водийсининг ҳозирги Жошолу қишлоғида йирик феодал оиласида туғилган. Ёшлик йилларидаёқ ўз овулларининг бийи этиб сайланиб, ўзини адолатли ва қатъиятли раҳбар сифатида кўрсата олган. 27 ёшида, аниқроғи, 1827 йили Мадалихон уни Қўқонда хизмат қилиш учун таклиф этди. 32 ёшида ҳозирги Ўзбекистоннинг Андижон вилоятини, Икки Сув Ораси (Норин ва Қора Дарё оралиғи)ни, ҳозирги Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод областларининг катта қисмини ўз ичига олувчи Андижонга бек – ҳоким этиб тайинлади.

Олимбек додҳоҳ доимий равишда Андижон ёки Қўқонда бўлганлиги учун Олойдаги хўжалик ва жамоат ишлари билан унинг ёш ва доно хотини Курмонжон

додхоҳ шуғулланган. Айнан у давлат арбоби бўлган эри учун моддий база ва ҳарбий асосни тайёрлаб берган эди. Олимбек додхоҳ Мадалихоннинг топшириғи билан сафарларда кўп бўлар эди. Унинг йўқлигида Қурмонжон вилоятнинг жамоат, давлат ишларини ўрганишига ва олиб боришига тўғри келар эди. Буларни у муваффақият билан уддалар ҳам эди.

Маълумки, XIX аср 40-йилларинингбошларида Бухоронинг Фарғонага босқини бошланди. Мадалиҳон ўлдирилди ва Қўқон таҳтига Бухоро амири томонидан қўйилган Иброҳимхаёл парвоначи ўтирди.Бу воқеалар элатия бийлари, жумладан, ўзбеклар ва қирғизлар муҳим роль ўйнаган халқ норозиликларига сабаб бўлди. Анъанага кўра улар Олтин бешик сулоласидан бўлган одамни таҳтга олиб чиқишга қарор қилдилар ва ўша пайтда Таласда яшаётган Қўқон ҳони Норбўта (1770-1798)нинг укаси Хожибекнинг ўғли 50 ёшли Шералихонда тўхтадилар.

1842 йил Ахсидаги Сафед–булоқ деган жойда сари қабиласидан бўлган Нузуп мингбоши раҳбарлигида қурултой чақирилади ва Шерали оқ кийгизда кўтарилиб, Қўқон давлатининг хони, деб эълон қилинади. Нузупбий қўшинлари Косон, Наманган, Чуст, Андижон, Ўш, Ўзган шаҳарлари, қалъалари ва қишлоқларини осонлик билан эгаллаб, Қўқонга ғолибона кириб келадилар. Нузуп мингбоши Шералининг оталиғи (регенти) бўлади. Бу воқеаларда бошқа йирик бийлар, жумладан, Олимбек додхоҳ ҳам фаол иштирок этади. 1842 йилда Қурмонжон додхоҳ эри билан биринчи марта Қўқон хонлигининг ўрдасига келади. Шу вақтдан бошлаб Қурмонжон Шералихоннинг Ёрқинойим ва Сонооойим каби хотинлари билан хонликнинг сиёсий масалаларида ҳамфикр сифатида яқинлашади. Кейинчалик, Қурмонжоннинг хоннинг хотинларидан керакли маълумотларни олиб тургани бошқа кўп воқеалар орқали маълум бўлади.1843 йилда фитначилар томонидан Нузупбий ўлдирилади ва ўрдадаги бошкарув қипчоқлар бийи Мусулмонқулга ўтади.

Андижон ҳокими бўлиб турган Олимбек додхоҳ Мусулмонқулнинг ўзбошимчаликларига қарши фаол курашади. У ўзининг ҳарбий кучларига эга бўлганлиги учун ўз ҳаётидан хавфсирамас эди. Унинг мустақил қирғиз давлатчилигини барпо этиш мақсадида айримачилик ғоялари билан Қўқон ҳукмронлигига қарши чиққанлиги ҳақида ишончли маълумотлар бор. 1845 йилда у Ўш қўзғолонига бошчилик қилди ва фақатгина оқиллик билан иш кўрган Қурмонжон дохонинг ўз вақтида огохлантириши туфайли қўзғолонни қонга ботирган Мусулмонқул мингбошининг жазосидан қутулиб қолди.

Тез орада Қўқон хонлиги тўлалигича қипчоқлар раҳнамоси Мусулмонқул мингбоши қўлига ўтди ва у Шералихонни ўлдиртириб, тахтга унинг ёш ўғли Худоёрни ўтқизди. Қизини унга хотинликка берган Мусулмонқул ўзини ёш хоннинг оталиғи, деб эълон қилди.

Бу воқеалардан сўнг Олимбек додхоҳ ўрда ишларидан вақтинча четлашди ва Ўш шаҳрини ободонлаштриш билан машғул бўлди. Олой қабила бошлиқлари Ўшга ўзларининг Фарғонадаги қароргохи сифатида қарашар, уларнинг экинзолари, уйлари ва савдо дўконлари бўлиб, масжид ва мадрасалар қурдириб, уларга ўз мулкларидан вақф ажратар эдилар. Ўшдаги Олимбек томонидан Оқ бўра дарёсининг ўнг қирғоғида қурилган мадраса Қўқон хонлигидаги энг йирикларидан бўлиб, унинг вақф ҳисобида катта экинзор ерлар мавжуд эди. Буларнинг ҳаммаси Ўшдаги Олойнинг қабила бошлиқларининг нафақат сиёсий, балки иқтисодий нуфузидан ҳам далолат берар эди. Халқ орасида ҳозиргача Олимбекнинг ўз Оқ Ўрдасини (Оқ ўтов, қароргоҳ) ҳозирги Автотрест,» Қора олма»,»Чўлпон» ресторанлари «Космос» кинотеатри ва»Олой » меҳмонхоналари ўрнида қурганлиги ҳақида гаплар юради. Бу М. Эркабоев тадқиқотларида таъкидланган (Эркабоев М. Алимбекдатка//Киргиздар.-Бишкек:Кыргизистан, 1991, с 118-122). Айнан шу ерда Олимбек, кейинчалик, Қурмонжон додхоҳ Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Марғилон ҳукмдорларини саёхатчилар, сиёсатчилар, савдогарлар,лашкарбошилар каби юксак мартабали меҳмонларни қабул қилганлар, Бу ерда муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий қарорлар қабул қилинган. Олимбек додхоҳ ўз қароргоҳини Ўш шаҳрига кўчириши билан шаҳарнинг сиёсий, ижтимоий- иқтисодий ва маданий обрўсини ҳам кўтарган. Бу Ўш ҳаётидаги катта сиёсий воқеа эди. Ҳар ҳолда Олимбек додхоҳ қирғизлар учун Ўш шаҳрининг ҳарбий, сиёсий, ижтимоий- иқтисодий, савдо ва маданий жиҳатдан қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунган эди (Қаранг:Абытов Б. «ОШ: факты, события и личности.»-Ош, 2000).

Олимбекнинг фаолияти Фарғона водийси билан чекланмаган. 1847 йилда Қашқарнинг собиқ диний ҳукмдорларининг вакилларидан ва ворисларидан бўлган Ҳожи Тўра Шарқий Туркистон халқларини Хитой ҳукмронлигига қарши норозилигидан фойдаланиб, қўзғолон кўтаради. Бу вокеалар »Етти ҳожилар қўзғолони» номи билан маълум. Уларни ўз қўшини билан Қашғарга юриш бошлаган Олимбек ва у бошчилигидаги Олой қирғизлари қувватлаган эдилар. Бу юриш Қўқон хонининг хоҳишига, унинг ташқи сиёсий манфаатларига қарши ўларок ташкил қилинган эди. Лекин айнан шунинг учун ҳам қирғизлар фаол ҳаракат қилдилар ва Қашғарлик қўзғолончиларга ёрдамга бордилар. Қўзғо-

лончилар муваффақиятли ҳаракат қилдилар, ҳатто Хитойликлардан Қашғарни қайтариб олдилар. Лекин тез орада маҳаллий Хитой ҳукумати мадад кучлари олдилар ва қозғолончилар Олимбек ва Хожи Тўра билан биргаликда қочишга мажбур бўлдилар. 20 минг қочоқлар билан Олимбек Олойга қайтди.

Фарғонага қайтгач. фаол сиёсий ҳаракатлар олиб борган Олимбек додҳоҳ Худоёрхонга қарши яна фитна уюштиради ва уни бошқаради. 1858 йилда Худоёрхоннинг акаси Маллабек айрим қирғиз ва ўзбек бийларининг мададига таянган ҳолда тахт учун курашга қарор қилади. Фитна фош этилади ва Маллабек Ўшга қочади. Қорасув ва Ўзганда ҳам бўлиб, Олойнинг обрўли қабила бошлиғи Олимбекдан ёрдам сўради. У ёрдам берди. Натижада, Маллабек ғолибона Қўқонга кириб, тахтга ўтирди. (1858-1862)Худоёрхон Бухорога қочди. Қирғиз қабила бошлиқлари муҳим лавозимларни эгалладилар.Олимбек додҳоҳ иккинчи марта Андижон ҳокими бўлди. Сейитбек додҳоҳ Хўжандни, Молдоқосим Нов қалъасини олди. (Қаранг: Наливкин В. Краткая история Какандскго ханства –Казань., 1886.-С. 188-189). Тошентда эса Олимбекнинг қадрдони, Марғилоннинг аввалги беги, қирғиз-қипчоқларининг ичкилик қабиласидан бўлган Ўтамбий ҳоким бўлди. Бир мунча вақтдан сўнг Олимбек додҳоҳ бош вазир бўлди. Ўша йили қирғиз ерларида бўлган Чўкон Валихонов шундай ёзган эди: «Ҳокимият тепасига келишида қирғизлар кўмагига таянган Маллахон уларнинг ҳукмдори Алибекка(Олимбек)мингбоши лавозимини ваъда қилган эди, лекин узоқ вақтгача уни бу вазифада кўришни истамади. Шунга қарамасдан, Олимбек додҳоҳ бош вазирнинг барча ҳукукларидан фойдаланар эди. Ҳақиқатдан ҳам қирғиз халқининг буюк ўғли Олимбек додҳоҳ Маллабекхон ҳукмронлиги даврида чекланмаган ҳокимиятга ва катта таъсирга эга бўлди. Лекин саройдаги низолар турли гуруҳ ва кучлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар Олимбекка салбий таъсир ўтказди. Унда жанубий қирғиз қабилаларини шимолдагилар билан бирлаштриш ва мустақил қирғиз давлатини барпо қилиш ғояси туғилади. Бу даврда Олимбек додҳоҳ шимолий қирғиз қабила ҳукмдорлари билан алоқаларни мустаҳкамлаб борди. Шу мақсадда у Тянъ-Шанда, Иссиқ Кўл ва Чуй водийсида бўлди. Бу ерда энг катта ва обрўли қабилаларнинг доҳийлари уни қўллаб-кувватладилар. Шу билан бирга, у тарқоқ, бир-биридан мустақил ва алоҳида бошқарилувчи қирғиз қабилалари билан бу масалани ечишнинг мураккаблигни яхши тушунар эди. 1860 йил рус мустамлакчиларининг Тўқмоқ ва Пишпак қалъаларини эгаллаганини эшитгач, Маллахон Тошкентдан Қаноатшони ва бир вақтнинг ўзида Андижондан Олимбек додҳони қўшинлари билан подшо армиясига қарши юборди. Олимбек «Андижон қўшини» деб номланган лашкарлари билан Норин орқали Чуй водисига жўнади. Йўл-йўлакай қўшинни Кетмонтепа, Тянъ-Шан ва Чуй қирғоқлари билан тўлдириб борган Олимбек лашкарлари сонини 12 мингга етказади. Олимбек қўшини таркибида Жангарач бошчилигидаги сарибоғиш қабилаларининг лашкарлари бўлиб, улар орасида Шобдоннинг йигитлари ҳам бор эди.

Пишпак яқинида иккала қўшин учрашди. Олимбек ва Қаноатшо ўртасида Қўқон қўшинларига кимнинг бош қўмондон бўлиши тўғрисида жанжал келиб чиқди.Узун-Ёғоч, Қора-Кастак ва Каскелон дарёлари бўйларидаги русларга қарши жангларга Олимбек ўз қўшинини олиб кирмади. Натижада, Қўқон армияси чекинишга мажбур бўлди. Қўқон саройининг тарихчиси Мулла Ниёз бу ҳақда «қирғиз Олимбек ва тожик Қаноатшо ўртасидаги келишмовчилик туфайли Олимбек жанг майдонидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетди ва унга шон-шараф ёки шармандалик олиб келиши мумкин бўлган тарихий тақдирнинг келиб чикишига йўл қўймади...»(Қаранг: Мулла Ниёз Муҳаммадбек Ашур Муҳаммад.Тарих-и Шахруҳи. История владетелей Ферганы.//Изд.П.Н.Пантусова Казань,1886.) Олимбекнинг қароридан келиб чиқадиган яширин мақсад, ўйлашимизча, жануб ва шимолдаги қирғиз қабилаларини бирлаштириш ва мустақил қирғиз давлатини ташкил этиш ёки Қўқон ўрдасини эгаллаш бўлса керак. Аслида ҳам у рус хукумати билан дипломатик муносабатларни бошлашга тайёр эди. Олимбек мақсадга эришишнинг биринчи шарти руслар билан харбий тўқнашувга бормаслик эканини ҳам яхши тушунар эди. Чуй ва Иссиққўл манапларининг Россияга хайрихоҳликлари ҳам эътиборга олинган эди.Мана шу сабаблардан келиб чиқиб, Олимбек Қаноатшонинг мағлубиятини ўзи учун қулай ҳолат деб ҳисоблади.

Узунёғочдаги айби учун Олимбек Маллабекхон томонидан таъқиб қилинди ва Олойга қараб қочди. Қўқон хонининг саройида қирғиз уруғларининг фитнаси тўғрисида маълумотлар бўлса керак, шунинг учун хоннинг атрофидагилар уларнинг кейинги ҳаракатларидан хавфсирар эдилар. Давлатдаги бўлиниб кетишнинг олдини олиш мақсадида хоннинг вакиллари Олимбек додҳоҳ билан музокаралар олиб бордилар. Уни Қўқонга биринчи вазир сифатида қайтишга кўндирмоқчи бўлдилар, лекин Қурмонжонинг маслахати билан Олимбек бунга рози бўлмади.

*(Давоми бор)*

***Рус тилидан Ҳалим Карим таржимаси.***

# ФАРҒОНА ЖАДИДЛАРИНИНГ САРВАРИ

**НАИМ КАРИМОВ**
*Филология фанлари доктори, профессор*



Обиджон Махмудов
(1871-1936)

Шундай сиймолар борки, улар ҳаёти ва фаолиятини қанчалик кўп ва хўб ўрганганингиз сайин улар, қайси замон ва маконларда яшаганларидан қатъий назар, худди янги тарихий даврнинг фарзандларидек, ўзларининг янги-янги қирраларини нурлантириб юборадилар. Шундай унутилмас сиймолардан бири Фарғона жадидларининг сарвари Обиджон Маҳмудовдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида шўро давлатининг «темир сандиқ»лари очилиб, ўтган асрнинг 30 – 50-йилларида қатағон этилган юртдошларимизнинг »жиноий-архив ишлар»и билан танишиш имкони туғилганида, камина фан ва маданият арбобларининг шўро зиндонларидаги ҳаётини ўрганишга, улар фожиали ҳаёти ва фаолиятининг қоронғи саҳифаларини озми-кўпми тиклашга муваффақ бўлдим. Шу жараёнда Обиджон Маҳмудовнинг номига тез-тез дуч келиб, ўзим учун нотаниш бўлган бу зот билан қизиқиб қолдим ва унинг «дело»си билан танишдим. Шунда унинг 1926 йил апрели бошларида ОГПУ Ўрта Осиё бўлими бошлиғи Бельскийнинг буйруғи билан қамоққа олингани ва уни 5 йилга қамаш, жазо муддатини ўташ учун эса Соловец оролларига юбориш ҳақидаги қарорни ўқидим. Лекин водийда Обид Чатоқ лақаби билан машҳур бўлган бу зот ўша йилнинг 8 декабрида озод қилинган эди. 1937 йил қатағони бошланганида айби бўлгани ёки бўлмаганидан қатъи назар, аввал қамалган юртдошларимизнинг барчаси қайта қамоққа олиниб, ё отиб ташланди, ёки 10 йиллик қамоқ жазосини ўташ учун Сибирдаги «абадий музликлар ўлкаси»га сургун қилинди. Биринчи ҳибсга олиниши пайтида Обиджон Маҳмудовнинг уйидан 2 та газга қарши ниқоб, 500 дона портлатувчи модда солинган қути ва бошқа нарсалар чиққани учун мен унинг ҳам 1937 йилда қамоққа олинган ва отиб ташланган деб ўйлган эдим. 2001 йилда бўлса керак, Қўқон театрида Обиджон Маҳмудов хотирасига бағишланган кеча ўтказдик. Кечада шаҳар ҳокими ва бошқа раҳбарлар иштирок этишди. Аммо кеча охирида О.Маҳмудовнинг невараларидан бирига сўз берилганда у азбаройи ҳаяжонланганидан бобосининг қатағон қилинмагани ва 1936 йили вафот этиб, Шайхон қабристонига дафн этилганини айтиб қолди. Ер ёрилмади – бизлар, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси вакиллари, ер остига кириб кетмадик.

Кейин маълум бўлишича, водийликлар Обиджон Маҳмудовни беҳудага Обид Чатоқ деб аташмаган экан. У шўро давлатининг қарийб барча тузоғидан омон чиққан камёб кишилардан бири экан. Худо уни саховатли тадбиркор, маърифатпарвар бой бўлгани ва бутун умри давомида ўзбек халқининг, Фарғона аҳолисининг нурли истиқболи йўлида хизмат қилгани учун бало-қазолардан сақлаб қолган экан.

* * *

Обиджон Маҳмудовнинг туғилган санаси турли манбаларда турлича ёзилиб келади. Аксар водийлик муаллифларнинг ёзишларича, у 1858 йили Марғилонда туғилган. Лекин О.Маҳмудовнинг тегишли идорада сақланаётган ва ўз оғзидан эшитиб тўлидирилган анкетасида унинг 1871 йили Қўқонда туғилганлиги қайд қилинган. 20-йиллар охири - 30-йиллар аввалида О.Маҳмудовннг соғлиғидан боҳабар бўлиб турган доктор Г.Шаханович қўли билан ёзилган маълумотнома ҳам шу сананинг тўғрилигини тасдиқлайди. Мана, рус тилида ёзилган ўша маълумотнома:

*«**С п р а в к а***

*Дана сия гр-у Махмудову Абиджану, 71 года в том, что с 25-го ноября по 1-го июня болел обостренем хронического эндокардита, находясь все время в тяжелом состоянии в постели...*

***Врач: (Шаханович имзоси) 18/ VI 32».***

Бу маълумотномадаги «71 года» сўзлари «71 года рождения» (71-йили туғилган) деган маънони ангатади. Шу сана билан ОГПУ қамоқхонасида тўлдирилган анкетадаги сананинг ўзаро муштараклиги О.Маҳмудовнинг 1871 йилда таваллуд топган, дейишимизга тўла асос беради.

* * *

Бухоро амирлигида тўпчибоши деган лавозим бўлган. Амирлик қўшинида шундай лавозимда хизмат қилган кишилардан бири Абдухолиқ Абдуқодирбек ўғли эди. Фалакнинг гардиши билан у бир дўстининг таклифига биноан Марғилонга меҳмонга борганида, иттифоқо отдан йиқилиб, оёғи синган ва шифо топгунига қадар унинг хонадонида яшашга мажбур бўлган. У шу вақтда дўсти Мирзаюнуснинг

Робия деган яқин қариндошига уйланиб, шу ерда палак ёзган. Юқорида биз тилга олган зот - Обиджон Маҳмудов Марғилонда ана шу ота-онадан дунёга келган.

Биби Робиянинг тўнғич ўғли Миродил Қўқоннинг Шайхон маҳалласидан уй-жой сотиб олгач, Обиджон ҳам шу ерда яшаб, эски мактабда ўқийди. Дарсдан бўш пайтларида мўмчилик билан шуғулланган акасига ёрдам бериб, ундан мўмчилик ҳунарини, поччаси Мирзакарим заргардан эса савдо-сотиқнинг сир-асрорларини қунт билан ўрганади.

Обиджон 1894-1895 йилларда бўлса керак, арзимас бир масалада акаси билан айтишиб қолиб, Қўқондан бош олиб кетади. У Каспий денгизи бўйларида жойлашган Челекан ярим оролига бориб, тўрт-беш йил мобайнида турли ишлар билан машғул бўлади. Омадни қарангки, шерикчиликда сотиб олган еридан нефть дарёси вулқондек отилиб чиқади. Челеканга сариқ чақасиз борган йигит 1901 йили она юртига йирик сармоядор бойлардан бири бўлиб қайтади. Бор-йўғи бошланғич маълумотни олган йигитнинг ишлари юришиб кетиб, у Фарғона водийсининг бир неча жойларидаги нефть, олтингугурт ва мўм конларини сотиб олади.

(Шу ўринда бир ғаройиб нарсани айтиш жоизки, сотиб олган еридан нефть кони топилган Обиджон Маҳмудов Чўлпоннинг 1914 йили нашр этилган «Дўхтур Муҳаммадёр» ҳикоясининг майдонга келишида прототип бўлиб хизмат қилган.)

Нақл қилишларича, мазкур конларда ишлаган немис инженерининг димоғига қурт тушиб, ҳатто Обиджоннинг ўзини ҳам назар-писанд қилмай қўйган. Шунда у Нева бўйларига бориб, Петербург унивеситети тоғ-кон факультетининг сиртқи бўлимида бир мунча фурсат ўқийди ва уни муваффақият билан тугатади. Шундай қилиб, у Ўрта Осиёдан етишиб чиққан ва Россияда ҳам обрў-эътибори кам бўлмаган биринчи ўзбек тоғ-кон инженери мақомига эга бўлади.

Ватандошларининг оғир иқтисодий аҳволини ўз кўзи билан кўрган ва жадидларнинг маърифатпарварлик ғояларига руҳан яқин бўлган Обиджон Маҳмудов 1911 йилда Ҳайдарбек маҳалласида янги усулдаги мактабни очади. Қўшниси, академик Азиз Қаюмовнинг отаси Пўлатжон домла Қаюмовни шу мактабга мудир этиб тайинлайди. Мактаб янги давр талабларига мос бўлиши учун барча замонавий ўқув анжомларини сотиб олиб беради. Айни пайтда у Қўқондаги бошқа жадид мактабларидан ҳам меҳр-мурувватини дариғ тутмайди.

1914 йил... Жадидлар Биринчи жаҳон уруши арафасида тароз палласининг бошқа томонга оғиб, Туркистондаги рус амалдорлари пайтавасига қурт тушганини сезиб қоладилар. Улар янги газеталар ташкил этиб, халққа илғор фикр ва ғояларни етказишни ўз олдиларига олий мақсад қилиб қўядилар.

Тадбиркорлик ишлари кундан-кунга авж олиб бораётган Обиджон Маҳмудов Қўқонда босмахона ташкил қилиб, ҳам ношир, ҳам ва муҳаррир сифатида «Садои Фарғона» газетасини чиқара бошлайди. Бу, улуғ тарихий воқеа эди. Обиджон Маҳмудов сотиб, яна ҳам бойиш учун эмас, балки водий аҳлини мудроқ ҳолатдан уйғотиш, дунёда Ватан, Ҳуррият, Маърифат, Бахт ва саодат деган буюк қадриятлар ҳам борлигини айтиш, уни шу қадриятлар билан ошно этиш мақсадида газета нашр этиб, уни бепул тарқатади. Обиджон Маҳмудовнинг «Дардимиз бир, касалимиз ҳам бир, даво ва дармонимиз ҳам бирдур. Бас, ондоқ бўлса, эй ҳимматли биродарлар, чиқинглар майдонга...» сўзлари ёзилган «Маслак ва мақсад» мақоласи водий ёшларига таъсир кўрсатмай қолмайди. Биринчи сони шоҳи матога босилган газета ёшлар ва кекса зиёлилар томонидан катта қувонч билан қарши олинади.

Шу йилларда Тошкентда яшаган, Татаристон, Озарбайжон ва Туркияда чоп этилаётган газеталар билан ҳам ҳамкорлик қилган Чўлпон Бокуда чиққан «Янги иқбол» газетасига мақола йўллаб, унда бундай сўзларни ёзган эди: «...1914 йил, сана апрель ойи, биз, туркистонликлар, учун бир миллий байрам дейишга лойиқ бир ой эди. Чунки апрелнинг 2 ёки 3 ида Хўқанд тужжорларидан муҳтарам Обиджон афанди Маҳмудов ҳиммати ила «Садойи Фарғона» исминда ҳафтада 3 дафъа нашр қилинур бир газета чиқа бошлади. Бутун Туркистон бу газетани буюк бир шодлик ва суюнч ила қарши олдилар».

Уруш бошланганидан кейин чор цензураси газетада кўплаб мақолаларнинг эълон қилинишига қаршилик кўрсатди. Баъзан шундай бўлдики, газетанинг айрим сонлари оппоқ бўлиб чиқди. Шундай бўлса-да, ҳуррият ва миллий тараққиёт орзуси билан яшаётган зиёлилар овози газетадан баралла эшитилиб турди. Обиджон Маҳмудов газетада босилган бош мақолалари ва уларда кўтарган муҳим масалалар билан Фарғона жадидларининг олдинги сафидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

1917 йил Февраль инқилобининг ғалаба қозониши билан жадидлар эрк ва ҳуррият тароналарини куйлашга киришдилар..

Обиджон Маҳмудов чор ҳокимияти томонидан тақиқланган «Садои Фарғона» газетаси ўрнига 1917 йил 2 апрелда «Тирик сўз» газетасини нашр этиб, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Заки Валидий, Вадим Чайкин сингари маслакдошлари билан бирга Туркистон Федерациясини тузиш ғоясини олға сурди. Шу ғояни рўёбга чиқариш мақсадида у федерация тарафдорларининг «Турк адам марказият» партияси маромномаси ва низомини тузишда фаол иштирок этди.

1917 йил 26 ноябрда ўлка мусулмонлари Қўқонда ўзларининг фавқулодда IУ қурултойига тўпландилар. 27 ноябрь куни кечаси қурултой Туркистон Мухторият ҳукуматининг тузилганини эълон қилди. Обиджон Маҳмудов Мухторият ҳукуматининг озиқ-овқат нозири этиб тайинланди.

Шароит ниҳоятда оғир эди. Уруш ва большевикларнинг ўзбошимчаликлари туфайли ўлкада қаҳатчилик ҳукм сура бошлайди. Шундай мушкул шароитда водий аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш осон эмас эди. Обиджон Маҳмудов 1918 йилнинг бошларида мухторият нозири сифатида Кавказга бориб, у ердан буғдой олиб келмоқчи бўлади. Аммо 1918 йилнинг 19-20 февраль кунларида Мухторият ҳукуматининг зўравонлик билан ағдарилиши унинг режаларини

пучга чиқаради. Большевиклар таъқибидан қочган Носирхон тўра Наманганда, Герцфельд Самарқандда, Обиджон Маҳмудов эса Бухорода қўлга олинадилар.

Эл-юрт ўртасида Обид Чатоқ лақаби билан машҳур бўлган О.Маҳмудов турли-туман қалтис ва мураккаб вазиятлардан чиқиб кетиш қобилиятига эга инсонлардан эди. У большевиклар чангалидан ҳам қутулиб чиқади.

Ўша йилларда мамлакатнинг иқтисодий базасини тиклаб олиш совет давлати учун бирламчи аҳамиятга молик масала эди. Ўзбекистон Чор Россияси даврида ҳам асосий пахта базаси бўлгани учун большевиклар 1918 йилданоқ пахта тайёрлаш масаласига катта эътибор бердилар ва Москвада Пахта бўлимини ташкил этдилар. О.Маҳмудов ўтган аср бошларида Нижний Новгороддаги савдо ярмаркаларига Туркистонда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қаторида пахтани ҳам олиб боргани учун уни совет ходими сифатида Пахта бўлимига ишга юборадилар. У Пахта бўлимида бир йил ишлаганидан сўнг Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг Москвадаги Доимий ваколатхонасида Матбуот бўлимини бошқаради. 1920 йил апрелида эса у Ташқи алоқалар бўлимининг Фарғона водийсидаги информатор агенти этиб Туркистонга юборилади. У шу лавозимда хизмат қилар экан, волость ва қишлоқ советларини ташкил этиш, сув муаммоси бўйича юзага келган жанжалларни бартараф қилишда фаоллик кўрсатади. У шу йили Бокудаги Шарқ халқлари қурултойида қатнашади ва қайтиб келгач, Шарқ озодлик иттифоқининг Тошкент ҳамда Қўқон шаҳар бўлимларини ташкил этади. Тақдир шу йилларда О.Маҳмудовни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга, бир жабҳадан иккинчи жабҳага олиб бориб ташлайди. У 1922 йили Бухоро Халқ Шўро Республикасига ишга юборилиб, савдо ва саноат нозирлигининг Ташқи савдо бўлимида хизмат қилади. Ўша йилнинг февраль ойида БХСР савдо ва саноат нозирлигининг вакили сифатида Тошкентга келиб, РСФСР Ташқи савдо халқ комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги вакиллари билан музокара олиб боради.

О.Маҳмудов тадбиркорлик ва тижоратчилик фаолиятининг дастлабки даврида Ўзбекистон иқтисодий мустақилликка эришмай туриб, мустақил давлат бўла олмаслигини яхши билган ва бутун кучини маслакдош дўстлари билан бирга иқтисодий мустақиллик учун курашга бағишлаган эди. Туркистон Мухторият ҳукумати ўрнатилган кезларда эса озиқ-овқат нозири бўлишига қарамай, тергов материалларида айтилишича, мухторият аскарларини қурол-яроғ билан таъминлаш масаласига ҳам катта эътибор берган.

О.Маҳмудов 1922 йил май ойида Москвадан махсус топшириқ билан келган Оржоникидзе ва Элиава шарафига Қибрайдаги Курилов боғида ёзилган дастурхон пайтида ҳам ўзи ва дўстларининг совет давлати мухолифлари сафида бўлганини яширмаган. Ана шундай кишининг совет ҳокимияти билан муросаи мадорада яшаши маҳол эди. Шунинг учун ҳам у бир неча марта хорижга чиқиб кетиш йўлларини ахтаради. Аммо бунинг иложини тополмайди.

Совет давлати Обиджон Маҳмудовнинг Фарғона водийсидаги нефть, озокерит, олтингугурт ва мўм конларини миллийлаштириб, унга бу конлардан ижарачи сифатидагина фойдаланиш имконини берди. Унинг архивида сақланган ҳужжатларнинг бири 1925 йил 19 декабрда берилган «Удостоверение» («Гувоҳнома») бўлиб, унда бундай сўзлар ёзилган эди:

***«УДОСТОВЕРЕНИЕ***

*Выдано сие арендатору Серно-Азокеритовых промыслов «Мумкан-сай» Абиджан МАХМУДОВУ на основании личной просьбы Абиджана МАХМУДОВА и служебной записки пред. Ферοблплана тов. ХОДЖИБАЕВА от 16/XII с/г. в том, что пропысла зарегистрированы в П/О Местной промышленности при Общем Отделе Облисполкома.*

*На основании личного обследования с момента добычи с 1-го ноября с/г. по 1-го декабря с/г. добыто Азокерита 600 пудов. Добываемый Азокерит на промыслах «Мумкан-сай» является продуктом вывоза за пределы Ферганской области целиком. Местного употребления не имеет.*

*Оценка промысла – 50 000 руб.*

***Зав. общим отделом Облисполкома (Каримов)***
***Инспектор промышленности (Черемении)***
***Секретарь п/о местпрома (Мшвениеридзе)»***

Бу гувоҳнома шундан далолат берадики, совет давлати О.Маҳмудовнинг Мўмконсойдаги азокерит конларини давлат фойдасига тўла мусодара этиб, унга шу конлардан фақат ижарачи сифатида фойдаланиш ҳуқуқинигина берган. Бу ҳам давлатга озлик қилганидек, Мўмконсойдаги конлардан қазиб олинган азокерит Фарғона (аниқроғи, Ўзбекистон)дан четга олиб кетилиб, ундан маҳаллий саноат корхоналарига бир мисқол ҳам қолдирилмаган.

Мана сизга Ўзбекистонга маърифат олиб келган совет давлати!

Обиджон Маҳмудов бундай муттаҳамлик билан чиқиша олаган бўлса керак, у 1926 йили марта қамоққа олиниб, 5 йилга озодликдан маҳрум этилади.

О.Маҳмудовнинг ижтимоий фаолиятига алоқадор ва бизга маълум бўлган энг сўнгги маълумотадан бири шуки, у 1933 йили Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўргазмасига Фарғона вилоятидан топилган тоғ қазилмалари намуналарини олиб бориб, кўргазмада тоғкон инженери сифатида иштирок этган. Демак, у ҳаётининг сўнгги йилларида яна тоғ инженери сифатида изланишлар олиб бормоқчи ва Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришиши учун етарли салоҳиятга эга эканини ватандошларига айтмоқчи бўлган.

Большевикларнинг ғирром давлати билан курашда сиҳат-саломатлигини йўқотган Обиджон Маҳмудов 1937 йил қирғинидан бир йил аввал, 1936 йил 21 ноябрда бандаликни бажо келтирди.

Обиджон Маҳмудовнинг номи эрк ва ҳуррият байроғини баланд кўтарган, бутун ҳаётини маърифат ва миллий тараққиёт ишига бағишлаган истиқлол фидойиси сифатида халқ хотирасида абадий қолади.

# БИОКИМЁ СОҲАСИДАН — ТЕМУРШУНОСЛИК САРИ

## (Атоқли француз олими Люсьен Керен ҳаёти ва ижодига чизгилар)

**АКМАЛ САИДОВ**
юридик фанлари доктори, порфессор

Ўзбек халқининг олис тарихи ва бой миллий маданий меросини ўрганиш борасида ажойиб натижаларга эришган француз олимлари орасида профессор Люсьен Керен алоҳида ўрин тутади. Люсьен Керен номи юртдошларимизга Амир Темур ва темурийлар тарихи теран ҳамда холис тадқиқ этилган бир қатор китоблари ва мақолалари билан яхши таниш [1]. Чунки бу асарлар ўзбек тилига таржима ва нашр қилина бошланганига 20 йилдан ошди.

Профессор Л.Кереннинг энг асосий китобларидан бири «Амир Темур салтанати»[2] илк бор 1978 йилда босилиб чиққан. Шундан сўнг ушбу асар Франция ва Швейцарияда бир неча бор нашр этилди. Бу китоб Амир Темурнинг таржимаи ҳоли ва салтанати тарихи солномаларини тўлиқ қамраб олгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Люсьен Керен қаламига мансуб иккинчи йирик асар – «Самарқандга, Темур даврига саёҳат» китоби 1990 йилда чоп этилган. ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли – мулоқот йўли» дастурига мувофиқ ёзилган ва илк нашри уч минг нусхада чиққан мазкур асар 2002 йилда иккинчи марта қайта нашр этилди. 2006 йилда Парижда ушбу китоб-альбомнинг учинчи нашри босмадан чиқди. Бу нашр хусусида Юртбошимиз шундай деган: **«Амир Темур бобомиз ҳақида... асарлар бугунги кунда ҳам кўплаб пайдо бўлмоқда. Франциялик таниқли олим Люсьен Керен томонидан 2006 йили халқаро миқёсда кенг нишонланган Соҳибқироннинг 670 йиллик таваллуд тўйи арафасида Парижда француз тилида нашр қилинган «Самарқандга, Амир Темур даврига саёҳат» номли фундаментал тадқиқот бу фикрнинг яққол тасдиғидир»**[3]. Ушбу асар 1999 йилда япон тилида ҳам чоп этилди[4].

Бундан ташқари, Л.Керен билан ҳаммуаллифликда 1996 йилда «Амир Темур ва Франция» [5] номли рисолани тайёрладик ва ўзбек тилида Тошкентда чоп эттирдик. Айни вақтда ушбу китобнинг қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри дунё юзини кўриш арафасида.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, шўролар даврида сиёсат ва иқтисодиёт соҳалари билан бир қаторда илм-фан ва маданият жабҳалари ривожи ҳам «темир парда» ортида бўлган, Амир Темур тўғрисида илиқ сўз айтиш айб, ҳатто жиноят ҳисобланган бир пайтда, яъни 1987 йил 22 мартда Па-

---

[1] **Қаранг:** Л. Керен. Амир Темур салтанати // француз тилидан таржимон ва изоҳлар муаллифи Б.Эрматов; махсус муҳаррир Х. Султон; Сўз боши Луи Базен. – Т.: Маънавият, 1999. – 224 бет; Л.Керен. Темур хоқон салтанати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994 йил апрель сонлари // Француз тилидан Баҳодир Эрматов таржимаси; Л. Керен. Элчининг гувоҳликлари // «Андижоннома» газетаси. 1995, 17 ноябрь; Керен Л., Саидов А. Темурхонлик мулоқотлари: Амир Темур француз олими наздида // Ҳалқ сўзи, 1996, 13, 15 ва 26 март; Л.Керен. Темурийлар давлатининг асосчиси ва ҳукмдори: Темурбек элчи Клавихо нигоҳида // Андижонда Соҳибқиронни хотирлаб: илмий-назарий анжуман материаллари. – Андижон: 1996. – 21–27-бетлар; Л.Керен. Амир Темур, Боязид ва насроний қироллар. Француз тилидан А.Саидов таржимаси // Соҳибқирон юлдузи, 2011. № 2. – 11–16-бетлар; Л.Керен. Амир Темур ва Ибн Ҳалдун учрашуви. Француз тилидан А.Саидов таржимаси // «Соҳибқирон юлдузи», 2013. № 10. – 4–7-бетлар; Л.Керен. Улуғбек ва Самарқанд астрономия мактаби (XV аср) / Француз тилидан Ж. Санақулов таржимаси // «Yer Yuzi» журнали, 2014, май-июнь, 3 (7)-сон. 37–44-бетлар; Л.Керен. Буюк Темур: пьеса; француз тилидан Ш.Миноваров, Д.Бобожонов ва Д.Махсудов таржимаси // Амир Темур Ғарб адиблари нигоҳида. – Т.: «Davr press», 2016. – 87–195-бетлар.

[2] **Kehren L.** Tamerlan – l'empire du Seigneur de Fer, Neuchâtel, 1978.

[3] **Каримов И.А.** Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси // Темур тузуклари / Таҳрир ҳайъати: Б. Абдуҳалимов ва бошқалар, форсча матндан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 6-бет.

[4] **Lucien Kehren.** Ambassades à Tamerlan et la relation de Ruy Gonzales de Clavijo // La Timuride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timurides et les échanges culturels franco-ouzbeks, 4e numéro, Paris, 1990; Kehren L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. 3e édition – Paris: Imprimerie Nationale, 2002. – P. 354. Kehren L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. 3e édition – Paris: Imprimerie Nationale, 2006. – P. 354; Tamerlan au Japon // La Timuride, 20e numéro, Paris, 1999. – P. 3.

[5] **Керен Л., Саидов А.** Амир Темур ва Франция. – Т.: «Адолат», 1996. – 88 бет.



Париж 1995 йил 30 июл. Рустам Шамсутдинов «Бобур изидан(1993)», «Буюк бобурийлар салтанати (1995)» китобларини темуршунос Люсьен Керенга тақдим қилди



Париж 1995 йил август. Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонасида суҳбат.
Чапдан: Рустам Шамсутдинов, Акмал Саидов, Люсьен Керен, элчихона атташеси Мадамин Раззоқов

рижда «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси» тузилди. Уюшманинг асосчиси ва биринчи раҳбари профессор Л.Керен бўлиб, у мазкур уюшмани умрининг охиригача ғоятда масъулият ва самарадорлик билан бошқарди.

Айнан Л. Керен ташаббуси ва бугунги кунда Уюшмага раҳбарлик қилаётган Фредерик Бопертюи-Брессан саъй-ҳаракатлари натижасида Парижда махсус «Темурийлар» («La Timuride») бюллетени чоп этилмоқда. Ушбу уюшма ва бюллетенни ташкил этишдан асосий мақсад Марказий Осиё ва Ҳиндистондаги Темурийлар тарихи ва санъатини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Л. Керен 1996 йилда ЮНЕСКОнинг бош қароргоҳида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш доирасида ташкил этилган турли мамлакатлар темуршунослари иштирокидаги халқаро конференция ҳамда «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» ҳафталигини тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этган таниқли жамоат арбобидир. Ўша йили Л. Керен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Шу маънода, мамлакатимизда икки қутлуғ сана – Ўзбекистон Мустақиллигининг 25 йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги кенг нишонланаётган бир даврда миллий маънавиятимизнинг фидойи тарғиботчиси бўлган француз олими хотирасини ёд этиб, Л.Керен ҳаёти ва ижодининг муайян қирралари ҳақида мухтасар сўз юритиш ҳар томонлама ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Л.Керен 1920 йилда Франциянинг Страсбург шаҳрида туғилган бўлиб, 10 ёшда эканида отаси Париж префектурасидан иш топган ва улар оиласи билан шу шаҳарга кўчиб келишган. Люсьеннинг ёшлиги Париждаги Сен-Луи оролчасида (Île Saint-Louis) ўтган. Бу ерда бутун дунёга машҳур «Парижнинг Биби-Марям ибодатхонаси» («Cathédrale Notre-Dame de Paris») жойлашган. Худди шу ибодатхонада Наполеон ўзининг биринчи рафиқаси Жозефена билан никоҳдан ўтган ва Франция Императори деб эълон қилинган.

Орадан икки йил ўтиб, яъни 1932 йилда отаси вафот этган ва Люсьеннинг ўқиш харажатларини давлат ўз зиммасига олган. У ҳарбий хизмат давригача (ўша пайтда Францияда ҳарбий хизмат муддати 20 йил бўлган) шу ерда яшаган.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, Л.Керен кўнгиллилар сафида жангларда иштирок этган. Франция остоналарида бўлган жангларнинг бирида у немис аскарлари томонидан асир олиниб, Туар (Thouars) шаҳридаги концлагерга (фашистлар режимининг сиёсий маҳбуслар қамаладиган махсус лагерига) ташланган. Олти ойдан сўнг бир неча маҳбуслар билан бирга у ердан қочишга муваффақ бўлган.

Ўша пайтда Франция жануби немис қўшинлари томонидан босиб олинмаган эди. Шу сабабли Л.Керен чегара ва тўсиқлардан ўтиб, француз партизанлари сафига, яъни Шарль де Голь[6] бошчили-

[6] **Шарль де Голль** (Gaulle 1890.22.11, Лилль – 1970.9.11, Коломбеле Дёз-Эглиз) – Франция президенти (1959-69). 1940 йили Лондонда антигитлерчилар коалициясига қўшилган. «Озод Франция» (1942 йилдан «Курашаётган Франция») ватанпарварлик ҳаракатига, 1941 йили эса «Франция миллий қўмитаси» га асос солган. 1943 йили Жазоирда тузилган «Францияни озод қилиш миллий қўмитаси» га раҳбар бўлган. 1944 йил июнда Голль бу қўмитани Франция Республикасининг Муваққат

гидаги «Қаршилик кўрсатиш ҳаракати» [7]га бориб қўшилган.

Уруш давом этаётган пайтда – 1943 йили Л.Керенга Франциянинг мустамлака мамлакатларидан бирига хизматга боришни таклиф қилишган ва у Вьетнамга жўнаб кетган. Пастер институти (Institut Pasteur) ассистенти сифатида Сайгонда ичимлик сув муаммолари билан шуғулланган. У 1944 йили Вьетнамда генералнинг қизи – бўлажак турмуш ўртоғи билан танишиб, унга кўнгил қўйган ва уйланган. Америкаликлар Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбалари ташлаганидан кейин, 1946 йилда Л.Керен Сайгонни тарк этиб, рафиқаси билан Францияга қайтиб келган.

Л.Керен 1946-1948 йилларда Парижнинг ўсимлик ёғлари бўйича изланишлар институтида ўқитувчи бўлиб ишлаган. Тез орада Африканинг Бенин давлатига ишга юборилган ва у ерда 1948-1951 йилларда ўсимлик ёғлари бўйича изланишлар илмий лабораторияси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатган. Уч йилдан сўнг яна Францияга қайтган. Париждаги илмий лабораторияда ишлаб, Сарбонна университетида таҳсил олган. 1951 йилда кимё соҳасида илмий диссертациясини ёқлаган ва Париж университетининг доктори бўлган.

Илмий даражага эга бўлиши 1951-1957 йилларда Л.Кереннинг кейинги ишлари ривожига катта туртки берган. Шу туфайли ёш олимга Бразилиянинг Сан-Пауло шаҳридаги илмий лабораторияда биокимё фанидан дарс беришни таклиф этишган ва у Сан-Пауло ва Рио де Жанейро шаҳарлари университетларида дарс берган.

Бразилияда яшаб турган даврида Л.Керен бу ерга Россиядаги инқилобдан сўнг келиб қолган бир рус кишиси билан танишиб қолган. Самарқанд ва шундай мафтункор шаҳарни барпо этган Амир Темур ҳақида биринчи маротаба ўша одамдан эшитган.

**«У доим шу мавзуда ҳаяжонга тўлиб-тошиб сўзлаганида, мен завқ билан берилиб тинглардим,** – деб эслаган кейинчалик ўша илк хотираларини Л.Керен. **– Амир Темур бир неча бор тушларимга ҳам кириб чиққан. Шундан кейин менда буюк Амир Темур шахсига нисбатан чексиз бир қизиқиш пайдо бўлди. Ва мен бутун бўш вақтимни шу улуғ зот ҳақидаги маълумотларни излаш билан ўтказа бошладим».**

Л.Керьен Рио де Жанейро шаҳридаги кўплаб кутубхоналарда бўлади. Ниҳоят, Португалия Қиролининг Бразилия ҳукуматига совға қилган китоблари орасидан Шарафиддин Али Яздий қаламига мансуб тўртта жилддан иборат муҳташам «Зафарнома» асарини топишга муяссар бўлади. Бу китоб форс тилидан Франция Қироли Луи XIV учун Франсуа Пети де Ла Круа[8] томонидан махсус таржима қилинган бўлиб, унга Қиролнинг шахсий муҳри босилган экан. Француз олими ана шу китобдан Амир Темурга доир кўплаб тарихий маълумотларни билиб олган.

Бразилия сафаридан сўнг Л.Керен 1958-1962 йилларда Марокашда ернинг шўрланиши ва тоза ичимлик сув муаммолари бўйича изланишлар олиб борадиган француз-марокаш лабораторияси бошлиғи бўлиб хизмат қилган. У ердан ЮНЕСКО дастури доирасида бир гуруҳ марокашлик мутахассислар сафида ирригация (сув иншоотлари) қурилмалари билан танишиш мақсадида Ўзбекистонга келган.

Ўзбекистонга сафари олдидан у Работ шаҳрида Менгли Жерай деган киши билан танишиб қолган. **«У менга: Самарқанд тарихига қизиқар экансан, сени Қўқон хонининг авлоди Исломбек Худоёрхон билан**

ҳукуматига айлантирган. Франция Муваққат ҳукумати бошлиғи (1944-46 йиллар), урушдан сўнг эса «Француз халқини бирлаштириш» партияси ташкилотчиси ва раҳбари, 1958 йили Франция бош вазири бўлган. Голлнинг ташаббуси билан Президент ҳуқуқини кенгайтирувчи янги конституция тайёрланган (1958). Унинг президентлиги даврида Франция ўзининг ядровий қуролини барпо этиш режаларини амалга оширган, НАТО ҳарбий ташкилотидан чиққан.

[7] Қаршилик кўрсатиш ҳаракати – Иккинчи жаҳон уруши даврида Германия, Италия, Япония босқинчиларига, уларнинг иттифоқчилари ва маҳаллий сотқин агентларига қарши антифашистик миллий озодлик ҳаракати. Бу ҳаракат фашистларга қарши ташвиқот-тарғибот, иш ташлаш, босқинчилар маъмуриятига хизмат қилувчи ходимлар, Ватан хоинларини ўлдириш, партизанлик кураши ва умумхалқ қуролли қўзғолонлари шаклида олиб борилиб, Югославия, Франция, Италия, Польша, Чехословакия, Греция, Албания, Хитой, Вьетнам, Корея, Индонезия, Филиппин, Бирма ва бошқа мамлакатларда кенг тус олган. Ўзбекистонлик кўплаб жангчилар Марказий ва Ғарбий Европа мамлакатларидаги «Қаршилик кўрсатиш ҳаракати»сафларида фаол қатнашганлар. Югославия ва унга яқин ҳудудларда 260 нафар ўзбекистонлик фашизмга қарши жангларда иштирок этган.

[8] **Франсуа Пети де ла Круа** (François Pétis de La Croix) (1653–1713) – француз шарқшуноси, дипломат ва таржимон. Али Яздийнинг «Зафарнома» асари дастлаб Франсуа Пети де ла Круа томонидан таржима қилинган ва ўлимидан сўнг 1722 йилда чоп этилган. Франсуа қирол саройининг араб тили таржимони оиласида дунёга келганлиги учун ҳам Шарқ тилларига ва маданиятига баланд ҳавас қўйган. Отасининг ўлимидан сўнг сарой таржимони вазифаси унга юклатилган ва Людовик XIVнинг давлат котиби Кольбер томонидан Шарққа жўнатилган, яъни ўн йил Сурия, Эрон ва Туркияда яшаб ижод қилган. Бир муддат Франциянинг Мароккодаги элчисининг котиби вазифасида ҳам ишлаган. У «Турк эртаклари», беш жилддан иборат «Минг бир кеча» эртаклар тўплами, «Арман тили луғати», «Эфиопия тавсифи» каби асарлар муаллифи ва таржимони ҳисобланади. «Зафарнома» асарининг 1425 йилдаги тўлиқ вариантини Франсуа Пети де ла Круа маҳорат билан «Буюк Амир Темур ёки Темурбек тарихи» (Histoire de Timur-Bec, connu sous le nom du grand Tamerlan, écrite en persan par Charfeddîn Ait Yezdî et traduite en français par François Pétis de La Croix, publié par Alexandre-Louis-Marie Pétis de La Croix, Paris, 1722,4 vol., in-12.) номи остида таржима қилган.



Қўқон хони Худоёрхоннинг набираси
Исломбек Худоёрхон.



Исломбек Худоёрхоннинг кексалик пайти.
Суратни Л.Керен тақдим қилган.

**таништириб қўяман. У ҳозир Парижда яшаяпти, деб айтди»**, дея хотирлайди олим.

Ўша даврда Исломбек Худоёрхон[9] Афғонистоннинг Париждаги элчихонасида маданият масалалари бўйича атташе бўлиб хизмат қилган. У Францияга келишидан аввал, Россияда юз берган инқилобдан сўнг Афғонистонга қочиб ўтган. Л.Керен Парижга қайтганидан сўнг Исломбек Худоёрхон билан учрашган ва улар дўстлашиб қолганлар. Кейинчалик дўстона мулоқотлари хусусида олим шундай эслаган: **«У менга Ўзбекистондек гўзал диёр дунёда ягона экани, унинг Самарқанд, Бухоро каби афсонавий шаҳарлари ва Фарғона водийсининг беқиёс дала-ю боғлари ҳақида тўлқинланиб гапириб берарди».**

Ўзбекистонга сафари туфайли Л.Кереннинг ҳаётидаги энг юксак орзуси ушалган: у Самарқандни кўриш бахтига мушарраф бўлган. Амир Темур бунёд эттирган муаззам обидалар кўрки ва маҳобатидан ҳайратга тушган. Ўз эътирофини олим мана бундай мухтасар ифода этган: **«Кўрганларим эшитганларимдан минг бор зиёда бўлиб чиқди!»**

«Ўша даврларда ўзбекларнинг уйида меҳмон бўлганимда Амир Темур ҳақида кўп гапириб бўлмас эди, аммо уларнинг дилида мен учун тушуниб бўлмайдиган қандайдир дарди борлигини сезар эдим, – деб эслайди Л. Керен мен билан суҳбатларининг бирида. – Амир Темур мақбарасини зиёрат қилар эканман, Улуғ Амир шахси борасидаги тарих ҳақиқати билан

---

[9] **Саййид Муҳаммад Исломбек** (1888–1983) – Саййид Муҳаммад Худоёрхоннинг бешинчи ўғли, Тошкентнинг Қашқар маҳалласида туғилган; рус қизи Александрага уйланган; большевиклар таъқибидан қочиб яшаган; ўзбек, рус, форс, араб, турк тилларини билган, кейинчалик иш жараёнида француз, немис, инглиз тилларида ҳам равон сўзлашишни ўрганган. Афғонистоннинг дипломати сифатида дунёнинг Россия, Франция, Швейцария каби турли мамлакатларида 55 йил мунтазам хизмат қилган. Ғарбий Европа давлатлари раҳбарлари Саййид Исломбекни Амир Темурнинг муносиб авлоди деб иззат кўрсатишган. Франция Президенти генерал Шарль де Голль (1890–1970) 1961 йили Франциянинг олий мукофоти – «Фахрий легион» орденини Елисей саройида унга шахсан топширган. Саййид Муҳаммад Исломбек 95 ёшида Швейцариянинг Монтре шаҳри яқинидаги Вальмонт шифохонасида вафот этган. Васиятига кўра унинг хоки Париждаги Пер ла Шез қабристонига – рафиқаси Александра Худоёрхон қабри ёнига дафн этилган. Қаранг: А. Игамбердиев, А. Амирсаидов. История Кокандского Ханства: Библиографический указатель с иллюстрациями. XVIII век – 1876. – Т.: DAVR PRESS, 2007. – С. 92; А.Иброҳимов. Илдизим ва ўзим. Тарихий-ҳужжатли роман / Масъул муҳаррир Н. Муҳамедов. – Т.: «Adabiyot uchqunlari», 2015. – 514–517-бетлар; А. Бердимуродов. Парижда яшаган темурий // А. Бердимуродов. Самарқанд тарихидан томчилар. – Т.: «Маънавият», 2015. – 201–202-бетлар.

шўролар мафкураси бўхтонларининг бир-бирига нақадар зидлиги ҳақида кўнглимдан кечган туғёнлар туфайли ўзбеклар қалбидаги ўша дарднинг моҳиятини англаб етдим, назаримда».

Энг муҳими, француз олими бу ердаги тарихий иншоотларни кўриб, бундай муҳташам сарой ва мақбаралар фақат одил ва маърифатпарвар ҳукмдор бошчилигидаги қудратли давлатдагина барпо этилиши мумкинлигига амин бўлган. Л.Керен Ўзбекистон, Самарқанд сафаридан ана шундай бой ва унутилмас таассуротлар билан Францияга қайтган.

Мирзачўлни ўзлаштириш пайтидаги бу илк сафари профессор Л.Керен ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлган. Шу пайтдан бошлаб у ўз ҳаётини Амир Темур шахси ва Темурийлар сулоласи тарихини ўрганишга бағишлаган.

Л.Керен узоқ йиллар давомида Француз техникавий ёрдами ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури доирасида эксперт ва маслаҳатчи сифатида дунёнинг кўпгина мамлакатларида фаолият кўрсатган. Жумладан, Вьетнам, Бенин, Марокаш, Бразилия, Ливанда иш олиб борган. Португалияда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маслаҳатчиси бўлиб хизмат қилган.

У қаерда ва қайси мамлакатда ишламасин, асосий иш фаолиятидан ташқари бўш вақтини ўша давлатнинг машҳур кутубхоналаридан Амир Темур ҳақидаги янги маълумотларни топиш, уларни тарихий далиллар асосида бойитиб, кўплаб илмий ва бадиий асарларни чоп этишга қаратган.

1962–1965 йилларда Ливанга лаборатория бошлиғи этиб тайинланган. Бундан Л.Кереннинг хурсандчилиги чексиз эди. Чунки Дамашқнинг Амир Темур бўлган манзилларини зиёрат қилиш имкони туғилган эди. Чиндан ҳам, бу ерда у машҳур араб тарихчи олими Ибн Ҳалдун ёзиб қолдирган маълумотларга таянган ҳолда, буюк Соҳибқирон Сурияга юриши чоғида бир кунга тўхтаб ўтган, Темурбекнинг отлари сув ичган жойларни бориб кўрган.

**«Ибн Ҳалдуннинг ёзишича, Амир Темур ўта зийрак ва ҳақиқий инсон бўлган. У билганларини ҳаётда қўллаб, янги нарсаларни ўрганишга интилган. Жангларни моҳирлик билан бошқарадиган буюк лашкарбоши ҳисобланган. У ўзи фатҳ этган мамлакатларнинг илм-фани ва маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган».** Бу фикрлар ҳам Амир Темур бўлган жойларни зиёрат қилиш баробарида, бу зот ҳақида ёзилган не-не китобларни излаб-топиб ўқиган, мағзини чаққан ва ҳатто ана шу асарлар муаллифлари яшаган манзилларни ҳам бориб кўришга интилган заҳматкаш олимга тааллуқли, албатта.

Л.Керен 1966–1970 йилларда Францияда хусусий инженерлик изланишлари олиб бориш хизматининг маслаҳатчиси, 1970–1973 йилларда Корсикада атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ишлари бўйича қишлоқ хўжалик вазирлигининг эксперти, 1973–1978 йилларда БМТ эксперти бўлган. Шунингдек, Марокаш ички ишлар вазирлигида ичимлик сувларни ифлосланишдан ҳимоя қилиш ишлари бўйича техник маслаҳатчи, 1978–1982 йилларда БМТнинг Португалиядаги эксперти бўлиб ишлаган. Лиссабон университетида атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўйича дарс берган. Сўнгра 1982 йилдан умрининг охиригача илмий ишлар билан машғул бўлган.

Кейинги ярим аср умрини Темурийлар даврини ўрганишга бағишлаган бу инсон ўзининг илмий изланишлари натижасида бобокалонимиз Амир Темур ҳақида кўплаб янги маълумотларни топди ва уларни европаликларга танитишга катта ҳисса қўшди. Л. Керен 2013 йил июнь ойида, 92 ёшида оламдан ўтди, лекин унинг Амир Темурга оид тадқиқотлари Ўзбекистонда ва дунё миқёсида қизиқиб ўрганилмоқда.

Л.Керен асарларида ва ўзаро мулоқотларимизда доимо қайд этганидек, Амир Темур портретига тортилган чизгилар кўпинча шубҳа уйғотади. Табиийки, энг дастлабки манбалар Соҳибқирон тасвирланган Шарқ миниатюраларидир, бироқ улардан ҳам кўп нарса олиб бўлмайди. Нега деганда, бизга маълум барча миниатюралар Улуғ амир вафотидан сўнг яратилган.

Амир Темур тасвирланган энг қадимий, яъни XVI асрга мансуб Европа гравюралари уйдирма портретлардан бошқа нарса эмас, деганди олим. Улуғ Амирни инглизлар «Икки Атиргул уруши» даврининг лорди қиёфасида кўрса, французлар эчкисоқол д’Артанян, немислар серсоқол рицар, итальянлар эса флоренциялик жаноб кўринишида тасаввур қилишган. Бобурийлар ҳукмронлик қилган Ҳиндистонда яратилган миниатюраларда эса Соҳибқирон юзи думалоқ, кўзлари ошиқона боқишда, яъни ҳинд рожаларига монанд акс эттирилган.

Маълумки, Рембрандт ҳам ўз ижодида Амир Темур ва темурийлар мавзусига мурожаат қилган. Машҳур рассомнинг картиналаридан бирида буюк Соҳибқирон ўз ворислари бўлмиш шаҳзодалар – Умаршайх, Бобур, Ҳумоюн ва Акбар мирзолар даврасида акс эттирилган. Манбаларда қайд этилишича, рассом бу асарни чизишда Бобурийлар даврида Ҳиндистонда яратилган миниатюралардан илҳомланган [10].

[10] Ушбу картина АҚШдаги Нью-Йорк музейида, Фрих тўпламида

Жаҳон рассомлари томонидан Амир Темур тасвири туширилган тўртта нодир расм Париж миллий кутубхонасида, шу портретлардан олинган нусҳалар эса, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида сақланмоқда [11]. Лекин на миниатюраларда ва на гравюраларда Улуғ Амирнинг ногиронлигига бирон-бир ишора йўқ. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам бу тасвирлар ҳаётийликдан қанчалик узоқ эканини яққол кўрсатиб турибди.

Чиндан ҳам, ана шу тасвирлар, шунингдек, машҳур француз рассоми ва ҳайкалтароши Жан-Леон Жером [12] 1898 йили Парижда яратган олтин ҳайкалча ва советлар даврида антрополог-ҳайкалтарош М.Герасимов ишлаган «қўрқинчли» бюстни ҳисобга олмаганда, Ўзбекистон истиқлолга эришгунга қадар Соҳибқироннинг ҳайкали ёхуд портрети Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам мавжуд бўлмаган.

**«Минг афсуски, ислом дини одамларнинг ташқи қиёфасини акс эттиришни ман қилган, – дейди Л.Керен. – Шунинг учун рус антрополог олими профессор М.Герасимов ўзи яшаган давр, яъни шўролар мафкурасига биноан Амир Темурни жаҳлдор, ваҳший ва бешафқат одам сифатида тасвирлаган. Аслида эса тарихий манбаларга таяниб иш кўриш керак эди. Чунки Амир Темурни яқиндан билганлар у ҳақда ўзгача фикр билдиришган».**

Бугунги кунда дунёда темуршунослик соҳаси тобора ривожланаётганини эътироф этган ҳолда, Амир Темур шаънига турли бўҳтону маломатлар ёғдирадиган айрим кучларнинг мафкуравий хуружлари ҳам давом этаётганини очиқ айтишга тўғри келади. Жумладан, охирги вақтларда интернет орқали Амир Темурнинг қиёфаси ҳақида ғайриилмий фикрларни тиқиштириш, Парижда Соҳибқиронга бағишлаб гўё ҳеч қачон ҳеч қандай ҳайкал яратилмагани ва ҳатто Амир Темур шахсининг ўзи гўёки тарихда мавжуд бўлмаганини «асослаб бериш»га қаратилган чиқишлар ҳам учраб турибди [13].

сақланмоқда. Ўлчами: 116.8x134.9 см: матога мойбўёқ билан ишланган. **Қаранг:** (http://biography.sgu.ru/bio/data/files/ pictures/image/1393.jpg).

[11] **Қурбонова Д.А.** Жаҳон хазиналаридаги темурийларга оид жавоҳирлар / масъул муҳаррир Н.Ҳабибуллаев. – Т.: Akademnashr, 2011. – 19-бет.

[12] **Жан-Леон Жером** (Jean-Léon Gérôme, 1824-1904) – машҳур француз рассоми ва ҳайкалтароши, Франция Тасвирий санъат академияси аъзоси. Франциянинг Юқори Сона вилоятидаги Везуль шаҳарчасида заргар Пьер Жером хонадонида дунёга келган. Даставвал тасвирий санъат билан шуғулланган, кейинчалик ўзи чизган суратлар асосида мўъжаз ҳайкаллар ясашга ўтган. Башарият тарихидаги беш забардаст шахсга бағишланган «Цезарь Рубиконни кесиб ўтмоқда» (1895), «Қоҳирага кираётган Бонапарт» (1897), «Амир Темур» (1898), «Буюк Фредерик» (1899), «Жорж Вашингтон» (1901) номли санъат асарлари шулар жумласидандир.

[13] **Қаранг:** Апофеоз «тамерланофилии»…, 07.08.2012.14:23 (http://www.islamnews.ru/news135683.html).

Бу каби уйдирмаларга нисбатан Л.Керен бир ўринда шундай муносабат билдирган: **«Сурия кутубхоналарида ишлаётганимда китоблардан бирида Амир Темур Исонинг минораси ва Хумаинлар масжидини буздириб ташлаган эмиш, деган гапларни ўқиб қолдим. Аммо бу иншоотлар ҳозиргача бус-бутун турибди. Душманлар атайлаб бундай ёлғонларни тарқатиб, Амир Темур ҳақида салбий фикр туғдиришга ҳаракат қилган».**

Шундай қилиб, турли тасвирларда турлича сиймолар акс этганидан аёнки, дунё аҳли – на Шарқда, на Ғарбда яқин вақтларгача Амир Темурнинг қиёфаси қандай бўлгани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Президент И.А.Каримов ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан шонли тарихнинг бошқа муаммолари қатори ушбу масала бўйича ҳам ижобий ечимга келинди.

Хусусан, Юртбошимизнинг Соҳибқирон портретининг ижодий муҳокамалардан ўтган варианти кўриб чиқилган йиғилишда Амир Темурнинг либоси, қурол-аслаҳаси, қадду қомати ва қиёфаси юзасидан ўз фикрларини билдирди. Айниқса, умрининг кўп қисми ҳарбий юриш ва сафарларда, эл-юрт ташвишида ўтган инсоннинг қўллари, бармоқлари, гавдаси қандай бўлиши, юз-кўзлари қандай маъно англатиши зарурлиги ҳақида мулоҳаза ва таклифларини айтди [14].

Шундан сўнг Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ана шу қимматли фикрлар асосида портретни қайта ишлади. Натижада бутунлай бошқа сиймо – бугунги кунда бутун халқимизга яхши маълум бўлган Соҳибқироннинг мумтоз қиёфаси пайдо бўлди. Айнан шу сиймо кейинчалик юртимизда Амир Темурга атаб барпо этилган барча ҳайкаллар учун асос бўлди.

**Л.Керен турли тарихий манбалар ва Ибн Арабшоҳнинг Амир Темур ҳақидаги солномасидаги маълумотларга таянган ҳолда Соҳибқироннинг етук ёшдаги портретини яратиш мумкин, деб ҳисоблар эди** [15]. Чиндан ҳам, бу маълумотлар Амир Темурнинг аниқ ва ҳаққоний портретини яратишда ўзбекистонлик мусаввирларга бебаҳо материал бўлиб хизмат қилди. Шу асосда ҳатто Л.Кереннинг ўзи ҳам Амир Темур бюстини ясаган эди.

Амир Темур ҳарбий стратегиянинг моҳир устаси

[14] **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 151-152-бетлар.

[15] **Қаранг:** Л. Керен. Амир Темур салтанати // француз тилидан таржимон ва изоҳлар муаллифи Б.Эрматов; махсус муҳаррир Х. Султон; Сўз боши Луи Базен. – Т.: Маънавият, 1999. – 162-бет.

бўлган, дея эътироф этарди Л.Керен. У кўплаб давлатларни уруш қилмасдан туриб ўзига тобе қила билган. Буюк Ҳукмдор жангга киришдан олдин одатда ўз чопарлари орқали рақиб томон одамлари орасида «Кимки ўзи таслим бўлса, унга ҳеч қандай солиқ солинмайди. Таслим бўлмаганлар ва қаршилик кўрсатганларга эса жуда катта солиқ тўлаттираман», дея ҳабар тарқатган. Шу йўсинда Бағдод ва Уммон каби шаҳарларни жангсиз эгаллаган. Бу ҳам Соҳибқиронга хос раҳм-шафқат, инсонийлик фазилатларининг ёрқин исботидир.

Л.Керен таъкидлаганидек, 1396 йилда Султон Боязид Европа ҳудудини ишғол қила бошлайди. Кастилия Қироли Европанинг кўпгина давлатларига ёрдам сўраб мурожаат қилганида уларнинг биронтасидан ҳам садо чиқмайди. Шундан кейин Европа давлатларининг иттифоқчи кучларини ташкил этишга қарор қилинган. Бу салиб юришига Бургундия [16] герцоги маршал Бусико [17] қўмондонлик қилган.

Болгариянинг шимолидаги Никопол шаҳри яқинида Боязид Йилдиримга қарши бўлиб ўтган жангда турклар ғалаба қозонган ва Европа иттифоқчи кучлари қўшини бутунлай тор-мор этилган. Боязид эса Константинополь шаҳрини забт этганидан сўнг Европа қитъасига томон янада ичкарилаб бораверган.

Европа қиролларидан ишончли кўмак ҳам ололмаган, нажот ҳам топмаган Кастилия Қироли Амир Темурга мурожаат қилган ва Соҳибқирон европаликларга ёрдам беришга рози бўлган. Шундай қилиб, Амир Темур 80 минг кишилик аскари, Ҳиндистондан олиб келинган жанговар филлари ва ҳоримас отлари билан Анқара остоналаригача бориб, Боязидни енгган.

«Мен ярим асрдан кўпроқ вақт давомида Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиб келаман, – деганди сўнгги суҳбатларидан бирида Л.Керен. – Амир Темур аввало ўзининг чин инсонийлик фазилатлари билан мени ғоятда қизиқтиради. **Улуғ Соҳибқироннинг тарихда қолдирган изи ҳали кўп асрлар давомида ўрганилиб, келажак авлодлар учун намуна бўлиб хизмат қилади.** Темурбек ҳар томонлама зеҳни ўткир инсон бўлган. Ҳамма жангларида зафар қозонган, бирон марта ҳам мағлуб бўлмаган, бинобарин ниҳоятда уста лашкарбоши бўлган. Диний масалалар юзасидан уламолар билан бемалол баҳслаша билган».

Буюк Ҳукмдорнинг улкан салтанатида тинчлик-осойишталик ҳукм сурган, хорижий давлатлардан келган савдогарлар учун қатор қулайликлар яратилган ва уларнинг хавфсизлиги таъминланган. Салтанат йўлларининг ҳар 20 километр оралиқдаги масофасида карвонсаройлар қурилган. Амир Темур ўша пайтда суғурта тизимини ҳам ишлаб чиққан. Кимнинг ҳудудида ўғирлик ёки талончилик содир этилса, ўша ҳукмдордан молларнинг беш баробар нархи ундириб олинган.

Амир Темур салтанатида барча қонунларга тўлиқ риоя қилинган. Қозиларга ҳар кимнинг эркин мурожаат қилиши мумкин бўлган. Котибият ишларига ҳам катта аҳамият берилган: ҳар бир қарорнинг нусхаси олиниб рақамланган ва архивда сақланган. Афсуски, бу ҳужжатлар бугунги кунгача етиб келмаган.

Аслида, Амир Темур оддий, камтар одам бўлган, дер эди Л.Керен. Жангларга ҳар доим аскарларни ўзи бошлаб кирган ва у иштирок этган жанглар ҳамиша ғалаба билан тугаган. Амир Темур соғ бўлса – отда, бетоб пайтлари эса аравада қўшин билан бирга юрган. Ўз қўшини билан ёнма-ён минглаб километр масофаларни босиб ўтган. Амир Темур қўшини таркибида турли миллат ва дин вакиллари – Ҳиндистон, Хитой ва Эфиопиядан аскарлар, ҳатто бавариялик И.Шильтбергер ҳам бўлган. Уларнинг ҳаммаси Амир Темурни яхши кўрган ва ҳамиша садоқат билан унга эргашган.

Амир Темур қўшинини молиялаштириш тизими қандай ишлаб чиқилгани ҳақида кўп ўйлайман, деган эди Л.Керен. Буюк Ҳукмдор катта миқдордаги қўшин аскарларини қандай сақлаб турган экан? Бу таажжубли жумбоққа энди жавоб топгандекман. Яъни, Темурбек баъзи жойларда худди божхоналар каби манзиллар ташкил этган бўлиб, бу ерда Соҳибқирон салтанати ҳудудига кирадиган савдогарлардан бож тўлови олинган.

Амир Темур таваллудини нишонлаш анъанага айланаётгани у зотни дунёга танитиш борасида катта аҳамият касб этади, албатта. Бу инсон нафақат буюк лашкарбоши ва давлат раҳбари, балки аввало ўз фаолияти билан жаҳон цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган тарихий шахс сифатида кўз олдимизда

[16] IX–XV асрларда ҳозирги Франция ҳудудларидаги герцоглик. 1477 йилда Франция қироллиги таркибига қўшилган. Қаранг: Lucien Kehren. Un contemporain de Tamerlan: le marêchal de Boucicaut // La Timuride, 20e numéro, Paris, 1999. – P. 13–16.

[17] **Бусико** (асл исми: Жан II ле Менгр; фр.: Jean II Le Meingre, 1366 йил 28 август – 1421 йил 21 июнь) – Юз йиллик уруш даврининг франциялик ҳарбий арбоби, маршал, сайёҳ. У 1396 йилда Муқаддас Рим императори Люксембурглик Сигизмунд даъвати билан Усмонлилар салтанатига қарши курашга отланган. Никопол жангида мағлубиятга учраб, асир олинган ва бадал эвазига озод этилган. Айни чоғда, 1399 йилда Византия императори Мануил II Палеологнинг туркларга қарши курашида ёрдамга юборилган қўшинга қўмондонлик қилган. Шунингдек, 1415 йили Англияга қарши урушда Франция қўшинининг илғор қисмини бошқарган. Азенкур жангида французлар мағлуб бўлгач, маршал Бусико яна банди этилган ва 1421 йил 21 июнда Англияда вафот этган.

гавдаланади, дер эди Л.Керен. Айнан Амир Темур Европани Усмонийлар салтанати истилосидан сақлаб қолган. Шу билан бирга, русларни ҳам мўғуллар истибдодидан ҳалос қилган. Бу воқеликлар жаҳон тарихида ғоятда муҳим ўрин тутади.

Темурбек ҳукмронлиги даврида Самарқанд дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланган. Амир Темур ўз атрофига нафақат салтанати, балки дунёнинг тўрт томонидан ўша даврнинг энг таниқли ҳунармандлари, олимлари ва санъаткорларини тўплаган. Уларга ҳурмат-иззат кўрсатиб, бажарган ишлари учун муносиб ҳақ тўлаган.

Бетакрор санъат асарлари Амир Темур авлодлари орқали Ҳиндистонгача етиб борган. Мирзо Бобур ҳам ўз даврида Самарқанддан моҳир усталарни Ҳиндистонга жалб этиб, машҳур санъат асарлари ва меъморчилик обидалари яратилишига бош-қош бўлган.

Ўзбекистон Президенти билан учрашув таассуротлари Л. Керен ҳаётида жуда муҳим ўрин тутган. Бинобарин, у 1996 йили Ислом Каримовнинг Парижга келишини эшитиб жуда хурсанд бўлганини яхши эслайман. Биз ЮНЕСКО қароргоҳида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда бирга иштирок этдик. Ўшанда Л.Керен учун кўплаб кутилмаган воқеалар юз берди. Бу ҳақда унинг ўзи кейинчалик шундай хотирлаганди:

Мен бир четда туриб Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Франция Президенти Жак Ширак ўртасидаги суҳбатни кузатиб турардим. Бир пайт мени шошилинч равишда қидириб қолишди. Ўзим ҳам бунинг сабабини тушунмай ҳайрон эдим. Зудлик билан одамлар орасини очиб, менга йўл беришди ва мен икки Президент олдига қандай келиб қолганимни ҳам билмай қолдим.

Шунда Ислом Каримов менга «Шуҳрат» медалини топширди ва бу мен учун яна бир кутилмаган воқеа бўлди. Бундай юксак эътибордан бошим осмонга етди. Ўзбекистон Президентининг мени мукофотлаш ҳақидаги Фармони француз тилида ёзиб келингани эса мени янада ҳайратга солди ва беҳад қувонтирди.

Жак Ширак ва рафиқасининг қизиқиши шу қадар катта эдики, улар мен билан қарийб ярим соат давомида суҳбатлашишди. Мен Амир Темур ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларни уларга сўзлаб бердим.

Шундан сўнг Фредерик Бопертюи-Брессан хоним ва мен Ислом Каримов билан мулоқотда бўлдик. У бизни қучоғига олиб, самимий миннатдорлигини изҳор этди. Ўзбекистон ва Франция ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ ўз фикрларини билдирди.

Дунё тарихида жуда муҳим ўрин тутган учта буюк лашкарбоши бўлган, дер эди Л.Керен. Булар Европадан Осиёга юриш қилган Александр Македонский, Мўғулистондан Европага қадар етиб борган Чингизхон ва Самарқанд воҳасидан чиққан, Европанинг Боязид томонидан босиб олинишига йўл қўймаган, шунингдек, Олтин Ўрдани тор-мор этиб, Русияни озод этган Амир Темурдир.

Наполеон ҳақида гапирадиган бўлсак, у кўп ғалабаларни қўлга киритган. Аммо, руслар билан бўлиб ўтган Ватерлоо жангида мағлубиятга учраган. Наполеон ўз давлати ҳудудида жон таслим қилган. Амир Темур эса ҳақиқий лашкарбоши сифатида жангда, Хитойга юриши пайтида вафот этган. Буюк жаҳонгирлар орасида фақат Темурбек Европа тақдирига ижобий таъсир кўрсатган.

Анқара жангида Боязид қўшинини енгган Амир Темур томонидан озод этилган Испаниянинг икки нафар элчиси ўз юртига жўнаб кетиш учун ижозат сўраганида, Темурбек Қиролга совға-саломлар билан ўз элчиси Муҳаммад Кешийни ҳам уларга қўшиб юборган. Соҳибқирон Боязид ҳарами асираларидан уч нафар юнон-венгер насабига мансуб маликани христиан дунёсига қайтаришни мақсад қилгани боис, уларни ҳам элчилар билан бирга Испанияга жўнатган.

Буларнинг барчаси афсона эмас, балки ўша даврда бўлиб ўтган тарихий воқеалардир, деб таъкидлайди Л.Керен. Амир Темур ҳузуридан йўлга чиққан элчиларнинг Испаниядаги Кадис бандаргоҳига келиб тушгани ва ўзлари билан уч нафар насроний маликани олиб келгани ҳақида далилий ҳужжатлар мавжуд. Ўша пайтда Кастилия Қироли Энрике III Сеговия шаҳрининг энг ҳашаматли қасрида элчиларни катта ҳурмат билан кутиб олган.

Маликалар шу даражада гўзал эдики, ўша заҳоти улар ҳусн-малоҳатининг овозаси бутун шаҳарга тарқалган. Маликаларнинг энг каттаси – Анжелина 20 ёшда бўлган. Уни Сеговия шаҳри ҳокими севиб қолиб, Қиролдан уйланишга ижозат сўраган. Шундай қилиб, маркиз Хуан Диего де Контрерац ва дона Анжелина де Грес турмуш қуришган. Улар узоқ йиллар давомида Сеговиядаги мўъжаз қасрда бахтли ҳаёт кечиришган.

Бошқа икки малика ҳам испан зиёлиларига турмушга чиқишган ва мамлакатнинг жанубида яшашган. Бироқ улар ҳақида маълумотлар анча кам. Л.Керен Севилья шаҳрининг қадимий архивларида сақланиб қолган ҳужжатлар асосида улар ҳақида ҳам имкон қадар маълумот тўплашга интилган.

Гап шундаки, Кастилия қироли фармойиши асосида ушбу шаҳар ҳокимиятига элчилик сафари иšти-

рокчиларининг ётиб-туриши ва озиқ-овқатидан ҳабар олиб туриш юкланган бўлиб, ҳокимият мирзаси меҳмонларнинг исм-шарифи ва улар учун таом тайёрлашга сарфланган маҳсулотлар номи ва миқдорини алоҳида дафтарга қайд этиб борган. Ана шу рўйхатда дона Анжелина билан ёнма-ён қайд этилган Мария ва Каталина, Л.Кереннинг фикрича, тутқунликдан озод этилган ўша икки нафар малика бўлиши мумкин [18].

Мен Испанияга борганимда ана шу воқеалар ҳақида атрофлича маълумот тўплаш мақсадида дона Анжелинанинг авлодлари, жумладан, маркиз Контрерац де Лоцоя билан учрашдим, дейди Л.Керен. Улар Амир Темур ва темурийлар тарихи ҳақида китоб ёзаётганимни эшитиб ниҳоятда хурсанд бўлдилар.

Мен ҳатто маркиз Хуан Диего де Контрерац ва дона Анжелина де Грес яшаган қасрда бир кеча тунадим. Эртаси куни шу қасрга яқин ерда жойлашган Сан Хуан де Кабальерос черковидаги дона Анжелинанинг қабрини зиёрат қилдим. Унинг қабртошида **«Бу ерга граф Хуаннинг қизи, Можористон Қиролининг набираси, Диего де Контрерацнинг рафиқаси, Темурбек озод этган ва юртига жўнатган таниқли зодагон хоним Анжелина де Грес дафн этилган»**, деб ёзилган экан [19].

Ҳозирги кунда Амир Темур ҳаёти ҳақида ҳақиқатни ёзиш ва мунтазам изланиш олиб бориш керак, дерди Л.Керен. Соҳибқирон муҳрида «Куч – адолатда» деган шиор ёзилган. Бу ибора замирида чуқур маъно бор.

Шунингдек, Амир Темур номини дунёга таратиш учун у ҳақда фильмлар яратиш, телеведение ва театрда асарлар саҳналаштириш лозим. Чунки европаликлар театрга алоҳида эътибор билан қарашади. Томошабинлар олдида саҳнада жонли тимсол – Амир Темур сиймоси намоён бўлишига не етсин!

Мен Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш мақсадида пьеса ёзганман. Унда инсоний ҳис-туйғулар, севги ва оддий ҳаёт акс эттирилган. Пьесамни саҳналаштириш учун собиқ советлар даврида Ўзбекистондан тегишли саҳна декорацияси ва либослар сўраб мурожаат этгандим. Бироқ ўшанда пьесамни ўқиб, «Амир Темур ва севги бир-бири билан ҳеч боғланмайди», деган жавоб қайтаришган. Шу сабабли пьесам саҳналаштирилмай қолган.

**«Ҳозир бу асарни қайта ишлаб, кўплаб қизиқарли саҳналар билан бойитдим. Насиб этса, яқин орада францияликлар тарихий далиллар асосида саҳналаштирилган пьесани томоша қилиб, Амир Темур сиймоси ҳақида аниқ хулосалар чиқаришади, деган умиддаман. Ҳозирги кундаги энг катта орзуларимдан бири ҳам шу»**, деган эди Л.Керен. Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, 2016 йили француз олими ва адиби қаламига мансуб ушбу пьеса матни Ш.Миноваров, Д. Бобожонов ва Д.Махсудов таржимасида ўзбек китобхонлари эътиборига ҳавола этилди [20].

Л.Керен билан 20 йилдан кўпроқ муддат бирга ишладик, дейди Ф.Брессан. Л.Керен мендан кўра анча йиллар олдин Амир Темур шахсига қизиқиб қолган ва бу мавзуда кўплаб китоблар ёзган. У нафақат Францияда, айни чоғда дунё миқёсида ҳам жуда таниқли тарихчи олим ҳисобланади. Кимё соҳаси бўйича мутахассис бўлишига қарамай, тарих, хусусан, темуршунослик соҳасида катта натижаларга эришган.

Л.Керен Амир Темур тарихига доир мавжуд деярли барча манбаларни ўрганиб чиққан ва бу буюк зот шахси билан боғлиқ ҳаққоний тарихни очиқ ҳамда холис ёритиб берган. Шу нуқтаи назардан, жаҳонда ҳозирги кунгача бу мавзуда яратилган кўплаб асарлар орасида Л.Керен ёзган китоблар алоҳида ажралиб туради, деб ўйлайман. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Л.Кереннинг бу борадаги самарали фаолиятини юксак баҳолаб, француз олимини «Шуҳрат» медали билан тақдирлагани жуда аҳамиятлидир.

Айниқса, Испания Қиролининг Амир Темур ҳузурига юборган элчиси Луи Гонсалес де Клавихо хотираларини Л.Керен француз тилига таржима қилгач, унинг ўзи ҳам, бутун дунёдаги француз тилли китобхонлар ҳам Амир Темур ва унинг салтанати ҳақида жуда кўп ва муҳим маълумотларга эга бўлди. Оқсаройнинг ҳақиқий ўлчамини ҳам фақат шу китобдан топганмиз, дейди Ф.Брессан.

Хулоса қилиб айтганда, Л. Кереннинг Амир Темур ҳақидаги китоблари уни донғи кетган темуршунос олимлар қаторига қўшгани бежиз эмас. Айниқса, унинг Соҳибқироннинг Европадаги ўрни ва хизматига оид фикрлари диққатни жалб этади. Бинобарин, Л. Керен Амир Темур Европа андозасидаги буюк давлат бошлиғи ва музаффар саркарда, моҳир дипломат ва илм-фан ҳомийси эканини алоҳида эътироф этган.

---

[18] **Л. Керен.** Амир Темур салтанати // француз тилидан таржимон ва изоҳлар муаллифи Б. Эрматов; махсус муҳаррир Х. Султон; Сўз боши Луи Базен. – Т.: Маънавият, 1999. – 210-бет.

[19] **Л.Керен** ўзининг «Амир Темур салтанати» китобини аждодлари ушбу ғайриоддий саргузаштларнинг бош қаҳрамонлари бўлмиш икки қадрдон дўстига: Амир Темур авлодидан – Исломбек Худоёрхонга ва юнонистонлик дона Анжелинанинг авлодидан – маркиз Контрерац де Лоцояга бағишлаган. – А.С.

[20] **Л.Керен.** Буюк Темур: пьеса // Амир Темур Ғарб адиблари нигоҳида. – Т.: «Davr press», 2016. – 87–195-бетлар.

# ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ **АРБОБЛАРИНИНГ ҚИСМАТИ**

**Большевизмнинг «пролетар интернационализми»шиори остида олиб борган миллий сиёсатида раҳбар ходимларни буюк давлат шовинизмида, маҳаллий буржуа миллатчилигида, «ўнг»ликда, «сўл»ликда айблаб, раҳбарлик лавозимларидан маҳрум этиш, провардида қатағон қилиш амалиёти кенг тус олган эди. Қуйида ана шундай жараёнга бевосита дахлдор ҳужжатлардан айримлари эълон қилинмоқда.**

**Гап «сўллар ҳақида»бораркан, Сталиннинг 1924 йил 26 мартда йўллаган хатларидан сўнг Тошкентда 1924 йил майда Туркистон Компартиясининг VIII съезди бўлди. Съездга Москвадан РКП(б) МК секретари Я.Э.Рудзутак келиб маъруза қилди. У ўз маърузасида айрим ёш миллий раҳбарларда носоғлом оғишма борлигига урғу берган. Туркистон Компартияси МК секретари И.М.Варейкис ҳисобот маърузасида «сўл»коммунистларнинг хато қарашларини кўрсатиб: «Мен Эшонхўжаев ва унинг шогирдларининг ўз қарашларининг «партиявий оқим сифатида»таърифлашга уринишларини ё демагогликка, ё жоҳилликка уриниш, деб ҳисоблайман», деган.**

**Сиёсий арбоблардан Иномжон Хидиралиев 1928 йил 31 декабрда Москвадаги «Национал»меҳмонхонасида сирли равишда ўлдирилган. Унга туҳмат қилиниб,«Сталинга хат ёзиб, ўзини ўзи отган»деган версия тарқатилган. «Правда»газетасининг 1929 йил 3 январдаги сонида эса «Памяти товарища Хыдир-Алиева»- номли сурати билан таъзия эълон қилинган. Унда И.Хидиралиев фаолияти кенг ижобий тавсифланган.**

**Усмонхон Эшонхўжаев, Абдулла Раҳимбоев, И.М.Варейкис, О.Я.Карклинлар 1937-1938 йиллардаги «Катта террор»да ватан хоини сифатида отиб юборилганлар, 50-йилларда реабилитация қилинганлар.**

**Центральный комитет Р.К.П(Б-ов). Москва. 26 март 1924.**
**12112**
**т.Ишан-Ходжаеву[1]**
**Копия т.т Карклину[2], Варейкису[3]**

*Дорогие товарищ!*

*Я слышал, что «левые»намерены дезавуировать т.т Хидыр-Алиева[4] и Рахимбаева[5]. Если это верно, то должен Вас предупредить, что ЦК вынужден будет вмешаться в дело для того, чтобы сохранить в организации мир. Людей в Туркестане не так много, особенно местных людей, так что было бы преступно отказываться от использования таких работников, как Хидыр-Алиев. Возражения насчёт переводчиков совершенно неубедительны: в Москве имеются на важнейших постах как нач. Штаба Красной Армии и пр.) такие люди и с таким прошлым, что ваши переводчики могут показаться в сравнении с ними абсолютно не подготовленными. Надо запомнить раз и навсегда, что нам нужны люди не таковые, для руководства партийной организацией, где коммунистическая чистота и безупречное прошлое обязательны, но и для управления страной, где могут и должны быть использованы все и всякие робкие, годные в деловом отношении. Ошибки «левых»состоят в том, что они часто упускают из виду это последнее обстоятельство, не всегда понимают, что без использования на советских постах можно не вполне стойких в партийном отношении, невозможно управлять страной при наличии безлюдья. Едва ли можно оспаривать, что такие работники, как т.Хидыр-Алиев, могли бы принести Туркестану громадную пользу, что отталкивать таких работников могут лишь люди, не понимающие всю сложность и серъёзность дела управления страной. Я уже не говорю о т.Рахимбаеве, партийная безупречность которого вне сомнения и вся «вина»состоит в том, что не хочет отшибать от работы людей вроде т.Хидыр-Алиева. Ещё раз прощу Вас принять все меры к тому, чтобы был сохранён мир.*

***С коммунистическим приветом И.Сталин[6]***

[1] **Эшонхўжаев Усмонхон** (1899-1937) — Андижондаги «Иттиҳод ва тараққий», «Миллий иттиҳод»ташкилотлари аъзоси, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида. қаранг: Шамсутдинов Рустамбек. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. «Шарқ». Тошкент. 2001. 338-375-бетлар; ўша муаллиф; Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари. «Шарқ»Тошкент. 2012. 77-78-бетлар.

[2] **Карклин О.Я.** — Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари.

[3] **Варейкис Иосиф Михайлович** (1894-1938) 1913 йилдан большевиклар партияси аъзоси – ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси, ВКП(б) МК бўлим мудири, Саратов губерна комитети секретари, 1938 йил 29 июлда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси отувга ҳукм қилган. Ўша куни отилган. 1956 йил 26 майда реабилитация этилган.

[4] **Хидиралиев Иномжон** (1891-1928) Ўрта Осиёнинг таниқли давлат ва сиёий арбобларидан бири, Фарғона области партия комитети раиси, ТАСР МИК раиси, Туркистонни Москвадаги мухтор вакили, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қаранг: Шамсутдинов Рустам. Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиби. Андижон «Мерос»1991. Шамсутдинов Рустамбек. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. «Шарқ»Тошкент. 2001. 261-291-бетлар.

[5] **Раҳимбоев Абдулла** — 1896 йили Хўжандда туғилган, Самақанд эрлар гимназяси ва Тошкент ўқитувчилар семинариясини битирган, Ўрта Осиёнинг таниқли давлат ва жамоат арбоби, Туркистон АССР МИК раиси (1920-1922), Бухоро ва Туркистон компартиялари МК котиби, СССР ҳалқлари марказий нашриёти бошқармаси раиси, Тожикистон ХКСнинг раиси, СССР МИК раисларидан бири сифатида фаолият кўрсатган. Унга «Миллатчилик ташкилотининг аъзоси»деган айб қўйилиб 1937 йил 7-сентябрида қамоққа олинган, 1938 йил 7-майда отилган. 1956 йили реабилитация қилинган.

[6] РГАСПИ (Российский государственный архив социально-политической истории — Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви (РИСТДА) 62-фонд, 2-рўйхат, 79-иш, 5-варақ.

* * *

**Т.т КАРКЛИНУ И ВАРЕЙКИСУ.**

*Дорогие товарищи!*

*Слышал я, что одна часть работников — «левые»— затевает новую склоку по партийной и советской линии, думает совершенно дезавуировать т.т Хидыр-Алиева и Рахимбаева и вообще навести «революционную»политику. Верно ли все это? Если верно, то предпримите меры к тому, чтобы все эти и подобные им крайности «левых»были предупреждены. Я думаю, что ЦК не даст «левым»«ликвидировать»Хидыр-Алиева, Рахимбаева и т.п товарищей, не даст, потому что нет для этого никаких оснований. Теперь люди так нужны в Туркестане, а местных людей так мало, что было бы преступно пренебрегать такими работниками, как тов.Хидыр-Алиев. «Левые»этого не понимают, так как они не хотят понять, что задача состоит не только в руководстве партийной организацией (для чего необходимы наиболее стойкие коммунисты), но и в управлении страной (для чего должны быть использованы и не вполне стойкие, и даже вовсе не стойкие коммунисты). Чего стоит Туркестанская организация, если она не сумеет использовать таких людей, как тов.Хидыр-Алиев? Ещё раз прошу принять меры предупреждения и заявить «левым», что при всех своих симпатиях к тов. Ишан-Ходжаеву и его близким друзьям, ЦК вынужден будет вмешаться, если не будет положен конец нескончаемой борьбе групп и группочек.*

***С Коммунистическим приветом, И.Сталин***[7]
***26 марта 1924 г***

* * *

**Письмо секретаря ЦК КП(б) Туркестана И.М.Варейкиса И.В.Сталину о политической ситуации в Туркестане.**

27 марта 1924 г.
Тов.Сталин!

*Для посылки очередного политписьма пользуюсь случаем сообщить Вам о положении дел в КПТ. Внимания заслуживают четыре момента: 1. Внутреннее состояние КПТ (особенно верхушки). 2. Национальные взаимоотношения. 3. Отношения партии с дехканскими и батрацкими массами. 4. О подготовке к предстоящему партсъезду.*

*По первому моменту. Внутреннее состояние КПТ неизмеримо хуже, чем в любой из самых отсталых организаций Закавказья. Остатки родовых и феодальных отношений, сохранившиеся в стране, порождают массу своеобразных противоречий, которые проявляются политически и даже в партии. Отсюда особенное свойство восприимчивости у КПТ ко всякого рода группировкам. Группировки в КПТ признаются почти за естественное положение вещей, а групповая борьба, чрезвычайно ослабляющая общеклассовую линию партии, фактически допущена за последнее полугодие, и она значительно усилилась, очевидно, по той простой причине, что не было твёрдой, принципиальной, выдержанной и перед массами, авторитетной линии ЦК КПТ, отчасти, виною тому были некоторые промахи, допущенные представительством.*



Иосиф Михайлович Варейкис (6.10.1894-29.07.1938)

*Вы, вероятно, достаточно информированы о происходившем скандале на всетуркестанском съезде советов. Разумеется, если бы положение вещей исчерпывалось только прошедшим тогда скандалом, — это было бы пустяковиной, ибо от перемены в правительстве (совнаркома, Туркестанского ЦИКа), партия несомненно выиграла бы ибо, новый состав более прогрессивен в партийном отношении, больше считаются с принципами нашей политики, но беда в том, что внутренняя борьба сохранилась и после съезда. Это приводило к полному разложению в ЦК. К тому же дополнительным моментом, усиливающим внутрицекистский разброд, послужила дикая позиция европейской верхушки во время дискуссии перед партконференцией.*

*Между прочим, чрезвычайно много наглупили в контрольной комиссии с проведением циркуляра по борьбе верхов и низов. Поэтому, с первого момента приезда я поставил для себя задачей добиться перелома, смягчить внутреннее обострение и групповую борьбу. Разумеется, уничтожить ее быстро нельзя. По узбекской линии есть значительные результаты. Удалось установить нечто вроде соглашения между группой т. Рахимбаева (считается умеренной) и группой т. Ишан-Ходжаева (левая группа молодёжи). Было бы неверным боротся с ошибками этой левой группы, оттолкнуть её от работы: несомненно, за ней стоит подрастающая узбекская бедняцко-батрацкая молодёжь. Повторяю, значительных результатов удалось достигнуть в этом направлении. С киргизами более запутанное положение. Здесь происходит борьба рыскуловской группы и хаджановской. Различие этих направлений я ещё не уловил. Та и другая, по-моему, основывают свою позицию в большинстве на моментах старых личных былых разногласий. Та и другая группы пытаются опереться на молодое течение среди киргиз, которое у киргиз, однако, не выявляется так отчетливо, как у узбеков. За Рыскуловым — очень незначительная верхушка, хотя он, находящийся без дела, по*

[7] ЦК ВКП(б) и национальный вопрос. В двух томах. Книга 1. 1918-1933 г. М. РОССПЕН 2005. Стр 189-190

*ночам обрабатывает её и старается расширить связи по киргизским областям. Было бы весьма полезным, поскольку вопрос об его отзыве решен, поспешить с этим. Моя попытка достигнуть соглашения между группами на почве политики ЦК РКП не увенчалась успехом. Таким образом, очевидно, придётся притягивать к работе из бывших рыскуловцев персонально все наиболее честные, здоровые элементы. На днях мы созывали расширенный пленум ЦК с участием секретарей обласкомов и крупнейших укомов. Задача этого пленума состояла в том, чтобы установить твердую политику, определенную линию перед партсъездом. Этого добиться удалось. С Ташкентской организацией (с верхушкой руководящей) как будто бы установлена договоренность.*

*Выводы. Можно считать, что в течение последнего месяца удалось сделать большой шаг вперёд к установлению необходимого равновесия. После некоторой перемены, происшедшей в аппарате ЦК, исполбюро проявляет вполне сносное единодушие.*

*По второму моменту. Национальные взаимоотношения здесь чрезвычайно остры по той простой причине, что происходит постоянная борьба между узбеками и киргизами за право на господствующую нацию. Скажем, в Азербайджане — там тюрки признаны господствующей нацией, никто этого не оспаривает, здесь — положение иное. Между киргизами и узбеками происходят взаимные беспрерывные трения на почве борьбы за господствующее положение в государстве. Этим обуславливается то особое единодушие, которое проявили узбеки и киргизы, и туркмены по вопросу о национальном размежевании. Обиженными чувствуют себя кара-киргизы, интересы которых, несомненно, узурпируются. ЦК созывало совещание ответственных работников, где был поставлен вопрос о национальном размежевании, после того была избрана комиссия исполбюро, которая разобрала материалы и обсудила различные точки зрения на этот вопрос. Наконец, вопрос обсуждался на секретном заседании ЦК. В результате выявились две точки зрения: 1) киргизы — за размежевание на автономные области единой Туркестанской республики; 2) узбеки, туркмены, кара-киргизы, отчасти, бухарцы (узбеки) — за республиканское размежевание среднеазиатским партийным центром и экономсоветом. Дискуссию, открытую по этому вопросу, мы ещё не открывали. Решили поработать месяца два в комиссии, избранной ЦК, а во время партсъезда столковаться с Вами относительно основных принципов. Так что до съезда вопрос оставили открытым.*

*Третий момент: после разгрома басмачества с чрезвычайной быстротой встает аграрный вопрос. Весной проявились в некоторых районах Ферганы аграрные беспорядки. Батраки и чирикеры требуют отобрания земли у баев. Аграрная революция в Туркестане не была: разумеется, её не избежать. Земли отобрать надо будет, без этого немыслимо укрепление советской власти и партии. В связи с этим в начале марта я ездил в Фергану для изучения вопроса. В результате пришли к выводам: допускать захват земель батраками в настоящий момент политически опасно, что неизбежно приведет к срыву хлопковой кампании. В ЦК были по этому вопросу весьма горячие прения. Однако все сошлись на том, что до осени о захвате земли не может быть и речи.*



Усмонхон Эшонхўжаев
1899-1937



Иномжон Хидиралиев
1891-1928



Абдулла Раҳимбоев
1896-1938

*Четвертый момент: подготовка к партсъезду началась с созвания пленума ЦК, на котором мы устроили нечто вроде генеральной репетиции. Усиленную работу проводим в европейской части и узбекском старом городе — Ташкента. Линия политически выправляется. Полагаю, что съезд КПТ проведем вполне нормально, с необходимым политическим размахом.*

*Пресловутая ташкентская оппозиция успокоилась, и на съезде мы имеем гарантию добиться выборов сравнительно однородного ЦК и однородной делегации на всероссийский съезд.*

*Этим ограничусь.*

***С коммунистическим приветом И.Варейкис [1]***
***27/III-24 г***

[8] ЦК ВКП(б) и национальный вопрос. В двух томах. Книга 1. 1918-1933 г. М. РОССПЕН 2005. Стр 189-190

# ХАМЗА ҲАКИМЗОДАНИНГ **ФОЖИАСИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР** ГУВОҲЛИГИ

***Ўзбек адабиёти, маданияти ва санъати тарихида катта ўрин тутган шоир, педагог, театр арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хамза Ҳакимзода Ниёзий (1889.6.3, Қўқон – 1929.18.8, Фарғона вилояти, Шоҳимардон қишлоғи) нинг фожиали ўлимига дахлдор ҳозиргача эълон қилинмаган ҳужжатлар диққатингизга ҳавола қилинмоқда.***

**Председателью Средазбюро ЦК ВКП (б) тов.Зеленскому**

**Д О К Л А Д**

Шахимарданское дело является серьёзным, поучительным не потому только, что в этом деле замешан ряд членов партии – ответственные работники, но по самому существу оно заслуживает серьёзного внимания всей советской и партийной общественности Узбекистана.

Дело имеет свое начало с августа 1928 года.

В лето, с июля по октябрь м-ц, ежегодно в Шахимардан (в 50 верстах от г. Ферганы) съезжается население со всей Ферганской долины поклониться мазару Хазрат Али для исцеления от всяких грехов и получения благотворения от этого Хазрат Али.

В августе 1928 года в этот самый Шахимардан приезжают ряд ответственных работников – т.т. Али-Ходжаев, Ша-Мансур (Нач.Узводхоза), Хасанов (Пред.Андижанской ОКК.) Али-Ходжаев Исраил Ходжа (Ответ.секретарь Кокандского Окрисполкома). Абдувахаб Ходжаев (Пред.Алтиарыкского РИК.А), Камил Алиев (корреспондент газеты Кзыл Узбекистан) и в том числе – тов. Ахун Бабаев (Председатель Узбекского ЦИКа).

Вслед за приездом туда тов.Ахун-Бабаева, появляется туда тов. Хамза Хаким Заде – народный учитель и писатель.

По приезде, указанные товарищи Шахимардан застают в разгаре съезда мазарчи, где творятся полностью старые обычаи поклонения мазару, жертвоприношение (резка баранов) и т.д. Ходжи и шейхи (монахи) не в меру брались себе ляжки, кишки, кожу, голову. По мимо этого ходжи среди дороги останавливали мазарчи и наҳальным образом от них требовали подаяния. Среди самых ходжей к концу сборного дня происходило драка на почве дележа добычи, ругалю, побои.

Всё это являлась, Якоба, следствием отсутствие известного распорядка среди ходжей.

О всех этих явлениях донесли тов.Ахун Бабаеву, которые сам лично тоже наблюдал, и это дело стало предметом суждения круга ответственных работников, которые присутствовали в Шахимардане.

По велению тов. Ахун Бабаева, 10-го августа 28 г. созываются Пленум сельсовета, с участием представителей шейхов, где ставится вопрос о распорядках на этом мазаре и борьбе с фанатизмом. Обсуждается этот вопрос довольно широко. Выступает на пленуме тов. Ахун-Бабаев с докладом «Об очередных задачах сельсовета», в котором резко ставит вопрос о борьбе с мазаром. Выступают т.т Али Ходжаев, Абдувахаб Ходжаев, Хамракул Турсункулов, Хамза Хаким Заде, Хасанов и представители ходжи.

В результате решено всех ходжи, пользующиеся подаянием, прочистить, выгнать из среди их всех до 40 летнего возраста, являющихся трудоспособными, оставив всех тех, кто является нетрудоспособ-

ным — свыше 40-летнего возраста, инвалидов, слепых, сирот, вдов и т.д, которых собрать в группы. Для них решено установить норму обеспечения – 15 р. в м-ц или 50 к. в день каждому. Создается комиссия, так называемая, по борьбе с фанатизмом, куда входит председатель сельсовета – Али-Хон-Хон-Ходжаев, секретарь сельсовета Умар-Али-Хон-Ахун-Ходжаев и третий – представитель шейхов. В постановлении сельсовета указано: «Принять все меры к тому, чтобы в течении года ликвидировать Шахимарданский мазар Хозрат Али».

В развитие этой основной задачи (ликвидация мазара) решено тем же Пленумом сельсовета провести в селении Шахимардане ряд социально-культурных мероприятий, как-то: установка турбина, новое орошение местности Шалянг, постройка красной чайханы, клуба, кино, установка радио-приемника, благоустройство кишлака и т.д. и т.д. Вышеуказанной комиссии поручается осуществить означенное решение. Идейное руководство по борьбе с фанатизмом и осуществление всех прочих пунктов решений пленума – возложено на Хамза Хаким Зоде.

Гости уеҳали. Комиссия приступила к работе, начав свою работу с чистки рядов ходжи, что создало недовольство среди пострадавших от этой чистки.

К этому же времени на мазар прибыли представители диния-назарат (религиозной общины). Миен Кудрат, Хазарат и Мамаджан Асака Тоджибай Ходжаев, которым пожаловались недовольные мероприятиями Ахун-Бабаева, имея в виду, что эти мероприятия «по существу являются верными, но по форме не совсем правильными».

При опросе Миен Кудрат Хазрат и Мамаджан Асака Тоджибай Ходжиев нам заявили, что тов. Ахун-Бабаев в вопросе борьбы с фанатизмом поступил круто:

«Мы не отрицаем необходимости ликвидации мазара, ибо он является дурманом для народа и мы согласны с реформой т. Ахун Бабаева в принципе, но, по нашему нужно было в эту форму во влечь силы прогрессивного духовенства и мы в течении 2-3 лет моглы бы благоприятнейшим образом ликвидировать мазар, солидаризируя все это с указаниями шариата и советской власти.

На т. Ахун-Бабаева нам жаловались мутавалии Исмаил Ходжа Саид Ходжаев и др. но мы предпочли уже не вмешиваться в правительственные дела… хотя мы знали, что это дело будет иметь плохой конец. Мы были правы… Шейхи восстали…»

Вот тут берет начало обострение борьбы между Хамза Хаким Зоде, являющегося руководом практического осуществления решений т.Ахун Бабаева, и шейхами, недовольными этими мероприятиями. Работа комиссии по борьбе с фанатизмом выразилась в создании подкомиссии из представителей самых ходжей, шейхов:

1. Мулладжан Абдурахимов, 2. Гиях-Ходжа Салахитдин Ходжаев, 3. Холдар Акрамов, 4. Мунаввар Алиханов, Абдулла Хатамов и проч., которые начали собирать подаяния, будучи подотчетными комиссии по борьбе с фанатизмом при С/совете.

Имею факты, что преподнесенная лошадь каким то мазарчи взята председателем сельсовета для себя. При распределении подаяния между нетрудоспособными, известные суммы отчислялись на культурные мероприятия и работа ходжи пошла на новых «советских» началах.

Все это с каждым днем обостряло сопротивление со стороны ходжей и шейхов, отстраненных от дележа подаяния.

Хамза Хаким Зоде 10 ноября созвал собрание всех ходжи и шейхов, где выступил, осуждая поведение ходжи, не повинующихся решениями сельсовета, с участием Ахун-Бабаева. На этом собрании составили приговор именем всех шейхов и ходжи, где говорится:

«Мы шейхи и ходжи Шахимардана полностью согласны с решением правительства, мы все способны к труду, готовы отказаться от подаяния, если мы будем устроены на землю или Правительство нам укажет другой источник существования. Вот с этим условием ключ от «макбара» сдаем…»

Для сдачи ключа уполномочили Исмаил Ходжи Саид Ходжаева, которому было выдано удостоверение сельсовета за № 392 от 10 ноября 1928 г.

Таким образом, ключ с приговором ходжи Саид Ходжаевым был сдан лично тов. Ахун Бабаеву в ЦИК Советов в УзССР 17-го ноября, который, получая ключ, выразил свою благодарность за то, что

преподнесли ключ, и заявил, что «Ваши требования мы обсудим и сообщим Кокандскому Окрисполкому».

В мандате Саид-Ходжаева за № 392 написала резолюция:

«Ключ ЦИКом УзССР получен. Заявление ходжи и шейхов, сдавших ключ, надняx будет рассмотрено. О рассмотрении будет сообщено надняx»

**Подпись — Азимбаев.**

Саид Ходжаев уехал в Шахимардан и доложил уполномочившим его сельсовету и шейхам обещание т. Ахун Бабаева о том, что заявление шейхов будет рассмотрено надняx в ЦИКе.

Дело тянулось, результатов никаких не последовало и среди шейхов, лишенных дохода, пошло новое возмущение. Усилилась некоторая вражда по отношению к Хаким Заде, который являлся там руководителем реформы.

Хаким Зоде, видя растущее сопротивление ходжи, собрал собрание тех же шейхов и ходжи, где начал их пробирать, как неподчиняющихся советской власти и велел всем, кто хочет спасти себя, подчиниться беспрекословно решениям 8-го Пленума сельсовета.

Ходжи Зоде – пользование подаянием и жизнь этим ходжи обосновал шариатскими указаниями – поганым делом и что ходжи должны клятъся «именем бога, его пророка и шариата, что они и их предки нарушали шариат тем, что жили подаянием Шахимардана». И заявил, что этот священный приговор ходжи будет объявлен в печати, который даст успех в борьбе с фанатизмом.

Тут же приговор был написан в сельсовете и принудительно заставили подписать представителей ходжи.

Это выступление Хаким Зоде произвело ещё более сильное возмущение и негодование шейхов по адресу Хаким Зоде.

Написали новое заявление в ЦИК, копию Алтарыкской Райисполком, которое подписало 33 ходжи. В ЦИКе же тов. Ахун Бабаев это заявление, как политическое выступление шейхов, вместо рассмотрения его в ЦК и дачи срочных политуказаний, направил в Кокандской Окрисполком с резолюцией: «В 3-х дневный срок разобрать».

Хаким Зоде в Шахимардане, будучи уверен в том, что ему поддержка со стороны власти обеспечена, в особенности со стороны т. Ахун Бабаева, Алиходжаева, — темп со своей работы с каждым днем усиливал, как-то: организация артелей, коммун, строительство красной чайханы, орошение новых земель хашаром, организация бедноты и батрачества в Рабземлес и т.д Но никакой реальной поддержки, обещанный ему тов. Ахун Бабаевым, Алиходжаевым, не получил.

Тысяча рублей, обещанные Нач. Узводхоза — тов. Алиходжаевым, для рытья арыков по орошению Шалянг, не отпущены. Между прочим работа по рытью арыка хашаром Хаким Зодей была начата. На этом арыке работало около 300 чел. желавших устроиться на землю.

При отсутствии технической обработки этого канала и наблюдения, дело тянулось: не было никакого учета работы. В составе работавших было большое количество шейхов и ходжи. На почве отсутствия учета рабочего дня пошли споры и недовольство среди призванных к общественной работе.

Хамза Хаким Зоде вычистил ряди их от «склочных» людей около 60 чел., несмотря на то, что они больше месяца вкладывали свой труд, им не было уплачено. Это заставило их пойти лагер, враждебный Хаким Зоде.

Нужно сказать, что батрачество и беднота этого Шахимардана в классовом отношении не особенно твёрды, ибо почти все заражены религиозным фанатизмом. Есть батраки абсолютно безземельные, но в то же время пользуются время от времени доходом мазара, а поэтому они настолько же суеверны и религиозны, насколько и шейхи.

Неустойчивость в классовом отношении батрачества и бедности бесспорный факт. При опросе отдельных батраков, нам заявили, что «мы не предпологали, чтобы шейхи и ходжи напали на Хаким Зоде и убили бы его, ибо мы вместе с ходжи и шейхами под красными флагами праздновали революционные праздники. Все ходжи и шейхи советской властью были довольны».

Это говорит за то, что классовая борьба в Шахимардане, видимо, не велась местными органами советской власти, что ходжи и шейхи были довольны советской властью.

Таким образом, тот актив, на который опирался Хаким Зоде, при малейшем изменении обстановки был способен перейти во враждебный лагерь.

То обстоятельство, что Хаким Зоде усиливал с каждым днем наступление на экономическом и идеологическом фронте – фактически не имело никакой рельной поддержки со стороны хотя бы Алтарыкских партийных и советских организаций.

Поскольку Хаким Зоде бьется в-пустую, нет ему отклика с верху и обещания правительтва не выполняются, — то это, безусловно, способствало падению авторитета Хаким Зоде перед населением и перед его активом, а перед шейхами — в особенности, которые это обстоятельство благоприятнейшим образом использовывали.

Враждебный лагерь начал усиливаться. 10 ноября ходжи и шейхи, за подписью «108» в Алтарыкской РИК и Кокандский ОИК подали заявление следующего содержания:

«Хаким Зоде творит бесчинства, оскорбляет, угрожает арестом и высылкой, задевает наши религиозные чувства. Просим Хаким Зоде убрать. Пусть советская власть оценит кто дороже для нее — все население Шахимардана, или Хаким Зоде».

Это заявление поступило в Окрисполком 17 ноября и послано в Алтарыкский Райисполком для расследования, что было передано Нач. Милиции Таджиеву, последный, расследовав дело на месте, нашел заявление ни на чем не основанным, ложным, и привлек к ответственности вдохновителей этого заявления: Саид Ходжа, Исмаил Ходжаев, Хон Ходжаев, Али Хон, Ахун Ходжаев, Умар Алихон и др. и дело передал прокуратуре Ферг.участка. последный, продержав это дело до января м.ца 1929 г., в свою очередь, 15 января передал Следователю 7 уч., где оно также пролежало до 2 июня 29 г. т.е. почти 6 месяцев.

2-го июня это дело при № 562 затребовано Окружной Прокуратурой и приобщено к делу убийство Хаким Зоде.

Это говорит о том, насколько Алтарыкские власти, видя все положение в Шахимардане, отнеслись сугубо формально, не привлекая своевременно покушавшихся на жизнь Хаким Зоде и не предупредили об этом окружные органы.

В результате этого, организаторы убийства не были своевременно привлечены к ответственности, что способствовало более форсированному наступлению духовенства и привело к убийству Хаким Зоде 18 марта с.г.

Секретарь Алтарыкского Райкома и Пред. Райисполкома, в особенности Нач. Адмотдела — Таджиев — прекрасно знали об этом антисоветском движении среди шейхов, которое имело место с самого начала-пребывания Хаким Зоде в Шахимардане: 1. Заявление «33-х» ходжи, 2. Заявление «108» ходжи и 3.Заявление 13 ноября в мазаре имело место маленькое восстаное которое выразилось в выступлении против Хаким Зоде, с возгласами: «или мы, или Хаким Зоде...» При этом было сорвано постановление 8-го Пленума сельсовета, вывешенное на видном месте. При этом ходжи заявляли, что «мы не согласны с новым порядком, пусть советская власть не вмешивается в религиозные дела». Об этом сообщалось актом Алтарыкским властьям своевременно, но не было предпринято никаких мер.

4. В ночь с 13-го на 14-е ноября совершен был налет на квартиру Хаким Зоде, в целях убийства, но ввиду присутствия у Хаким Зоде посторонных, преступление не удалось.

5. 14 ноября группа шейхов и ходжи пришла в красную чайхану и заявила публично, что «мы с вашим Хаким Зоде хотим расправиться — или мы, или он»...

Хаким Зоде в это время не было.

Об этих двух фактах также 15 ноября соответствующим актом сообщено Алтарыкским организациям. Причем, ввиду усиления угрозы на жизнь Хаким Зоде со стороны ходжи, 14 ноября отношением Шахимарданского сельсовета за № 602 была затребована срочно охрана из вооруженных милиционеров.

16 ноября постановлением селькошчи перечислено было в списке 15-20 человек ходжи и шейхов, являющихся главными вдохновителями и непосредственными участниками движения против Хаким Зоде. Здесь же просили Алтарыкские власти принять меры к изолированию их в Шахимардане.

Все эти акты, сообщения, просьбы и постановления остались без внимания Алтарыкского Райкома, Райисполкома, Адмотдела и т.д.

Оказывается, секретарь Алтарыкского райкома — тов. Иса Ходжаев не только не боролся против шейхов, но даже сочувствовал движению шейхов против Хаким Зоде.

Представители шейхов — Али Хон Ходжаев, Умар Алихон, Ахун Ходжаев — бывшие работники сельсовета, потом ставшие противниками Хаким Зоде, постоянно были связаны с Иса Ходжаевым и Иса Ходжаев устраивал их на работу.

6. На районном съезде советов, в конце 28 года, Хаким Зоде выступал с критикой руководства Алтарыкских властей и Иса Ходжаевым это было встречено с большим негодованием. Иса Ходжаев лично Хаким Зоде заявил: «Кто тебя прислал, пусть тот тобой и руководит». И когда в защиту Хаким Зоде выступил никто, член партии Манапов, то ему Иса Ходжаев делал угрозы: «держи язык за зубами, ты человек приезжий, не вмешивайся в наши внутренные дела».

7. 12 марта, перед праздничным днем, секретарь сельсовета Хатамов, как член комиссии по борьбе с фанатизмом, со стены в главной мечети Шахимардана сорвал все священные писания, снял и выбросил молебные паласы, что сильно озлобило мусульман (правоверных).

8. 14 марта, в день праздника, муазин, призывающий мусульман к молитве, был арестован за призыв и отпущен на поруки по просьбе мусульман.

Комиссия по борьбе с фанатизмом принудительно привела женщин, стоящих за мазар, в красную чейхану. Все это делалось именем Хаким Зоде, что вызвало по отношению к нему бурю негодования и возмущений со стороны верующих и на квартире Хурама Халикова состоялось секретное совещание, направленное к уничтожению Хаким Зоде.

16 марта, за 2 дня до убийства, Гияс Ходжа Салахатдин Ходжиев о всех вышеизложенных фактах передал секретарю Райкома — Иса Ходжаеву и Нач. Адмотдела — Таджиеву, при этом заявил, что он очень боится, как бы по возвращении Хаким Зоде из Коканда не случилось серьезное дело.

Иса Ходжаев и Таджиев этот факт скрыли и даже Гияс Ходжа Салахитдин Ходжаев был задержан два дня в Алтарыке, благодаря чему он был лишен возможности довести до сведения самому Хаким Зоде о надвигающейся угрозе его жизни.

Есть очень много фактов, говорящих за то, что Хаким Заде, зная об усиливающемся сопротивлении против него со стороны шейхов и ходжи, писал об этом Кокандскому Окружкому, в ЦИК УзССР, Алтарыкскому Райкому и т.д. Есть в деле собственоручное заявление Хаким Зоде, написанное в Кокандкий Окружком. Однако, на положение Шахимардана особенного внимания никто не обращал.

Выступавшие же шейхи и ходжи все таки были уверены, что сопротивление Хаким Зоде не повлечет за собой карты, что они имеют связь также с властями: во-первых, С Алтарыкскими властями: Иса Ходжаевым и Абдувахаб Ходжаевым и во-вторых, с.т. Ахун Бабаевым и Али Ходжаевым, которые представители шейхов принимали и делали им обещания.

Гияс Ходжа Салахитдин Ходжаев — реформист, давно стремится реформировать мазар, он ранее предлагал свои услуги властьям относительно упорядочения сбора подаяния, путем установления разрешает, что подтверждается подписями и печатью.

**Пред. УИКа — Аминов**
**Секретарь — Абдурахманов»**
**М.П.**

18 ноября 26 г. За № 580 Алтарыкский РИК выдает удостоверение Салахитдин Ходжаеву, уполномачивающее его от имени РИКа в Шахимардан для наблюдения за порядком на мазаре, с предложением сельсовету оказывать ему всяческое содействие.

18 июня 1928 г. За № 1208 Алтарыкский РИК выдает тому же Салахитдин Ходжаеву удостоверение о том, что ему поручается наводить порядки в мазаре, не допускать бесчинства шейхов, участвовать при торгах базарных площадей наравне с представителями власти, с предложением сельсовету оказывать Салахитдину Ходжаеву всяческое содействие в осуществлении возложенных на него задач РИКом

**Подпись Абдувахаб Ходжаев.**

Салахиддин Ходжаев одновременно с полномочия и РИКа получает полномочия от диния назарата (религиозный общины в Маргелане), на предмет управления ключем махбара святого Шахимардана.

Маргеланский диния-назарата Алтарыкскому РИКу пишет:

*«Постановлением дини-назарата от 29 июня 28 г. Салахитдин Ходжаев назначается мутаваллей мазара Шахимардан. Нынешные мутавалли: Саид Ходжаев и Лангар Ходжаев уволняються, что подтверждается областным диния-назарат. Исполнение — передача ключа и имущества мазарат новому мутавалли — Салахитдин Ходжаеву – возложена на вас.*

***Перд. Духовного Управления Маргелана – мулла Муҳамеджан Таджибай Ходжаев.***
***Секретарь – Исматуллаев».***

И когда Салахитдин Ходжаев прибыл на мазар с вышеуказанными уполномочиями, то старые мутавалли (заведывающие) – Саид Ходжаев и Лангар Ходжаев – не подчинились указаниям диния-назарата. Получилась между ними драка. Тогда Пред. РИКа – Абдувахаб Ходжаев и секретарь РК партии – Иса Ходжаев специально прибыли в Шахимардан и примирили их на условиях очередного владения ключем мазара (по 10 дней каждый).

В октябре 28 г. Салахитдин Ходжаев подает заявление в РИК об уволнение его должности мутавалли и на его заявлении 4 октября Пред. РИКа накладывает резолюцию:

*«С уволнением Салахитдин Ходжаева с должности Зав.Мазаром согласиться».*

Таким образом, полнейшее смешение советской власти с духовенством является беспорным. Это подтверждается еще и тем, что Гияс Хожа Салахитдин Ходжаев ЦИКом 21 февраля 28 г. За № 8/790 по распоряжению т. Ахун Бабаева направлен был в Наркомздрав УзССР для использования его на работе в доме отдыха в Шахимардане, когда как этот Салахитдин Ходжаев является мутаваллей мазара, представителем прогрессивного духовенства и ни в коем случае не должен был допущен на работу по линии Наркомздрава.

Таким образом тов. Ахун Бабаев не только мягкотельничает по отношению к классовым врагам, но и со стороны его есть попытка служить им.

Тов. Ахун Бабаев и т.д. Али Ходжаев в августе 28 г. Прибыли в Шахимардан и установились в доме Музафарджон Мамаджонова, который является тестем известного курбаши, находящегося ны не в Афганистане на службе у Баче Сакао. Сам Музафарджон Мамаджанов является сыном бывшего волостного правителя (зажиточный элемент).

Проезжая через село Вуадиль, тов. Ахун Бабаев с Али Ходжаевым остановились в доме Хамракул Турсункулова, который повел т. Ахун Бабаева и Алиходжаева в дом известного кулака Топилды Амин Очилды Мурзаева.

Поскольку Пред. ЦИКа останавливается у указанных элементов, то это не может не иметь политического значения в глазах трудящихся масс – с одной стороны, — с другой – этими случаями очень удачно воспользовываются «гостепримные хозяева», укрепляя свое влияние в кишлаке.

Хамракул Турсункулова наеление именует «Хамракул Мингбаши» и когда бы ни приеҳал Ахун Бабаев, Алиходжаев, Ашуров и т.д. — он становится на службе у гостей: сопровождает, обслуживает, доставляя гостям кумыс, дич и т.д. Этим самым Хамракул Турсунов обогащает свое влияние в районе. Население района очень боится его и против него не выступает, ибо он имеет дело с высокими людьми (Ахун Бабаев, Али Ходжаев).

На самом деле, этот Хамракул Турсункулов имеет кулацкое хозяйство, не советский элемент; за время басмачества нажил очень большое богатство, имеет несколько домов, сараев, 4 жены. Но поскольку он служить советской власти. А советская власть не позволяет иметь больше одной жены, — он на его

иждивении и не выходят замуж. Связан с байством и кулачеством — Музафарджон Мамаджановым Мирза Пулат — Мирза Алиев, Хурам Ҳаликов (расстрелянный), Акбар Байбача Абдурахимов (осужден по убийству), Хаким Зоде, Тапильда Амин Очильди Мирзаев и рядом других. Близкая связь тов. Алиходжаева с Турункуловым установлена и сам т. Алиходжаев этого не отрицает.

Хамракул Турсункулов заявил нам, что он Ахун Бабаева и Али Ходжаева не угощает, а наоборот – они дают ему без счета деньги и он на их деньги делает покупки.

Однажды к отъезду гостей у Турсункулов оказался остаток денег – 25 руб. и когда он хотел эти деньги вернуть тов. Али Ходжаевым является неоспоримым фактом.

Этот самый Хамракул Турсункулов до 25 г. являлся прелседателем Чемионского Волисполкома и как не обеспечивающий классовой политики советской власти, а наоборот, являющийся вредным с точки зрения советской общественности, — был отсечен.

В 1927 г. на районном съезде советов, а присутствии Исраил Ходжа Али Ходжаева — уполномоченного по перевыборам советов – Хамракул Турсункулов был проведен в состав РИКа и назначен водным аксакалом Шахимарданской водной системы, от которой зависить жизнь всего дехканства бывшего Маргеланского уезда (ныне 4 района).

Таким образом, Хамракул Турсункулов оказался на наиболее ответственности посту классовой политики советской власти.

В бытность его водным аксакалом, начали появляться статьи в печати о реакционности Хамракула Турсункулова и уголовных преступлениях, после чего он был 18 октября 28 г. Снят и возбуждено было уголовное дело по ст. Ст.102, 141-142, каковое дело Нарсудьей 18 уч. — Джалиловым – было взято для ознакомления и дело по обвинению Турсункулова задержано было и оно у следователя 7 уч. Лежало до июня месяца, когда это дуло затребовано было Выездной Сессией Верхсуда и приобрещено к делу по убийству т. Хаким Зоде.

Тут нельзя не усматривать со стороны отдельных лиц попытки – сначала затянуть, потом прекратить дело. Не будь бы дела по убийству Хаким Зоде, дело на этого Хамракул Турсункулова, нужно полагать, было бы прекрашено, ибо на него ранее возбуждено было уголовное дело по обвинению его по ст. Ст. 113, 114, 116 и 142, но оно было затребовано Наркомюстом Газиевым и прекращено.

Таким образом еще раз и еще раз подтверждается факт круговой связи и поруки за Хамракул Турсункулова.

Выездная сессия Верхсуда, рассмотрев дело по убийству т. Хаким Зоде, совершила ошибку, заключающуюся в том, что недостаточно твердо поступила с Хамракул Турсункуловым, а также не привлекла к судебной ответственности руководителей советских организаций Алтарыкского района, которые являлись по существу дела сознательно способствовавшими убийству Хаким Заде [1]

* * *

**ВЫВОДЫ.**

Борьба с религиозным фанатизмом, выразившийся ввиде решения 8 Пленума Шахимарданского С/совета от 30/УШ-28г, которая была направлена к реформе внутренних и внешних распорядков святого Шахимардана, по существу является совершенно не советским методом антирелигиозной работы. Чистка рядов ходжей и шейхов, живущих доходом «святого Хазрат Али» от трудоспособных 40калетнего возраста, организация всех нетрудоспособных шейхов ходжей, сирот, вдов-в группу; установление нормы довольствия из расчета 15 руб. в ме-ц или 50 коп. в день каждому из доходов мазара, в вида подаяния; создание советской комиссии для исполнения указанного выше решения 8 пленума С/совета и т.д.- нельзя ни оценивать иначе, как буржуазно-реформаторским мероприятием, направленным к сохранению религиозного дурмана, путем очистки его к жизни, сохраняя в основном его авторитет.

Решение 8 Пленума Шахимарданского С/совета, обещание т. Ахун Бабаевым об хоз устройстве трудоспособных ходжей и шейхов при сдаче ими ключа в ЦИК лично тов.Ахун Бабаеву, и факт попытки Ахун Бабаева устройства на службу в строющемся Доме Отдыха бывшего мутавалли и мазара

[1] РГАСПИ фонд-62, опись-2, дело-1741, лист 246-252.

«Хазрат Али гр. Салахитдин Ходжаева – отношение ЦИК»а № 8/790 от 21/ П28г: этому же Салахитдин Ходжаеву дача разрешения на исправление и ремонт мечети и мазара «Хазрат Али» и «Хазрат маоз» тов. Али Ходжаевым, в бытность его Председателем, Ферг. ОИК»а Алимовым-председателем Маргеланского РИК»а –З/Ш 25г. № 580, Алтыарыкским РИК-ом от 18/XI- 26 г.№590 -18/IX-28г. являются достаточными фактами в доказательстве вышеизложенной оценки.

Тов. Ахун Бабаев и Алиходжаев не только не выполнили обещание Хаким Зоде о реальной поддержке в его работе по организации батрачества и бедноты, советизации Шахимарданской Долины, а наоборот-они одновременно обещали различного рода благотворения – хоз. устройство шейхов, ходжей и тем самым осложнили работу Хаким Зоде.

Работа т. Ахунбабаева и Алиходжаеа, так называемая «Борьба с религиозным фанатизмом », как серьезный участок идеологической борьбы, была начата ими вне партийного руководства и партийной установки, вследствие чего ими не только нарушена, но и извращена политика партии на антирелигиозном фронте, результатом чего явилась объективная служба их прогрессивному духовенству, отождествляющему религию Ислама с основами советской власти (см. заявление Миян Кудрат Хазрата и Мамаджана Асака), -а поэтому за такие действия указанье т.т. не могут не заслуживает партпорицания.

Остановка – ночевка т.т.Али Ходжаева и Ахун Бабаева в доме Музаффарджана Мамаджанова. тестя Куршермата и в Шахимардане и в доме Хамракула «мингбоши» – Турсункулова, в саду кулака Топилды Амин Очилды Мирзаева, — является не достойным представителей верховных органов советской власти, способствующим усилению влияния зажиточных и кулацких элементов кишлаке (см. доклад).

Кокандский Окружком не только политически не руководил антирелигиозной работой Хаким Зоде, давая ему правильные политические установки, - но из ряд писем и жалоб со стороны Хаким Зоде, адресованнных Кокандскому Окружкому, об усиливающейся вражде ходжей и шейхов против Хаким Зоде, оставлялись без должного внимания.

Статья К.Алиева в газете «Кзыл Узбекистан» №190 от 20/уш-28г., достаточно ярко характеризующая Алтыарыкские парт.и. сов. организации, как связанные с духовенством и тормозящие антирелигиозную работу, Окружкомом оставлена без внимания.

В результате-работа Хаким Зоде по борьбе с фанатизмом, с одной стороны, продолжалась без политического руководства парторганов и с другой – вражда духовенства против Хаким Зоде с каждым днем усиливалась, которая выражалась в периодических выступлениях ходжей и шейхов по существу против советской власти.

Алтыарыкские районные парт. и. сов. организации, в лице Секретарья Райкома КП/б/Уз. – Иса Ходжаева, Пред. РИКа – Абдувахаб Ходжаева, Нач. Адмотдела –т. Таджиева и др. в период от августа 28г. до марта 29г. фактически по делу убийства Хаким Зоде не только не руководили социально- культурными мероприятиями и антирелигиозной работой в Шахимардане, но скрыто сочувствовали стороне ходжей и шейхов, не приняв своевременно мер борьбы против антисоветских выступлений ходжей и не предупредив Хаким Зоде, в бытность его на Кокандском Окружном съезде советов о надвигающейся угрозе его жизни в Шахимардане. Наоборот поддерживали представителей ходжей, противников Хаким Зоде Алихана Хон Ходжаева и Умар Алихон Ахундходжаева.

Все это говорит за наличие явной причастности к убийству Алтыарыкских властей.

Несмотря на все это, Выездная Сессия Верховного Суда, под председательством Шарафутдинова, не привлекла к судебной ответственности Алтыарыкские власти, наряду с ходжей за их способствование убийству Хаким Зоде, а также за интимную связь с представителями ходжей и поддержку их.

Шарафутдинов не отрицает допущенную ошибку выездной сессии, несколько ссылаясь на плохого качества следственный материал.

Задержавшие дело о выступлении ходжей («108» и «33») против Хаким Зоде, тем самым способствовавшие убийству-Окропрокурор, Помпрокурора по Феруч. и нарследов. 7 уч. должны быть привлечены к судебной ответственности.

После убийства Хаким Заде и состоявш. Выездной сессии Верхсуда политическое положение не только в Шахимардане, но и во всем Алтыарыкском районе остается фактически не преломленным в

благоприятную для советской общественности сторону. Ходжи, обменявшие 4-х своих за одного Хаким Зоде, все таки считают себя идейно победившими, агитируя население о том, что расстрелянные являются жертвой святого Хазрат али Шахид, что такая смерть редко кому из мусульман удается, что все 4 расстрелянные гуляют и раю и могила Хаким Зоде шейхами усердно квалифицируется в «Красный большевитский мазар», куда отныне будут сезжаться коммунисты для поклонения Хаким Зоде и что мазар был один-стало два. Оказываются-похоронная комиссия из Коканда надгробную доску у святого Хазрат Али сняла и, перекрасив в красную краску, поставила на могилу Хаким Зоде. (Азимов) [2]

* * *

**Объед.Гос.ное политическое управление 19 Сентября 1929 года.**
**Секретарю ЦК ВКП(б) представитель Зеленскому. г.Ташкент. Алексеевский 5.**

Относительно местечно Шахимардан, считающегося одним из лучших климатических уголков Средней Азии. Существует предание, что его посетил Али (Шаих и Мардан — царь мужественных, храбрых зять Муҳаммеда; в силу этого Шахимардан Издавностал местом поклонения мусульман, поездка на поклонения являлась счастливым событием и сулиго благо на этом свете. Вокруг Шахимарданского мазара расположилось до 60 семейств шейхов, 4 ходжа, источником доходов коих до последнего времени были обильные пожертвование поломников. Весь этот паразитический элемент в период борьбы с басмачеством выступал против отрядов красной армии, причем в 22 г Ходжа и шейхи не остановились даже перед сожжением мазара, где укрылся и откуда оборонялся отряд красной армии в составе 50 чел. (мазар позже был вновь отсроен).

В августе м-це прошлого года будучи на пленуме Алтыарыкского РИКа т.Ахун Бабаев поставил вопрос о ликвидации мазара и превращении Шахимардана в место отдыха для трудящихся. Тут же было принято соответствующее постановление.

Несколько позже Ферганское обл.Ду также вынесло особое постановление о ликвидации мазара для реализации названного потановления РИКа была выделена комиссия во глове со специально привланным ЦК КП(б) Уз Хамза Хаким Зоде (безпартийный), которая стала называться комиссией по борьбе религиозными предрассудками в середине октября 1928 г.

Хаким Зоде созвал шейхов, как будто приняли заявление в ЦИК УзССР, где между прочим сказано – «мы великой радостью принимаем разоблачение нашей профессии, как профессиям недостойной людей и чтобы доказать на деле эту радость вручаем ключи от мазара ЦИКу».

Одновременно этим в ЦИК была направлена шейхами жалоба с просьбой воздействовать на Хаким Зоде, угрожающего арестом, выселением, вызоват красноармейских частей для разгона шейхов и т.д. Узнав об этом жалобе, Хаким Зоде потребовал от шейхов послать заявление и просить ЦИК об остановление их жалобы без последствий, а также направить в печать обращение, в котором шейхи признают свое занятие преступным, с точки зрения шариата. Шейхи заявили, что они готовы сделать все что угодно, но обращения в газету послать не могут. Это последнее требование Хаким Зоде особо отразилось на сгущений настроений населения Шахимардана.

В первых числах ноября Хаким Зоде собрал до 25-30 человек бедняков и батраков, выгнал из помещении мазара шейхов и пометил туда бедняков, калек народивых и пр.

Эта мера Хаким Зоде шум не вызвала.

Далее до марта м-ца Хаким Зоде продолжал оставаться в Шахимардане, принимая участие в работе сельсовета, где им был допушен ряд грубых ошибок настаивал на избрании председателья с/совета бывшего басмача Марджана, пред, артели батраков назначил Саиджан Маматханова, б. палач курбаши Алияра и т.д. вел себя вообще крайне нетактично в начале марта м-ца в связи с тем, что в мечеты около мазара Шахимардана группой милиционеров во главе с секретарем с/с Хатамовым и с ведоме Хаким Зоде накануне праздника Резказган были изорваны все молитвенники, приклейники и стенки мечети, был арестован посильный, который извещал ведующих о времени праздничного намаза, настроение в кишлаке, подогреваемое Шейхами Дадаходжаевым и Камал Ходжаевым, было чрезвычайно возбужденным. Нагласных собраниях шейхов и ходжа шли разговоры о ликвидации Хаким Зоде а бай Хамракул

[2] РГАСПИ. Фонд-62, опись-2, дело-1741, лист-251-254

Турсункулов (б.басмач амин курбаши Алияра, предволревкома) из сметно кишлака вудрил постоянно находившийся в связах с шейхами, прислал им прямое указание через своего джигита о необходимости убийства Хаким Зоде таким образом значительная честь рядовых шейхов и бедняков их этой прослойки были отработано а гловари ждали только повода для террористического акта. 18.III.с.г. Хаким Зоде решил окончательно покончить с мазаром и послал туда группу батраков во главе с секретарь с/с Хатамовым, кои стали занимать бунгуки из полского волоса и ликвидировать релликвим. У видя это, мусульманин выходи на защиту мазар, защитить от батраков и Хаким Зоде на крики у мазара быстро собралось толпа до 300 человек, которая начала избивать Хатамова и батраков, одновременно обезоружиев милиционеров, услышив крики, Хаким Зоде направился к мазару где был захвачен и зверски убит.

В это время бои мишенцы и шейхи, разнигая толпу, говорили: «Отныне борьба с советской властью и коммунистами должны вестись беспощадно, где появиться открытая женщина – убивать ее. Вещать тех, кто входит в артели» и т.д.

После убийства Хаким Зоде толпа разгромила красную чайхану, уничтожила литературу и портреты вождей, а затем направилась в кишлак Вуадиль заявить районным влсатям об убийстве по дороге в Вуадиль были направлены делегаты Турсункулову, который на сообщение об убийстве Хаким Зоде ответил: «Очень хорошо сделали, жаль, что не убили ещё одного». В Вуадиле толко была рассеяна милицией и возвратилась в Шахимардан.

Хаким Зоде похоронен на противоположной стороне мазара, это место им было указано ещё при жизни и самим отмечено красным флажком. Для устройства могилы была разобрана до основани одна кирпичная гробница мазара.

Здоровая часть батрачества бедняков и середняков после убийства Хаким Зоде на своем собрании где присуствовало до 200 чел. Приняло постановление: «просить власть но составлять в Шахимардане ни одного духовника, выслаить всех, а замещанных в убийстве наказать самым строгим образом.»

По Шахимарданскому делу привлечено к ответственности 54 человека, из них 38 из шейхов, ходжа 4 лиц духовного происхождения, 16-дехкане. Из каких 9 бедняки, батраки, 7-середняки: все обвиняемые за необщим исключением, пользовались долей пожертвовании на мазаре.

Как предварительны так и судебн следствием установлено, что с первых чисел марта велась организованная подготовка принадлежала баем и лищенкам из шейхов и ходжа.

Судебный процесс произведена сессией Верхсуда в сел. Вуадиль и длилься около трех недель (с 1 по 20 VI) на процессе присуствовало до 800 чел. дехкан из разных кишлаков, настроение коих было вполне благоприятное для нас. Батрацкие и женорганизации Алтыарыкского района являлись на процессе организованно и требовали сурового наказания выновных.

На ряду с этим в некоторых кишлаках района отмечены попытки духовенства организовать коллективное заявление в суд артелей и дехкан с требованием оправдательного приговора участником волнения и убийства Хаким Зоде. Этой попытки, однако, успеха не имели.

Сессией Верхсуда приговорены 9 чел. к расстрелу, 4 чел. к 10 годам со строгой изоляцией, 12 чел. к 5 годам, 18 чел. к высынке из пределов УзССР, 7 чел. и высылке из пределов Ферганской округа, 4 чел. оправданы.

Среди батраков и беднейшего дехканства отмечено недовольство пригоором в отношении некоторых обвиняемых и особенно Хамракул Турсункулова (приговорен к высылке на 5 лет); некоторые батраки заявили, что Турсункулов — злейший враг революции и Соввласти, с самого начало вел актив борьбу в рядах басмачества и является одним из главных инициаторов Шахимарданских волнения, несмотря на это, его почти оправдали, что объясняется, большим влиянием его не только на местных сов. партработников, но и на некоторых представителей центральный власти.

Сколь нибудь существенных откликов на Шахимарданские события в других округах не отмечена.

**Начальник секретно-оперативного управления**
**ПП ОГПУ в Средней Азии. (Каруцкий)**
**Подпись начальник Круковский [3]**

[3] Российский Государственный архив социально-политической истории (РГАСПИ) фонд-62, опись-2, дело-1815, л-41-42.



# МУСУЛМОН МАДРАСАЛАРИ **СОВЕТ КУЧ ИШЛАТИШ** ОРГАНЛАРИ НИГОҲИДА

***Ўзбекистонда советлар ислом дини ва мусулмон руҳониятига қарши сиёсат олиб борган. Шу маънода ислом дини ва маданиятига ходимлар етиштирадиган мадрасалар режимнинг куч ишлатиш органлари назорати остида бўлган ва бу ҳужжатлар 1937-38 йилларда руҳоният ва зиёлилар вакилларининг қатағон қилинишида асос бўлиб хизмат қилган. Улардан бири биринчи марта эълон қилинмоқда.***

**СРЕДАЗБЮРО ЦК ВКП(б) тов.Зеленскому**
**О СОСТОЯНИИ ГОРОДСКИХ МЕДРЕСЕ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**На 1-ое декабря 1928 г.**

В течение ряда последних лет все наиболее известные в Узбекистане медресе либо были закрыты под тем или иным предлогом, либо закрылись связи с разъездом мулла-бачей и прекращением субсидий медресе со стороны баев-покровителей. Здания большинства этих медресе стали частью госуд. и общ. организаций, или сдаются местхозами под квартиры гражданам.

**Коканд.** В Коканде положение медресе совсем иное, — здесь занятия производятся в 6-ти медресе, в коих обучается 315 мулла-бачей (в начале учебного 1927-28 г. Было 400 мулла-бачей). Национальный состав мулла-бачей в Коканде: узбеков — 238, таджиков — 59, прочих — киргизы, казаки и каракалпаки — 18; возрастной состав мулла-бачей; - от 15 до 40 лет. Из общего числа мулла-бачей прибывших из разных районов Ферокруга насчитывается 135, городских — 105, остальные 75 прибыли из разных районов республик в Ср. Азии Более половины мулла-бачей проживают при медресе (никакой арендной платы с них не взимается), остальные – приходящие. Наибольшей известностью (и по количеству муллабачей) пользуется медресе «Бакаул» (75 чел.), руководит коей известный мударрис из Бухары Бока Ходжа. Социальный состав муллабачей: дети торговцев, духовенства, зажиточных дехкан бедняков незначительный процент...

**...Маргелан.** Функционирует 13 медресе (часть из них полуразрушены) с числом мулла-бачей — 174, все узбеки; проживают при медресе 54 (аренды не платят), остальные — приходящие. Прибывших из кишлаков округа 71, городских (Маргелан) — 45, остальные 58 не установлены. Социальный состав мулла-бачей таков: 45% дети дехкан середняков, бедняков и кустарей, остальные — крупных торговцев, баев и духовенства.

В гор. Фергане имеется одно медресе, в коем обучается 10 мулла-бачей, из них 4 городских, 6 из кишлаков.

**Андижан.** Так же, как и в Ферганских городах, здесь функционирует ещё большое число медресе. В настоящее время ведутся занятия в 11-ти медресе, кроме того, один мударрис производит обучение на дому; мулла-бачей насчитывается 218 (в прошлом году было 652), из них узбеков – 185, таджиков 18, кашгарлыков — 15. Большинство мулла-бачей – жители города (112), из кишлаков округа – 89 (в прошлом году было 257), из других округов – 17. По социальному происхождению большинство мулла-бачей сыновья баев, торговцев, зажиточных кустарей. На дому ведет занятия мударрис ШАМСУТДИН ТЮРЯ, у коего обучается 19 мулла-бачей. Возрастной состав мулла-бачей от 16 до 40 лет.

**Наманган.** Занятия производятся в 3-х медресе, мулла-бачей в них — 20; на дому производят обучение 11 лиц, обучается у коих 339 мулла-бачей. Всего стало быть, в Намангане занимаются 359 мулла-бачей, все узбеки, из них 344 жители города, лишь 15 – из кишлаков. В прошлом году в наманганских медресе обучалось до 200 мулла-бачей, в нынешнем же 359, увеличение числа мулла-бачей огромное. Отчасти это объясняется следующим. Недавно в Намангане умерли два известных мударриса (они же ишаны) Муҳамед Хан Тюря и Сабидхан Тюря; их ближайшие ученики – наследники авторитета патронов – организовали у себя каждый в отдельности на дому обучение мулла-бачей и таким образом вместо двух медресе названных мударрисов занятия ведутся у 7-ми лиц. Социальный состав в Намангане мулла-бачей тот же, что и в Андижане…

… Таким образом, в городах Узбекистана (без Хорезма) функционирует 40 медресе, в коих обучается 817 мулла-бачей; у отдельных мударрисов на дому занимается 488 мулла-бачей. Из общего числа мулла-бачей (1.305) в г.г. Ферганского и Андижанского округов обучается 1.095, функционирует медресе 34. Национальный состав мулла-бачей: узбеков — 1.161, таджиков-84, казаков-44, кашгарлыков-16. По социальному происхождению среди мулла-бачей превалирует элемент зажиточный и байский (сыновья торговцев, духовенства, баев, крупных дехкан). Из всего числа мулла-бачей горожан-780, прибывших из кишлаков и других округов-525. Основная масса мулла-бачей состоит из лиц от 20 до 35 лет. Между прочим, обращает на себя внимание относительно большое число мулла-бачей и из казахов.

Как видно из приведенных данных, в округах Ферганском и Андижанском готовятся те новые кадры духовенства, которые должны заместить стариков. Хотя из года в год и наблюдается значительное снижение числа мулла-бачей в отдельных медресе, общее же число их в Фергане и Андижане остается стабильным. Такое положение медресе объясняется отсутствием сколь-нибудь серьёзной работы парт. и сов. органов в названных округах. Правда, в прошлом году в Андижане они на летний период были официально закрыты, но чёткой регламентации нет. Неосновательным является тот взгляд, что медресе ещё имеют поддержку среди населения в Андижане, например, главный мударрис города Мулла Кабул не мог получить «приговора» (для представления в адморганы) на открытие своего медресе не только от населения, но даже от духовенства и заручился лишь «приговором» от десятка-другого мулла-бачей. Неверным является и то положение, что поскольку НКП не может ещё охватить своей школьного возраста, вопрос о медресе не следует радикально решать, медресе охватывает отнюдь не лиц школьного возраста и в них не преподается грамота, а изучаются только «священные книги» и уже с грамотными людьми.

Изложенные данные, а также отсутствие серьёзной работы по борьбе с очагами мусульманского богословского образования в Ферганском и Андижанском округах в значительной мере объясняют ту тягу духовенства в указанных округах какую мы наблюдаем, в частности, в Бухаре и Самарканде. Эти духовники оседают не только в городе, но прочно устраиваются и в кишлаке .

ПП ОГПУ в СРЕДНЕЙ АЗИИ (БЕЛЬСКИЙ)
НАЧ ВОСТОТДЕЛА (ДЬЯКОВ)[1]

* * *

***Бу ҳужжатлар Р.Шамсутдинов томонидан Москвадаги Россия ижтимоий-сиёсий ташкилотлар тарихи давлат архиви (РГАСПИ)дан олинган ва шарҳланган.***

[1] РГАСПИ. 62-фонд, опись-2, дело-1725, лист 93-94

# ОТРЫВКИ ИЗ ВОСПОМИНАНИЙ **ГАФУРА ХАЙДАРОВА**



Мой отец
Мирхайдар аксакал Сангинов,
1916 год

Семья Мирхайдара аксакала Сангинова была раскулачена и её члены в 1931 году высланы на Северный Кавказ. В ссылке трагически оборвалось жизнь главы семьи. Осиротевший Гафур воспитывался в детском доме, учился в русской школе. После возвращения из ссылки в родном Худжанде окончил среднюю школу, поступил в вуз, стал аспирантом САГУ, защитил кандидатскую, затем докторскую диссертации, получил звание профессора, заведовал кафедрой истории госпединститута в Худжанде. Он стал одним из крупнейших учёных в области истории Таджикистана, подготовил много кандидатов и докторов наук, написал и опубликовал около 1000 научных работ, статей, брошюр, монографий, учебных пособий и учебников по истории Средней Азии, в том числе и Таджикистана. Он удостоен звания «Заслуженный деятель науки Таджикистана», стал почетным гражданином Худжанда.

Большой научный и общественный интерес представляют его труды, такие, как «Былое и думы», «Моя стезя», «Альма-матер (мои воспоминания)». Профессор Г.Хайдаров имел тесные научные контакти с представителями науки зарубежных стран, в том числе и Узбекистана, сотрудничал с учёными Андижанского университета. Так, он был одним из членов редакционной коллегии 3-х томника «Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылки, 1929-1955 гг». Документы и материалы. Т. I-II-III Сост: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов. Под. Ред. Д.А.Алимовой: Ташкент: Шарқ. 2006.»

Вдумчивый, талантливый учёный одним из первых опубликовал в печати рецензии на труды андижанских учёных – Р.Т.Шамсутдинова, Б.М.Расулова, А.Мамаджанова (Правда о кривде. Рецензия на монографию Рустамбека Шамсутдинова «Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун». «Суғд» №14. 2004. 7 апреля; «Судьба соотечественников, сосланных на Северный Кавказ». Суғд № 27, 2005. 6 июня).

Редколлегия «Водийнома» сочла необходимым опубликовать на страницах журнала отрывки из его воспоминаний, которые имеют важное воспитательное значение.



Профессор Гафур Хайдаров

...Точно не помню, но где-то в конце лета 1931 года отца отправили по этапу. Строго предупредили, чтоб с собой вещей много не брали, а запас пищи должен был хватить на неделю. К дому подали двухколёсную кокандарбу, и мы нагрузили в неё наши пожитки, а над ними устроились сами: отец, брат, сестричка и я.

Многие плакали, а старшая сестра Мухаррамджон рыдала и рвала на себе волосы. Отец упавшим голосом обратился к собравшимся словами прощания, и сказал им, что Бог милостив, он защитит нас, мы, надеемся, что вернёмся и наши глаза встретятся друг с другом. Омин, Оллох Акбар!

В этот скорбный миг прощания Мухаррамджон, разорвав милицейское оцепление, прыгнув, как разъяренная львица на арбу, схватив крошку Хайринисо, прижав её к груди, оттолкнув прочь милиционера, побежала в сторону базара что есть мочи. Один из конвоиров побежал за ней, но не догнал. Таким путем моя сестричка спаслась от раскулачивания.

Между прочим, я очень сожалею, что так получилось. Безмерно дорого обошлась ей свобода. Если бы Хайринисо поехала с нами, то не оборвалась бы столь трагично нить её жизни, о чём уже шла речь.

Нас отвели на железнодорожную станцию, чтобы отправить на место ссылки — Северный Кавказ. Арбы со спецпереселенцами разгружались около ворот огромного хозяйственного двора Исписарского хлопкового ширката (товарищества), расположенного метров 200-300 от станции. (Это сооружение до сих пор стоит на своем месте). Мы оказались вне навеса, поэтому жутко пеклись на солнце. Несчастный отец, посадив нас по бокам, слегка обняв нас руками, молча плакал, из его глаз катились слёзы. Я никогда до этого не видел отца плачущим, поэтому мне стало жутко грустно. Эти печальные мгновения жизни настолько врезались в мою детскую память, что тот пятачок в хозяйственном дворе, где мы сидели с отцом 73 года тому назад, мог бы показать, закрыв глаза. Так мы томились почти до наступления сумерек. Никого из родственников, которые толпились у ворот, часовые к нам не пускали.

Восток, как известно, вещь тонкая, здесь свои нравы и понятия. Если прикажут снять у провинившегося тюбетейку, то сноровистый чиновник, ради выслуги перед своим начальством, постарается снять её вместе с головой. Так, ходжентские пришебеевы настрого запретили прощание родичей с переселенцами. Ведь в России все делалось по-человечески. Вспомним эпизод прощания хуторян Гремучего Луга со ссылным, описанный Михаилом Шолоховым в его романе «Поднятая целина». Вся деревня, стар и млад, выстроились вдоль дороги, на которой стояли телеги с раскулаченными. Все сельчане плакали, ибо им было жалко и тяжко расставаться с людьми, с которыми их связывали вековые корни дружбы, родства и соседства. Они махали им вслед платками в знак прощания до тех пор, пока обоз с лишенцами не скрылся с глаз.

К вечеру со стороны Ферганы прибыл специальный поезд со спецпереселенцами. Нас в сопровождении конвоя и пешей милиции подвели к перрону, а затем разместили по вагонам. Процедура отправки ходжентских спецпереселенцов по этапу захватывающе изложена в романе устода Рахима Джалила «Пулод и Гулру».

Поезд был товарный с железными решетками на окнах и постоянно запертыми на запор дверьми. С целью экономии площади, из досок были построены два яруса, каждый из которых был битком набит людьми.

От тесноты, темноты, духоты и смрада «пассажиры» изнемогали до предела. Нас ожидала далёкая дорога в неведомые края.

Через трое суток мы прибыли в Красноводск. Нам предстояло переплыть Каспийское (Хазарское) море.

После разгрузки с вагонов, под присмотром конвоиров, нас повели к причалу, где поджидал нас громадный, как гренландский синий кит, паром-корабль с невероятно большой открытой пастью – воротами, расположенных на весь киль судна. Людей с их поклажей стали запихивать в необычной величины трюм парома. Отцу удалось договориться с капитаном и мы устроились на палубе.

***(Продолжение следует)***

# МУДҲИШ ХОТИРАЛАРДАН **БИР ЛАВҲА**



Кимёхон Ашурова



Ўринбой Ашуров

*1925 йили мен фарғоналик лочин йигитлардан бири Ўринбойга турмушга чиқдим. Ўша пайтда у киши Марғилон шаҳар партия қўмитасининг иккинчи котиби эдилар. Кейинчалик, 1927-28 йилларда Андижон округ партия қўмитасига масъул котиб бўлиб ишга юборилдилар, ВКП(б) Марказий қўмитасининг Ўрта Осиё бюроси аъзолигига номзод бўлдилар. 1929-30 йилларда ВКП(б) Марказий қўмитаси ҳузуридаги марксизм-ленинизм курсида ўқидилар. Курсни тамомлагач, 1931-32 йилларда Ўрта Осиё жамоа хўжаликлари маркази – Средазколхозцентрнинг раиси, ВКП(б) Ўрта Осиё бюроси партиявий ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари, 1933-34 йилларда маданият ва пропаганда бўлими мудири бўлиб ишладилар. 1936 йилда эса Москвага ВКП(б) Марказий Қўмитаси аппаратига ишга чақирилиб, масъулиятли вазифаларда хизмат қилган. Сўнгра тажрибали партия ходими сифатида Тожикистонга юбориладилар. Аввалига Тожикистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби, сўнгра биринчи котиби лавозимида хизмат қилади.*

*Ўринбой Ашуров республикада коллективлаштириш ва маданий инқилоб йилларида қилган хизматлари учун Меҳнат Қизил байроқ ордени билан мукофотланган.*

*Ана шу ўн бир йил Ўринбой аканинг ҳам, менинг ҳам ҳаётимизнинг энг бахтиёр йилларимиз эди.*

*Бундан кейинги азоб-уқубатда ўтган кунларимни кўз ёшларсиз эслай олмайман. Ишонгим келмайди-да. Бир кечада гап-сўзсиз уларни ишдан олишди. Қандай ўктам, эл-юртнинг белига қувват бўладиган одам эдилар-а. Бир кечада «халқ душмани» дея қамоққа ташлашди. Шу мудҳиш куннинг эртасигаёқ НКВД ходимлари уйимизга бостириб киришди. Китобларини, суратларини, кийим-кечакларини сочиб-топтаб, олиб чиқиб кетишди. Уч гўдагим этагимга маҳкам чирмашиб олишган, юраги сезганми, менга қарата: «Уларга айтинг, дадамни олиб келишсин», деб зорла-*

*нишарди. Менинг тилим эса гунг, нафратга тўлган кўзларим кўр бўлиб қолганди, бамисоли. Ўша кундан бошлаб бизни оч-наҳор қолдиришди.*

*Бир неча кундан сўнг бизни аравага ўтказишиб, кўч-кўронимиз билан аллақаёққа жўнатиб юборишди. Қайноқ кўз ёшларим яхдек юзимга оқиб тушаркан, овозим титраб, аравакашдан сўрайман: «Тоғажон, қаёққа олиб бораяпсиз бизни?» деб.*

*У эса жим, гўё оғзига толқон солиб олгандек. Ниҳоят, бизни бийдай дала ўртасида қурилган хароба шийпонга олиб келди. Юкларимизни тушириб, хайр-хўшсиз отига қамчи босди.*

*Ҳалол, адолатли одамдан халқ ҳеч қачон юз ўгирмас экан. Чор атрофдан: «Ўринбой Ашуровнинг оиласи кўчиб келибди», дея одамлар хабар олишаверди. Бирлари хоналарни тартибга келтирган, бирлари танча қуриб берган, бирлари ўчоқ қуришга уринган... Ўшанда одамларнинг яхшилигига жавобим фақат йиғи эди, холос. Тез кунда қайнонам, онам, акаларим бошимизга тушган мусибатдан хабар топишиб, етиб келишди.*

*Бир куни қишнинг узун тунларида эримнинг ёрдамчиси Ананъев келиб қолди. Мен эримдан хушхабар келтирибди ёки унинг ёнига олиб боради, деб ўйлаб, машинасига 10 ойлик қизчам Клара билан чиқиб олибман. Ахир унинг ташрифи юрагимнинг тубида тутаб ётган умид учқунларини алангалатиб юборган эдида. Афсуски, у қамоқхонага етиб келганимизда боламни қўлимдан юлқиб олди-да, мени ичкарига киритиб юборди. У ёғига нима содир бўлганини эслай олмайман. Фақат темир панжараларга чирмашиб йиғлаганларим, «боламлаб» фарёд урганларим, Ананъевни бор овозим билан қарғаганларим ёдимда қолган.*

*Ранги захил турма бошлиғининг: «Сен халқ душманининг хотинисан. Эрингнинг аксилинқилобий фаолиятини совет ҳукуматидан яширгансан!» деган тахдиди ҳали ҳам ёдимда. Қамоқхонада кўрган азоб-уқубатларимни айтишга юрак дов бермайди.*

*Ҳар иккита аёлга биттадан каравот. Мен «меньшевичкалар» билан бирга юрардим. Орамизда Лиза исмли аёл бўлиб, жуда зийрак, кўп нарсани билгувчи эди. У: «Сизларни совуқ Сибирь ўрмонлари кутаяпти», деб бизни жисмоний жиҳатдан тарбиялашга киришди. Яъни, ҳар куни бадантарбия: совуқ сувда чиниқиб, оғир машқлар билан шуғулланардик.*

*Орадан икки ярим йил ўтди. Шунча муддат мен қизларимнинг хаёли билан яшадим. Уларни бир марта кўрсам, дийдорларига тўйсам, кейин майли, ўлсам-да, армоним йўқ, дер эдим. Бир куни қамоққа янги аёл келди. У тўсатдан:*

*— Ўринбой Ашуровнинг хотини ким? – деб сўради.*

*Унга тикилиб туриб юрагим «шиғ» этиб кетди. У эса бамайлихотир сўзларди:*

*— Қизингнинг исми Клерамиди? У болалар уйида ўлиб қолибди!!!*

*Бундан-да азоблироқ, мудҳишроқ хабар борми она учун?!.*

*Кўз олдимни зулмат қоплади, гўё. Кўрган тушларимни эсладим...*

*Кларани дадаси олиб кетмоқда эди. Мен уни чақирардим: «Кетма, қизим, кетмагин, онангни ташлаб кетма! Ахир эмизикли эдинг-ку!!» Қара, кўксимга сутларим тўлиб кетди!!!*

*Ўзимни қўлга олиб, бир оздан сўнг эримни, қизларимни суриштира бошладим. Чор-атрофдан совуқ хабарлар келтиришарди: «Ўринбой отувга ҳукм қилинган», «Халқ душманларининг фарзандлари учун алоҳида етимхона очилган», «Қизларингиз ўша ерда!!!».*

*Аёл жоним бундай зулм, хўрликларни кўтараверib, метин тошга айланди. Бизни Красноярск ўлкасига жазо муддатини ўташга юборишди. Кетар вақтида болаларимдан бир яхши хабар келармикан, дея бағрим эзилди. Билсам, акам Мирзараҳмон (илоҳим жойлари жаннатда бўлсин) Роза билан Динарани ўз тарбиясига олибди. Шундан кейин кўнглим хотиржам бўлиб, узоқ-узоқ ўлкалардан уларга хатлар ёзишга аҳд қилдим.*

*Красноярскка етиб келганимизда, қор гупиллаб ёғиб турарди. Мен Енисей дарёси бўйида бир чол билан кампирнинг уйида ижарада тура бошладим. Ана ўшанда отамнинг талаби билан ўрганган ҳунарларим жуда асқотди. Тикувчилик ҳунарини яхши билганим учун дарё яқинидаги посёлкада бадиий тикувчилик цеҳига ишга кирдим. Кундузи ишчилар, болалар кийимларини тикаман...*

*Одамзод бахтга ҳам, байрамга ҳам, аза-ю мотамга ҳам кўникавераркан. Мен ҳам пешонамга ёзилган тақдир туфайли ўзга юртларда, ўзга миллат аёллари билан бир дастурхондан туз-намак тотиб яшадим...*

*Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида, 33 ёшимда Фарғонага омон-эсон қайтиб келдим. Шаҳарнинг уруш нафаси кезган, бироқ осуда кўчаларидан ўтиб бораяпману хаёлимда минглаб, балки миллионлаб қатағон қилинганлар орасида қизалоғим, бегуноҳ фарзандим Кларанинг руҳи оппоқ кабутар мисоли учиб юргандек бўларди. Энг аянчлиси шуки, мен унинг совуқ дийдорини хам кўрмадим, эҳтимол, у тирикдир, деган ўй-хаёл ҳамиша кўксимни кемираверди...*

**Мазкур эсдалик «Тарихнинг номаълум саҳифалари. Илмий мақолалар. Ҳужжат ва материаллар, хотиралар. Учинчи китоб»-дан олинди.( Тошкент. «O'zbekiston» 2012. 266-268 бетлар)**



**Владимир Сергеевич Трубецкой**
(1892-1937)
Сурат Андижон турмасида олинган.

## АНДРЕЙ ВЛАДИМИРОВИЧ ТРУБЕЦКОЙ

**Россиянинг XVI-XX асрлар тарихида катта из қолдирган князлар Трубецкойлар сулоласининг сўнгги авлодларидан Владимир Сергеевич Трубецкой ва унинг фарзандларининг Андижоннинг 30-йиллардаги тарихига оид хотираларидан айрим лавҳалар келтирилмоқда.**

**Аввало ўша Трубецкойлар авлодида князлар, рус сиёсий, ҳарбий арбоблар, дипломатлар, генерал-фельдмаршал, сенатор, генерал-поручик, губернатор, 1812-йилги Ватан уруши қаҳрамонлари, декабристлар, рус диний файласуфлар, публицистлар, ёзувчилар, хуқуқшунослар, Россия империяси давлат кенгаши аъзоси, генерал-майор, контр-адмирал, генерал-лейтенант, император соқчилари командири лавозимида хизмат қилган элу-юртга машҳур бўлган кишилар борлигини таъкидлаш лозимдир. Ана шундай князлар, дворянлар авлодига мансуб Владимир Сергеевич Трубецкой ва қизи Варвара 1934-йили қамоққа олиниб Андижонга сургун қилинган. Ўша йили аёли Елизавета ва 6 нафар болалари ҳам Андижонга келишга мажбур бўлишган.**

**В.С.Трубецкой Андижонда балет студиясида мусиқачи қилган ва ресторан кафесида тапёрлик (рақс кечаларида пулга пианино ёки баян чалиб созандалик қилиб) тирикчилик қилган.**

1937-йил 30-октябрда НКВД Андижон бўлимида В.С.Трубецкой ва қизи Варвара отиб юборилган, ўғли Григорий 10 йил концлагерга ҳукм этилган, қизи Александра лагерда вафот этган, аёли Елизавета Владимировна 1943-йили қамоққа олинган, 1 ой ўтиб Москвадаги Бутирка турмасида вафот этган. Тўртинчи ўғли Андрей 1944-йили қамоққа олиниб 10 йил муддатга Жезказғон лагерига ҳукм этилган, 1955-йили реабилитация қилинган, МГУни битирган, 1961-йили номзодлик, 1971-йили докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Умрининг охиригача (2007-йил 27-октябр) СССР медицина фанлар академияси кардиология марказида лаборатория мудири бўлиб хизмат қилган.

Қуйида А.В.Трубецкойнинг Андижоннинг 30-йиллардаги тарихига дахлдор қимматли эсдалигидан айрим лавҳаларнинг ўзбекча таржимаси берилмоқда. Мазкур эсдаликлар Р.Шамсутдинов, А.Исҳоқовлар таржимасида Рустамбек Шамсутдиновнинг «1937-1938 йилларда қатағон қилинган андижонликларнинг ҳасратли қиссаси» (Тошкент; Янги сар авлоди, 2014.) китобида берилган.

# АНДИЖОНДАН МАКТУБЛАР

**(«Хотиралар» туркумидан. 1934-1939 йиллар)**

1934 йилнинг баҳорида ҳукм чиқарилиб отам 5 йил, катта опам Варя эса 3 йил муддатга Ўрта Осиёга, Андижон шаҳрига сургун қилинди. Ўшанда шундай алғов-далғовли замонлар эдики, отамни тез-тез қамоққа олишарди-да, кўп ўтмай яна қўйиб юборишарди. Бу галги қамалиши эса сургун билан якунланди. Отамни нега қамоққа олишганини сўрашнинг ўзи мантиқсизлик эди. Варяни эса Москванинг Трубниковский тор кўчасида яшовчи қайлиғининг уйида «қўлга олишди». Аслида бу ерга улар ўша йигитни қўлга олиш учун келишган. Отамнинг қамоқда ўтирганини билишиб, опамни қўйиб юборишади. Балки янглишаётгандирман. Отамнинг Андижонда туриб Владимир Голицинга ёзган хатини ўқигач, менда шубҳа пайдо бўлди. Чунки отам Варянинг қайлиғи анойилардан эмаслигига ишора қилганди. Бу сўзларнинг ортида нима яширинганини англай олмадим.

Кейинроқ кучда бўлган тартиб-қоидалардан фарқли ўлароқ отам ва опамни сургунга оддий йўловчи поездининг умумий вагонида олиб кетишган. Икки нафар назоратчи эса уларга яхши муносабатда бўлган. Загорскдаги уйимизга улардан қувончли, янги таассуротларга лиммо-лим тўлган қисқа откриткалар кела бошлади. Мана улар:

...Андижон деган шаҳар борлигини мен биринчи марта отам ва Варянинг хатларидан билиб олгач, шу заҳотиёқ мактаб дарслигидаги харитадан Ўрта Осиёни, Ўзбекистонни қидириб топганман. Айтиш қийин бўлган географик номлар энди ўзининг мўъжизалари билан уйғунлашган ҳолда бор ҳақиқатга айланаётган эди.

Шу йили мен мактабнинг 6-синфини муваффақиятли тамомладим. Июнда биринчи марта жорий этилаётган синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари ўтказилиши керак эди. Имтиҳонлар бошланмай кетаётганлигим сабабли энди уни кузда, янги жойда топширишимга тўғри келади. Перронга бизни кузатиш учун чиққанлар орасида икки кишини, онамнинг акалари Вовик ва Никс тоғаларни яхши эслайман. Бошқа кузатувчилар ҳам бўлган, лекин улар ёдимда сақланиб қолмабди. 8 ёшдан 19 ёшгача бўлган болалар қуршовидаги ориққина аёл, унинг қаппайган қорни, бир олам тугунчалар, эзилиб кетган чемоданлар: буларнинг барчаси ташқаридан қараган одамнинг дарров эътиборини тортарди.

Шу вақтгача мен поездда «қуён» бўлиб фақат Москвага борганман. Загорсклик болаларни қаҳрамонлик даражасига олиб чиққан ушбу саёҳатларимизда ҳам йўл қисқа эмасди. Шунинг учун узоқ йўл мен учун ғоятда қизиқларли бўлди. Бир томонлама чўзилган поезд йўли, кичик разъездларда қарши томондан келаётган поездни ўтказиб юбориш учун кутиб туришлар, Сасова станциясидаги сочига танга тақиб олган хотинлар, ястаниб ётган Волга кенгликлари, буларнинг барча-барчаси мен учун қизиқарли эди. Самарада нохуш воқеа рўй берди: 12 ёшли синглим Ирина поездан қолиб кетди. Эрталаб эди, онам уни нонуштага қайноқ сув олиб келишга жўнатади. Ирина лиқ тўла темир чойнакни келтирганида онам унинг қопқоғи йўқлигини кўради. Одатда бундай арзимаган нарсаларга унчалик эътибор беравермасди. Бу сафар негадир уни топиб келишни буюрибди. У пастга тушиши билан поезд силжий бошлайди. Онамнинг кўзи пастда чопиб келаётган Иринага тушади. Лекин поездни тўхтатиб бўлмасди. Мен ухлаб қолган эканман, ғала-ғовурдан уйғониб кетдим. Тўнғичимиз Гриша Самарага қайтиб, бизнинг ортимиздан синглимизни олиб борадиган бўлди. Самарадан анча узоқда бўлган келгуси бекатда у қарши йўналишдан келаётган поездга ўтирди. Воқеъликлардан олдинга ўтиб шуни айтмоқчиманки, улар биз ўйлагандек эртасига эмас, балки бир неча кун ўтгандан кейингина бизга етиб олишди. Отам ҳар куни Москва поездини кутиб олишга чиқарди. Улардан эса дарак йўқ. Кутилмаганда ўзлари ховлимизга кириб келишди. Ирина қўлига ўша қопқоқни маҳкам ушлаб олган эди. Гриша уни станциянинг милиция бўлими олдидаги скамейкада йиғлаб ўтирган ҳолатда учратганини гапириб берди. Милиционер уни юпатаётган экан. Асосий йўналишдаги поездларда жой йўқлиги сабабли улар айланма йўллар орқали келишибди. Пули тугаб, саҳий йўловчиларнинг мурувватидан баҳраманд бўлишибди.


Трубецкой Андрей
Владимирович
(1920-2002)
Москва

Самарадан кейин вагон ойнасидан чексиз саҳролар, тепаликлар кўзга ташлана бошланди. Баҳор бўлиб, чор-атроф лолақизғалдоқларга бурканган эди. Ерга худди қирмизи мато тўшалгандек эди. Бир ёқлама йўл ҳудди илон изидек чўзилгандан-чўзилиб кетганди. Разъездларда эса қарши йўналишдаги поездни кутиб узоқ туриб қолардик. Заҳира йўлда «Ичимлик суви» деган ёзуви бор цистерналар тизилиб турарди. Туялар кўзга ташлана бошлади, уларнинг айримлари ҳатто поезднинг остида қолиб кетишди. Қозоқлар вагонларга сотиш учун қовурилган гўшт олиб чиқишарди. Мана бу жойда эса Орол денгизи мавжланиб турибди (айтишларича ҳозир денгиз қуриб, поезд йўлдан 50 километрча узоқлашиб кетган, ўшанда биз уни аниқ кўрган эдик). Қизил Ўрдада бизни қовурилган балиқ билан сийлашди. Деярли шаҳарнинг ёнидан Сирдарё оқиб ўтади.

Бир куни эрталаб туриб, уфқнинг ортида ҳудди саробдек товланаётган қорли тоғларга кўзим тушиб, ханг-манг бўлиб қолдим. Тошкентга яқинлашганимиз сари саҳро ўз ўрнини ям-яшил дала ва боғларга бўшатиб берарди. Тошкент вокзалида эшитилган бегона сўзлар хайратимни оширди. Вагонда биринчи марта ўзбек йўловчилар пайдо бўлишди. Уларнинг ичида ёши анча улуғ кўринган киши ўз онасидан катта қалин эвазига кимнингдир синглисини олиб беришини илтимос қиларди.

Ойна ортида томи теп-теккис бўлган лойли уйлар, пахса деворлар, кўриниши шамга ўхшаб кетадиган узун тераклар, қалин дов-дарахтлар, картошка экил-

ган майдонлар сингари тизилиб турган пахтазорлар қалқиб турарди.

Ниҳоят Андижонга етиб келдик. Акам Володка билан (оиламизда ҳаммамиз бир-биримизнинг исмимизни айтиб чақирамиз - Володка, Серёжка, Андрейка, Иринка) ким биринчи бўлиб отамиз билан кўришишга бахс боғлашдик. Мен поезднинг бир томонидан, акам иккинчи томонидан қарайдиган бўлдик. Отамни биринчи бўлиб Володка кўрди, сабаби вокзал у томонда экан. Хаяжонли учрашув. Ана шу учрашувни ҳозир худди қалин туман ортида тургандек элас-элас хотирлайман. Унинг опаси, тоғамиз Поль Бутеновнинг хотини Маша холанинг ўлими ҳақидаги ҳабар унинг қувончини дархол сўндирди. Улар Париж атрофида катта оила бўлиб яшашган, биздан ўз ёрдамларини сира аяшмасди. Бу нохуш ҳабар йўлга чиқишимиздан аввал Загорскда эканлигимизда бизга етиб келган эди.

Вокзалдан бизга ажратилган уйга жазирама иссиқда пиёда қандай етиб борганлигимизни эслай олмайман. Отам ва Варя келмишимиздан олдин Эски шаҳардаги Қизил карвон кўчасида истиқомат қилувчи Мирзаев фамилияли ўзбекдан уйининг ярмини ижрага олишган экан. Отам маҳаллий ресторандаги кичик бир оркестрга жойлашибди, Варя ҳам ўзига мос иш топган экан. Ўрта Осиёнинг барча шаҳарлари Фарғонадан ташқари икки қисмга – Эски ва Янги шаҳарга бўлинган. Андижон ҳам худди шундай жойлашган экан. Биз ўрта минтақадан келиб, жойлашиб қолган бу янги дунёни бироз таърифлашга ҳаракат қиламан.

Эски шаҳар бошдан-оёқ икки чети пахса деворлар билан қопланган қинғир-қийшиқ кўчалар, маҳаллалар, тор кўчалардан иборат. Уйларнинг биронтасига ҳам дераза ўрнатилмаган. Бу ерда яшовчи маҳаллий аҳоли деразани фақат ичкаридан очишга одатланган экан. Ховлилар эса мевали дарахтларга тўла. Улар пахса деворларни ҳам қоплаб олган. Катта кўчалар ёқасига ариқлар чиқарилган бўлиб, уларда лойқа сув оқиб туради. Кичик кўчаларда ариқлар йўқ. Улар ховли оралаб оқиб, айрим жойлардагина кўчани кесиб ўтади.

Мана, отамнинг Загорскка юборган яна иккита хати:

23 апр.

Суюкли онажоним! Кеча белгиланган жойга етиб келиб, озод бўлдик. Москвадан боришда унчалик қийналмадик. Назоратчиларимиз яхши одамлар экан. Дастлаб Тошкентга олиб келиб, марказдаги раҳбарларга таништиришди. У ерда бир суткани изоляторда ўтказдик. Шундан сўнг янги назоратчилар (улар ҳам яхши одамлар) ҳамрохлигида кечаси Андижонга кириб келдик. Кеча эрталаб бизни тилхат ёздириб озод қилишди. Умуман олганда энг қулай шароитда қизиқарли экскурсияни амалга оширдик, десам ҳам бўлади. Маҳаллий раҳбарлар бизга яхши муносабатда бўлишди. Шаҳар турар-жой маҳкамасида квартира олиш учун бизга қоғоз беришди. Шаҳар таъминотида эса 400 грамдан нон олиш учун карточка ажратиб, ошхонага бириктириб қўйишди. Бу ерда 2 рублга яхшигина тушлик қилиш мумкин. Хизматга жойлашишим учун ёрдам беришяпти. Бир ҳафтадан кейин квартира беришадиган бўлди. Шунинг учун кеча кун бўйи ижарага уй қидирдик. Фақат кечга борибгина Эски шаҳардаги ўзбеклардан икки хонали, усти текис ёпилган, пахсадан қурилган, тагига тупроқ тўлдирилган уйни ойига 20 рублдан ижрага олдик. Озода, лекин бутун Ўрта Осиёда бўлганидек мебеллари йўқ. Бугун эса бозордан макапоядан тўқилган каттакон бўйра сотиб олдик. Уни ерга тўшаб шарқона ўтирибмиз. Уйнинг эгаси ёқимтой одам, шоир. Лекин унда европача маданият етишмайди. Бугун яна 15 рублга эски примус, 4 рублга керосин чироқ сотиб олдим. Ишни театр оркестрида 20 майгача бошлай олмас эканман. Чунки ижодий жамоа Қўқонда сафарда, фақат бир ойдан кейин қайтади. Ресторанда ҳам дарров иш бошлай олмайман. Шофёрлик қилиш мумкин. Бу ерда автомобиллар кўп, ойлиги эса оз – 155 рубль. Бунинг учун аввал...(давоми йўқолган).

...Одамлар кўп ўтадиган катта ариқ бўйидаги қайрағоч тагида албатта чойхона бўлади. Ёғоч сўриларни эса сувнинг устига қуришади. Ўзбеклар эски гилам тўшалган ана шу сўриларда ўтириб олиб кўк чой ичишади.

Эски шаҳар бир қаватли уйлардан иборат катта майдонни эгаллаган. Шаҳар аста-секин пахта далалари, боғ ва узумзорларга уланиб кетади. Бу ерда масжидлар кўп, уларнинг айримларида миноралар бўлиб, кечки пайт мулла пинғиллаган овозда ҳаммани номозга чақиради. Минораси йўқ масжидлар ўрта миёна кўринади. Улар оддий ўзбек уйига ўхшатиб қурилган бўлиб, битта баланд ва кенг хонадан иборат. Олдида эса ёпиқ айвони бор. Эски шаҳарнинг марказида энг катта масжид жойлашаган, лекин у ёпиқ эди. Илгари бу ерда диний илмлар ўргатиладиган билим юрти бўлган. Икки қавватли ушбу масжид кўплаб иморатлардан таркиб топган (хужра ёки синфлар бўлиши мумкин) бўлиб, тўрт бурчак



шаклга эга. Ховлининг ўртасида баланд минора турибди.

Янги шаҳарда европача уйларни учратасиз, улар ҳам бир қаватдан иборат. Кўча ва йўлакларга шағал ётқизилганлигини, салқинлигини ҳисобга олмаганда эътиборни тортадиган бошқа жиҳатлари йўқ. Янги шаҳарнинг асосий кўчаси ҳисобланган Ленин кўчасининг бир томони вокзалга, иккинчи томони черковга бориб туташади. Унга радиоузел ўрнатишган. Шаҳарда бундан ташқари яна битта черков бор. Асосий кўчада магазинлар кўп. Юқорида айтганимдек Фарғонадан ташқари Ўрта Осиёдаги барча шаҳарлар мана шундай бўлинган. Чунки Фарғона XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё истило қилинганидан кейин қурилган европача шаҳар ҳисобланади. Революцияга қадар шаҳар истилочи Скобелев номи билан аталган. Фарғона – боғ ва ўрмонлар шаҳри ҳисобланади. Шаҳарга кириб борар экансан фақат дов-дарахтларга кўзинг тушади. Йўлларнинг икки четига бир неча қатор қилиб дарахтлар экилган. Ҳар бир ҳовлида боғ мавжуд. Айтмоқчи, Ўрта Осиёликлар ёмон кўрадиган Скобелевнинг номи Болгарияда ҳурмат-эҳтиромда. У болгарларни турклардан озод қилган. Софияда унинг от минган хайкали турибди. Ўша пайтда Андижон 70 минг аҳолиси бўлган анча катта шаҳар эди. Бу ерда бир нечта пахта заводи, катта ёғ заводи (чигитдан ёғ олинади), грензавод (ипак қурти кўпайтирилади) фаолият кўрсатади. Яна бу ерда пиво заводи, механика устахоналари, совунгарлик заводи мавжуд. Шаҳар боғларида беш-олтита ёзги кинотеатр, яна икки ёки учта ёпиқ кинотеатр бор. Эски шаҳардаги хиёбонларнинг бирида ўзбек театри, унга яқин жойда замонавий маданият ва истироҳат боғи жойлашган. У ҳақда кейинроқ сўз юритамиз.

Эски шаҳарнинг энг кўзга кўринган жойи – бу бозор. Бутун бир квартални эгаллаган бундай бозорларда товарлар аралаш холда сотилади. Расталарга нафақат сотувчилар, балки ҳунармандлар ҳам жойлашган. Уларнинг жойлашуви қатъий тартибда, тайёрланадиган махсулот турига қараб амалга оширилган. Темирчилар, мисгарлар, косиблар, дўппидўзлар ўз буюмларини шу ернинг ўзида тайёрлашади. Рўмол ва тўн сотувчиларни кўп учратасиз. Пичоқчилик ҳам ривожланган. Пичоқ эркаклар кийим-бошининг ажралмас бир бўлаги бўлиб, у тўғри ва эгик холда тайёрланади. Узунлиги 15-30 сантиметр бўлиб, теридан тайёрланган қинга солиб қўйилади. Бу ерда сотиладиган нарсаларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Кулолчиларнинг иши экзотик манзара касб этган. Бу ерда оддий рўзғор буюмлардан ташқари баландлиги бир метрдан зиёд сопол кўзалар тайёрланади. Бозорда чойхона ва ошхоналар ҳам аралашиб кетган, уларда енгил тамадди қилиб олиш мумкин. Бошқа егуликларга ҳам алоҳида жойлар ажратилган. Буларнинг барчаси шаҳарнинг кундалик қайноқ ҳаётини белгилаб берарди. Жума куни (мусулмонларда жума биздаги якшанба каби муқаддас ҳисобланади) да эса бозор ўзига хос байрамга айланиб кетади. Айниқса ёз мавсумида боғлар, томорқалар, узумзорларда пишиб етилган сархуш мева, полиз махсулотлари билан тўлиб-тошади. Уларнинг ҳаммаси ерда, тоғораларда, пақирларда сотилади. Танлаган нарсангизни доналаб ҳам, тўп ҳолда ҳам сотиб олишингиз мумкин. Баъзан тортиб беришади. Тарозилари эса жуда оддий: ипга боғланган иккита палланинг ўртасига ёғочдан шайин ўрнатилган. Қадоқтош ўрнига оддий тошлардан фойдаланишади. Ўлчов бирлиги эса рубль (бир сўм): бир сўмга икки кило, бир сўмга беш кило, бир сўмга ўн дона ва ҳоказо. Шафтолиларнинг хилма-хиллигини айтмайсизми! Улар ранги, шакли, ҳажмига кўра бир-биридан фарқ қилади. Этик ёғининг идишидек келадиган сап-сариқ рангдаги анжирдан бол томиб туради. Бозорда булардан ташқари олича, жийда,

тут, ўрик, пиёз, саримсоқ пиёз, картошка ҳам сотилади. Қовун ва тарвузга алохида жойлар ажратилган. Улар бутун кўча бўйлаб чўзилиб кетган. Мен янглишганим йўқ, чиндан ҳам улар бутун бир кўчани эгаллаб олган. Сабаби ушбу маҳсулотлар икки ғилдиракли араваларда олиб келинади. Ғилдираклари икки метрли айланадан иборат, уларни туташтириб турувчи ўқнинг устига ёғоч сўрича жойлаштирилган. Ундан иккита шоти чиқиб туради. Аравакаш отга миниб, оёқларини шотига тираб ўтиради. Янги келтирилган қовун ёки тарвуз туширилиши билан дарров савдо-сотиқ авж олиб кетади. Бўшаган аравани эса отдан ажратиб, шотисини тепага қилиб қўйишади. Унинг панасига қовун-тарвузларни жойлашади. Ҳатто аравакаш ва сотувчи ҳам араванинг тагида иссиқдан жон сақлайди. Бундай бўшаган аравалар бутун кўча бўйлаб саф тортиб, ажиб бир манзара касб этади. Кечаси устига ялпиз ташлаб қўйилган қовун-тарвузлар муздек бўлгани учун уларни қанчалик кўп бўлмасин дарров талаб кетишади. Уларни шу ерда сўйиб ейишга ҳам одатланишган. Бунинг учун ёш болалар ва қизалоқлар араваларнинг орқа томонидаги қуруқ ерга гиламчалар тўшаб, қовун емоқчи бўлганларга пичоқ таклиф қилишади. Улар фақат пўчоғи учун шундай қилишади. Чунки уй ҳайвонлари учун у яхшигина озуқа ҳисобланади(айтмоқчи хайвон тезагидан ёқилғи сифатида ҳам фойдаланиш мумкин). Эски шаҳарда қовунни тиликлаб, одам кўп юрадиган чанг кўчаларда ҳам сотишади. Уйларнинг дарвозаси олдига табуреткаларни қўйиб, устига қовун сўйиб қўйишганини кўп кўрганман. Биздаги қишлоқ кўчалари бўйида олма ва картошка сотилгани сингари, сотувчи чақиришингиз захоти дархол уйидан чиқиб келади.

Расталарнинг яна бир қаторида сақич сотилади. Улар икки хил бўлиб, сариқ рангдагилари қимматроқ. Қора рангдагиси эса бирмунча арзон.Уни оғзига солиб, мазза қилиб чайнашади. Агар чайнаш жонига текса, бирон жойига ёпиштириб қўйишади, кейин яна фойдаланиш учун. Энг харидоргир бўлган қалампир сотувчилар ҳам бир четкадан жой эгаллашган. Тўқ зангори рангдаги, нам ва юмшоқ, ҳар бири гугуртнинг учидек юмалоқ шаклдаги нос чекимлиги ҳам ўта харидоргир. Улар пештахталарга уюм қилиб тўкилади. Кашандар белбоғининг орасидан носқовоқ чиқариб, сотиб олган чекимликни дарров унга жойлаб олишади(ўзбеклар белбоғни битта ёки иккита қилиб боғлашади, уларнинг орасига кўп нарсаларни жойлаш мумкин). Киши хумор бўлганда кафтини очиб, унга ушбу чекимликнинг чой қошиғи миқдоридагисини ажратадида, тилининг остига ташлайди. Нос чеккан одам тили қисилганлиги сабабли сал қийналиб гапиради. Чекиб бўлгач, нос қолдиғини тупуриб ташлайди. Носни ўзбек аёллари ҳам чекишади. Одамлар гавжум жойларда бошқа яни бир чекимлик билан савдо қилишади. Бу - чилим. Уни бир марта ичига тортиши 20 тийин, шу сизга кифоя. Ошқовоқдан тайёрланган бўйи 40 сантиметрли бўш идишнинг ярмини сув билан тўлдиришади.Тепадан солинган қамишнинг ичига тамаки тўлдирилиб, иккинчи учи сувнинг тагига туширилади. Ошқовоқнинг ёмбошидан яна бир найча ўтказилади. Ундан чиқаётган тутунни чуқур нафас олган холда ичига ютишади.

Бу ерда сотилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ: қошни бўяйдиган хина, ипга ўтказилган кумушранг новвот. Бозорда турли тоифадаги одамларни учратиш мумкин. Ахён-ахёнда эркак кишининг худди аёлларникига ўхшаган баланд қичқириғи эшитилиб қолади: «Яшанг бодринг!» Русча сўзларни ҳам эшитиб қоласиз: «А вот паловина сахар, палавина мед!» Буларнинг барчаси одамлар шовқинига, эшакларнинг ханграшига қўшилиб кетади. Бозорда нон, нўхат, аччиқ-чучук сотаётганлар ҳам шунча. Кимдир қозондаги ҳозиргина дамланган паловни мақтайди. Катта хажмдаги самоварлар қўйилган чойхоналардан ташқари ошхонага ўхшаш жойлар ҳам бор. Бу ерда қалампир ўта кўп қўшилган лағмон сотишади. Унинг ҳамирини ўзига хос тарзда чўзиб, шу ернинг ўзида тайёрлашади. Қалин ҳамирни тинмай урғилашади. Сўнг ундан сомса ва нон тайёрлашади. Тандирга асосан ғўзапоя ёқишади. У кам тутайди. Бозорда фол очувчиларни ҳам учратасиз. Салқин ерга сартарош жойлашиб олган. У кимнингдир сочини қирар экан ҳатто энг оддий гигиена қоидаларига ҳам амал қилмайди. Байрам кунлари бозорда дорбоз ва кўзбўямачилар пайдо бўлди. Дорбозларнинг кичик оркестри бор экан.Унинг мусиқий асбоблари най, икки метрли узун карнай ва барабандан иборат. Эски шаҳардаги катта бозордан ташқари Андижоннинг Янги шаҳарида «Янги бозор», Янги ва Эски шаҳар чегарасида «Пиён бозор» ҳам фаолият кўрсатади. Уларнинг алоҳида бир хусусияти бўлмасада, «Пиён бозор»нинг нега бундай номланганлигини сира тушунмадим.

Ўша пайтда шаҳар транспорти асосан усти очилиб ёпиладиган аравалар(извошлар)дан иборат бўлган. Уларнинг «Пиён бозор»да паккаси бўлиб, учала бозор ўртасида ҳаракатланишарди. Извош тўлгунича ҳамма йўловчилар кутиб турарди. Битта-яримта одам

етмай қолса, извошчи бақира кетади: «Эски шаҳарга бир киши!» ёки оддий қилиб: «Эй, бир киши!» Руслар негадир ушбу транспорт туридан кам фойдаланишарди.

Бозорда эса одам ва юк ташишда асосан эшшаклардан фойдаланишади. Ушбу жониворнинг чидамлилигига тан бермасдан илож йўқ. Уларнинг бирига ўта семиз эркак паранжи ўраган хотини билан миниб олибди. Устига-устак хуржунда анчагина юк бор. Эшак буларга парво ҳам қилмай, бир маромда юриб боряпти. Ўша кезларда хотинлар паранжи ёпинишарди. У аёлнинг юзи ва бутун гавдасини ўраб туриши керак бўлган. Унинг ичидаги аёл ёз кунида қанчалик куйиб-ёнишини тасаввур этиш қийин эмас. Шунинг учан пана жойга етганда паранжининг тўрини орқага ташлаб, юзини очишади. Биронта эркак кўриниши захоти юзини қайта яшириб олишади.

Шуниси қизиқки, ўзбекларнинг эркаги ҳам, аёли ҳам чўкка тушиб ўтиришни ёқтиришади. Биз ижрада турган уйнинг эгаси ҳам ховлини чўккалаган холда супуради. Бунга одатланишгани табиий хол. Чунки ўчоқда овқатни чўккалаб тайёрлашади, хотинлар билан кўчада гаплашишганида ҳам чўккалаб олишади. Йўлда кетаётиб ер чанг ёки лой бўлгани сабабли чўккалаб нафас ростлашади. Ҳозир ҳам метрода айрим шарқона одамларни учратганимда, тирбандликдан чарчаб чўккалаган холда дам олаётганига кўзим тушиб қолади. Отам ресторанда ичиб олган ўзбеклар ўзини назорат қила олмай дастлаб бир оёғини, сўнг иккинчисини ҳам стулга чиқариб олишганини кўп кўрганман дейди.

Уй шароитида аёллар юзини яширмайди. Агар йўлнинг нариги бетидаги қўшнисиникига чиқиши керак бўлиб қолса дарров бошига рўмол ёки нимча ташлаб олади, юзини эса ликоп ёки патнис билан тўсиб олади. Ён қўшнилар ўртасидаги деворга кўча орқали кирмаслик учун декча очиб олишган. Бундан ташқари ховлида юрган ожизага тўсатдан бегонанинг кўзи тушмаслиги учун кириш дарвозасига кўндаланг равишда пахса девор урилган. Юқорида Эски шаҳарда кўча томонга очилган биронта ҳам дераза йўқлигини айтиб ўтган эдим. Шаҳарни кесиб ўтган темир йўлининг асоси баланд кўтарилган. Унга яқин бўлган ховлиларнинг биридаги кўча девори устига қўшимча қилиб қамиш бўйра ўрнатишибди, вагонда бораётган йўловчиларнинг кўзи тушмаслиги учун. Бироқ холисона айтиш керакки, ўттизинчи йилларда аёллар орасида, айниқса шаҳарликлар ичида паранжи ёпинганлар унчалик кўп эмасди. Эркак ва аёллар дўконларда алохида навбатда туришарди. Диний нуқтаи назардан келиб чиқиб эмас, балки ўзининг миллий анъаналарига бўлган ҳурмат-эътибори туфайли ҳам улар шундай қилишган. Фақат темир йўл кассаларидагина ўзбек аёллари навбатда туришмасди. Шунда рус аёллари уларни хақорат қила кетишарди. Кўпроқ ёши катта рус кишилари ўзбекларга нафрат кўзи билан қарашган. Маҳаллий аҳолининг маълум қисми уларга ана шунга яраша жавоб қайтаришарди.

Ўзбек аёллари содда кийинишган. Уларнинг эгнида гулли матодан тикилган кўйлак, лозим, бошида гул солинган ёки сийдам дўппилари бўлган. Сочларини ўриб юришган. Қулоқларига сирға тақишарди. Ўсма қўйилган қошлар бир-бирига туташиб кетарди. Эркакларнинг кийиниши ҳам ажабланарли эмасди: оддий иштон, яктак, чопон ва дўппи. Чопонлари асосан йўл-йўл, турли хил ранглардан иборат. Бир хил тусдагисини кам учратасан. Дўппи эса асосан қўлда тикилади, тўртта катта гули бор. Дўпписидаги гулларнинг фарқига қараб, у кишининг қайси шаҳардан эканлигини билиб олиш мумкин. Рангли, гиламли дўппилар ҳам бор. Гиламли дўппиларни асосан тожиклар кияди. Чопонни белидан битта ёки иккита белбоғ билан боғлаб олишади(ўзбеклар бойлигига қараб иккита чопон кийиши ҳам мумкин), ёнбошида эса чарм ғилофга солинган пичоқ осилиб туради. Оёғига таг чарми дағал бўлган этик ёки махси кийиб юришади. Айрим холларда фақат калиш судраб юришганини ҳам кўрасиз. Товонига наҳал қоқтирилган оддий этиклар кам кўринади. Эркаклар чопоннинг ичидан яктак кийиб олишади. Иштонлари эса калта, тўпиғидан келади. У икки бўлак матодан тикилган бўлиб, «П» ҳарфини эслатиб туради. Бундай иштонлар думбани яшириб туради. Ўзбекларда орқасини чиқариб юриш айб ҳисобланган. Улар ҳатто ҳаммомда ҳам авратини ёпиб юришади.

Ўзбекларнинг яна бир характерли жиҳатига тўхталмоқчиман. Улар гулни, айниқса атиргулни яхши кўришаркан. Кўча ва бозорларда, қишлоқларда қулоғига ёки дўпписининг тагига атиргул қистириб олган чолларни кўп учратиш мумкин. Бу жуда ҳам таъсирчан кўриниш.

Андижон Фарғона водийсининг шарқида жойлашган, унинг атрофида Фарғона, Қўқон, Марғилон, Наманган, Жалолобод, Ўш ва бошқа бир қанча йирик посёлкалар бор. Қишлоқларни айтмай қўя

қолай. Тупроғи ниҳоятда унумдор, суви эса мўл. Фарғона водийси бошқа жойлардан кескин ажралиб туради, уч томони тоғлар билан ўралган. Жанубда олис ва ҳамиша оппоқ қор билан қопланган Олай тоғ тизмаси чўзилиб кетган. Унинг шакли катта тишлари бор аррани эслатади, шаҳар четидаги тепаликлар ортидан ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Тоғ тизмасигача камида 150 километр йўл босиш керак. Шимол ва шимолий-шарқда бироз яқин, ёзда чўққисидаги қорнинг тез эришига қараганда унча баланд бўлмаган Фарғона тоғ тизмалари мавжуд. Унга ўрик оппоқ бўлиб гуллаган маҳалда қарасанг кўм-кўк осмон фонида ажиб манзара кашф этади. Бизнинг ўрта полосамизда бундай кўм-кўк осмон йўқ, унда ёрқин тунги юлдузларни ҳам учратмайсиз.

Фарғона водийсидан Қорадарё ва Норин дарё оқиб ўтади. Улар водийдан чиқишда қўшилиб Сирдарёга айланади, Андижон эса сой бўйида жойлашган. Сой жуда тез оқади. Бироқ, йўл-йўлакай, ариқларни сув билан таъминлаб, шаҳардан чиқишда арикча холига айланади ва пахта далалари ичида йўқ бўлиб кетади. Андижоннинг янги шаҳари четидан бошланадиган Билдин(ҳозирги Навоий проспекти) тўғри Эски шаҳарга олиб боради. У ёйдек текис, узун, кенг, икки чети қалин тераклар билан қопланган. Мазкур кўча янги шаҳардан сўнг Ўшга, ундан сўнг Помир ва Хоротга олиб борувчи катта йўлга қўшилиб кетади. Шунинг учун бўлса керак, баъзи пайтда Билдин кўчасидан туялар карвони ўтиб қоларди. Ана шундай карвонлардан бирида пахта юкланган элликта туяни санадим. Олдинда эшак минган соқолли киши борарди. Охирги туянинг бўйнига қўнғироқча илинган бўлиб, унинг овози карвоннинг бехатар келаётганини англатарди. Ёки Билдин кўчасида яна бошқача манзаранинг гувоҳи бўлиш мумкин эди. Икки учта ўзбек ранг-баранг ёки бир хил тусдаги шойи матони келтириб, уларни дарахтлар орасига илиб чиқарди. Сўнг уларни хивич билан савалаб, орасидан маълум қисмини ажратиб олишарди.

Биз мана шундай биз учун бегона бўлган янги бир дунёга кириб қолгандик. Буларнинг барчасини батафсил таърифлашимдан мақсад, мана шу дунё биз учун бир умрга ҳам ширин, ҳам аччиқ хотира бўлиб қолди. Андижонда 1969 йилда бўлганимда, бу ерда кўп нарса ўзгарганлигини кўрдим. Мамлакатнинг, халқнинг, унинг турмуш-тарзининг бутун бир ўзига хос хусусиятлари ўчиб кетгандек туюлди. Бу ерликларнинг ҳаёт тарзи умумиттифоқ аҳамиятини касб этган эди. Ушбу жараённинг амалга ошиши табиий хол эди. Уруш йиллари Марказий Осиёга кўплаб одамлар ва заводлар кўчирилди. Бу ерда авж олган пахта якка ҳокимлиги боғ ва полиззорларни, шолипояларни қисиб чиқарди. Пахта бу ерлик ахоли учун чинакам офатга айланди. Пахта асосан машинада йиғиштириб олинади. Бунинг учун дастлаб ғўза баргларини тўкиш керак бўлади. Шу сабабли пахта даласига заҳарли дорилар сепилган. Бугунги кунда бу пахта етиштирувчи республикаларнинг энг оғир нуқтасига айланган. Англияда саноат инқилоби даврида «қўйлар одамларни еди», деган ибора пайдо бўлганди. Бу ерда эса одамларни пахта нобуд қилмоқда. Айни пайтда қуриб бораётган Орол денгизи муаммоси ҳам бор. Айтишларича, ёз мавсумида Сирдарёнинг суви унга етиб бормайди. Чунки унинг суви пахта далаларига тақсимланиб кетади. Амударёнинг тақдири ҳам бундан мустасно эмас. Шунга қарамай, Амударёнинг ирмоқи ҳисобланган Вахш дарёсига улкан Нурэк ГЭСини қуришди. У Бутуниттифоқ қурилишига айланган эди. Сувни баланд дамба билан тўсиб қўйишди, натижада узунлиги ўнлаб километрни ташкил этган улкан кўл пайдо бўлди. 1984 йили мен у ерда бўлдим (ўша йили Душанбада навбатдаги физиологлар анжумани ўтказилди. Мен унда қатнашдим ва бизни Нурекка олиб боришди). Бизни кичкина пароходда сув омбори бўйлаб сайр қилдиришди. Бир неча куб километрдан иборат сув Орол денгизига етиб бормай тоғда қолиб кетаркан. Вахоланки Вахш тоғларига қурилган кичик гидростанциялар каскади ҳам ана шунча миқдордаги электр энергиясини бериши мумкин эди. Йўқ, бизга Бутуниттифоқ қурилиши керак деб айтишади. 1969 йили мен илгариги бозорларни кўрмадим. Маҳаллий аҳоли энди Европа усулида кийина бошлаган эди. Миллий кийимлар эса анча соддалашибди. Янги чопонлар фақат бир хил рангдаги матодан тикилган. Дўппилар эса жонсиз машиналар чокидан чиқаётган эди. Ижобий ўзгаришларни ҳам кўрдим: шаҳарга водопровод олиб келишибди. Пахсадан қурилган эски маҳаллаларни бузиб ўрнига замонавий уйлар қуришяпти, йўлларга асфальт ётқизишяпти. Андижонда энди тиббиёт институти ва бошқа бир қатор олийгоҳлар бор. Бу ерда яшаган руслар анча камайган. Андижон бошқа Ўрта Осиё шаҳарлари сингари кўп миллатли. Унинг туб аҳолиси ўзбеклар ва кам миқдордаги Бухоро жўҳидларидан таркиб топган. Қолганлари, яъни руслар, украинлар, татар-

лар, арманлар келгиндилар ҳисобланишади. 1935 ёки 1936 йилда бу ерда корейслар пайдо бўлишди. Уларни Узоқ Шарқдан мажбуран кўчириб келтиришган. Бу Сталин даври учун оддий хол эди. Корейсларни бутун Ўрта Осиёга, асосан қишлоқ жойларига жойлаштиришди. Шу бўйи колхозларда яшаб келишяпти. Маҳаллий шароитга кўникишди, лекин бошқа миллатлар билан қўшилиб кетишмади. 1983 йили хотиним билан Тошкентда бўлганимда унинг бозорларида кўплаб корейсларга кўзим тушди. Улар жон сақлаб қолишган эди.

Ўзбекистонда бўлган пайтимизда, у ерда ёзув ислоҳоти амалга ошаётган эди. Мамлакатда араб имлосидан лотин имлосига ўтилди. Эски шаҳардаги уйларнинг рақамлари арабча битилганлигини, маҳкама қоғозлари арабча ёзилиб, рус тилига таржима қилинганлигини кўрдик. Рус мактабларида эса ўзбек тилини янги имлода ўргатишар эди. Бу борадаги ислохотлар шу билан якунланиб қолмади. Энди бизнинг Шарқ республикаларимиз кирилл алфавитида ёзишга ўтди. Буларнинг барчаси Совет мусулмон республикаларини хорижий мусулмон давлатларидан ажратиб қўйишга қаратилган сиёсат эди. Кавказортининг христиан халқлари – грузин ва арманлар, Болтиқ бўйи аҳолиси ўз ёзувида қолди. Бироқ маданият, халқнинг бутун бир тарихи, унинг анъаналари сақланиб қолаверади. 70-йиллари Москвада тралейбусда кетаётиб олдимда ўтирган татар ёшларининг хат ўқиётганига кўзим тушди. Ушбу хат араб имлосида ёзилган эди. 1979 йили Фрунзеда менга Тошкентда нашр қилинган Қуръонни кўрсатишди. У ҳам араб имлосида битилган эди. Ўзбекистонда ҳозир ҳам болалар суннат қилинади. Мосвадаги масжидга эса мусулмон байрами кунлари одам сиғмай кетади.

Энди ўзимизнинг ҳаётимиз, яшаган уйимиз, унинг эгалари ва қўшнилар ҳақида ҳикоя қиламан. Юқорида эслатиб ўтганимдек, биз дастлаб фамилияси Мирзаев бўлган бир ўзбекнинг хонадонига жойлашдик. Биринчи куни у бизга катта идишда гилос ва оқ ўрик олиб кирди. Оқ ўрик энг эрта пишадигани, ерга тўкилганида унинг қуюқ шарбати данагига ёпишиб қолади. Уйнинг сариқ сочли хўжайини бошқа ўзбеклардан фарқли ўлароқ рус тилида яхши гапирарди. Унинг хотини Кароматхон эса анча ёш, у фақат сўкинишдангина иборат бўлган русча сўзларни билади. Афтидан бу сўзларни шаҳарда извош бўлиб ишлайдиган эридан ўрганиб олган бўлса керак. У ушбу сўзларнининг маъносига тушуниб-тушунмай тўғри келган жойда айтаверарди.

Биз турган уй пахсадан қурилган бўлиб, томи теп-теккиз, поли эса лойшувоқ қилинган. Шифтга тўрсин ётқизилиб, устидан қамиш босилганди. Унинг устидан эса сомон сувоқ қилинган. Уйнинг деворларини ҳам сомон сувоқ қилиб, устидан оқлаб қўйишган. Ички деворлари эса ердан бир метр тепадан тўғри бурчак шаклида чуқур ўйилган. У жуда қулай бўлиб шкаф ва токча вазифасини бажаради. Биз уйнинг кўча томонидаги иккита хонасини эгалладик. Орқа томонида эса уй эгалари истиқомат қилишарди. Уй ўша пайтда урф бўлган ярим айвондан иборат. Улар яшайдиган хонада қишда овқат тайёрланадиган ўчоқ бор. Ёзда овқатни ташқарига қурилган ёзги ўчоқларда пиширишади. Улар жойлашган хонанинг ўрасида тўртбурчак чуқурча бор, устини паст бўйли хонтахта билан ёпиб қўйишган. Уни сандал деб аташади. Қишда ана шу чуқурчага ўчоқдан чўғ олиб ташланади. Сўнг хонтахтанинг устини пахта солинган кўрпача билан ёпиб қўйишади. Шундан сўнг оила аъзолари сандал атрофига тўпланиб, оёқларини унинг ичига тиққан холда ўтиришади: ниҳоятда иссиқ. Бундай пайтда эшикни бемалол очиб қўйиш мумкин, ташқарида эса изғирин совуқ.

Биз томонда айвон йўқ эди. Ёзда сўкичак қуриб, томорқага экилган ошқовоқни биз томонга чиқариб қўйишарди. Биз унинг салқинида тушлик қилиб, шу ерда ухлардик. Ана шундай кунларнинг бирида отам Варя билан бозордан ёғоч каравот олиб келишди. Ховлининг ичкари томонидаги сўртак остига ана шундай панжарали карават ўрнатилган. Лекин у жуда ҳам катта.Унга ўта баланд қилиб кўрпа-тўшакларни йиғиб қўйишади. Искаб топардан химояланиш учун кечқурун пашшахона қуриб олишади. Искаб топарлар майда бўлгани билан жуда ҳам зарарли. Чаққани унчалик билинмайди. Бироқ унинг ўрни кейин шунчалик қитишадики, бир неча кун уни қон чиқинча қашлаб юришга тўғри келади. Оиламиздагилар аста-секин бунга кўникиб кетишди. Лекин онам иккаламиз ёз бошланди дегунча ундан қаттиқ азият чекардик.

Биз томонимизда кичкина томорқа бўлиб, ошқовоқдан ташқари бу ерга помидор, қовун ва бошқа нарсалар экиларди. Томорқанинг чеккасида хожатхона жойлашган. У ҳам жуда оддий тикланган: кефир идишига ўхшаб кетадиган юмалоқ хандак қазиб, унинг устини ўртаси тешик тахта билан ёпиб қўйишган. Атрофи эса одамнинг белидан келадиган пахса билан ўралган. Хандак тўлиши билан ёнига бошқасини ковлашади. Ховлининг орқа томонида боғи бор.

Бу ерда ўрик, гилос, бехи парваришланади. Бехини илгари кўрмаганимиз учун уна дастлаб олма деб ўйлаган эканмиз.

Кўп ўтмай биз қўшни ховлига, Ғофиржон Шарипов истиқомат қиладиган Қизил карвон кўчасининг 86-уйига кўчиб ўтдик ва бу уйда бир неча йил истиқомат қилдик. Опа-сингилларим ховлидаги алохида уйга жойлашишди. Биз турган хонада овқат тайёрланадиган  плита, иссиқлик бор. Уйнинг эгаси рус тилини яхши билмайди. У темир йўл депосида боғбон бўлиб ишлар экан. Мутлақо саводсиз, шунга қарамай партия аъзоси эканлиги бизни хайратга солди. Ёзишни билмагани учун менга бепул кўмир, ёғоч ёки пул олиш ҳақида тез-тез ариза ёздириб оларди Хотини Ойимчахон ҳам рус тилини билмайди. Уларнинг иккита фарзанди бор. Қумри синглим Ирина билан тенгқур, бироз оқсаб юради. Ўғли эса энди бир ёшга тўлган.

Ота-онамиз жуда самимий инсонлар. Уларнинг яхши тарбия кўришганини айтмай қўя қолай. Ана шу сабабли  махаллий аҳоли билан  тез тил топишиб кетарди. Биз ҳам болалар билан дарров дўст тутиниб олдик. Тенгқурларимиз биринчи бўлиб бизга ўзбекча сўкинишларни ўргатишди, ўзимизникига қараганда уларнинг тури кўп экан. Қўшнимизнинг ўғли Музроп хали танишиб-танишмай туриб «Ленини кўрганмисан?», « Россияда ун қанча туради?» деб сўради. Айтиш жоизки мамлакат 1933 йилги очарчиликдан эндигина қутилаётган эди. Марказда яшаганимизда Россия деган сўздан биз анча бегоналашиб қолгандик. Бу ерда ушбу сўз яна ўзгача маъно касб эта бошлади. Маҳаллий аҳолининг Россияга қизиқиши баланд эди. Ўзбеклар энг сифатли буюмга «Николайники» деб таъриф беришарди. Бир куни Музропнинг отаси мени ичкарига чақириб, бир нималарни узоқ тушунтиришга ҳаракат қилди. Мен фақат «бозор» ва «қозон» деган сўзларни тушуна олдим, холос. У мени қозоннинг олдига олиб бориб, унинг қулоқларини кўрсатдида, имо-ишора билан бозорга олиб боришимиз кераклигини тушунтирди. Мен олдинда, у орқада бўлиб бозорга йўл олдик. Бозорга етгач қўшнимиз менга рухсат бериб, қозонда тўла турган нўхатни сотишга киришди. Кечки пайт махалламизда катталар пулга ошиқ отишарди. Уларнинг орасида нўхатчи тоғани ҳам учратдим. У яна имо-ишоралар билан мени олдига чақириб, қўлимга бир сўм тутқазди. Бу бояги меҳнатимга хақ экан. Шериклари эса эрталабки ишимдан бехабар, нўхотчи ўйинда ютиб олиш учун шундай қилди, деб ўйлашди. Балки шундайдир... Бу ерда ошиқ ўйнаш кенг оммалашган. Бунинг учун сўйилган қўйнинг олди тиззасидан ошиғини ажратиб олишади. Ошиқ отилганида унинг бир томони тепага бўлиб тушади. Ҳар бир томони ўз қийматига эга: чижа, пука, олчи, олтова. Охиргиси энг қиммати. Одатда тўртта ошиқда ўйнашади. Бу ўйинда ҳеч нарса аяб ўтирилмайди, шунинг учун у жамоат жойларида қатъий таъқиқланган. Бундан ташқари гугурт отишади. Бунда қути уч хил ҳолатда ерга ётади. Энг қиммати унинг тик туриб қолиши. Болаларнинг ўйини эса худди бизнинг ошиқ ўйинимизга ўхшашди. Бунда ошиқ вазифасини ёғоч соқа ёки ёнғоқ бажаради.  Ланка ўйини ҳам бор.Уни тайёрлаш учун қўй терисининг бир бўлаги қирқиб олиниб, унинг орқасига танга ёки қўрғошин ёпиштирилади. Бу ланканинг ҳавода теккиз ҳаракатланишини таъминлайди. Уста ўйинчилар ланкани чап, ўнг оёғи, тиззасини буккан ҳолда олди ва орқа томони билан ҳам тепа олади. Ланка ерга тушиб кетмагинча тепилаверади. Ана шундан кейингина у бошқасига ўтади. Бу ерда «чиллак», «казаклар ва қароқчилар» ўйинларини учратмадим.

Илгари биз уйида яшаган Мирзаевнинг яқин ерда яшайдиган опаси ва иккита акаси бор эди. Опасининг эри ёзда қамоқдан чиқди. Унинг саккиз ёшли ўғли бу қувончли хушхабарни нишонлаш учун кўчага танга сочди. Болалар талашиб юриб уни битта қолдирмай териб олишди. Хўжайинимизнинг укаси Абдураҳмон мен билан тенгқур бўлиб, унчалик кўзга ташланиб турмасди. Унинг акаси Хожи эса 25 ёшга тўлган бўлиб, шеър ёзарди. У рус тилида яхши гапирарди.  «Ақлли», «зиёли» сўзларни қўшиб гапиришни яхши кўрарди. Ўшанда рамазон ойи эди. Махаллий аҳоли рўза тутиб, эрталабдан-кечагача оғзига ҳеч нарса олмасди. Хожи биз билан тушлик қилиб бўлгач, кўчага чиқиб оғзида чайнаётган гўштни қўшнисига кўрсатиб, мақтана кетди: «Чўчқа гўшти еяпман!» Бу миллий анъаналарга қарши чиқиш билан баробар эди. У отам билан суҳбатлашиш учун бизникига кўп кирарди. Афтидан уни отам эмас, балки сингилларим кўпроқ қизиқтирарди. Мен Хожидан исми-шарифимни араб имлосида ёзиб беришини сўраган эдим, у илтимосимни дарров бажарди. Кейин мен бу сўзларни пичоқ билан деворга ўйиб туширган эканман. Бу ишим ножўя эканини кейин тушуниб қолдим.

Яна бир ҳолат: у Хожи билан боғлиқми-йўқми мен учун мавҳум бўлиб қолди. Отам Янги шаҳардаги ресторанда музикант бўлиб ишлашини, доимо иш-

дан кеч қайтиб, онамни безовта қилишини илгари айтган эдим. У ярим тунда ишдан қайтаётиб Пиён бозор билан Эски шаҳарни боғлаб турувчи катта йўлдан тор кўчага бурилади. Осмонда чарақлаб турган ой ўхтин-ўхтин булутлар остига яширинарди. Бир жойга етганда отамга олдиндаги нураган девор орасидан кимдир мўралагандек бўлиб туюлади. Шунда у роялни созлашда ишлатиладиган темир калитни химояланиш учун шай қилиб қўяди. Шубҳали ерга етганда девор ортидан пичоқ кўтарган кимса унга ташланади. Отам калитни чиқариб, у билан қароқчининг бошига солади. Йўлтўсар кутилмаган зарбадан тиззалаб қолади ва шу ҳолда кўздан ғойиб бўлади. Бу ходиса Хожининг уйидан 100 метр нарида юз берганди. Икки кундан сўнг у бошини дока билан боғлаган ҳолда уйимизга кириб келди. Нима бўлди, деб сўраганимизда «яра чиқди» деб қўя қолди. Отамга ташланган шу эдими ёки бошқасими, билмай қолдик. Кўп ўтмай Хожи умуман бизга кўринмай қўйди.

Ўзбек маҳаллаларида онда-сонда бўлса ҳам махаллий аҳоли билан ёнма-ён яшайдиган рус оилалари учраб турарди. Масалан, Смутинлар оиласи Қўтан ариқнинг нариги томонида истиқомат қилган. Биз яшаган Қизил карвон кўчаси ҳам шу ариққа ёнма-ён жойлашган эди. Ариқда одамлар ҳам, отлар ҳам чўмилаверарди. Смутинлар оиласи инқилобдан аввал бу ерга кўчиб келган руслардан ҳисобланади. У учига чиққан пиёниста эди. Ўғлининг айтишича илгари ички ишлар маҳкамасида ишлаган, қўлга тушган босмачиларни отиб ташлашда қатнашган экан. Ана шундай пайтда кайф, этиклари қон ҳолатда ишдан қайтарди. Шу ахволда у Қўтан ариқдаги тор кўприкдан қандай ўтиб олганига хайрон қолардим, дейди унинг катта ўғли Анатолий. Фарзандлари отасини сизлаб туриб, уни ёмон кўриши мени кўп бора ажаблантирган.

Турли йилларда бизга ҳар хил тоифадаги рус оилалари қўшни бўлган. Бир пайтлар отам билан битта оркестрда ишлаган пианиначи оиласи истиқомат қилган эди. Уларни яхши эслай олмайман. Қўшни уйда сибирлик темирйўлчи, паравоз ҳайдовчиси ўз оиласи билан яшаган. Унинг семиз хотинини Сибирдаги фуқаролар урушида урф бўлган қўшиқлари орқалигина эслаб қолганман:

*«Бизга вахший чехлар хужум қилишди,*
*Жондан азиз қишлоғим ёндиришди...»*

Биздан бир уй нарида, махаллада ягона бўлган болахонали уйга Гребеньшиковларнинг кўп болали оиласи жойлашди. Улар ҳам Сибирдан келишганди. Оила бошлиғини негадир эслай олмайман. Қизларининг бири ғоятда соҳибжамол эди. Шаҳар боғидаги ховузда чўмилганида албатта икки-учта ўзбек уни еб қўйгидек томоша қилаётган бўларди. Мендан икки ёш катта бўлган ўртанчи ўғли билан мен дўст тутиндим. У Эски шаҳарни радиолаштиришда слесарми, монтёрми бўлиб ишлаган. Бошқа қўшнилар ҳам бўлганди, бироқ ҳаммасини эслаб қолмаган эканман.

Яна ортга чекинсам.

Биз кўчиб келганимиздан кейин бир ойдан озроқ вақт ўтиб, аниқроқ қилиб айтганимда 1934 йилнинг 12 июнида энг кичик укамиз туғилди. Ўзини доимо хушчақчақ олиб юрадиган отам диний китоб варақлаб унга мос исм қидира бошлади: Пуд, Комод, Африканга келиб тўхталган бўлсада, Георгий деб исм беришди. Кейинчалик уни Готька деб атай бошладик. Готька Ўрта Осиё мухитига биздан кўра тез мослашди. Ташқи кўринишидан ҳам ўзбекларга ўхшаб кетарди. Ёз ойларида Қўтан ариқ бўйидаги эски йўл қалин тупроқ билан қопланарди. Ёзда қачон қарасанг болалар сувдан чиқиб, тупроққа буланиб ётган бўларди. Уларнинг орасида албатта Готькани учратардик. У ўзбек қўшниларимиз ҳаёти билан яшаб, уларнинг ўйинини ўйнарди, тили, феъл-атворини ўзлаштириб борарди.

Энди яшаш тарзимиз, турмушимиз ҳақида гапирсам. Онам кунлик овқатни ховлидаги очиқ ўчоқда тайёрларди.Ўчоқ бир нечта ғиштни тахлашдан ҳосил қилинган бўлиб, унинг устига кастрюл, қозон ёки чойнак қўйиш мумкин эди. Остидан паст қилиб олов ёқиларди. Ўтинни бозордан сотиб олардик. Ўн дона ғўла бир сўм турарди. Шундан бўлса керак хозиргача мен ўтинни тежаб ишлатаман. Бундан ташқари керосинка(примус)лар бўларди. Керосин ҳам бозордан олиб келинарди. Фанарное масло деб ҳам аташарди. Ўзбеклар Ф ҳарфи ўрнига П ҳарфини ишлатиб панарёғ деб аташган. Панарёқни асосан болалар сотишарди. Электр йўқ эди, ўрнига чироқ ёқишарди.Унга пилик ва панарёғ керак бўлган. Бироқ радио бўларди. У орқали эрталабдан кечгача фақат ўзбек мусиқалари бериларди, кўникишимиз жуда қийин бўлган. Қишда эса уйда плиткада овқат тайёрлашган. У билан уйни ҳам иситиш мумкин эди. Ёқилғи сифатида чигит пўчоғи(шелуха) ишлатилган. Уни улгуржасига махаллий ёғ заводидан сотиб олиш мумкин бўлган. Пўчоқ яхши ёнарди. Фақат чириб қолишига йўл қўймаслик керак, акс холда портлаб кетиши мумкин эди. Тошкўмир ўта тақчил

бўлган, ўтин ҳақида гапириш ҳам мумкин эмасди. Ичиш, овқат қилиш ва чўмилиш учун сувни Қўтан ариқдан олганмиз. Фақат қишдагина у тиниқлашарди. Бошқа пайтда лойқа бўлиб оқарди. Челакда тиндиргандан кейин ичиш мумкин эди. Айрим пайтда тушликни ёғ заводининг ошхонасидан олардик. Йилнинг исталган вақтида дастурхонимизда мева-чевалар турарди.

Ўрта Осиё меваларига мақташга тил ожиз! Хилма-хиллиги, таъмининг мазалиги жиҳатидан на Кавказ, на Қрим, на Молдавия мевалари уларга тенг кела олади. Хиди бутун уйни тутиб, оғизда эриб кетадиган тилни ёрар қовунлар, ҳам ширин, ҳам нордон, ҳам данакли, ҳам данаксиз, оқ, қора, қизил рангларда товланувчи «келинбармоқ» узумлар, турли хажм, турли ранг, турли кўринишдаги хушбўй шафтолилар, шираси томиб турадиган анжирлар, олхўри, нок, гилослар шу заминда етиштирилади. Тарвузни еб бўлганингиздан кейин унинг шираси шу қадар ўткирки, ювмасангиз бармоқларингизни бир-бирига елимдек ёпиштириб қўяди. Бир неча йилдан сўнг Москвага қайтганимда ўрта полосада етиштирилган меваларни оғзимга ололмай юрдим. Улар ниҳоятда бемаза эди.

Андижонга келганимизнинг биринчи йили, яъни 1934 йилда очарчилик оқибатлари яққол сезилиб турарди. Отам маҳрум қилинганлардан эди. Хозир ҳеч қандай маънога эга бўлмаган ушбу сўз ўша вақтда бошқача эшитиларди. Бундай тоифадаги кишилар сайлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинарди. Буни кимга ҳам кераги бор, ўша пайтдаги сайловларнинг қандай ўтгани кўпчиликка аён. Ҳамма гап маҳрум этилган деган тамғанинг пешонага босилишида эди, худди негрнинг танаси қора бўлганидек. Ушбу тоифадаги кишилар паст табақа ҳисобланарди. Карточка тизими йўлга қўйилган пайтда бизга маҳрум қилинганлар учун чиқарилган карточкаларни беришган. Тўғриси бу бошқа карточкалардан қандай фарқ қилганини билмайман. Бироқ бизлар учун махсус дўкон ташкил қилинган бўлиб, у шаҳарнинг биз турган жойга қарама-қарши томонида жойлашганди. Қийинчилиги шунда эдики, бир кунда хатто уч марта бориб-келишимга тўғри келган. Бир йилдан кейин карточка тизимини бекор қилишди. Лекин нон учун узундан-узоқ навбатда туриш сақланиб қолган эди. Ўша пайтда бутун иттифоқда бўлгани каби бу ерда ҳам «чет элликлар учун» деб ёзиб қўйилган «торгсин» дўкони очилган. Унда фақат олтин, кумуш ва валютага савдо қиларди. Агар Хитой консуллигини ҳисобга олмаганда Андижонда чет элликлар йўқ эди. Олтин ва кумуш эса яшаш қанчалик қийин бўлмасин одамларнинг қўлида бор эди. Шунинг учун бу ерда ҳар куни савдо-сотиқ қизигандан-қизиб, одамларнинг қўлидаги нодир металларни суғириб олишарди. Бир куни ўша торгсинни боплаб ўмаришди. Фақат бир йилдан кейингина ўғриларни ушлашган.

Биз Загорскка қараганда бу ерда тўкин яшай бошладик. Тикув машинаси, велосипед, радиоприемник сотиб олдик. Отам велосипедга ўтириб «Йигирма беш йилдан кейин биринчи марта эгарга ўтиряпман» деб қувонгани эсимда. Шуни айтиш керакки, Ўрта Осиёда велосипед Россияга нисбатан кенг оммалашган. Чунки бу ерда ундан йил давомида фойдаланиш мумкин. Бунга яна бир мисол. Бир куни темир йўл вокзалига катта партияда велосипедларнинг келтирилиши бутун шаҳарни қалқитиб юборди. Кечқурундан бошлаб одамлар марказий кўчада жойлашган «Спорт товарлари» магазини ёнида навбатга туришди. Эрталабга келиб бу ерга одам сиғмай кетди. Дўкон очилгач велосипед учун чеклар «Парк» кинотеатрида сотилишини эълон қилишди. У бу ердан иккита квартал нарида жойлашган эди. Кўп ўтмай чекни олиб кела бошлашди. Ярим одам шу ерда қолганди. Бир зумда тўполон бошланди. Дўкон деразалари чил-парчин бўлди. Шунда янги велосипед олгандан кўра эскисини минган афзал эканини тушунганман. Отам ресторандаги оркестрда ишлаш билан бирга бу ердаги академик театр билан ҳам ҳамкорлик қиларди. Оилавий архивимизда отамнинг қўли билан ёзилган қуйидаги ариза сақланиб қолган:

*Андижон давлат ўзбек театри директорига*
*В.С.Трубецкойдан*

**АРИЗА**

*«Севги ва макир» драмаси мусиқаси учун ноталарни кўчириб олишга рухсат беришингизни сўрайман. Чунки менда унинг биронта нусхаси қолмаган.*
*26.07..... В.Трубетской.*

Отамнинг мусиқий йўналишдаги бошқа бир фаолияти ҳам бўлган. У миллати румин бўлган скрипкачи Филипп Харкоти билан сайёр оркестр ташкил этишган эди. Ушбу оркестрнинг Фарғона водийсидаги фаолиятини тасдиқловчи бир қанча ёзма маълумотлар сақланиб қолган. Мана, улардан бири:

*Ф.Харкоти бошқарувидаги жаз-окестри фаолияти ҳақида*

**МАЪЛУМОТ**

*Мазкур йилнинг 5 март куни жаз-банд ИТР культбазасида икки марта, 6 март куни Қувасой цемент*

*заводи ишчилар клубида бир марта концерт берди. 6-куни кундузи болалар учун концерт ташкил этилди. Барча концертлар муваффақият билан ўтди, артистлар яхши ижро этишди. Тингловчилар оркестр ишидан мамнун.*

*Маданий тарғиботчи: Реднюк*
*Котиб: Пятаков*
*7 март, 1936 йил.*

Оиламизда отам ва Варядан ташқари Гриша ва Татялар ҳам ишлайдиган бўлишди. Гриша маданият ва истирохат боғида киномеханик бўлиб ишларди. Бироқ тез фурсатда ишни ташлаб, Тошкентга киномеханиклик курсида ўқиш учун кетди. Курсни тамомлагач уни Помир трактидаги Гулча деган жойга юборишди. У ерда бироз ишлаб Андижонга қайтиб келди. Кўп ўтмай Андижондан 40 километр нарида жойлашган Сталинск(Шаҳрихон) район марказига кўчиб кетди. У ерда янги клуб очилган экан, Гриша шу ерга киномеханик бўлиб ишга кирди. Мен поездда, велосипедда унинг олдига бир неча марта борганман. Варя эса Андижонда яшаган уч йил мобайнида жуда кўп жойларда фаолият юритди: қуёнчилик бўйича инструктор, чорвачилик станциясида хронометрчи, грен заводда йигирув цехи бригадири бўлиб ҳам ишлаган. Сўнгра шаҳар физкультурачилар советида иш бошқарувчи бўлган. Ишида 175 сўмдан 200 сўмгача маош олган.

Мана унинг ўқиш жуда қийин бўлган қораламаларида сақланган айрим сатрлар:

*Чироқнинг олдида бошингни эгиб,*
*Хат ёзганингда кўзларинг чақнаб*
*Мен сени яхши кўраман.*
*Сен эса на кўрдинг, на эшита олдинг,*
*Охиста шивирлаб қилган орзуим.*

Ёки:

*Уйқу киприкларим намлаб ўтади.*
*Биламан, тушимга нима киришин-*
*Қуёш, сен ва яна ўрмон*
*Ва оҳиста мени бошлаб кетасан,*
*Тикка тушган сўқмоқ йўл бўйлаб.*

Татя қаерда ишлаганини эслай олмадим. Охирги бир ярим-икки йил ичида рабфакка қатнаганини эслайман.Отам биз келгунимизча балиқ ушлайдиган сават сотиб олган экан. У тол новдаларидан тўқилади. Ёз кунида у, Гриша, Володька ва мен балиқ овлаш учун поездга ўтириб Эски шаҳарнинг орқасида жойлашган Андижон-2 станциясига бордик. Темир йўл шаҳарни айланиб ўтар эди. Махаллий аҳоли ушбу станцияни Харкоп деб аташар экан. Бу қизиқ ном Андижон-Харьков сўзидан келиб чиққан экан. Станциядан икки-уч километр нарида дарё оқади. Дарёга бориш учун дастлаб темир йўлдан юриб кўприкка етиб олдик, сўнг қирғоқ бўйлаб ҳаракат қилдик. Йўлда пахта далалари кўринди. Хожатга ишлатиш учун лўппи чаноқларда турган момиқ пахталарни териб олдик. Белгиланган жойга келгач, саватни сувга ташлаб, ортимизга қайтдик. Эртаси куни уни текширгани дарёга Володя иккаламиз борадиган бўлдик. Кеч кириб қолганди. Саватга ҳеч нарса илинмабди. Яна сувга ташлаб ортимизга қайтдик. Бу сафар йўлимизни яқин қилиш учун шолизор оралаб кетдик. Улар тўртбурчак, учбурчак шаклида бўлиб, хажми 30х30 метрдан ошмасди. Ҳар бири морзасигача сув билан тўлдирилган. Унинг полидан юриб кетдик. Сўнг қамишзор, ундан кейин узум экилган майдонлар ва яна қамишзордан чиқдик. Қуёш уфққа бош қўйиб, атрофни искабтопарларнинг ғинғиллаган товуши тута бошлади. Тинмай бақалар қурилларди. Бироз юриб таниш кўприкка чиқиб олдик. Сен қиламан дейсан ўттиз, худойим қилади тўққиз. Биз вақтни тежаймиз деб яқин йўлимизни узоқ қилиб олган эдик. Станцияга етиб келганимизда поезддан асар ҳам қолмаган экан. Қоп-қоронғи тунда уйга пиёда йўл олдик. Йўл нотаниш, лекин Андижон II станцияси билан Эски шаҳар ўртасида бошқа йўл йўқлиги учун адашиш мумкин эмасди. Бир жойда пиёз экилган майдонга дуч келдик. Пиёз шунчалик катта эдики, улардан бир нечтасини юлиб олдик. Бироқ яқин чойхонада ўзбеклар бизни қўполлик билан тўхтатиб, қўлимиздаги пиёзни тортиб олишди. Албатта ўзимиз айбдор эдик. Ярим тунда уйга етиб келдик. Лекин қандай қилиб иккинчи бор сават текширгани борганимизни эслай олмайман.

Шуни айтиш керакки, ўзбеклар етиштирилган барча ноз-неъматларга ўта ҳурмат билан қарайди. Ерда ётган битта дон, кичкина нон увоғи ёки пахта толасини кўрса дарров кўзига суртади ва қушлар есин деб оёқ ости бўлмайдиган жойга олиб қўяди ёки балиқларни ҳақи деб сувга ташлайди. Мавсумда йўл бўйидаги дарахтларга тўкилган пахталарни солиш учун махсус яшчиклар ўрнатиб қўйишади. Шунда бу хожатга ишлатадиган оддий нарса эмаслигини тушундик. Бу анъана хозир ҳам Ўзбекистонда сақланиб қолганми, йўқми билмадим.

***(Давоми келгуси сонда)***

# АЛИМҚУЛИ ҲАҚИДАГИ ЯНГИ КИТОБ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

**МУЗРОБЖОН АБДУЛЛАЕВ,**
**СОИБЖОН ХОШИМОВ**
тарих фанлари номзодлари, доцентлар (Андижон)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Озарбайжон Республикаси Президенти Хайдар Алиевнинг ҳозирги Ўзбекистон миллий университет жамоаси билан учрашувида сўзлаган нутқида ***«Биз, Туркистон*** халқи Россияга ҳам, Совет Иттифоқига ҳам ўз ихтиёримиз билан қўшилган эмасмиз», деб айтган. Подшоҳлик Россияси босқинига, советлар тажовузига қарши Ўрта Осиё халқлари елкама-елка туриб қарийб 130 йил давомида озодлик курашини олиб борди. Шу жараёнда халқ орасидан ватанпарвар, улуғ сиймоларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди. Улар ҳақидаги бор ҳақиқатни эслаш хайрли ва шарафлидир. Бундай халқ қаҳрамонларидан бири, Андижон фарзанди Амир лашкар Алимқул бўлган. Унинг қисқа ҳаёти, қаҳрамонона фаолияти Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистонда нашр юзини кўрган бир қанча китобларда, тадқиқотларда, диссертацияларда қисман ўз ифодасини топган. 2016 йилда Бишкекда Ўтеген Эбдираманнинг қозоқ тилида «Қўқоннинг сўнгги хони қипчоқ Алимқул Амирлашкар» (Өтеген Әбдіраман «Қоқанның соңғы ханы қыпшақ Әлімқұл Әмірлашкер») номли китоби (387 бет) нашрдан чиқди. [1]

Унда Қўқон хонлиги таркибидаги ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, уйғур ва бошқа халқларнинг подшоҳлик Россияси босқинига қарши олиб борган кураши тарихига оид турли даврларда аксарият рус тилида яратилган китоблардан, тадқиқотлардан, эсдаликлардан парчалар, эълон қилинган мақолалар келтирилган. Уларнинг айримларигина рус ва қозоқ тилидадир. Қозоғистонлик ўзбек олими Зиёвуддин Ильхомовнинг мақоласи рус ва қозоқ тилларида келтирилган: «Роль последнего хана Коканда кипчака – Алимкули Амирлашкара против завоевателей Средней Азии и Казахстана» (15-21 бетлар) (З.Ильхомов. Қоқанның соңғы ханы Әлімқұл Әмірлашкер Орта Азыяны жаулаушыларға қарсы курестегі орны 22-27 бетлар). Мақола рус тилидан қозоқчага Ақайдар Ысымулы томонидан таржима қилинган. Китобнинг 29-40 сахифаларида Е.А.Глущенконинг «Россия в Средней Азии. Завоевания и преобразования» китобининг Алимқулга дахлдор қисмидан парча келтирилган. 1958 йили Москвадаги Шарқ адабиёти нашриётида СССР фанлар академияси Шарқшунослик институти номидан нашр этилган П.П.Ивановнинг «Очерки по истории Средней Азии (XVI – середина XIX в.)» китобидан (42-77 бетлар) Қўқон хонлиги номи остида матн келтирилган. В.Наливкиннинг 1886 йили Қозонда нашр этилган «Краткая история Кокандского ханства» асаридан 10 бет келтирилган. Шунингдек, К.К.Абазанинг «Завоевание Туркестана. (Рассказы изъ военной истории, очерки природы, быта и нравовъ туземцевъ – въ общедоступномъ изложении. С-Петербург. 1902) китобидан 24 бет матн келтирилган. Матн билан бирга Туркистон шахридаги Султон Аҳмад Яссавий масжидининг олд қисми, Генерал-лейтенант М.Г.Черняев суратлари келтирилган. Асарнинг «Занятие Ташкента» бўлимида туя билан турган туркистонлик киши, Тошкент шахрининг қалъа дарвозаси, генерал-лейтенант А.К.Абрамов суратлари келтирилган.

Тўпламнинг 116-148 бетларида 1910 йили Тошкентда Туркистон генерал-губернатори канцелярияси босмахонасида чоп этилган Н.Павловнинг «Історія Туркестана. Въ связи съ краткимь историческимь очеркомь сопредельныхь странь» номли китобининг «Кокандское ханства», «Султань Садыкь», «Покорение Кокандского ханства» сарлавҳалари остида матн келтирилган. Тўпламдаги А.И.Добромысловьнинг 1912 йили Тошкентда нашр этилган «Города Сырь-Дарьинской области — Казалинскь, Перовскь, Туркестань, Ауліе-ата и Чимкент» китобидаги «Завоевание г.Туркестань вь 1864 году», «Завоевание г.Чимкента вь 1864 году» сарлавҳали материаллар билан биргаликда 16 та ноёб тарихий суратлар — Ахмад Яссавий мақбарасининг олд қисми, Туркистон шахрининг умумий кўриниши, Авлиё отадаги от бозори, Казалинскдаги ғалла бозори, Чимкент шахрининг ғарбий қисми, Чимкент қалъаси ва унинг ғарбий қисми, Сайрам қишлоғи, Тошкент қалъаси, Қўқондаги хон саройи, Бухоро амири Саид Музаффар суратлари келтирилган.

[1] Жинақ Кенес Одағынын батыры, ҳалык Қаһарманы, армия генералы Сағадат НУРМАҒАМБЕТОВ атындағы ҳалықаралық қор бағдарламасы бойынша жарык корип отыр. Өтеген Әбдіраман «Қоқанның соңғы ханы қыпшақ Әлімқұл Әмірлашкер». Бишкек 2016. Типограия Maxprint

Тўпламга С-Петербургда чоп этилган А.П.Макщеевнинг «Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских» (Туркистоннинг тарихий шархи ва унга русларнинг ҳужумкорлик ҳаракати) рисоласи киритилган бўлиб, унда Алимқулнинг Қўқон хонлиги сарҳадларида руслар босқинига қарши олиб борган сиёсий, ҳарбий тадбирлари ёритилган. Асарнинг IX боби — «Қўқон ҳонлигига ҳужум ва 1864-1867 йилларда Бухоро билан уруш бошланиши» тафсилоти акс эттирилган (170-191-бетлар). Бобдаги матнга мувофиқ равишда босқинни фаол иштирокчилари, ташкилотчилари, ҳарбий саркардалар – В.А.Перовский, И.Ф.Барамберг, М.Г.Черняев, М.Д.Скобелев, Н.А.Крижановский, К.П.Кауфман, Д.А.Милютин, Н.Н.Обручев, А.Б.Вревский, П.И.Мищенко, Г.А.Колпаковский, А.В.Самсонов, А.К.Абрамов, Н.Н.Болвачев, В.Н.Троицкийларнинг асл суратлари ҳам берилган. Шунингдек, Қўқон хонлигининг Перовск фронти қалъаси қолдиғи расми ҳам келтирилган. Тўпламдан жой олган М.Л.Юдин қаламига мансуб «Взятие Акь-мечети в 1853 году как начало завоевания Кокандского ханства» (1853 йилда оқ масжидни олиниши Қўқон хонлигини босиб олинишининг бошланиши сифатида) номли 1912 йили чоп қилинган китобидан асл ҳужжатлар, материаллар, жумладан, Худоёрхон, унинг ўғиллари Насриддинбек, Мадаминбекларнинг суратлари жой олган. Улардан бири А.Вамберининг «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» (М.1874) асарида туркий халқларнинг энг йирик қабилаларидан, жумладан ўзбек халқи этник таркибидаги асосий компонентлардан бири бўлган қипчоқларга берган мана бу таърифи ҳам келтирилган: ***«Кипчаки принадлежать к самому древнему и первоначальному тюркскому племени.***

Кипчаки же храбростью превосходять все народы Средней Азии и беспорно представляют с собой самый верный образец могущественной орды, перевернувший всю Азию. Несмотря на свою малочисленность, кипчаки имеють и теперь сильное влияние на политические события ханов» (195-бет).

Таниқли сиёсий арбоб, Туркистон мухторияти раиси Муҳаммаджон Танишбоевнинг ҳам Алимқул ҳақидаги фикри қозоқ совет энциклопедиясида, халқаро энциклопедияда Алимқул тўғрисидаги биографик маълумот, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидан 1854 йилдаги қипчоқ ва қирғизларнинг қўзғолони 4 жилдлик «История Узбекской ССР»нинг I-жилдида келтирилган. «1853 йилдаги қипчоқлар ҳаракати» номли иқтибоси тўпламдан жой олган. Ўзбекистон тарихини Х.Н.Бобобековнинг 1990 йил «Фан» нашриётида чоп этилган «Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономическое предпосылки» китобидан кичик бир парча келтирилган. Шунингдек, Алимқулнинг жанг бўлиб ўтган ғалабасини ёдга келтирувчи Иқон қишлоғи расми ҳам келтирилган.

Михаил Хорошиннинг 1855 йили Уральск шаҳрида чоп этилган. «Дело под Иканом 4-5 и 6 декабря 1864 года» рисоласидан 4-5 бет матн келтирилган. А.Г.Серебренников тўплаган «Туркестанский край. Сборников материалов для завоевания» (Письмо Мулла Алимқули) китобининг II қисмидан ўрин олган Алимқулнинг Зачуй отряди бошлиғи Михаил Черняевга йўллаган 2 та хати ва генерал М.Г.Черняевнинг кўшини Қўқон хонлиги ҳарбий сарбозлари. 1865 йил 18 июнда Тошкентни забт этган Георгиев кавалерлари суратлари келтирилган. Иқон жанги ва унинг 25 йиллиги билан боғлиқ шу жангда қатнашиб ҳалок бўлган рус зобитлари, ярадор бўлганлар, тирик қолганлар исм ва шарифлари Иқон қишлоғи ҳақида ёзилган мақола ва асарлар номлари, Иқон жанги бўлган жойда ўрнатилган хайкал сурати ҳам китобдан жой олган.

Китобнинг диққатга сазовор жиҳатларидан бири Алимқул аскарлари билан бирга туғ кўтариб тенгсиз жангларда курашган шоир мулла Қолибой Момбеков томонидан ёзилган «Туркистон босқинчилиги» номли тарихий поэмаси эълон қилинган. Уни Абдуғаффор Жакибов ўзбек тилидан қозоқ тилига таржима қилган. Шу поэма ҳам тўпламга киритилган. Алимқул бошчилигидаги жангларда шоир Мулло Холбек ибн Мусо Андижоний ҳам **«Алимқул жангномаси»** достонини ёзган. Унинг қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси шарқшунослик институтида сақланмоқда. Бу достон 1997 йил Р.Т.Шамсутдинов ва П.Равшановлар томонидан нашр этилган. Демак, Алимқул ҳаёти ва жасорати ҳақида 2 та достон мавжудлиги аниқланди, бири ўзбек тилида, иккинчиси қозоқ тилида нашр юзини кўрди.

Өтеген Әбдіраман муаллиф бўлган тўпламнинг бу ижобий қирраларидан ташқари унинг салбий жиҳатларини ҳам эътиборга олиш лозимдир. Биринчидан, тўплам тўла хрестоматик маънога эгадир. Алимқул ҳаёти ва фаолияти маълум даражада ёритилган юқорида номлари келтирилган материаллар хрестоматик мазмундадир. Шу боис улар тарихшунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилиши, шархланиши лозим эди. Бу материалларни тўплаб, тизимга солиб нашр этганлиги унинг хизматидир. Лекин уни китобнинг муаллифи деб эътироф этиш мумкин эмас, чунки унга, унинг қаламига мансуб Кириш қисми бўлиб, 2 бетдан иборат холос. Қолаверса, Кириш қисми мавзуга бевосита дахлдор масалалар асосига қурилмаган. Унда хусусий, ноўрин эътирозли тарафкашлик туйғуси мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивининг директори, ҳозирда мархум Эркин Абдуллаев шаънига ноўрин билдирган фикри, совет даврида ўзбеклар Амирлашкарни қозоқ деб, унга унчалик эътибор бермагани, Зангиота туманидаги аввалда «қипчоқ кўчаси», кейин «қипчоқ маҳалласи» номини ўзгарти-

риш ҳақидаги гумонлар муносабати билан мамлакат ўзбекларники, улар ўз кўчаларини қандай атаймиз деса, ўз эрки, лекин буни олдини олишнинг бирдан бир йўли 1863-1864 йиллари Қўқон хонлигининг сўнгги хони бўлган Алимқул Хасанбийнинг номи билан боғлашга бел боғлаш кераклиги, бунинг учун Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги ваколатли элчисига «қипчоқ маҳалласи» фуқаролари номидан хат ёзиб масалани ҳал қилиш ҳақидаги фикри ноўрин, ножоиздир.

Китобдаги энг қўпол хато Амирлашкар Алимқулининг Қўқоннинг сўнгги хони деб талқин қилиниши ва китобга «Қўқонни сўнгги хони қипчоқ Алимқул Амирлашкар» деб аталишидир. Китобнинг бундай номланиши мутлақо ҳақиқатга зиддир. Амирлашкар Алимқул ҳеч қачон Қўқон хони бўлмаган, у Қўқоннинг сўнгги хони ҳам эмас. Подшохлик Россияси босқини давридаги, яъни 1845-1875 йилларда Қўқон ҳонлари Худоёрхон (1845-1858); 1863 (май-июн); 1865-1875 Маллахон (1858-1862), Шохмуродхон (1862-1863); Султон Саидхон (1863-1865); Насриддинбек (1875 июл-октябр)лар бўлганлар [2].

Қўқон хонлиги таркибидаги «Туркистон шахрини қозоқ элининг асосий қалъаси» деб кўрсатилиши ҳам тарихий ҳақиқатга зиддир. Туркистон қадимги шахар, ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири — IV-X асрларда бу шахар ўрнида Шавгар (Шоважар) шахри мавжуд бўлган, XII-XVI асрларда эса Ясси деб аталган. Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарномасида» Туркистон қишлоқ тарзида берилган. Туркистон номи XVI асрдан маълум. Ўша даврда шахар Ҳазрати Туркистон номи билан машҳур бўлган. Амир Умархон даврида бу шахар Қўқон хонлиги таркибига кирган. 1864 йили Россия босиб олган. Шахарда Амир Темур қурдирган Яссавий мақбараси мажмуаси сақланиб қолган. Бу шахар Қўқон хонлигининг асосий шахарларидан бири бўлган ва подшохлик Россияси босқини даврида мустаҳкам қалъа ролъини ўйнаган. Шахар аҳолиси таркибида ўзбекларнинг нуфузи катта бўлган, қозоқлар билан бир қаторда бошқа туркий халқлар, уйғурлар, қирғизлар ҳам бўлгани ҳаммага маълум. Бундан Туркистон шахри аҳолисининг ҳозирги этник таркиби ҳам далолат бериб турибди. Ўзбекистон, Қозоғистон тарихчилари томонидан Алимқул тарихи тўлиқ тадқиқ қилинмай келинди деган иддао ҳам ўринсиздир. Аксинча, мазкур масала Ўзбекистонда кенг ўрганилган. Ўзбекистоннинг совет даврида, мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи ҳақида нашр этилган барча китобларда Алимқул фаолияти акс эттирилган. «Амирлашкар Алимқул тарихи, Алимқул жангномаси» номли рисола 1997 йили Андижонда нашр этилган. Унинг муаллифлари Ўзбекистон республикаси президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази бош илмий ходимлари профессор Рустамбек Шамсутдинов ва профессор Поён Равшановлар бўлган. Улар Ўзбекистон фанлар академияси шарқшунослик ва қўлёзмалар институтлари ҳазиналарида сақланиб келинаётган тарихий асарларнинг маълум қисмини истифода этиб, илмий муомалага киритганлар. Шундай асарлардан бири «Амирлашкар Алимқули тарихи»дир. Қўлёзма Алимқулнинг хос мулозими, шиғовул ва мушин андижонлик мулла Юнусжон томонидан 1902 йили ёзилган. Мулло Холбек ибн Мусо Андижоний эса «Сибир сургунидалигида «Алимқул жангномаси» достонини ёзган. Бу хар икки асарнинг бири тарихий, иккинчиси бадиий асар сифатида арабий битикдан кирилл ёзувига тадбиқ этилган. Бу асар жамоатчиликка маъқул бўлган. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига мувофиқ давлат буюртмаси билан тайёрланган ва «Шарқ» нашриётида 2000 йили чоп этилган 3 жилдлик «Ўзбекистоннинг янги тарихи»нинг биринчи китоби «Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» (463 бет) номли китобнинг 62-92 бетларида Алимқулининг рус босқинига қарши кураши батафсил ёритилган, ҳатто унинг йўл қўйган хатолари ҳам кўрсатиб ўтилган. Жумладан, қозоқларнинг 120 бий сардори Бойзоқбийнинг ёлворишига қарамасдан ёнига 2 боғ қуруқ беда тиқиб замбаракдан отиб юборгани жадидчи Ибратнинг «Фарғона тарихи» китобидан иқтибос тарзида келтирилган. Таниқли маҳаллий ёзувчи Хабибулло ва Р.Шамсутдиновларнинг «Ёлқин» тарихий романи «Шарқ» нашриётида 2001 йили босилиб чиққан. 2008 йили Андижонда нашр этилган «Андижон тарихидан лавҳалар» номли мақола ва ҳужжатлар тўпламида Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, А.Хакимовларнинг «Амир лашкар Алимқул» номли мақолани эълон қилинди. Унда Алимқул авлодлари шажарасининг тўлиқ бўлмаган ҳолатини акс эттирувчи жадвал берилган. 2013 йил Хабибулло Турсунматов, Рустамбек Шамсутдиновларнинг «Ёлқин» тарихий романи қирғиз тилида нашр юзини кўрди. 2004 йили Тошкент Низомий давлат университети ҳузуридаги «Ватан тарихи» мутахассислиги бўйича Ихтисослашган илмий кенгашда ўзбек йигити Зиёвиддин Ильхомов **«Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни»** мавзусида тарих фанлари номзоди илмий унвонини олиш учун диссертация химоя қилди. Алимқулининг тарихдаги тутган ўрни ва роли, саркардалик, дипломатик фаолияти университетлар тарих факультетларида битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертация мавзулари сифатида ўрганилмоқда. Ушбу камчилик ва нуқсонлардан қатъий назар, мазкур тўпламнинг нашр этилиши муҳим аҳамиятга моликдир.

[2] R.Shamsutdinov, X.Mo'minov. O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma. T. «Sharq». 2013. 274-275 betlar